

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ШАРҚ МАДАНИЯТИ  
ВА МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
МАРКАЗИ**

**ШЕРХОН ҚОРАЕВ**

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ  
МАЖЛИСЛАРИ**

**(Алишер Навоий қарашлари асосида)**

**ТОШКЕНТ**

**“DONISHMAND ZIYOSI”**

**2021**

**УЎК 821.512.133.091**

**КБК 83.3(5Ў)**

**Қ 59**

**Гулчеҳра РИХСИЕВА,  
“Алишер Навоий мероси: тадқиқотлар ва таҳлиллар”  
мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси раҳбари**

**Лойиҳа илмий раҳбари  
Афтондил ЭРКИНОВ, филология фанлари доктори**

**Масъул муҳаррир  
Нафас ШОДМОНОВ, филология фанлари доктори**

**Қораев, Шерхон.**

Темурийлар даври адабий мажлислари: Алишер Навоий қарашлари асосида.  
Ш.Қораев.-Тошкент. “Donishmand ziyosi”, 2021.-250 б.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, навоийшунос олим Шерхон Қораев каламига мансуб ушбу тадқиқотда Мусулмон Шарқи адабиётидаги адабий мажлислар Темурийлар даври мисолида ўрганилган. Асосан Алишер Навоийнинг айна мажлислар ҳақидаги қарашлари асос қилиб олинган. Темурий ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврига келиб, маданият, санъат ва адабиёт юқори даражага кўтарилди. Ўз даврида дунёда Ҳусайн Бойқаро саройи адабий мажлислари машҳур бўлган. Навоий давридаги илмий, тарихий, ижтимоий, мемуар, бадиий асарлар ва турли бошқа манбалардаги маълумотлар ҳам мавзу доирасида фойдаланилган. Алишер Навоий бошчилигидаги адабий мажлисларнинг маҳорат мактаби сифатидаги ўрни кўрсатилган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли қарорига биноан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг “Алишер Навоий мероси: тадқиқотлар ва таҳлиллар” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида нашр этилган бўлиб, навоийшунос олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва ўзбек мумтоз адабиётига ихлосманд кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Такризчилар:**

Қосимжон Содиков, филология фанлари доктори, профессор  
Малоҳат Пулатова, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2021 йил 28 августдаги мажлиси 1-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

©Тошкент давлат шарқшунослик  
университети, 2021

© “Donishmand ziyosi”, 2021.

ISBN 978-9943-6867-9-3

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ.....4**

### **I БОБ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ МУҲИТИ ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАЛАРИ**

1.1. Ўрта аср Шарқида сарой адабиёти ва шеърий мажлисларнинг шаклланиши.....13

1.2. Адабий мажлислар таснифи.....42

### **II БОБ. СУЛТОН ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИ АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

2.1. Ҳусайн Бойқаронинг “олий мажлислари” .....95

2.2. Замондош устозлар мажлислари.....129

### **III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЯТ КЕЧАЛАРИ ВА “МАЖОЛИС УН-НАФОИС”ДА АДАБИЙ МАЖЛИСЛАР ТАЛҚИНИ**

3.1. Алишер Навоий ҳузуридаги йиғинлар.....141

3.2. Навоий асарларида Темурийлар мажлислари тасвири.....148

ХУЛОСА.....227

### **Иловалар**

Навоий дostonлари ва қасидаларида Султон Ҳусайн Бойқаро базмлари (мажлислари) картинаси.....231

Адабий мажлисларда ўқилган шеърлар матлаъларидан намуналар.....236

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....237

## КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида муайян миллат маънавий меросига, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган адабий жараёнларни ёритиш адабиётшуносликнинг адабий-эстетик категорияси сифатида ўзига хос аҳамиятга эга. Адабий жараёнлар, бадиий асарлар таҳлили, турли методлар асосида матннинг талқин тамойилларини акс эттириш ва илмий-эстетик тафаккурни белгилаш адабиётшунослик ривожини ва такомилни учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида адабий жараёнлар, адабий муҳитлар сарой адабиёти вакиллари меросини ёритиш юзасидан олиб борилаётган изланишлар фан тарихи асосида унинг назарияси тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда - Янги Ўзбекистонимизда Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган бир даврда дунё адабиётшунослигида юзага келган илғор методология орқали миллий адабиёт мезонларининг янги тамойилларини шакллантириш, адабиёт тарихида сарой адабиёти ва адабий мажлисларни илмий асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабиёти тарихини янги маълумотлар билан бойитиш, айниқса, собиқ иттифоқ даврида синфийлик нуқтаи назаридан очиб берилмаган сарой адабиёти ҳамда ҳукмдорлар ҳузуридаги адабий мажлислар тарихини кўрсатиб бериш, адабиётни умуми адабий жараён билан боғлаб, муайян тарихий аспектда холис ёритиш устувор вазифалардан бири. «Жонажон Ватанимиз, янги Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим

аҳамият касб этмоқда».<sup>1</sup> Темурийлар даври адабий мажлисларини Алишер Навоий асарларида мавжуд маълумотлар орқали ёритиш, улар асосида темурийлар даври шеърият кечалари қиёфасини яратиш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон шарқшунослиги ва адабиётшунослигида темурийлар даври адабиёти ва маданиятини ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилган<sup>2</sup>.

Ўзбек олимларининг темурийлар ва Навоий даврига оид тадқиқотларида ҳам биз тадқиқ қилаётган масалага муайян тарзда тўхталиб ўтилади<sup>3</sup>. Хусусан, Темурийлар даври шеърият кечалари ва уларнинг ўз даври адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқотларда, ўзбек адабиёти тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларда баъзи маълумотлар учрайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 20 октябрь. 200–сон.

<sup>2</sup> Woods J.E. The Rise of Timurid Historiography // Journal of Near Eastern Studies, 46 (1987). – P. 96-97; Woods J.E. The Timurid Dynasty // Papers on Inner Asia. No. 14. Bloomington, Indiana: Indiana University Research Institute for Inner Asian Studies, 1990; Де Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканд в 1403-1406 гг. – Москва. Наука, 1990; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент. Ғафур Ғулом, 1990; Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. – М.: Гураш, 1992; Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан Б.Эрматов таржимаси. – Тошкент. Маънавият, 1999; Амир Темур жаҳон тарихида (мақолалар тўплами). – Тошкент. Шарқ, 2001; Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Тошкент. Адолат, 2005; Амир Темур ва ҳозирги замон (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Т, 2007; Брион М. Менким соҳибқирон – жаҳонгир Темур. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2014; Lavati M. S. Amir Temur a great uzbek statesman. Diplomatic focus. – Pakistan, 2016; Kartal A. Ali Sir Nevainin Mecalisu'n-nefais ismli tezkiresi ve XVI. asirda yapilan farsca iki tercumesi // Bilig, XIII, Istanbul, 2000. – S. 21–65; Kartal A. Baykara meclislerinde farsca yazilan bir gazel turu: Gazel-I tabl-I baz, // Turk dunyasinin ulu cinari Mertol Tulum kitabi, Hzr. Ahmet Kartal –Mehmet Mahur Tulum, Istanbul, 2017, -S.449-456; Kartal A. Baykara meclisinden yansimalar: –Edebi meclisler 1 // Divan edebiyati araştırmaları dergisi, 21, Istanbul, 2018. – S.541–562; Kartal A. Baykara meclisinden yansimalar: – Edebi meclisler 2, // Divan edebiyati araştırmaları dergisi, 22, Istanbul, 2019.-S. 525-578; Algar H, Alpaslan A. Huseyin Baykara // DIA, XVIII, Istanbul, 1998. – S. 530–532; Bolat A. Sakik-I Belhi // DIA, XXXVIII, Istanbul, 2010.- S. 305-306. Boldirev A. Cagdaslarinin hikayelerinde Nevai, (Cev. Rasime Uygun), Turk dili araştırmaları yilligi-Belleten, Istanbul,1956. -S.197-337; Eraslan S. Türkistanlı Bir Şair: Vâsîfî ve Türkçe Şiirleri // Divan edebiyati araştırmaları dergisi, XXIII, Istanbul, 2019. -S. 758–774; Kut G. Ali Sir Nevai (o 906/1501) // DIA, II, Istanbul, 1989. - S.449-453; Levend A. Ali Sir Nevai I, Hayati Sanati ve Kisiligi, Ankara: TDK Yayinlari, 1965; Togan A. Zeki Velidi. Ali Sir // IA, I, Istanbul, 1964.- S. 349-357; Halil C. Halep'te Kinalizade Hasan Celebi'nin sairler meclisi// Gazi Turkiyat, I, Istanbul, 2007.- S. 137-147; Ak, Coskun. Sair padisahlar. Ankara: Kultur Bakanligi Yayinlari, 2001; Isen M. Otelere bir ses: Divan Edebiyatı ve Balkanlarda turk Edebiyatı uzerine makaleler. Ankara: Akcad yayinlari, 1997; Isen M. Bilkan A. Sultan Sairler. Ankara: Akcag yayinlari, 1997; İpekten H. Divan Edebiyatında Edebi Muhitler, Istanbul: MEB Yaynları, 1996; Celtik H. Divan Sahibi Rumeli Şairlerinin Şiir Dünyası, Gazi U, SBE, Doktora Tezi, Ankara, 2004; Tuman M. Tuhfe-i Naili – Divan sairlerinin Muhtasar Biyografileri I-II, Haz: Cemal Kurnaz-Mustafa Tatci, Ankara: Bizim Buro Yayinlari, 2001.

<sup>3</sup> Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент. 1993; Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. – Тошкент. Университет, 1999; Мухаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент. 1994; Файзиёв – Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент. Ёзувчи, 1995; Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 1996; Амир Темур ва темурийлар даврида маданият, санъат (мақолалар тўплами). – Тошкент. 1996; Амир Темур – илм-фан ва маданият ҳомийси (халқаро илмий конференция материаллари). – Тошкент. 1999; Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. – Тошкент. Ta'lim-media, 2019.

Жумладан, С.Ғаниева,<sup>4</sup> А.Ҳайитметов,<sup>5</sup> Ҳ.Ҳомидий,<sup>6</sup> Ш.Сирожиддинов<sup>7</sup> тадқиқотлари ҳамда Ҳусайн Бойқаро девони<sup>8</sup> сўзбошисида темурийлар даври сарой адабиёти ва шеърий мажлислар ҳақида қисқача маълумотларни учратиш мумкин. “Алишер Навоий: Қомусий луғати”нинг “Кириш” қисмида ҳам бу масала қисқача зикр этилган<sup>9</sup>.

Бироқ миллий адабиётшуносликда темурийлар даври адабий мажлисларининг илмий таҳлил ва тадқиқи махсус тарзда монографик планда амалга оширилмаган. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, туркий халқлар орасидаги XX аср бошларигача ўтказилган адабий мажлислар, шу билан бирга, Алишер Навоий шеърлари ўқилган мажлислар масаласи Озарбайжон адабиётшунослигида, қисман, ўрганилган<sup>10</sup>. Турк адабиётшунослигида ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро мажлислари Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”си асосида нисбатан тадқиқ этилган.<sup>11</sup>

Мазкур тадқиқотда:

темурийлар даври қадриятлари асосида илмий-диний, ҳадис ва ваъз йиғинлари, машойихлар суҳбатлари, шеърият кечалари, мусиқа, муаммо ечиш ва шатранж мажлислари, самоъ ва қиссахонлик йиғинлари, маърака ва риндлар базмлари каби турли мажлислар классификация қилинган ҳамда мажлис иштирокчиларининг қай ўринда ўтиришлари аниқланган;

темурийлар муҳити адабий йиғинлари ҳақида маълумот берувчи энг муҳим манбалардан бири Алишер Навоий асарлари

<sup>4</sup> Ҳусайн Бойқаро. Жамолиндин кўзум равшан. Ғазаллар тўплами. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991.- Б.3.

<sup>5</sup> Ҳайитметов А. “Темурийлар даври ўзбек адабиёти”. Тошкент. “Фан”, 1996.-Б. 4-14.

<sup>6</sup> Ҳомидий Ҳ. “Кўҳна шарқ дарғалари”. Тошкент. “Шарқ” НМАК БТ, 2004.-Б.282-292.

<sup>7</sup> Сирожиддинов Ш. “Алишер Навоий” Манбаларнинг қиёсий-типология таҳлили. Тошкент. “Akademnashr”-2011.-Б.30-67.

<sup>8</sup> Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. Тошкент. “Шарқ” НМАК БТ, 1995.-Б.7.

<sup>9</sup> Алишер Навоий: Қомусий луғат. I том. Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент. Шарқ, 2016.

<sup>10</sup> Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. Ташкент. Фан, 1990; Nagieva S. Azerbaycanda Navai. Bakı, 2001; Вагабова Э.Р. К вопросу о литературно-музыкальных меджлисах в городах северного Азербайджана (XIX – начало XX в.) // Aspectus. 2015. №4. С.10-20.

<sup>11</sup> Kartal A. Vaykara meclisindin ciragan eglencelerine laleazar. Turk kultur ve edebiyati uzerini arastirmalar.Istanbul, Dogu kutuphanesi, 2017.

экани ва бу мажлислар Навоий нигоҳи ва асарларидаги мисоллар орқали таърифлангани алоҳида аҳамиятга эга экани исботланган;

темурийлар даври адабий мажлислари Шарқ адабиётидаги адабий мажлис уюштириш ва унда шеърхонлик қилиш анъанасининг давоми экани кўрсатиб берилган;

Алишер Навоий даври адабий мажлислари тасвирини келтириш орқали уларнинг шоирлар учун маҳорат мактаби экани, бундай йиғинлардаги адабий-эстетик баҳслар иштирокчилар эстетик оламининг бойитишга хизмат қилиши далилланган.

Инсоният тарихига назар ташласак, узоқ ўтмишда ҳукмдорлар саройида адабиёт, фан ва маданиятнинг изчил ривожланганига гувоҳ бўламиз. Маълумотларга қараганда, Эрон подшоҳи Хусрав Парвиз (570-628 йилларда ҳукмронлик қилган) саройида ҳам адиб, раққос ва раққосалар, ҳофиз, ноқил, ровий ҳамда оҳангсозлар хизмат қилган. Ҳамиджон Ҳомидийнинг ёзишича, *“ҳарбий, тўй, диний ва фасл маросимларига оид дасталарга Саркаш, Саркаб, Некисо Чангий, Сориш сингари бастакорлар, қизлар гуруҳига эса 300 оҳанг муаллифи шоира, раққоса ва бастакор Озадвар Чангий раҳбарлик қилган. Уларнинг ягона сардори эса бастакор, созанда, раққос, ҳофиз ва шоир Борбад Марвазий бўлган. Борбад бошлиқ санъаткорлар ва шоирлар Эрон шаҳанишоҳи Хусрав Парвиз саройида адабий мажлислар ташкил этишган”*.<sup>12</sup>

Ўз ўрнида айтиш жоизки, қадим-қадимдан подшоҳлар ҳузурида шеърият кечалари ташкил этилган бўлиб, тарихий манбаларда бундай адабий йиғинлар мажлислар(олий мажлислар) деб тилга олинади. Ҳукмдорлар ҳузурида ўтказилган мажлислар сарой адабиётининг гуллаб яшнашига хизмат қилган. Унинг иштирокчилари бўлмиш олиму фозиллар, бадият соҳиблари ҳам мамлакат, ҳам ғамхўр султон шухратини етти иқлим аро ёйилишига ва абадиятга муҳрланишига ҳисса кўшишган. Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин” асарида адабий йиғинларнинг келиб чиқишига оид ажойиб бир ҳикоятни келтиради: *“Биринчи бўлиб форсий*

---

<sup>12</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. Т: Шарқ НМАК БТ-2004. 14-б.

тилда назм битган киши Баҳром Гўр (Эрон шоҳи) эди. Ва уни мана бундай келтирганларки, Баҳром Гўрнинг Дилором деган маҳбубаси бор эди ва у ўткир зеҳн, нуктадон, мавзун ҳаракот, рост таъб, хушовоз ва чанг чалувчи эди. Ва Баҳром билан ҳамма жойда бирга бўларди ва гоҳида у билан мунозара қиларди. Баҳром бирор латифани тилга олса, у ҳам ўшанинг баробарида муносиб ва мувофиқ бирор нарсани ишро қиларди. Кунлардан бир кун Баҳром тўқайда бир шер билан олишди ва унинг икки қулогидан тутиб жазолаб, ўлдирди. Бу диловарлик ва шижоатдан ниҳоятда гурурланганидан бу мисра унинг тилига келди.

**Манам ў шеру жаёну манам пили пилла.**

(Мазмуни: У шеру жаён (йиртқич) менману у пили пилла (пиллапоя) менман).

Дилором ўша ерда эди, жавобига деди. Мисра:

**Номи Баҳром турову падарат Бу Жабала.**

(Мазмуни: Сенинг отинг Баҳром эдию, отангники Бу Жабала).

Баҳромга бу сўзлар жуда ёқди ва бу мисрани ўқиб бериш учун мажлисга олимларни чақирди. Улар назм учун қоида ихтиро қилдилар.”<sup>13</sup> Бинобарин ана шундай қилиб, тарихда шеърият мажлислари пайдо бўлган бўлса, не ажаб?!

Манбалар араб халифаликлари, Шарқда ҳукм сурган сулолалар Сомонийлар, Ғурийлар, Ғазнавийлар, Байҳақийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Ширвоншоҳлар, Шайбонийлар, Сафавийлар, Усмонли турклар саройларида юқорида тилга олинган шеърий мажлислар ўтказилгани, бундай йиғинларда кўплаб шоирлар иштирок этганини тасдиқлайди. Албатта саройда тўпланган Рудакий, Хусрав Дехлавий, Унсурий, Собир Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рашиддиддин Вотвот каби ижодкорлар араб, форсий ва туркий адабиёт равнақига бемисл ҳисса қўшгани ҳам баайни ҳақиқат.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда (1500-1601) ҳам адабиётнинг форс-тожик, туркий ва қисман араб тилида

<sup>13</sup> Фаҳрий Ҳиравий. “Равзат ус-салотин”. Т: “Мумтоз сўз”-2014.7-б.

тараққий этиши давом этди. *Ўзбек хонлари туркий – ўзбек ва тожик аҳолиси турмуш ва адабиётини умумлаштириб юборди. Шу билан бирга форс тили маданий анъаналар, шеърият ва давлат ишларини юритишида сақланиб қолди, мактаб ва мадрасаларда эса араб тили ҳукм сурди.*

*Хусайн Бойқаро давридаги Ҳирот мактабидан чиққан кўпгина шоир, муаррих, хаттот мусиқашунослар кўчманчи ўзбеклар ҳукмдорлари орасидан ўз ҳомийларини топди. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда маданий анъаналар давом этди.*

*Тўғри, Шайбонийхон иккинчи даражали шоир, мусаввирлар билан муносабатда бўлди. Темурийлар давридаги машҳур вакиллар эса Сафавийлар сулоласи ҳукмдори Исмоилшоҳ ёки Бобур ҳузурига муҳожир бўлиб кетдилар.*

*Шайбонийлар қошида Биноий, Муҳаммад Солиҳ каби темурийлар даврида тан олинмаган шоирлар қолди.*

*Оврупа адабиётида темурийлар давлати емирилгандан сўнг узоқ вақт Ўрта Осиё маданий ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, деган фикр ҳукм сурди. Туркий адабиётда энг охирги улус шахс Алишер Навоий, форсийда эса Абдурахмон Жомий деб саналар эди. Бу фикр унчалик тўғри эмас. XVI асрнинг иккинчи ярмида тузилган Бухоро шеърияти антологияси муаллифи ўз асарида фан ва адабиётга алоқадор 250 киши номини санаб ўтган. Улар орасида етук сарой шоирлари Ҳофиз Убаҳий ва Зайниддин Восифий, ҳукмдорлардан Убайдуллахон, Абдулатиф, Абдулазиз кабилар эътиборга лойиқдир.<sup>14</sup>*

Аммо собиқ иттифоқ давридаги асарларда сарой шоирлари “таъмагир, саводсиз, билимсиз, поэзияни ўзларининг паст ва кир мақсадлари, балойи нафсларига қурбон қилган”<sup>15</sup> кимсалар деб нотўғри қораланган ва мафкуравий чекловлар боис уларнинг ижоди ўрганилмаган. “Биз узоқ вақт (собиқ иттифоқ даврида) ишқ ҳақида Хоразмий, Лутфий, Навоий, Мунис, Огаҳий, Муқимий кабилар ёзган шеърий ва насрий асарларни қабул қилган, эъзозлаган ҳолда

<sup>14</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. Т: Фан-1991.-Б.21-24.

<sup>15</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т: “Бадий адабиёт нашриёти”-1963.-Б.160.

бу мавзудаги (хукмдор шоирлар) Ҳусайн Бойқаро, Убайдий (Убайдуллахон), Амирий (Муҳаммад Умархон), Феруз (Муҳаммад Раҳимхон) каби шоирларимизнинг шеърларига бепарво қараб келдик. Масалан, Огаҳийнинг “Устина” радифли ғазалига юксак баҳо берганимиз ҳолда Ҳусайн Бойқаро(Ҳусайний)нинг ҳам шу радиф билан бешта ажойиб ғазал яратганини, улар бадиийликда Огаҳийникидан асло қолишмаслигини гапирмадик. Ҳусайн Бойқаронинг “Ўртама” радифли ва бошқа ғазаллари ўз замонида ҳам, кейинги даврларда ҳам ишқий шеърнинг юксак намуналари эканидан кўз юмдик:

*Оразинг меҳринг очиб, жисмим аро жон ўртама,  
Ошкоро лутф этиб, кўнглимни пинҳон ўртама.  
Барқи ҳижрон ҳолдек жонимда басдур, сен доғи,  
Ваъдаи васл айлабон, эй аҳди ёлгон ўртама.*<sup>16</sup>

Кўқон хони Умархон Амирий ғазалларидан бирида шеърларимнинг бадиий баркамоллигини кўриб, хайрон бўлма, бу нозик таъбу бу баланд истеъдод Худованди каримнинг марҳамати туфайлидир, дейди:

*Таажжуб қилмагил ногаҳ Амир абётини кўрсанг,  
Бу таъби нозику зеҳни салим имдоди Рабдандур!*

Арузнинг туркий адабиётда машҳур, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Ўзбек ва тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. У ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги ўн минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олади.<sup>17</sup>

Шу билан бирга биз сарой шоирларини доим боши маишатдан чиқмайдиган, инсоний дард-аламлардан фориғ кишилар, деб тасаввур қилдик ва уларнинг ҳам ўз драма ва фожиалари бўлиши, тахт деб бола отасини, ота боласини аямаслиги, вақти келса “бойлар ҳам йиғлаши” мумкинлигини

<sup>16</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т: “Шарқ” НМАК БТ-2004.-Б.286-287.

<sup>17</sup> Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. Т: Ўзбекистон-2012. –Б.392.

тушуниб етмадик. Шундай бўлмаса, Ҳусайн Бойқаро мана бу шеърини ёзмаган бўларди:

*Эй ажсал, осуда қил ҳижрон балосидин мени:  
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.  
Заъфим ошти ҳажр богида сиришқу оҳдин:  
Қутқар, эй васл, ул чаман обу ҳавосидин мени.  
Эй ажсал, қўрқутма ўлтургум дебон: ўлтургасен, -  
Гар тирик топсанг фироқининг жафосидин мени...*

Албатта, биз ҳамма подшоҳлар адолатли бўлган ва адабиёт ривожига ҳисса қўшишган, - деб айта олмаймиз. Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Адиб Собир Термизийнинг Амударёда бўйнига тош боғлаб чўктирилиши, Субҳонқулихон томонидан Турди Фароғийнинг таҳқир этилиши, Маҳмуд Қатоғон буйруғига биноан Машраб дорга осилиши, Насруллохон жаллодлари томонидан Нодиранинг сўйилиб, Ҳозикнинг боши танасидан жудо этилиши – буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир”.<sup>18</sup>

Айтиш жоизки, адабий жараённи тараққий этиши бевосита адабий мажлислардан бошланган. Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги олий мажлисларда шеърини баҳсдан ташқари, янги истеъдодлар кашф этилган, турли хил асарлар муҳокама қилинган, шеърлар таҳлил чиғириғидан ўтказилган. Шоирлар султони ибораси билан айтганда, “Султон Соҳибқирон мажлисларида” Алишер Навоий ва унинг чуқур мулоҳазалари доимо қадрланган.

Темурийлар, бобурийлар, сафавийлар, шайбонийлар, аштархонийлар ва ўзбек хонликлари тасарруфидаги шаҳарларда шоирлар мажлислари ташкил этилган. Қизиғи бундай йиғинларнинг сарой анжуманларига ҳеч қандай дахли бўлмаган. Абдулқодир Бедил ҳам Аъзамшоҳ саройига хизмат қилишни хоҳламай, Акбарободга бориб, Зухурий, Иззат, Мирзо Комгор каби шоирлар билан танишиб, адабий мажлисларда иштирок этган.<sup>19</sup> Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Хива, Қўқон, Марғилон,

<sup>18</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т: “Шарқ” НМАК БТ-2004.-Б.286-287.

<sup>19</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. Т: Шарқ НМАК БТ-2004.-Б.268.

Қарши каби шаҳарларда маълум бир зиёлининг хонадони ёки боғида шоирлар йиғилиб, мушоиралар уюштиришган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, адабий мажлислар мавзусида бизда илгари тадқиқотлар олиб борилмаган. Ана шу боис мажмуада айрим хато ва камчиликлар бўлиши табиий ҳол. Бунинг учун сиздан узр сўраймиз, азиз китобхон.

# **I БОБ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ МУҲИТИ ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАЛАРИ**

## **1.1. Ўрта аср Шарқда сарой адабиёти ва шеърий мажлисларнинг шаклланиши**

Ўтмишда Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари ҳузурида шеърият кечалари ташкил этилган бўлиб, тарихий манбаларда бундай адабий йиғинлар мажлислар (олий мажлислар) деб тилга олинган. Дарҳақиқат, қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида турли ҳукмдорлар ҳузурида ёки анжуманларда шеърхонлик мажлисларини ташкил этиш анъанага айланган.<sup>20</sup> Ҳукмдорлар ҳузурида ўтказилган бундай мажлислар бир томондан мумтоз адабиётнинг ривожланиши, истеъдодли шоирларнинг шаклланиши ва танилишига хизмат қилса, иккинчи томондан адабий мажлислар иштирокчилари бўлмиш олиму фозиллар, шоирлар, бадиият соҳиблари ҳам мамлакат, ҳам ғамхўр султон шухратини етти иқлимга ёйилишига ва номининг абадиятга муҳрланишига ҳисса қўшган. Адабиётшунос З.Қувонов “Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти” номли тадқиқотида олим Навоийгача бўлган адабий-танқидий жараёни олти босқичга ажратгани ва унинг биринчи босқичи юқорида зикр этганимиз - адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар эканлигини эътироф этган.<sup>21</sup>

Низомий Арузий Самарқандийнинг “Мажмаъун наводир” (“Нодир ҳикоятлар”), Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” ҳамда Фахрий Ҳиравийнинг “Равзат ус-салотин”, Фахриддин Али Сафийнинг “Латойиф ут-тавойиф” (“Латофатнома”), Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Муншаот” асарлари қадимги Эрон, араб халифаликлари, Шарқда ҳукм сурган сулолалар: Сомонийлар, Ғурийлар, Ғазнавийлар, Байҳақийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ҳамда

<sup>20</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -- Т. Ўзбекистон НМИУ, 2014.-Б.129.

<sup>21</sup> Қувонов З. Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти. Автореферат. - Самарқанд, 2020. - Б.13.

Темурийлар саройларида юқорида тилга олинган шеърий мажлислар ўтказилганини, бундай йиғинларда кўплаб шоирлар иштирок этганини тасдиқлайди.

Ўзбек адабиёти ҳам бой тарихга эга бўлиши билан бирга мураккаб йўллар билан ривожланди, унинг шу кунгача ҳал этилмаган муаммолари ҳам йўқ эмас. Шулардан бири сарой адабиёти ёки феодал-сарой адабиёти масаласидир. Феодал-сарой адабиёти деганда биз подшоҳ саройида яшаб, ижод қилган, шоҳга яқин, шоҳлик манфаатларини ҳимоя қилувчи, куйловчи шоирларни тушунганмиз. Лекин бу адабиётни биз умумадабий жараён билан боғлаб, муайян тарихий аспектда холис ўрганмаганмиз, -деб ёзади Ҳ.Ҳомидий “Кўҳна шарқ дарғалари” китобида.

Таъкидлаш жоизки, Навоий, Жомий, Ҳилолий, Амир Шайхим Сухайлий, Восифий, Амир Шоҳий, Бехзод, Султон Али, Кошифий ва бошқаларнинг фаолиятини сарой адабий муҳитисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахир, султон ва шоир Ҳусайн Бойқаросиз Ҳирот маданий ва адабий муҳити бу даражага ета олармиди?!<sup>22</sup> Албатта йўқ. Зотан, Алишер Навоий ҳам доимо ўз муваффақиятларини Ҳусайн Бойқаронинг ғамхўрлиги билан боғлагани бежиз эмас.

Қадимги Шарқдаги ҳукмрон сулолалар қатори Умавийлар давлати даври(661-750)да сарой адабиёти ривожланганлигини ислом халифалари ҳузурида Ал-Ахтал (640-710), Ал-Фараздак (641-732), Жарир (653-732), Башшар ибн Бурд (714-783), Ибн ал-Муқаффа (720-756) каби кўплаб шоирлар ижод қилганлигида<sup>23</sup> ҳамда шеърий йиғилишлар ўтказилганлигида кўриш мумкин.

Аббосий араб халифалари даврида (750-945) ҳам Боғдодда илму-фан, маданият ва адабиёт тараққий этди. Сарой адабиёти ва адабий муҳит халифа ҳузурида ташкил этилган шеърият кечаларида яққол намоён бўлган. Аббосий халифалар бошчилигидаги адабий мажлислар шоирларнинг қасидалари билан бошланиб, бадиий мунозаралар кўринишида давом этиб, санъаткорларнинг кўшиқлари, араб рақслари эса анжуманга ўзига хос жозиба бахш

<sup>22</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. -- Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.288.

<sup>23</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -- Т. Шарқ НМК БТ, 1996.-Б.74

этган. Халифа Хорун ар-Рашиднинг адабий йиғинларига шоир Абу Нувос иштирок этиб, шеърлар ўқиган.<sup>24</sup> Аббосий халифа Хорун ар-Рашид (786-809) ҳамда ал-Маъмун (813-833) ҳукмронлик даврида Боғдоддаги халифа саройи ҳам илмий, ҳам маданият марказига айланди. Алишер Навоийнинг ёзишича, *“Мамлакат араб халифалари ва султонлари қўлида экан, фалак у вақтда шоирларга араб тилида жилваланди, чунончи Ҳассон Собит ва Лақитдек сўз подшоҳи сухандонлари ва маъно яратувчи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида шеър айтишни додини бердилар.*

*Бу муносабат билан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Маъмун халифадек ва булардан бошқа подшоҳлар ва подшоҳзодалар шеърлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар”.*<sup>25</sup> Араб – ислом маданияти, адабиёти, илм-фани ривожининг энг юқори чўққиси Аббосийлар даврига тўғри келади. Араб тилидаги адабиётда шеъриятнинг ғазал, қасида, марсия, рубоий каби турлари ривожланади. Улар шеъриятнинг юксак намуналари деб ҳисобланади. Аббосийлар давридаги маданиятнинг ажойиб хусусияти ва аҳамиятли томони шундаки, фаннинг ва бадиий ижоднинг ҳамма соҳаларида диний мафкуравий чекланганликдан юқори кўтарилиб, дунёвийлик таъминланган.

Аббосийлар даври олимлари ва бадиий ижодкорлари фақат тор бир соҳанинг мутахассиси эмас, балки ҳам олим, ҳам сўз устаси бўлганлар ва бу ҳолат табиий деб ҳисобланган. Қадимги Юнонистондаги сингари илмий рисоалар шеър билан ҳам ёзилган, олимлар шеърлар, шоирлар эса илмий рисоалар ёзганлар.<sup>26</sup>

Аббосий халифалардан ал-Маъмун (813-833) ўз ҳукмронлик даврида кўзга кўринган, забардаст алломаларни саройига тўплаб, мажлисларда илмий мавзуларда ҳам баҳс-мунозаралар олиб борган. Унинг илмий мажлисларида ўша даврнинг салоҳиятли донишмандлари иштирок этган.<sup>27</sup> Бундан ташқари, Ал-Маъмуннинг

<sup>24</sup> Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.Маънавият.1999.-Б.25-26.

<sup>25</sup> Алишер Навоий. Маҳокамату-л-луғатайн. – Т. Академнашр-2017. –Б.81.

<sup>26</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.Ўзбекистон, 1997.-Б.203.

<sup>27</sup> Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Т. Ўзбекистон. 2010.-Б.62.

табиатан адабиётга мойиллиги унинг саройида адабий мажлисларнинг узлуксиз ўтказилишига олиб келган.

Умуман, араб тилидаги мумтоз адабиёт гуллаб яшнаган давр Сунна ва ислом маърифатчилиги босқичларига кўпроқ мос келади ва унда икки йўналиш ёрқин намоён бўлган: бири сарой адабиёти учун хос бўлган мадҳия, май ва гўзаллар васфи билан йўғрилган шеърят бўлса, иккинчиси, панд-насихат, ҳаётнинг моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга бағишланган қасида, қитъа ва насрий рисола (нома)лардан иборат.<sup>28</sup>

Сомонийлар(875-999), Ғазнавийлар (977-1186), Қорахонийлар (942-1212), Бувайҳийлар (932-1062), Салжуқийлар (1038-1118), Ғурийлар (1148-1215) ва Тобаристон подшолари саройларидаги мажлисларда ҳам юзлаб шоирлар хизматда бўлган.<sup>29</sup>

IX – XII –асрлардаги адабиёт кўпроқ саройда марказлашган бўлиб, мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (май мавзуи), зуҳдиёт (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр кўймаслик мавзуи), ҳижо (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди. Ҳукмдорни мадҳ этиш, унинг дилини хушлаш, ҳукмдорнинг ва ўзининг шахсий рақибларини ҳажв этиш VIII-XI асрлар сарой адабиётида етакчи ўрин тутар ва шоирнинг мавқеи ҳам ушбу соҳалардаги ютуқлар билан белгиланарди. Бу даврда аввал араб шеърятини, IX аср охирилари - X аср бошларида Сомонийлар саройида, XI аср бошларига келиб, Ғазнавийлар ва Қорахонийлар саройида форс тилидаги адабиёт ривож топди.<sup>30</sup>

Низомий Арузий Самарқандийнинг “Мажмаъун наводир” асари Амир Наср II ибн Аҳмад Сомоний (914-943) давридаги Шарқнинг муҳим илмий ва маданий марказларидан бўлган Бухоро адабий муҳити ҳақида яхлит тасаввур беради.<sup>31</sup> Шунингдек, XI аср тазкиранависларидан Абумансур ибн Муҳаммад Саолобий (960-

<sup>28</sup>Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т. Шарқ НМК БТ, 1996.-Б.74.

<sup>29</sup> Бу ҳақда қаранг: Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.29.

<sup>30</sup>Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т. Шарқ НМК БТ, 1996.-Б.76.

<sup>31</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (Мажмаъун наводир). Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.29.

1038) ҳам ўзининг “Ятиматуддаҳр” (“Замонасининг ягона дурдонаси”) китобида “Сомонийлар даврида пойтахт Бухоро замоннинг машҳур кишилар тўпланадиган, ер юзи адабиётчилари(шоирлари) орасидан бадиёт осмонига юлдузлар балқийдиган ва даврнинг энг билимдон кишилари йиғиладиган жой”<sup>32</sup> бўлганини ёзган. “Ятиматуддаҳр” тазкирасида X асрда Сомонийлар пойтахтида яшаб, араб тилида ижод этган 47 нафар бухоролик шоирлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

*“Сомонийлар илм-фан, адабиёт, санъат, умуман маданиятнинг тараққиётига катта аҳамият берганлар. Улар саройга олим, шоир, бастакор, муҳандис кабиларни жалб этганлар. Бу даврда аҳолининг тили сугди, тожик ва туркий бўлсада, араб тили кенг тарқалган эди. Араб тили илм-фан, адабиёт, дин, фикҳ тили ва жаҳондаги энг катта давлат бўлган халифаликда халқаро алоқа тили ҳам эди. Шунинг учун араб тилини билмай ижод этиши ёки бирор вазифага тайинланиши мумкин бўлмаган.*

*IX – X асрда Сомонийлар давлати пойтахти бўлмиш Бухорода форс тили шунчалик ривож топадики, бу тил ҳалигача адабий форс тили сифатида қўлланилмоқда.*

*Бухорода Сомонийлар кутубхонаси Шарқдаги кутубхоналарнинг энг йириги ҳисобланган. Сомонийлар даврида Бухоро Ибн Сино, Рудакий, Дақиқий, Балъамий, Наршахий каби буюк зотларнинг ватани бўлган. Сомонийлар даврида Бухорода бадиий адабиёт, аввал араб кейинроқ, X асрда халқ ижоди анъаналарига суянган форс-тожик тилидаги лирик ва эпик шеърят, айниқса, тараққий этади. Рудакий, Фаррухий, Шоҳид Балхий, Дақиқий, Абу Зарраъа, Абу Шукур Балхий, Фирдавсий ижоди ҳам худди Сомонийлар даври анъаналари асосида шаклланди. “Шоҳнома”ни даставвал бошлаган шоир Дақиқий бўлиб, анча ёш эканида зиёфатда ўлдирилган. Шоирдан минг байт дostonнинг бошланғич қисми қолган. Айтишларига қараганда,*

---

<sup>32</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т: Ўзадабийнашр, 1963. -Б.13.

*Фирдавсий ўз асарини бухоролик шоир тўхтаган жойидан давом эттирган.*”<sup>33</sup>

“Сомонийлар давлатида сиёсий ва маданий ҳаётнинг гуллаб яшнаши, тил ва адабиёт, айниқса шеърининг ривожланиши бошқаларга нисбатан анча узоқ ва тинч подшолик қилган Амир Наср II ибн Аҳмад Сомоний даврига тўғри келади.”<sup>34</sup> Амир Наср II ибн Аҳмад ҳузурида шеърхонлик кечалари ўтказилган. Ана шундай адабий мажлисларда Бухоро адабий муҳити намояндалари Абу Аббос ар-Робинжоний, Абул Муса ал-Бухорий, Абу Исҳоқ Жўйборий, Абул Ҳасан Ағожий, Таҳовий, Ҳаббозий Нишопурий, Абул Ҳасан Кисоий, Абушукур Балхий, Шоҳид Балхийлар билан бир қаторда, “мазкур шоирлар гулдастаси тожи” устод Абу Абдуллоҳ Рудакий (865-941) ҳам қатнашган. Аслида ҳам ҳукмдорнинг адабий кечалари шуҳрати етти иқлимга ёйилган шоир Рудакий иштирокисиз ўтмаган. Чунки, Низомий-Арузий Самарқандийнинг ёзишича, Наср II ибн Аҳмад шеърининг кечаларида бадиҳа (ўйлаб ўтирмай тўқиладиган шеър)ни хуш кўрган. Рудакий томонидан айтиладиган бадиҳа эса айнан подшонинг кўнглини шод этган ва адабий мажлисларни қизитган. Бинобарин, “мажлисларда бадиҳа айтиш ва тез шеър тўқиш билан Сомонийлар сулоласи даврида Рудакий эришган бахтга ҳали ҳеч ким эришган эмас”.<sup>35</sup>

Шоислом Шомухамедовнинг ёзишича, *Рудакий сомонийлар тарафидан саройга таклиф этилгач, тез орада шоирларнинг раҳнамосига айланди. Рудакийнинг бу даврдаги ҳаёти ҳақида энг қадимий тазкиралардан бири 1222 йилда Муҳаммад Авфий тарафидан ёзилган “Лубобул Албоб” (“Мағизларнинг мағзи”) китобида шундай дейилади:*

*“...Рудакий уста чолғучи бўлиб етишгач, унинг овозаси бутун дунёга ёйилди. Хуросон Амири Наср ибн Аҳмад Сомоний уни ўзига яқинлаштирди ва у юқорилаб кетди, унинг бойлиги эса ҳаддан зиёда бўлиб кетди....Ундан кейинги шоирлар орасида ҳеч кимга*

<sup>33</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т:Ўзбекистон, 1997.-Б.205.

<sup>34</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.-Б.12.

<sup>35</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (Мажмаъун наводир). Т:Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1985.-Б.32.

*бундай бойлик, шон-шуҳрат насиб этмади ва ҳеч ким бундай бахт эгаси бўлолмади”.*

*Рудакийнинг саройга боришига икки нарса сабаб бўлса керак. Биринчидан, у саройга бормаса фақатгина шоирлик билан кун кўролмас, демак профессионал шоир бўлиб етишолмас эди. Иккинчи тарафдан, агар у саройдан фойдаланмаса, унинг овозини бутун Хуросон эшитмас, ажойиб шеърлари ўз қишлоғидан нарига чиқолмай қолиши мумкин эди. У даврда, китоб босиб чиқариш ҳали ихтиро этилмаган вақтда, ўз асарларини бутун мамлакатга ёйиш ва ёзиб қолдириш учун саройдан бошқа йўл йўқ эди.*

*Кўп тазкиранавислар саройдаги Рудакий ҳаётининг ҳаммаси базм(назм ва наво кечалари) ва ўтириш(мажлислар)ларда ўтгани ҳақида гапирадилар.*

*Саройда яшар экан, у (Рудакий) шоҳ (Наср ибн Аҳмад)ни базмда ҳам, размда ҳам кузатиб бориши, унинг ўтиришлари (мажлислари)да чолғу чалиб, шеър(бадиҳа) ўқиб, шоҳ хизматини бажо келтирган.<sup>36</sup>*

Нақл қилишларича, Амир Наср ибн Аҳмад Хуросонни забт этгач, унинг иқлими ва табиати ҳукмдорга ёқиб, Ҳиротда узоқ вақт туриб қолибди. Ватанини соғинган амирлар, аркони давлат Рудакийга совғалар тортиқ қилиб, амирни Бухорога қайтишга кўндиришини сўрашибди. Бир куни Наср ибн Аҳмад мажлисда ўтириб, Бухорони эсга олади. Фурсатдан фойдаланиб, Рудакий адабий йиғинда дарҳол қуйидаги қасидани куйлай кетади:

*Мўлиён бўйи буён келмоқдадир,  
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадир.  
Гарчи дағалдир анчайин Омул қуми,  
Лек майин ипаксимон келмоқдадир.  
Эй Бухоро шод бўлу таъзимга чиқ,  
Чунки подшоҳ – меҳмон келмоқдадир.*

Бу қасидани эшитиб амир шу ондаёқ Бухорога йўл олади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “бу шундай содда қасидаки, санъат ва бадиийликда қуввати камдир. Агар шу кунларда бирор

<sup>36</sup> Шомухамедов Ш.Форс-тожик адабиёти классиклари.Т: Ўзадабийнашр, 1963.-Б.18.

шоир бу қасидага ўхшаш(асар)ни подшолар ва амирлар мажлисида ўқиғундай бўлса, касодга учраши тайин. Лекин устод Рудакий адвор ҳам муסיқий фанида тамом қувватга эга эди. Қасидани созда куйлаб, маъқул қилган бўлса эҳтимол”.<sup>37</sup>

Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Рудакий ҳақида шундай ёзган: “Рудакий назм аҳлининг сарҳайли ва Амир Наср бинни Аҳмад Сомоний мажлиси надимига айланди ва юксак мартабага эришиб, оддий халқ даражасидан олий мақомга етишиди”<sup>38</sup>

“Рудакий сарой шоири сифатида Амир Наср ибн Аҳмад Сомонийга бағишлаб кўплаб қасидалар ёзган, аммо унинг қасидаларини сўнги даврлардаги кўпчилик шоирларнинг асарлари билан таққослаб кўрсак, Рудакий қасидалари ўзининг услуби, оҳанги ва зояси билан бошқалардан тамоман ажралиб туради”.<sup>39</sup>

Саолибий “Ятиматуддаҳр” китобида Рудакийдан ташқари Бухородаги Сомонийлар саройида хизмат қилган кўплаб шоирлар ҳақида маълумот беради: “Бухоро сомонийлар ҳукмронлиги (даврида) шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонанинг илгор кишилари йиғилган (шаҳар) эди. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий менга ҳикоя қилиб шундай деган эди: “Менинг отам Абул Ҳасан Амир ас-Саъид Наср ибн Аҳмад даврида Бухорога даъват этилган эди. У ер(Бухоро)га Абул Ҳасан ал-Лаҳҳом, Абу Муҳаммад ибн Матрон, Абу Жаъфар ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳасан, Абу Муҳаммад ибн Абус–Сиёб, Абу Наср ал-Ҳузаймий, Абу Наср аз-Зарифий, Рижо ибн ал-Волид ал-Исфаҳоний, Али ибн Ҳорун аш-Шайбоний, Абу Исҳоқ ал-Форисий, Абул Қосим ад-Динаварий, Абу Али аз-Завзаний каби сомонийлар хизматида бўлган ўз даврининг энг фозил муҳожирлари, шоирлари тўпланган эди. Улар ҳаммалари у ерда йиғилишигач, дўстлик суҳбатлари уларни бир-бири билан яқинлаштирган эди. Улар ажойиб музокаралар олиб боришар, мусоҳаба райҳонлари билан алмашишар, адаб

<sup>37</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.22-23.

<sup>38</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т: “Мумтоз сўз”, 2014.-Б.19.

<sup>39</sup> Шомухамедов Ш. Форс-гожик адабиёти классикалари. Т:Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.-Б.30.

*мушкларини сочишар, бир-бирлари билан марварид дурларини сепишар ва сеҳр тугунига дам солишарди. Отам менга шундай деган эдики, бу кўпчилик (атоқли) кишилар тўпланган даврдир. Ўйланманки, йиллар давомида ана шунга ўхшаш йиғилишни (қайтиб) кўрмайсан. Ҳақиқатан отам айтгандай бўлди. Ўшанга ўхшаш мажлисларни кўзларим қайтиб кўрмади,”<sup>40</sup> деб ҳикоя қилади Саолобий.*

Сомонийлар пойтахтида мажлислар фозиллар, шоирлар, савдогарлар хонадонларида ҳам ўтказилган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг ёзишича, Бухоронинг шоирларидан Абу Аҳмад ибн Абу Бакр Ал-Котиб муайян муддат “*Доимо уйда қолиб, ўзига суҳбатдошлар қидириш, дўстлар билан мажлис қуриш, ашула ва ўйин-кулги майдонида жавлон уриш билан шугулланди*”.<sup>41</sup> Бундай дўстлар мажлисларида шоирлар тўпланиб, мушоиралар уюштиришган.

Саолибий ва Низомий-Арузийнинг фикр-мулоҳазалари Х-асрда Бухорода Сомонийлар саройи адабиёт маркази бўлганлигини, маданият ва санъатга берилган эътибор туфайли ҳукмдор Наср ибн Аҳмад мажлисларида турли мамлакатлардан келган адиб, шоир, олимлар иштирок этганлигини тасдиқлайди.

Ғазнавийлар давлати(977-1186) пойтахти Ғазна шаҳрида Султон Маҳмуд Ғазнавий(999-1030) ҳукмронлиги даврида ўзига хос адабий муҳит шаклланган эди. Ғазнавийлар ҳукмдорининг адабиётга бўлган юксак эътибори туфайли султон саройида 400 нафардан зиёд шоир тўпланган эди. “Маҳмуд Ғазнавий шоир ва олим сифатида ҳам маълум”.<sup>42</sup> Адабиётшунос Ҳамиджон Ҳомидий “Кўҳна Шарқ дарғалари” китобида “*Нима учун фақат ислом аҳкомларига суяниб иш кўрган Султон Маҳмуд биргина пойтахт – Ғазнада 408 (Давлатшоҳ Самарқандий) нафар шоир ва олимни давлат ҳомийлигида асради? Асли туркий бўла туриб, форсий тил ва адабиётини ривожлантиришига бу қадар эътибор беришининг*

<sup>40</sup> Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. Т. Ўзбекистон, 1992.-Б.50.

<sup>41</sup> Кўрсатилган асар.-Б.52.

<sup>42</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.335.

*боиси нимада? Ўзига ҳамду сано ўқитиш учунми?! деган саволларни ўртага қўйиб, шундай жавоб беради. Бизнингча, Маҳмуд Ғазнавий маънавиятнинг жамият тараққиётида, салтанат қудратида тутган ўрнини тўғри тушунган, маданият, илм-фан, бадиий адабиёт давлатининг шонига шухрат қўшажагини англаган, ҳис этган. Ўтмишда “фалон амир” ёки “фалон подшо саройида шунча шоиру олим бор”, дейишнинг ўзи ўша давлатнинг шавкати кўрсатган”.*<sup>43</sup>

*Бертельснинг ёзишича, “Маҳмуд Ғазнавий ўз даврининг билимдон кишиларидан эди. У уч тилни, жумладан, араб тилини мукаммал биларди. Султон Маҳмуд қонли жанглardan бўш вақтларида тафсир яратган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, унинг илми бадеъни билмаслиги асло мумкин эмас эди.”*<sup>44</sup>

Маҳмуд Ғазнавий саройида йиғилган шоирлар иштирокида адабий мажлислар-мушоиралар ўтказилган. Султон бундай шеърхонлик кечаларига катта қизиқиш билан қараган ва мушоираларни хуш кўрган. Низомий Арузий Самарқандий бундай шеърят кечаларида қатнашган Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Баҳромий, Зийнатий, Бузуржмеҳр Қоний, Музаффарий, Маншурий, Манучехрий, Масъудий, Кассори Уммий, Абу Ҳанифаи Искоф, Рашидий, Абул Фараж Руний, Масъуди Саъди Салмон, Муҳаммад Носир, Шоҳ Бу Рижо, Аҳмади Хилоф, Усмон Мухторий, Носир Хусрав ва Маждуди Санойи каби шоирлар номларини келтириб ўтган. Носир Хусрав “Сафарнома”сида Ғазнавийлар мажлисида иштирок этганини таъкидлайди: “Мен танишиб ва дўстлашиб қолганим султон дабирларидан бирига; - Мен ажам маликлари ва ҳукмдорларидан бўлмиш султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд даргоҳидаги мажлисларда бўлдим. Улар улуг подшоҳлар бўлиб, неъмат ва бойликлари ҳисобсиз эди. Эндиликда амир ал-мўминин(Миср султони) мажлисини ҳам томоша қилмоқ истагим бор”, дейди.

---

<sup>43</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. Т: Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б. 56.

<sup>44</sup> Бертельс Е. Э. История литературы и культуры Ирана. М: «Наука», 1988.-С.203.

Восифийнинг ёзишича, бир куни масжидда (Фирдавсий) тафаккур бошини тиззалари орасига олиб ўтирар экан, ногоҳ бир нозанин йигитнинг фахрли либосда масжидга келишини кўрди. Фирдавсий унинг кимлигини бир кишидан сўраганда, унга “бу киши Моҳак кўзбоғлағич дедилар, султон Маҳмуд Ғазнавий мажлисининг хос надимларидан”. Фирдавсий, зора шу орқали ишим юришса деб ўйлаб, унга яқинлашди-да, ўз аҳволини баён қилди. Моҳакка унинг суҳбати ёқиб қолди. Абулқосимни у уйига олиб кетди; иззат-ҳурмат кўрсатди. Султон мажлисидан қайтар экан, Моҳак ҳар кун Фирдавсий билан суҳбат қуради. Бир куни у Моҳакка деди: “Агар фурсат топа олсанг, ҳолимни ҳазрати султонга айтсанг”. У деди: “Бугун шундай фурсат бўлган эди. Аммо “Сийярулмулук”ни назм қилган шоирлар бор эди. Ҳар бири бир дoston назм қилиб келтирган экан”. Фирдавсий сўради: “Кимнинг шеъри маъкул топилди?” У деди: “Унсурийники”. Фирдавсий “Сийярулмулук”ни олдинроқ назм қилганлар бор”, деди. У, шундай бўлмаса керак, йўқса ҳамма буни биларди-ку деди. Абулқосим ўзи ёзган дostonни унга тутқазди. Моҳак уни султонга етказди. Дoston Султонга маъкул тушди. Сўради: қаердан олдинг? У, бир фозил ва шоир, омил жавридан қочиб Тусдан келган бир кишидан, у менинг ҳовлимда, деди. “Сийярулмулук” ҳақида гап кетганда, менинг бошлаган дostonим бор, шояд тамом қилолсам, деб шу дostonни қўлига тутқазганини айтди. Султон уни келтиришни буюрди-да, деди: “Аниқлаш лозим. Агар шунгача айтилган бўлса, заҳмат чекмай қўяқоламиз”. Фирдавсий Султон мажлисига келиши билан, Сиз сўраган ушбу китобни мен назм қила бошлаган эдим, деди. Султон Худои таолога шукурлар қилди, шундайин шоирга етишгани учун. Шунда Султон мажлис аҳлига қараб, Аёзнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида рубоий айтишни буюрди. Шоирлар Абулқосимга ишора қилишди. У бадиха тарзида рубоий тўқиди. Султон буни эшитиб, омон бўл эй Фирдавсий, мажлисимни Фирдавс (Жаннат) боғидек обод қилдинг, дедида, унга инъомлар берди. Ҳукм қилдики, бундан буён уни Фирдавсий деб улуғлашсин.

Унга “Шоҳнома”ни назм қилишни буюрди. Саройи ёнидан унга жой ҳозирлаб берди.”<sup>45</sup>

Абулқосим Фирдавсий кўп бора султон Маҳмуд Ғазнавий мажлисларига қатнашиб, унга тароват бағишлаган ва шеърлар ўқиган:

*Гўдак она кўксин тарк этган замон,  
“Маҳмуд” деб айлагай нидо ўшал он.  
Бадани фил мисол, жони жаброил,  
Кафти баҳор булуту, дили эса Нил.  
Жаҳондор Маҳмудшоҳ даврида бир ўй –  
Ичра тинч яшарди бўри билан қўй!*

Султон саройидаги адабий мажлислар ҳукмдорга маъқул келиши лозим бўлган бадиҳа (тезлик билан тўқиладиган шеър) айтиш билан бошланган. Низомий Арузий бу ҳақда шундай ёзади: “Подшонинг олдида бадиҳа айтишдан кўра яхшироқ нарса йўқ! Бадиҳа билан подшонинг кўнгли шод бўлади, мажлислари қизийди, шоир эса мақсадига етади”. Султон Маҳмуд мажлисларида гўзал бадиҳа тўқиш борасида маликушшуаро Унсурий донг таратган эди. “Латойиф ут-тавойиф”да ҳикоя қилинишича, кунлардан бир кун Султон Маҳмуд Ғазнавий маст бўлиб, кечаси ўз маҳбубасининг тимқора сочларини кесиб ташлади. ..Шундан сўнг Султон Маҳмуд ўша қора сочлар мотами учун қора кийинди, айшу ишратдан мутлақо воз кечди, ёнига ҳеч кимни йўлатмади. ...Бу аҳволдан батанг келган барча сарой айёнлари... шоирлар сардори Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад Унсурийга мурожаат қилдилар...

Унсурий уч кундан кейин ҳарам саҳнига чиқиб, узоқдан ўзини Султонга кўрсатди. Султон уни чақириб деди:

-Эй Унсурий, мастликда биздан содир бўлган хатони эшитгандирсан, албатта. Шу ҳақда бирор шеър айта оласанми?

Унсурий ер ўпиб, шу захотиёқ бадиҳа тарзида куйидаги рубоийни ўқиди:

*Қирқилгани учун бугун ёр зулфи,*

<sup>45</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий Бадоеъул вақоеъ. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.63.

*Қайғу алам босди, бўлди хор кулки.  
Айшу ишрат вақти етишди, туринг,  
Қўшиқ ва базмнинг очилсин қулфи.*

Бу рубоий султонга хуш келиб, чехраси очилди ва хизматкорларига буюрди:

-Дарҳол бориб гавҳар келтиринг ва шоирнинг оғзини уч марта тўлдириб, инъом этинг.

Султон Маҳмуд Ғазнавий дарҳол (адабий) мажлис ораста қилишга фармон берди. Созанда, хонанда, гўянда ва ҳофизлар жамъ бўлиб, базм қилдилар”. Аниқроқ қилиб айтсак, шоирлар ўртасида мушоиралар, бадихагўйлик ва қасидагўйлик, ғазалхонлик билан бошланган йиғинларга куй-қўшиқлар уланиб кетган.

Маликушшуаро Унсурий Маҳмуд Ғазнавийнинг барча юришларию базму тарабларида ҳамроҳ бўлган. У Султон Маҳмуд мамлакати ижодкорларининг сардори даражасига етиб, “бир надимдек” (Давлатшоҳ Самарқандий) обрў ва таъсирга эга бўлган<sup>46</sup>.

Нақл қилишларича кунлардан бир куни Унсурийнинг султон ҳузурига гиламга солиб кўтариб келишади. Шоир Маҳмуд Ғазнавийга қараб бадихатан куйидаги байтларни ўқийди:

*Ту он шоҳе, ки андар Ғарбу Шарқ,  
Жухуду тарсову габру мусулмон.  
Ҳамегўянд дар тасбеҳу таҳлил,  
Илоҳо, оқибат Муҳмуд гардон.*

*(Мазмуни: Сен шундай бир шоҳсанки, Ғарбу Шарқда жухуд ҳам, габру тарсо ва мусулмонлар ҳам сажда ва тасбеҳ, ўтириши пайтида, эй Худо Маҳмудни ўзинг асра, деб дуо қилишади).*

Ўйлаб ўтирмасдан зудлик билан бадиха тўқиш бўйича фавқулодда истеъдод соҳиби Унсурий ғоят хушёр, заковатли, ҳозиржавоб бўлган. Ҳатто илмий мажлисларда замонасининг анчайин кучли алломалари унинг нозикбинлигига тан беришган.<sup>47</sup>

Тарихчилар султон мажлисларининг доимий иштирокчилари-дабир, шоир, мунажжим ва табиб каби касб эгалари Ғазнавий

<sup>46</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т: Шарқ НМАК БТ, 2004. – Б. 64.

<sup>47</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 65.

подшоларининг ишонган ва яқин одамлари бўлганини қайд этишган. “Дабир(муҳаррир), шоир, мунажжим ва табиб подшонинг шундай яқинлари бўлиб, подшо уларсиз бирор ишни тугал ҳал этолмайди. Юртнинг барқарорлиги дабир билан, мангу барҳаётлиги шоир билан, ишларнинг тўғри кетиши мунажжим билан ва тансиҳатлик табиб билан бўлади”,-деб ёзган бу ҳақда Низомий Арузий Самарқандий.

Маҳмуд Ғазнавий адабий мажлисларининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, йиғинларда асосан султон мадҳ этилар, бундай кечалар бадихагўйлик ва қасидагўйликка йўғрилганлиги билан ажралиб турган. Сарой адабиёти вакиллари адабий тилни юксалтириш, ғазал, қасида, маснавий, ёднома жанрини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишганини айтиб ўтиш лозим. Ғазнавийлар саройида Масъуд Саъди Салмон ва Фаррухийлар қасида жанрининг мавзу доираси ва ифода имкониятларини янги тараққиёт босқичига олиб чиқдилар.

Адабиётшуносликка доир асарлар ҳамда тарихий манбалар муаллифлари Фаррухийни чинакам мадҳгўй, сарой вассофи сифатида тилга оладилар. Зероки, у аксарият қасидаларини султон ва унинг задагонларига бағишлаган. Кўплаб ғазнавий ҳукмронларнинг сафарию зафарларида, мажлисларида ҳамроҳ бўлган шоир ўз қасидаларида тарихий ҳақиқатни битган. Фаррухий XI аср форсий шеърлятида кўп қасида ёзган санъаткорлардан бири ҳисобланади.<sup>48</sup>

Бундай йиғинлар Ғазнавийлар давлатида ҳам бошқа шарқ мамлакатларида бўлгани каби “Олий мажлислар” деб аталган.

Маҳмуд Ғазнавий ўз йиғинларига бошқа мамлакатларнинг кўзга кўринган ҳикмат, илм ва шеърлят аҳлини таклиф этиб турган. Яъни у Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмуннинг саройидаги Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр ва Хаммор, Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср Арроқлар каби олиму шоирларни, табибларни хат йўллаб, ўз мажлисига чорлаган.<sup>49</sup>

<sup>48</sup> Кўрсатилган асар.-Б. 62.

<sup>49</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. (Мажмаъун наводир). Т:Ф.Ғулом номидаги АСН, 1985. –Б.45.

Кунлардан бир куни Яминуддавла султон Маҳмуд томонидан бир машҳур киши қуйидаги мазмун битилган мактуб билан Хоразмга етиб келди: “Эшитимизча, хоразмшоҳнинг мажлисида фалон ва пистон исмли дунёда тенги йўқ фозил кишилар бор экан! Уларни бизнинг мажлисимизга юборишлари зарур! Токи улар бизнинг мажлисларимизда қатнашиш шарафига ноил бўлсинлар! Биз эса уларни ҳамма зарур нарсалар билан таъмин этамиз! Бу хизмат учун хоразмшоҳдан миннатдор бўламиз!”

Хоразмшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг элчиси хожа Хусайн ибн Али ибн Миколни қабул қилишдан аввал ўз ҳакимларини чақириб, мактубни ўқиб берди-да, уларга шундай деди: “Маҳмуднинг қўли узун, аскарлари эса кўп! У Хуросон ва Ҳиндистонни забт этди. Энди эса Ироққа кўз олайтирмоқда! Унинг амрини бажармасликдан ва фармонига қулоқ солмасликдан ўзга чорам йўқ!”,-деди султоннинг амрини бажо келтирди. Хаммор, Беруний, Арроқлар Султон Маҳмуд Ғазнавий хузурига отланишди ва унинг мажлисларидан муносиб ўрин эгаллашди. Султон Абурайхон Беруний бошчилигидаги олимлар ва адибларга хос қароргоҳ яъни саройлар қурдириб берган.

Мухтасар қилиб адабиётшунос Ҳомиджон Ҳомидий таъбири билан айтганда, ўрта аср шарқи тарихига синчиклаб назар ташласак, деярли барча даврларда ҳукмрон синфларнинг илғор тоифалари илм-фан, маданият, санъат ва бадиий ижод ривожига алоҳида эътибор берганларини кўрамиз. Улар ижодкорларга жамиятнинг энг пешқадам вакиллари сифатида қараб, фаолиятларини кузатиб боришган, баъзан йўналиш беришган, ўз ҳимояларига олиб, иложи бориша рағбатлантириб туришга интилишган. Бу эса ўз навбатида илм-фан, маданият, санъат ва адабиётни ривожланишига хизмат қилган. Янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ўз даври адабиётини ривожланишида, етук тарихий, илмий ва бадиий асарларнинг яратилишида, бетакрор истеъдодларнинг кашф этилишида Маҳмуд Ғазнавий адабий мажлисларининг муносиб ҳиссаси бор десак айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўнинчи асрнинг бошларида туркий қабилалар (ўғуз, қорлик ва бошқалар) Салжукнинг неваралари ака-ука Тўғрулбек Муҳаммад ва Чағрибек Довуд бошчилигида Нурота тоғларига кўчиб келишади. Салжуқий турклар 1035 йилда Масъуд Ғазнавий кўшинини тор-мор этгач, Нисо, Фарова, Дехистон, Марв шаҳарларини эгаллашади. Жангсиз таслим бўлган Нишопурда Тўғрилбек номига хутба ўқилади. 1038 йилда ҳозирги Афғонистон, Эрон, Ироқ ва Туркия ҳудудларида Салжуқийлар давлати ташкил топгач, Тўғрилбек Нишопурда, Чағрибек эса Хуросон пойтахти Марвда тахтга чиқади. Тўғрулбек вафот этгач, тахтга унинг ўғли бўлмагани учун жияни Алп Арслон(1063-1072) ўтирди. Алп Арслон даврида ҳам Салжуқийлар салтанати кенгайди. У 1071 йилда византияликларни мағлуб этди. Алп Арслоннинг ўғли Маликшоҳ (1072-1092) ҳукмронлиги даврида салжуқийлар қорахонийларни енгиб, Бухоро ва Самарқандни қўлга киритишди.

1118-1157 йилларда Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Марв воҳасида Султон Санжар ҳукмронлик қилди. Мовароуннаҳрдаги Қорахоний подшолар эса Султон Санжарга тобе эдилар. Шарқий салжуқийлар давлатининг пойтахти Марв бу сулола даврида гуллаб яшнади. Марвдаги султон саройи шоирлар, фозилу фузалолар, зиёларни бирлаштирган ўзи хос маданий марказга айланди.

Салжуқийлар саройида *Фаррухий Гўргоний, Ломиъий Дехистоний, Жаъфар Ҳамадоний, Дарфируз Фахрий, Бурҳоний, Амир Муъиззий, Абулмаъолий Розий, Амид Камолий ва Шиҳобийлар*<sup>50</sup> каби шоирлар ижод этишган. Султон Маликшоҳ ва унинг вазири Низомул-Мулк ижод аҳлини қўллаб қувватлаган. Низомулмулк Абу Ҳомид Ғаззолий ва Умар Хайёмга ҳам яқиндан ёрдам берган. Салжуқий султонлар замондоши Низомий Арузий салжуқийлар сулоласига мансуб султонларнинг барчаси шеърни (шеърят кечаларини) севувчи одамлар эдилар, деб ёзиб қолдирган.

---

<sup>50</sup>Низомий Арузий Самарқандий.Нодир ҳикоятлар.Т:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1985.- Б.29.

Амирушшуаро Бурхонийни салжуқий султон Алп Арслон ниҳоятда қадрлаган. Бурхонийдан сўнг унинг ўғли Амир Муъиззий Маликшоҳ саройида хизмат қилган. “Маликшоҳ даврида саройида илмий маданий муҳит шаклланди. Бўлғуси буюк олим – Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга киришган, арабийнавис шоирлар Муъиззий, Тантароний, Туғрой кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эди”.<sup>51</sup> Қўхна Шарқ мамлакатлари анъанасига кўра, салжуқийлар саройида шоирлар иштирокидаги адабий мажлислар ташкил этилган.

“Мажмаъун наводир”да ёзилишича, “Кун ботиш олдида султон(Маликшоҳ) кўлида гуруҳий ёйи билан сарпардасидан чиқди. Унинг ўнг томонида Амир Алоуддавла турар эди. Мен(Амир Муъиззий) чопиб бордим ва таъзим бажо келтирдим...

Янги ойни биринчи бўлиб султон кўрди. У яйраб-яшнаб кетди. Шунда Алоуддавла менга: “Эй Бурхоний ўғли, янги ой ҳақида бирор нарса айт!”. Бадиҳа тарзда мана бу рубоийни ўқидим:(Таржимаси)

*Сен гўё гўзаллар қошисан, эй ой,  
Йўқ-йўқ, шоҳ кўлида турган эгик ёй!  
Ё олтин тақасан ёки самонинг-  
Қулоғи учида сирга, ҳойнаҳой!”*

Бадиҳани эшитгач, султон унга от ҳадя этади. Шом намозидан сўнг мажлис ораста қилиниб, дастурхон ёзилди. Мажлисида шоир яна таклифга биноан бадиҳа ўқиди. “Мен (Амир Муъиззий) ирғиб ўрнимдан турдим, таъзим бажо келтириб, дарҳол мана бу рубоийни ўқидим: (Таржимаси)

*Кучли хотирамни шоҳ кўрган замон,  
Кўтарди заминдан мени ой томон!  
Сувдек равон битта шеърим эшитиб,  
Елдек чопқир отни берди ўшал он!*

...Султон менга яна минг динор пул инъом қилди...

<sup>51</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. Т: Янги аср авлоди, 2008.-Б.7.

Рамазон ойи тугагач, Алоуддавла мени (адабий) мажлисга чақиртирди ва султонга надим қилиб тайинлади...”<sup>52</sup>. Аниқрок қилиб айтганда, султон ҳузуридаги адабий мажлисларда надимлар ва мусоҳиблар хизмат қилган. Кайковус подшоҳ мажлисларида иштирок этадиган надим форсий ва араб тилида иншо ва шеър ёза олиши, илми тиб ва илми нужумдан, созандаликдан хабардор бўлиши, кулгули ҳикоялар ва нодир қиссаларни ёддан айта олиши, нардобоз ва шатранжбоз бўлиши, Қуръон, тафсир, ҳадис ва шариат илмини пухта билиши лозим<sup>53</sup> дейди. Чунки подшоҳ мажлисларида юқорида зикр этилган илмлар ҳақида сўз борса, надим албатта жавоб қайтариб, бошқаларни чақиртириб, сўрашга ҳожат қолдирмаслиги керак эди.

Адабий мажлисларда иштирок этадиган шоирларнинг шеърларига қуйидаги талаблар қўйилган:

- Шеърлар ҳаёт саҳифасида боқий қоладиган:
- Ҳукмдор номини абадийлаштиришга хизмат қиладиган:
- Кишилар тилидан тушмайдиган:
- Баёзларга ёзиб олинадиган:
- Шаҳарларда тилдан қўймай ўқиладиган бўлиши керак эди.

Бундан ташқари, адабий мажлис аъзоси бўлмиш “Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, таъби латиф, кўнгли тўғри ва зехни ўткир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, ҳар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда кўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин.

Шоир мажлисларда ширинкалом ва дўстлар даврасида очик чеҳра бўлиши лозим.

...У ўз ҳомийси ва мамдуҳидан(ҳукмдордан) нима олган бўлса, уларни номини абадийлаштириш билан ҳақини узади. Подшо ҳам шоирлар унинг хизматида руёбга чиқиши ва ўзи шоирнинг

---

<sup>52</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т.: Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.- Б.43.

<sup>53</sup> Кайковус. Қобуснома. Т.: Мерос, 1992. –Б.128.

мақтовидан шуҳрат топиши учун улар тарбиясидан кўл тортмаслиги лозим”<sup>54</sup>.

Салжуқий султонлари адабий мажлисларида қасидагўйлик ҳам етакчилик қилган.

Султон Тўғоншоҳ ибн Алп Арслон ҳам шеърни ва шеърхонлик мажлисларини ёқтирган. Унинг суҳбати(мажлиси) ва маишати даврасида форсийзабон шоирлар жумулжам эди. Масалан, Амир Абдуллоҳ Қурайший, Абу Бакр Азракий, Абу Мансур ибн Абу Юсуф, Шужоий Насавий, Аҳмад Бадиҳий, Ҳақиқий ва Насимий кабилар шулар жумласидандир. Улар доимий шеърят йиғинларида хизматда эдилар. Адабий мажлисларга келиб кетувчи(шоир)лар ҳам кўп бўлган.

Бир куни мажлисда Тўғоншоҳ Аҳмад Бадиҳий билан нард ўйнар эди. Ўйин ўн минг ҳисоб билан охирлаб қолганди. Амирнинг учта муҳраси олтинчи катакда, Бадиҳийнинг учта муҳраси биринчи катакда эди. Тош ташлаш навбати амирда эди. У жиддий ҳозирланиб, учта олтиликни уриш мақсадида тош отди, аммо учта бирлик чиқди. У қаттиқ ғазабланди ва ўзини тутолмай қолди. Шоир Абу Бакр Азракий ўрнидан туриб, мажлисдаги мутрибларнинг олдига келди-да мана бу тўртликни ўқиди: (Таржимаси)

*Шоҳ хоҳлагач уч-олти, уч-бир тушди тузоққа,  
Ўйлама тош шоҳ амрин олмади деб қулоққа,  
Шоҳ истаган рақамлар уни ҳурмат қилгандан,  
Таъзим учун юзини қўйиб олди тупроққа!*

Мажлисда ушбу бадиҳа тарзида айтилган тўртликни эшитгач, Тўғоншоҳ хурсандчиликдан жилмайди.<sup>55</sup> Давлатшоҳ Самарқандий ҳам Ҳаким Азракий “Тўғоншоҳ ҳузурида” юқори мартаба эгаси ва султон хос мажлисининг надими<sup>56</sup> бўлганлиги таъкидлайди.

Султон Санжар ҳам шоирларни кадрлаб, шеърят кечаларини уюштирган. Унинг атрофида доимо ижодкорлар бўлган. Султон

<sup>54</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т:Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.31.

<sup>55</sup> Кўрсатилган асар.-Б.44.

<sup>56</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф. Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.41.

Санжар ҳақида Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да шундай ёзган: “У бағоят муборак қадамли подшоҳ, дарвишсифат, одил, хушхўй ва хулқли эди. Ва назмда яхши табъи бор эди ва шу тоифада кўп рубоийлар битарди. Ва унинг мулозаматида назм аҳлидан хайрихоҳ устодлар бор эдилар ва унинг номига ёрқин қасидалар иншо қилганлар.

Анварий, Адиб Собир, Рашидиддин Ватвот, Абдулвосеъ Жабалий, Фарид Котиб, Имод Завзаний, Саид Ҳасан Ғазнавий, Маҳсатий сингари номлари оламга машҳур бўлган бошқа устозлар ҳам унинг хизматида бўлганлар.

Дейдилар: Бир куни кечқурун (озарбайжон шоираси) Маҳсатий султон мажлисидан ташқарига чиқди. Кўрса, қор ёғмоқда. Қайтиб кирди. Султон ундан ҳавонинг авзойини суриштирди. У бадиҳа тарзида ушбу рубоийни айтиб, ҳукмдор арзига етказди:

*Шоҳо, фалакат асти саодат зин кард,  
В-аз жумлаи хисравон туро таҳсин кард,  
То дар ҳаракат саманди зариннаълат  
Бар гил наниҳад пой, замин самин кард.*

(Таржимаси: Саодат отини фалак чоғлади, шоҳим, Ва барча меҳрини сенга боғлади, шоҳим. Олтин туёқли учқур отинг юрганда, Тупроқ босмасин, деб ерни оқлади, шоҳим).

Султон шоирага таҳсин айтди.<sup>57</sup>

Адиб Собир Султон Санжар замонида кенг шуҳрат таратган забардаст шоир, катта олим ва фозил киши бўлган. Шоир Ҳаким Анварий ҳам доим “Буюк салжуқийлар”нинг сўнгги ҳукмдори ёнида бўлиб, султон кўрсатмаси билан мажлисларда бадиҳа тўқиган.<sup>58</sup> Бир сўз билан айтганда, Салжуқий ҳукмдор Султон Санжар саройида ҳам турли хил ижодкорларни жамлаган адабий муҳит мавжуд бўлган.

Авҳадиддин Анварий кунлардан бир куни Султон Санжар номига қасида ёзади:

<sup>57</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т: “Мумтоз сўз”, 2014. –Б.22-30.

<sup>58</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т:Ғ.Фулом номидаги АСН, 1996. -Б.88.

*Магарким қалбу қўл – баҳру кон бўлғай,  
Бил, ўша қалбу қўл ҳукмрон бўлғай.*

Эрта билан султон ҳузурига борди ва ўша қасидани унинг назаридан ўтказди. Султон беҳад сўз қадрига етадиган киши эди, унинг сўзлари тарзига қараб билдики, шеър донишмандона, пишиқ айтилган. (Шунинг учун ҳам) Анварийнинг сўзларига кўп таҳсин ўқиб, ундан сўради. “Мулозаматимга завқ юзасиданми ёки бирор нарсани таъма қилиб келдингми?” Анварий тез чўкиб деди:

*Жаҳонда остонангдан ўзга бир паноҳим йўқ,  
Бошимга даргоҳингдан ўзга ҳеч даргоҳим йўқ.<sup>59</sup>*

Шундан сўнг Анварий султон мажлисларининг надимига айланди.

*Бу қандоқ ёш йигитдурким, жаҳонга бўлмиш жамол,  
Ҳам замону ҳам заминни яшнатибдир ушбу ҳол.*

Худди шу даврда салжуқий ҳукмронлар саройида, хусусан Султон Санжар ҳокимияти пайтида (1118-1157) кўплаб ижодкорлар жамланган адабий муҳит мавжуд эди. Анварий тахминан 20 яшарлигида ана шу шеърят доирасига дохил бўлди.<sup>60</sup>

Яна бир манбада айтилишича, “маълумки, Анварий қасидагўйликнинг ўлмас устоди эди. У подшоҳ шаънига бир ажойиб қасида айтади-да, саройга боради. Уни маликушшуаро ҳузурига олиб кирадилар. Анварий арзини айтади. Маликушшуаро қасидани ўқини буюради. Маликушшуаро феълени пайқаб қолган Анварий битта наст савияли, ҳақоратомуз қасидани ўқийди. Подшоҳ олдида ўзининг ким эканлигини кўз-кўз қилиш муродида, маликушшуаро Анварийни шоҳ мажлисига тавсия этади.

*Анварий мажлисда шоҳ шаънига аталган ажойиб қасида айтади ва ҳаммани ҳайратда қолдиради. Шоҳ иноят кўрсатиб, Анварийни маликушшуаро этиб тайинлайди ва ...мажлисидан жой беради”.*<sup>61</sup>

Салжуқий ҳукмдор Маликшоҳнинг саркардаларидан бири бўлмиш Ануштегин асос солган Хоразмшоҳлар давлати саройининг

<sup>59</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф.Фуллом номидаги АСН, 1981.-Б.43.

<sup>60</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т: Шарқ НМАК БТ, 2004. –Б.132.

<sup>61</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т:Ф.Фуллом номидаги АСН, 1996.-Б.170.

етакчи шоири, бош котиби аввал Салжуқийларга хизматда бўлган Рашидиддин ал Вотвот Муҳаммад Отсиз, Эл –Арслон мажлисларида ўз шеърлари билан иштирок этган ва ҳар доим ҳукмдорларнинг олқишию инъомларига сазовор бўлган. “Рашидиддин (Вотвот) хоксор, кичик жуссали, теззабон одам эди. Вотвот деб аташларига боис улким, Вотвот мўжаз бир қуш бўлиб, (Фарастук) фариштарак ҳам дейдилар. (Шундай) бир нақл бор: Кунлардан бир куни Хоразм олимлари Хоразмшоҳ Отсиз мажлисида мунозара ва баҳс қилар эдилар. Рашидиддин Вотвот ҳам ўша мажлисда ҳозир бўлиб, мунозара, баҳс ва теззабонлик кўрсатар эди. Хоразмшоҳ кўрдикки, шу қадар кичик жуссали бир одам беҳад ва беандоза баҳс юритаётибдир. Рашидиддин(Вотвот)нинг олдига бир довот қўйилган эди. Хоразмшоҳ зарофат юзасидан дедиким: “Довотни олиб қўйинглари, кўрайлик кани, унинг орқасида туриб гапираётган ким экан?” Писандани англаган Вотвот довотни олиб қўйиб, ўрнидан турди ва деди: “Киши жуссаси билан эмас, балки дили ва тили билан инсондир”. Унинг закийлиги, фазли ва балоғати Хоразмшоҳга аён бўлди. Унга иззату эҳтиром кўргазди. Унинг Хоразмшоҳ мадҳида айтилган покиза қасидалари бор”.<sup>62</sup>

Кунлардан бир куни Рашидиддин Вотвот Султон Санжар шаънига ҳақорат келтирувчи, Марвдан Хоразмга қочиб келган лашкарларни олқишловчи қасида ёзиб, Отсиз мажлисида ўқийди:

*Отсизи гозий ба тахти мулк баромад,*

*Давлати Салжуқу оли ў ба сар омад.*

*(Отсиз гозий мулк тахтига чиқди, Бу Салжуқ давлатини бузди, йиқитди).*<sup>63</sup>

Хоразм шоҳи Султоншоҳ ҳам ўз мажлисига ёши тўқсондан ошган Вотвотни тахтиравонини юбориб олиб келган. Унинг адабий йиғинлари Вотвот иштирокисиз ўтмаган. Ана шундай мажлислардан бирида Хоразмшоҳ кекса сухандоннинг салоҳиятини имтиҳон қилиш муродида унга деди:

<sup>62</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.41.

<sup>63</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1996.-Б.88.

-Эй беназири даврон. Сен менинг ўтмишимдаги неча пуштимни танийсан. Агар қурбинг етса шундай бир назм айтсангки, унда бобом ва отам Эл-Арслоннинг сифати муҳайё бўлсин.

Рашид Вотвот шу лаҳзаёқ бадиҳа тарзида қуйидаги рубоийни айтди:

*Бобонг зулмни замон юзидан ювиб ўтди,  
Одил отанг адолат отини қувиб ўтди,  
Муборак эгнинггаким, салтанат тўни битди,  
Ҳар на қодирсан, кўрсат, эй, навбат куни етди.*<sup>64</sup>

Шу ўринда яна айтиш керакки, юқорида таъкидлаганимиздек Рашидиддин ал –Вотвот яшаган вақт салжуқийлар султони Санжар ҳокимлик қилган даврга тўғри келиб, ҳукмдор замонида илм –фан ва (форсийзабон) адабиёт ғоятда тараққий этган эди. Султон Санжарга тобе бўлган Хоразмшоҳлар саройида бўлгани каби салжуқийлар саройида ҳам кўплаб олимлар, шоиру адиблар ижод қилган. Гап шундаки, икки томон – хоразмшоҳлар билан салжуқийлар ўртасидаги салтанат рақобатида адиб ва шоирларнинг ҳам роли катта эди. Яъни Хоразмшоҳлар ва Салжуқийлар саройларидаги мажлисларда ҳар бир шоир ўз султонини мадҳ этиш билан бирга, унинг рақибини ҳажвга олар эди. Саройлар адабий йиғинларида бундай рақобат жараёнлари қизғин тус олганди. Янада соддароқ қилиб айтганда, Отсиз саройидаги Вотвот бошчилигидаги шоирлар мажлисларда Хоразмшоҳни кўкларга кўтариб, Султон Санжарни ҳажв қилишган. Марвдаги назм аҳли эса аксинча, адабий кечаларда салжуқий ҳукмдорни мадҳ этиб, хоразмшоҳни танқид этишган.

“Сайфиддин Исфарангий Хоразмшоҳ Эл-Арслон ҳукмронлигининг бошларида Бухородан Хоразмга борди. Эл Арслон унга иззат-икром кўрсатди ҳамда Хоқонийнинг бир қасидасига жавоб айтишни буюрди. Хоқоний қасидасининг матлаи будур:

*Оҳим жаҳонни банд этар тонг чоги мисли тутун,*

<sup>64</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.48.

*Шафақ кўзимга қон қўяр ҳар сафар келганда тун.*

Мавлоно Сайфиддин бу қасидага жавобни баҳр ва радифда мувофиқ қилиб айтди, аммо қофияни бир оз бузди. (Қасидани) **шоҳнинг (хос) мажлисида** ўқиди. Фозиллар уни эшитиб маъқул топдилар. Ўша қасиданинг охири будир:

*Сирларим ҳавдажидан кўтарса тун ниқобини,*

*Уйғоқ кўзим бирла дилим олгай саҳарнинг хобини.*

Мавлоно Сайфиддин узр сўраб дедиким, бу қофияни нозик таъбларга маъбул деб топдим. Сўнгра Хоқоний қасидасига баҳр, радиф ва қофиясини мувофиқлаштириб яна бир жавоб айтди:

*Бўлди тоқат иксиридан бул таним тиллога тенг,*

*Қилди олам ганжини бод гўё хоки пога тенг,*

*Бахт насиб этди фақир кулоҳидин ўлгунча то,*

*Манглайим ойдек ёруғ, бошим эса самога тенг”.*<sup>65</sup>

Мухтасар қилиб айтганда, салжуқий ҳукмдорлар ва хоразмшоҳлар мунтазам адабиёт аҳлини, шоирларни қўллаб қувватлаганлар. Султонлар ҳузурида ўтказилган адабий мажлислар нафақат подшоҳ кўнгли шод этиш, балки адабиётни ривожлантириш учун хизмат қилган. Адабиётшунос Ҳомиджон Ҳомидий ёзганидек, “Саройга яқин турган адиблар, яъни сарой адабиёти вакиллари адабий тилни юксалтириш, ғазал, қасида, маснавий, ёднома жанрларини такомиллаштиришга бениҳоят катта хисса қўшдилар. Шарқ илму фанининг асосий кашфиётлари сарой доирасида юз берганидек, ёдноманавислик, тарихнавислик ҳамда ахлоқий-таълимий моҳиятдаги “Тарихи Табари”, “Тарихи Наршахий”, “Тарихи Салжуқия”, “Тарихи Байҳақий”, “Сиёсатнома”, “Қобуснома” каби асарларнинг кўпи у ёки бу сулола ҳукмдорининг хоҳиши, истаги, буюртмасига таълиф этилган”.<sup>66</sup> Бу эса ўз навбатида сулола ҳукмдорлари ва ижодкорлар номини абадиятга муҳрлаган. Энг муҳими адабий мажлисларда ҳукмдорлар буюртмаси билан яратилган бадиий ва тарихий асарлар бугунги кун ўқувчисининг ўтмиш ҳақидаги тасаввурини бойитиш билан бирга,

<sup>65</sup> Кўрсатилган асар.-Б.60-61.

<sup>66</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари.Т:Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.285.

дидактик рисолалар эса маънавиятимизни оширишга хизмат қилади. Зотан Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бундай маънавий меросни ўқиш-ўрганиш, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида ота-боболаримиз томонидан биз-авлодларга қолдирилган китоблар ёшларимизни маърифат билан “қуроллантиради”. Маърифатли миллат эса ҳеч қачон йўлдан адашмайди.

Қорахонийлар (927-1212) сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам Марказий Осиёда илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланди. 992 йили Ҳорун Бухорони, 996-999 йиллари эса Наср I бутун Мовароуннаҳрни эгаллади. Низомий Арузийнинг ёзишича, қорахоний ҳукмдор Хизр ибн Иброҳим даврида Бухорода адабиёт гуллаб яшнади: “У (Хизр ибн Иброҳим) шоирларни севар эди. Устод Рашидий, Амир Амъақ Бухорий, Нажибий Фарғоний, Нажжор Соғаржий, Али Бонизий, Писари Дарғуш, Писари Исфароний ва Али Сипехрийлар унинг хизматида бўлиб, адабий мажлисларида иштирок этар эдилар”, деб таъкидлайди Низомий Арузий Самарқандий “Мажмаъун наводир” асарида.

Абу Нажиб Шаҳобиддин Амъақ Бухорий ҳам юқорида зикр этганимиздек, қорахоний подшолардан Хизрхон (Хизр ибн Иброҳим) (1079-1080) саройининг амир уш-шуароси бўлган. Қасиданавис етук шоир Амъақ Бухорий ҳақида Низомий Арузий шундай ёзган: “У давлатдан юксак илтифот кўрган бўлиб, подшо (Хизрхон) мажлисида катта эҳтиромга эга эди. Бошқа шоирлар ҳам ихтиёрсиз унинг хизматини қилишга мажбур эдилар”.

Кунлардан бир куни подшо Хизр ибн Иброҳим шоир Рашидий ҳозир бўлмаган мажлисда Амъақ Бухорийдан “Абдуссайид Рашидий шеърлари ҳақида қандай фикрдасан?” деб сўрайди. Шоир унга “Шеърлари бағоят равон ва яхши ёзилган, аммо сал тузи камроқ!” деб жавоб берди. Орадан сал вақт ўтиб-ўтмай Рашидий мажлисга кириб келди ва таъзим қилиб, жойига ўтирмоқчи бўлган эди, подшо уни олдига чақирди-да, “Рашидийнинг шеърлари қандай деб амир уш-шуародан сўраган эдим, у: “Яхши, аммо

тузсиз” деб жавоб берди. Сен ҳам шунга жавобан бир-икки байт айтишингга тўғри келади”, дейди ҳукмдор.

Рашидий таъзим қилиб, жойига қайтиб келиб ўтирди ва бадиҳа тарзида мана бу қитъани айтди.

*Менинг шеърларимни тузи йўқликда,*

*Айбга йўйибсан ростдир бегумон!*

*Шеърларим шакару асал кабидир,*

*Асалу шакарда туз бўлса ёмон!*

*Сеники шолғому ловия каби,*

*Туз, демак сен учун керак, эй нодон!*

Мазкур қитъа подшога маъқул бўлади. Қорахонийлар саройида (Бухорода) шундай бир одат расм бўлганди: ҳукмдор мажлисида ёки бошқа йиғинларда олтин ёки кумуш солинган товоқни меҳмонлар олдига олиб келишар, буни “Кумуш тоқмижуфт?” деб аташар эди. Хизрхоннинг мажлисида ҳар бирида икки юз эллик динордан бўлган тўртта товоқда қизил олтин қўйилар ва бир сиқимдан тақсим қилинар эди. Бу гал подшо ҳамма товоқни Рашидийга беришни буюрди. Унинг ҳам шуҳрати Амъак Бухорийники каби ошиб кетди.

Бухорода яшаб, ижод этган сарой шоири Амъак Бухорий маълумотларга қараганда, XI асрнинг 40-50- йиллари орасида туғилиб, 1158 йилда вафот этган. У ўз даврида форс-тожик классик адабиёти тарихида баҳор гўзаллиги, ошиқ ва маъшук латофати, муҳаббат ва унинг бешафқатлигию, тақдир бевафолигини тараннум этган қасидалари билан машҳур бўлган. Бобур Каримов қомусий олим-шоирлардан бўлган Амъак Бухорийни девони, фалсафа, тарих, алжабр каби фанларга оид ёзган асарлари ҳақида маълумот борлигини, аммо уларнинг кўпчилиги илм аҳлига таниш эмаслигини” ёзган.

Бундан ташқари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ушшуаро”сидан қарийб юз йил яшаган шоир Амъак Бухорий Қорахонийлар саройида фаолият кўрсатишдан ташқари, Салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар хизматида ҳам бўлгани маълум бўлади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “улуғ

шоирлар жумласидан (Амъак Бухорий) Султон Санжар замонида яшаб, “Юсуф” қиссасини назм этганки, уни икки баҳр билан ўқиса бўлади...

Амъак (Бухорий) айниқса марсия айтиш бобида беназир бўлган. Абу Тоҳир Хотуний “Тарихи Оли Салжук” (“Салжуқийлар хонадони тарихи”) китобида ёзишича, Султон Санжарнинг қизи вафот этгач, ҳукмдор кексайиб қолган шоирни Бухородан чақиртириб, марсия айтишни буюрган.

*Тинди бўстон саҳнида ногоҳон гул кулгиси,  
Кетди туфроқ қаърига беркиниб жисму иси.  
Гар булутдан жиққа ҳўл бўлди дарахт япроқлари,  
Қолди сувсиз, водариз, янги бўстон наргиси.*

Султон Санжар мажлисида ўқилган ушбу марсияни Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да “яхши айтган” деб юқори баҳолаган.

Ғулом Карим Қорахонийлар давридаги Самарқанд адабий муҳити ҳақида шундай ёзган: “X-XI-асрларда Самарқанд Қорахонийлар давлатининг марказий шаҳарларидан бири эди. Қорахоний ҳукмдорлар, Шарқий Туркистонда бўлгани каби, Мовароуннаҳрда ҳам илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига ҳомийлик қилдилар. Масалан, Тамғочхон Иброҳим томонидан Самарқандда қурдирилган йирик мадрасадан кўплаб олимлар етишиб чиққан.

Қорахонийлар даврида Самарқандда илму фан билан бирга бадий адабиёт ҳам гуллаб яшнади. Қорахонийлар давлатининг Шарқий ҳудудида жойлашган Кошғар ва Болосоғун каби йирик шаҳарларда бадий адабиёт асосан туркий тилда яратилди: Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк шоир ва Маҳмуд Кошғарийдек улкан тилшунос олимлар етишиб чиқди. Самарқандда эса адабиёт, сомонийлар даврида шаклланган анъанага кўра, кўпроқ форс тилида яратилди.

Қорахонийлар даври шоирларидан бири Али Шатранжий Самарқандий ижодидан сақланиб қолган намуналар унинг етук

ижодкор бўлганини кўрсатади. Шахмат ўйини устаси бўлгани учун у ўзига Шатранжий тахаллусини танлаган.

Али Шатранжийнинг қорахонийлар вазири буюртмасига кўра ёзилган “Лайлак” қасидасидан парча:

*Башорат орад аз наврўз моро ҳар замон лайлак,  
Кунад гамгин дили мо зон башорат шодмон лайлак.  
Дабирестонаст гўё ошён ва кудакон гунжишик,  
Нишаста гуи яки пир муаллим дар миён лайлак.*

(Мазмуни: Ҳар замон лайлак бизга наврўздан башорат келтирмоқда, Ушбу башорат билан дилимизни шодмон этмоқда. Унинг уяси худди мактаб каби ва чумчуқлар-ўқувчилар, Лайлак гўё қари муаллим каби ўртада ўтирибди).

...Шамсиддин Муҳаммад ибн Али Сузаний Самарқандий Шатранжийнинг шогирдидир. Тазкираларда унинг номи Ҳаким Сузаний Самарқандий тарзида ёзилиши ўз даврининг етук олими ҳам бўлганидан далолат беради. Сузанийнинг 12 минг мисра шеърдан иборат девони сақланиб қолган бўлсада, кўлёмалари ноёбдир. Шоир шеърларида Самарқандда ҳукмронлик қилган ўзига замондош қорахоний хонлар номи тилга олинади:

*Ба саъди ахтари маймун музаффар гаит бар аъдо,  
Қилич Тамғачхон Масъуд Рукн ад-дин вад-дунё.*

(Мазмуни: Дин ва дунё таянчи Қилич Тамғачхон Масъуд Саодатли юлдуз муждаси билан душман устидан зафар қозонди).

Сузаний меросининг диққатга сазовор жиҳатларидан бири унинг шеърларида туркий сўзларнинг кўплаб учрашидир.

*Эй турки моҳчеҳра, че бошад гар шаби  
Ойи ба ҳужраи ман ва гуи “Қўнақ керак?”  
Гулрўйи турки ва ман агар турк нистам,  
Донам бадин қадрки, туркист гул – чечак.*

(Мазмуни: Эй, ой чехрали турк қизи, қанийди Тунда менинг ҳужрамга келиб “Қўноқ керакми?” деб сўрасанг. Гул юзли турк қизи, мен турк бўлмасам-да Гулнинг туркийча “чечак” эканлигини биламан).

...Сузаний шеърларида туркий сўзлар учраши шоирнинг ўқувчилари – Самарқанд халқи ҳар икки тилни яхши билганидан далолат беради.

Қорахонийлар давлати бир қанча ўлкаларни бирлаштирган улкан салтанат бўлгани, табиийки, давлатчилик ва сиёсатга оид илмларнинг ҳам ривожланишини тақозо этарди. Муҳаммад Заҳирий Самарқандий қорахоний ҳукмдор Қилич Тамғоч ҳоқон ибн Қилич Қорахон (1163-1178) даврида яшаган ва шу хон саройида девони иншо соҳиби (ёзишмалар девонининг бошлиғи) лавозимида ишлаган. Заҳирийнинг илк асари “Ағраз ас-сиёсат фи араз ар-риёса” (“Ҳукмронликни бошқаришда сиёсат вазифалари”) бўлиб, унда асрлар давомида ҳукм сурган бир қанча тождорларнинг давлатни бошқариш юзасидан айтган ҳикматли сўзлари жамланган.

Заҳирийнинг яна бир асари “Синдбоднома” бутун Шарқда жуда машҳур бўлди (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2007 йил 27-сон).<sup>67</sup>

Мухтасар айтганда, Қорахонийлар даври адабиёти равнақида, қасиданавислик ва марсия жанрлар ривожидида шоир ва мутафаккир Амъақ Бухорий каби шоирларнинг катта ҳиссаси бўлган десак, сира муболаға бўлмайди.

Шунингдек, шоирлар ва илм аҳлига хизмат қилиш шоҳлик расми бўлган. Шоирлар ва илм аҳли сиёсатда бетараф бўлганлар. Улар бир подшодан қанчалик мурувват кўрсалар, унинг вафотидан кейин унга мухолиф бўлган кейинги подшоҳлардан ҳам шунчалик мурувват кўрганлар. Чунки шоирлар қадим-қадимдан салтанат безаги ҳисобланганлар, султон номини дунёга таратганлар, улуғворлигини тарих саҳифаларига нақш этганлар. Шоирлар ва илм аҳлига ҳомийлик қилиш барча султонларга обрў келтирган. Акс ҳолда, шоирларнинг ўткир ҳажвлари султонни етти иқлимга кулгу этишга қодир эди. Шунинг учун Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари шеърятни, шоирларни ва адабий мажлисларни қадрлаганлар.

---

<sup>67</sup> Xurshid Davron kutubxonasi. [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz)

## 1.2. Адабий мажлислар таснифи

Таҳлиллардан келиб чиқиб, Амир Темур ва темурийлар даври адабий мажлисларини турли хил турларга ажратиш мумкин. Шарофиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”лари ҳамда Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, “Темур тузуклари” асарларида Амир Темур ҳузурида ўтказилган уламолар иштирокидаги диний мажлислар ҳақида маълумотлар мавжуд. Аҳмаджон Чориев “Соҳибқирон маънавияти” асарида Амир Темур мажлисларига алоҳида тўхталган. Фахруддин Али Сафийнинг “Латофатнома”, “Рашоҳат айнул-хаёт”, Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” ва “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” китобларида ҳам Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг илмий-диний ва адабий мажлислари тўғрисида айрим маълумотларни учратиш мумкин. Амир Темур ва темурийлар даврида ўтказилган мажлислар ва уларнинг айрим турлари ҳақида Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул-вақоеъ” асарида нисбатан кенгроқ ёритилган. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида мажлисларнинг суҳбат, ваъз, самоъ турлари бўйича қизиқарли маълумотларга дуч келиш мумкин. Айниқса, бу китоб ўз даврининг машҳур машойихлари, тариқат пешволари ҳузуридаги йиғинлар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” ҳамда Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” рисолаларида ваъз, маърака, қиссахонлик кечалари ва самоъ мажлислари ҳақида қисқача қайд этилган. “Соқийнома” ва қатор шеърларда, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да Навоий томонидан риндлар базмлари тилга олинган.

Мажлислар барча темурий мирзоларнинг саройларида ўтказилганлиги, бу анъана ҳар бир ҳукмдорнинг табиатидан, дунёқарашидан, талабидан келиб чиқиб, ўзига хослик касб этганлигига ҳамда давр анъаналари, диний ва миллий қадриятларга асосланиб, анжуманларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) Уламолар мажлислари;
- 2) Машойихлар суҳбатлари;
- 3) Ҳадис йиғилишлари;
- 4) Ваъз мажлислари;
- 5) Самоъ йиғинлари;
- 6) Аҳли фано йиғинлари;
- 7) Риндлар базмлари;
- 8) Султонлар ҳузуридаги шеърят кечалари;
- 9) Шоирлар мажлислари;
- 10) Муаммо ечиш йиғинлари;
- 11) Хонандалик (Муסיқа) мажлислари;
- 12) Шатранж мажлислари;
- 13) Қиссахонлик кечалари;
- 14) Китобхонлик кечалари;
- 15) Маърака йиғинлари.

Дастлаб, Уламолар (олимлар) йиғинига тўхталиб ўтамиз. Улуғбек Мирзо саройида илмий йиғинлар ташкил қилинганлиги ҳақида Ҳерман Вамбери маълумот берар экан, Улуғбекнинг “уламолар мажлиси, илму-фанга берилганлигига” алоҳида урғу берган<sup>68</sup>. Фиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошондаги отасига йўллаган мактуби Вамбери фикрини тасдиқлайди. Унда Коший Мирзо Улуғбек мадрасасида ва саройида ўтказиладиган илмий мажлисларнинг фаол қатнашчиси бўлганлигига ҳамда муайян илмий муаммолар билан шуғулланганлигига тўхталган ва мазкур мактубда жумладан шундай дейилган: *“Бандаи бечора(Фиёсиддин Коший) келган куни ҳам ушбу масала (фалакиёт) ҳазрати олийлари(Мирзо Улуғбек) томонларидан яна бир бор кўтарилган эди ва ўша мажлисда юлдузларнинг бири учун тўғри ечим топилди. Масаланинг бундай ечими ҳазрати олийга ва риёзиёт билимдонларига жуда маъқул тушди”*<sup>69</sup>

Фиёсиддин Коший яна бир кун икки кундан бери уйдан чиқишга имкон бермаётган муттасил безгаклаб тургани ҳолда

<sup>68</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т. Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.61.

<sup>69</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Т. Ўқитувчи, 1996.-Б.280-283.

мажлисга келади. Қозизода Румий ҳали ҳам мажлисда эди. Мирзо Улуғбекнинг назари унга тушгач, “Мавлоно, масалани ечинг”, дейди ва “Қонуни Масъудий” унга топширилади.

У мажлисда ушбу масаланинг беш-олти сатрини ўқиғач, уни бутунлай тўла равишда тушунтириб беради. *“Шуни айтиши кифояки, бундай мажлисларда шу қадар кўп обрўли зотлар орасида, ҳар бир кимсанинг билими, ўзгаларнинг фикридан ва ўзи билдирган даъволардан қатъи назар баҳоланади,”*- дейди Коший мактубда.

Даставвал, Коший шу ерга келган вақтда мажлисда сўзга чиқиб, “Тухфа”да, “Ниҳоя ал-идрок”(“Олий тушуниш”)да мавлоно Низомиддин Нишопурийнинг “Шарҳ-и тазкира”(“Хотиранома”га (ёзилган) шарҳ”)ида ва Саййид Шарифнинг “Шарҳ-и тазкира”сида бир хилда, лекин нотўғри ифодаланган бир неча муаммолар ҳақида хабар қилди. Шундан сўнг бу ҳақда Мирзо Улуғбекнинг мажлисида айтган эди”.<sup>70</sup> Албатта юқорида Коший таъкидлаганидек, Улуғбек Мирзо томонидан ўтказилган бундай илмий мажлислар ўз даврининг йирик олимларини жамлаган ва бундай йиғинларда илмий масалалар кўриб чиқилган. Бу биринчидан.

Иккинчидан, Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар қошида уламолар мажлислари мунтазам ташкил қилинган. Амир Темурнинг илмий суҳбат ва мажлислари фақат Самарқанддаги уламолар билан биргаликда ўтказилиб қолмасдан, Соҳибқироннинг ҳарбий сафарлари асносида тўхтаб ўтган жойларида ёки янги қўлга киритилган шаҳарларда доимий равишда ўтказиб турилган. Табриздан Соҳибқиронни зиёрат қилиш учун саййидлар, уламо ва шайхлар келиб, ўртада илмий ва шаръий билимлар ҳақида катта баҳс – мунозаралар бўлиб ўтгани ҳам мисоллардан бири. Байлақонда уламолар иштирокида бўлиб ўтган диний мажлисда Темур уламолар билан фикр-мулоҳаза алмашади: *“...Байлақон ери маркази Илом бўлгонда тамоми Эрону Туроннинг атрофу акнофидин акобиру аможид йигилиб, боргоҳи оламаноҳда жамъ бўлдилар. Ҳазрат ҳумоюн (Амир Темур) хотиридин кечдиким,*

---

<sup>70</sup> Кўрсатилган асар.-Б.280-283.

*боргоҳда мажлиси оммада номдор уламолар ва фузалойи тақвошиёрларнинг улкан йигинида масоили динийнинг муаззимоти ва фарзларнинг муҳиммоти ва исломий шуруъдин билгай. Мубоҳиси шариф бўлиб, ҳар масала хусусида фойдали ва латиф сўзлар бўлди.”*

Суҳбатда Амир Темур уламо ва фузалога қаратиб, шундай деди: “Уламо ҳар замонда подшоҳларга буюк насихатлар қилишган ва хайрли ишларга тарғиб қилишган ва номуносиб ҳаракатдан қайтаришган. Бу асрда сизлар ҳеч тўғри йўлга бошламайсизлар. Ва нима қилмоқ ва нима қилмаслик хусусида менга ҳеч нимарса демайсизлар”.

Шундан сўнг уламолар дедилар:

“Аллоҳ таолоға ҳамдлар бўлсунким, ҳазратға бандалигимиз бизни йўл кўрсатиш ва насихатлар қилишдин халос қилур. Балки сизнинг барча қилгон ишларингиз ва дегон сўзларингиз тўғри йўлдадир”.

Соҳибқирон уламолар мажлисида барча иштирокчилар билан мулоқотда бўлган.<sup>71</sup>

Араб олими Ибн Халдун кунлардан бир куни совға-салом олиб, Темурнинг мажлисига йўл олади. Аблақ қасри айвонида ўтирган Темурнинг ҳузурига кириши билан у Мусҳафи(шарифни) очади, Темур уни кўриши биланоқ, таниб, ўрнидан турди ва кўлига олиб бошига теккизди. Ибн Халдуннинг ёзишича, “кейин мен Темурга “ал-Бурда”ни бердим. У қизиқиб, бу қандай китоб, муаллифи ким эканлигини сўради. Билганларимни гапириб бердим. Ундан кейин жойнамозни узатдим, у қабул қилиб олди. Одоб юзасидан қутилардаги ширинликларнинг четидан биринчисини ўзим олиб, кейин унга узатдим. (Темур) уларни мажлисда ўтирганларнинг ҳаммасига тарқатди. Шундан сўнг Ибн Халдун иштирокида баҳс-мунозаралар бошланади.<sup>72</sup>

Амир Темур (1370-1405 йилларда) ҳузурда унинг ташаббуси билан ўтказилиб турган уламолар мажлислари ҳақида тарихчи

<sup>71</sup> Шарофуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Т. Шарқ НМК БТ, 1997.-Б.278-279.

<sup>72</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Т. Ўқитувчи.1996.-Б.47-48.

Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут – таворихи муиний” асарида “Амир Темур илму ҳикмат аҳли ва фан арбобларига ғоятда эътиборли эди. **У(Амир Темур)нинг мажлисларида** илмий (диний) масалалар баҳси(мажлислар) жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда (унинг фикри) асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида кўпинча ҳозиржавоблик қиларди. Ахлоқининг гўзаллиги шу даражада эдики, унинг сўзлари ва рафторининг хусни жами фазилатлар бобининг дебочаси бўлди. Ўзининг аксар вақтини саййидлар, уламо ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди”, деб ёзган.<sup>73</sup>

Саройдаги диний йиғинларда Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокий каби алломалар Темур хизматида бўлганлар. Самарқандда Амир Темурнинг фақиҳ олимларидан мавлоно Абдумалик мадрасада мударрислик қилар, шатранж ва нард (ўйинлари)дан таълим берар ҳамда шеър ҳам айтарди. Уламо Нўмониддин Хоразмийни Нўмон (Ҳанифа мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа) иккинчи ҳам дердилар. Ўз даврида Амир Темурнинг муҳаққиқ олимларидан мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний ва файласуф олим Саййид Шариф Муҳаммад Журжонийлар машҳур эдилар. Файласуф Тафтазоний ҳам Амир Темур саройидаги кўпсонли илмий баҳсларда фаол қатнашган. Манбаларда қайд этилишича, Самарқандда яшаган файласуф Мир Саййид Шариф Журжоний ва Тафтазоний ўртасидаги илмий баҳслар жуда кескин ва қизиқарли ўтган.<sup>74</sup> “Тарихи Рашидий”да бу ҳақда шундай ёзилган: “Мавлоно Саъдуддин Амир Темурнинг мажлисларида неча маротаба баҳсу мунозара қилди. Гоҳи Мирға(Мир Саид Шариф) ғолиб келди”<sup>75</sup> Муҳаддис олимлардан Шайх Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-

<sup>73</sup> Муизиддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи муиний. – Т. Ўзбекистон. 2011.-Б.105.

<sup>74</sup> Маънавият юлдузлари.(Мухаррир Ф.Ҳасанов). – Т. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ДИН, 2011.- Б.178-179.

<sup>75</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. – Т. Ўзбекистон. 2011.-Б.279.

Жазарийни Румдан келган эди. Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий, улуғ тафсирчи, ҳадисчи ҳофиз бўлиб, Қуръони каримни юз жилдда тафсир қилган эди. Қорилардан яна мавлоно Фахриддин ва Қуръонни қироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган кишилардан Абдуллатиф ал-Дамғоний, мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз Ҳусайний, Маҳмуд Мухриқ ал-Хоразмий, Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва мусиқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғийлар Темур саройида хизматда эдилар.

Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” китобида ёзилишича, *“Темур ҳар бир истеъдодли инсонни йиғиб, нимаики нарса бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар гаройиб услубидан фазилати нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди”*.<sup>76</sup> Ана шундай алломалар иштирокида Темурнинг мажлислари ташкил этилган.

Саройда – Амир Темур ҳузурида (мажлисларда) эркин илмий баҳслар бўлиб, ғолиб чиққан олим ва шоирлар рағбатлантирилган, синовдан ўтган йирик олимлар янги қурилган мадрасаларга мударрисликка юборилган. Одатда Амир Темур тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказган. Бундай суҳбатларда подшоликка оид муҳим ишлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Масалан, 1403 йилда у (Амир Темур) ўз ҳузурида уламоларнинг мажлисини чақириб, нутқ сўзлаган.<sup>77</sup>

Уламолар билан мажлис қуриб, суҳбатлашиш, уларнинг баҳс-мунозараларида қатнашиш соҳибқирон Амир Темурнинг сеvimли машғулотларидан бўлган. “Темур тузуклари”да Амир Темур *“уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Бузуқи, оғзи шалоқ, гийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим...”*

<sup>76</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. – Т. Ижод.1992.-Б.84-85.

<sup>77</sup> Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Т. Қомуслар бош таҳририяти, 1994.-Б.43-44.

...Аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозиллар, ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар ва ровийларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа(нафақа) ва маош белгиласинлар”,<sup>78</sup> деган.

Нега бундай мажлисларни мунтазам ташкил этганлигига Навоийнинг “Назм ул –жавоҳир” асаридан жавоб излаймиз. Назаримизда, Амир Темур пайғамбар (с.а.в.) чаҳорёрларидан Али ибн Абутолибнинг “Мажлис ул-илми равзат ул-жаннати–Илмий мажлис жаннат гулшани кабидир” деган ҳикматига амал қилган. Навоий ушбу ҳикматни шеърӣ тил билан баён этган:

*Ким олим эса нуктада барҳақ де ани,  
Гар базм тузар, бихишти мутлақ де ани.  
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмақ де ани,  
Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де ани.*<sup>79</sup>

Шунингдек, “Темур тузуклари”дан маълум бўладики, Амир Темур саройига келиб-кетувчи ва мажлисларини безаб турувчи - саййидлар, уламо, шайхлар, фозиллардан диний, ҳуқуқий, ақлий ҳамда ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни ўрганган.<sup>80</sup>

Учинчидан, уламолар иштирокидаги ана шундай йиғинлар темурий султонлар қошида ташкил этилгани каби Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ҳам ўтказилган. Олий мансаб эгалари, аслзодалар, уламолар ва улуғлар Мирзо Султон Ҳусайн мажлисига йиғилган бир кун бир диний масала ўртага ташланди. Шайхулислом уни икки марта қайтардилар. Бу ҳол Мирзога ёкмади. Чунки, Шайхулислом секин, гапни чайнаброқ тушунтирдилар. Паҳлавон Муҳаммад масалани қайтарди. Мирзо дарҳол уни топдилар. Мажлис тарқагач, Шайхулислом ташқарига чиқиб, мажлисда шундай подшо, шундай уламо ҳозир бўлатуриб, курашчи одамнинг маликулкаломлик қилиши қандай бўлади, дедилар. Бу гапни Ҳусайн Мирзога етказдилар. У деди: “Бу мажлис

<sup>78</sup> “Темур тузуклари”. – Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.90-91.

<sup>79</sup> Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами.Ўнинчи жилд. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ.2012.-Б.78 (Алишер Навоий асарларидан мисоллар қуйидаги нашрлардан олинди: Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. -Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2012. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йиғирма томлик. -Тошкент. Фан. 1987-2003. Айни нашрлар бундан кейин АНТАТ ва АНМАТ шаклида жилд рақами билан келтирилади).

<sup>80</sup> “Темур тузуклари”. – Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.99.

Шайхулислом ва уламо учун чақирилгани тўғри. Агар Паҳлавон Муҳаммаднинг бу мажлисда сўзлашга қобилияти ва лаёқати бор экан, Шайхулисломнинг уни чеклашлари тўғри эмас. Агар сўзлашга қобил экан, бунга шайхнинг нима дахли бор!” Мирзонинг бу гапини Шайхулисломга етказдилар. Ҳамма акобирлар йиғилган бу мажлисда Шайх сўради: “Сизлар бу хусусда нима дейсизлар?” Мажлисдагилар деди: “Сиз бир нима дедингиз ва Султон сизнинг ўша гапингизга яраша жавоб берди. Энди ихтиёр ўзингизда”. Шайх бир қадар ўйланиб турди-да, деди: “Дарвоқе, инсоф билан айтганда, Паҳлавон Муҳаммадни **уламо мажлисида** сўзлашдан манъ қилмаслик лозим”<sup>81</sup>.

Навоий “Лайли ва Мажнун”да дин илмини мукаммал билган Султон Ҳусайн Бойқаро бошчилигида ўтказилган уламолар мажлисини шундай тасвирлаган:

*Ҳар илмда бир кишики аълам,  
Етгач оча олмай оллида дам.  
Олам аро илм илми диндур,  
Дин илми фикҳ эрур яқиндур.  
Базми аро ҳар фақиҳи моҳир,  
Бир масъала қилди эрса зоҳир.  
Юз шубҳа қилиб бори муважжсаҳ,  
Ким, ноқил эмас биридин огаҳ.  
Чун масъалагўй қолиб муаттал,  
Ўз шубҳаларин ўзи қилиб ҳал.  
Ул деб не ўқиб варақда мутлақ,  
Бу дею неки кўнглига солиб Ҳақ.*<sup>82</sup>

Яъни, соддароқ қилиб айтганда, ҳар илмда аллома бўлган одам Ҳусайн Бойқаронинг мажлисига келгач сўзга оғиз очолмай қолади. Ҳусайн Бойқаронинг мажлисида ҳар моҳир фақиҳ бирор масалани ўртага қўйса, шоҳ унга нисбатан асосли юзлаб шубҳаларни тизиб ташлайдики, масала айтувчи уларнинг биттасидан ҳам воқиф эмасдир. Фақиҳ четлашиб қолгач, ҳар бир

<sup>81</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул-вақоъ. – Т. Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1979.-Б.120-121.

<sup>82</sup> АНГАТ. 7-жилд.-Б.36-37.

масалани мажлисда ўзи бирма-бир ҳал қилиб беради. Аллома варақдан ўқиганларидан сўраса, шоҳ Ҳақ кўнглига солган жавобларини айтади.<sup>83</sup>

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар ҳузурларида бундай диний мажлислар ташкил қилиниб, дин арбоблари, саййидлар, уламолар иштирокида ўз даврининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Шунинг учун исломий маърифат тарғиб қилинган уламолар йиғинлари барча ҳукмдорлар ҳузурида ташкил этилган. Бундай мажлислар ўз даври мусулмон мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этган. Чунки ислом давлатининг етук уламолари йиғилган йиғилишларда барча тўпланиб қолган масалалар муҳокама қилинган. Темур ҳам, Ҳусайн Бойқаро ҳам йиғинларда уламолар билан тенг баҳсга киришгани, диний масалаларга ечим топишгани ҳукмдорларнинг билимдонлигидан, олимлигидан далолат беради.

**Машойихлар суҳбатлари, ҳадис ва воизлар мажлислари.** Машойихлар суҳбатлари темурийлар даврида мутасаввуфлар, шайхлар, тариқат намояндалари ҳузурида суҳбатлар ўтказилган. Машойихлар мажлислари Навоий асарларида баъзан суҳбат ёки суҳбати-мажлиси деб ҳам аталган. Ана шундай диний ва тасаввуфга оид мажлисларни тасаввуф уламолари хонақоҳларда, масжидлар ва мадрасаларда қурганлар ва мажлис аҳли билан яқиндан мулоқотда бўлганлар. Машойихларнинг авлиё устозларнинг йиғинларига қатнашганликлари эса “Насойим ул-муҳаббат”да “суҳбат тутиб эрди”, “суҳбатиға етти” дея қайд этилган. Шу маънода сўфийлар, бўлғуси валийлар нодир инсонларнинг суҳбатида бўлишга жуда катта эътибор берганлар. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир валийни таърифлаганларида уларнинг замонасидаги қандай улуг зотларнинг суҳбатиға етишганликларини алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин, ҳадисда айтилганидек, азизлар суҳбатининг бир соати кўп йиллик мактаб, мадраса сабоғидан афзалдир.<sup>84</sup> Темурийлар

<sup>83</sup> Алишер Навоий. Хамса. Насрий баён. – Т. Наврўз, 2019.-Б.306.

<sup>84</sup> Насафий. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. – Т. Фан, 1993. –Б.7.

даврида кенг тарқалган нақшбандия ва бошқа айрим тарикатлардаги суҳбатлар оммалашувининг асл сабаби унинг Пайғамбаримиздан қолган суннат эканлигидадир. Бу ҳақда адабиётшунос Нажмиддин Комилов шундай деган: *“Расули Акрам дин асослари, шарият аҳкомини ва ҳам гайб асрорини суҳбат билан бошқаларга тушунтирар эдилар. Шунинг учун у киши билан бирга бўлганларни саҳобалар, яъни аҳли суҳбат деб атаганлар.”*<sup>85</sup>

Мисолларга мурожаат қилсак, Амир Темур ҳам тасаввуф шайхларининг доимий суҳбати(мажлиси)да бўлган. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да шундай дейилган: *“Машойихлар, сўфийлар, (Худони таниган) орифларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар кўрдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, хузур қилдим”*.<sup>86</sup> Амир Темур ҳукмронлиги даврида темурийлар пири Низомуддин Хомуш таҳсил вақтида нақшбандия авлиёларидан Алоуддин Аттор суҳбатида бўлган. Бу ҳақда Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хомушнинг куйидаги фикрларини келтирган: *“Аввал қатлаки, Хожа Алоуддин суҳбатига бордим, Хожаи бузургвор асҳобидин бири аларнинг эшигида ўлтуруиб эрди. Манга дедики, вақт бўлмадики, зуҳду покизаликларингдин чиққайсен? Бу сўз менга оғир келди, аммо Хожа қошига кирганда алар ҳам ушбу сўзни дедилар, вале менга оғир келмади”*.<sup>87</sup> Ана шундай суҳбат-мажлислар орқали Низомуддин Хомуш камолотга эришган. Хожа Убайдуллоҳ Имом Исфаронийнинг ҳикоя қилишича, аввал у Алоуддин Аттор мажлисига борган ва шунда Хожа Алоуддин мажлисда унга қарата ушбу байтни ўқиган:

*Ўзингдан кеч, камол фақат будур,  
Мутлақ фоний бўл, висол фақат будур.*<sup>88</sup>

Исфароний ана шундай улуғ авлиёлар суҳбати таъсири ўлароқ, машойих даражасига етган, дейишимиз мумкин. “Чунки

<sup>85</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.108.

<sup>86</sup> “Темур тузуклари”. – Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.90-91.

<sup>87</sup> АНГАТ. 10-жилд. –Б.316.

<sup>88</sup> АНГАТ. 10-жилд. –Б.317.

шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали, насихат орқали тарбиялаганлар. Айнан ана шу суҳбатларда ҳикоятлар, шеърӣ парчалардан фойдаланилган. Насихат адабиётининг ўзига хос жозибаси таъсир кучи ва услуби бор. Шунинг учун сўфиёна адабиётда ўғит оҳанги, панду насихат етакчилик қилади”.<sup>89</sup> Диний мажлислардан бирида нақшбандия имомларидан бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор “суҳбатнинг киши камолотидаги беқиёс ўрни” ҳақида шундай байтни ўқиган:

*Шакар танҳо махуо бо гул баромиз,  
Ки дар таркиб бошад нафъи бисёр.*<sup>90</sup>

*(Таржимаси: Шакарни ёлғиз ема, гулга қўш, Таркибда фойда кўп бўлади).*

Албатта, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам кўп улуғларнинг суҳбатини олган ва муридларни суҳбат воситасида тарбиялаган. Ул зотнинг Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор сингари шогирдлари ҳам суҳбат усулини маъқул кўрган. Бир нечта китоблар муаллифи, “қудватул уламо” лақабини олган Саййид Шариф Журжоний эътироф этади: “Мен то шайх Зайниддин Ало хизматига етмагунча рафздан (шиадан) кутулмадим ва то Хожа Аттор суҳбатини олмагунча Худони танимадим.”<sup>91</sup> Зотан, тасаввуфда тариқат йўлига кирган солиқ муайян шартларни бажариш, пири муршиди суҳбатида бўлиш, насихатларига амал қилиш орқали камолга етган. Муриднинг камолотида пиру устозларнинг суҳбати, мажлиси, илтифоти, муборак назари муҳим ўрин тутган. Улуғлар билан мулоқот орқали солиқ баланд даражаларга етишган. Чунки суҳбат-мажлис – бу таълим - тарбия, билим ва тажриба орттириш воситаси саналган. Жунайд Боғдодий каби Нақшбанд ҳам суҳбат таълимини жуда қадрлаган. Суҳбат таълими хафӣй зикр усулига ва “анжуман ичра хилват” талабига мосдир. Суҳбат самоъ ва зикрий жалони рад этади. *Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, Баҳоуддин ҳазратлари демишлар: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат (бор). Хайриятда*

<sup>89</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.162.

<sup>90</sup> Фаҳруддин Али Сафӣй. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.366.

<sup>91</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.108-109.

*жамиятдадир ва жамият суҳбатдадир агарчи, башарти ки бир-бирини инкор этса”.*<sup>92</sup>

Суҳбат – хилват – жамият. Яна номувофиқлар мувофиқлиги, бир-бирига зид тушунчаларни мослаштириш. Хилватдан мақсад якка бўлиш, яъни Аллоҳ билан бирга бўлиш демак. Икки киши бир жойда бўлса, бу хилват эмас, балки жамиятдир. Шу билан бирга, суҳбат камида иккита одам бўлишини тақозо этади. Хўш, суҳбатдошлар суҳбати ирфон мавзуида бўлса, агар уларнинг баҳс-мунозараси Ҳақнинг ҳақиқатига яқинлаштира, демак бундай анжуман хилват ўрнини боса олади. Чунки хилватдан мурод маърифатдир, суҳбатдан мурод ҳам илоҳий маърифатдир. Нақшбанднинг суҳбат ҳақидаги фикрлари яна шуниси билан муҳимки, унда пиру мурид суҳбати, бошқача айтганда, бири насиҳат қилиб, иккинчиси (ёки кўпчилик муридлар) сўзсиз кулок соладиган суҳбат эмас, балки ҳақиқий орифона тортишув назарда тутилган. Аниқроқ қилиб айтганда, мунозара ва фикрий-шуурий далил-исбот билан ҳақиқатни аниқлаш, сўфиёна ботиний чарақлашларни бир-бирига туташтириш, бир-биридан баҳраманд бўлиш. Суҳбатда офат ва офатда шухрат деганларининг маъноси шу.<sup>93</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф ҳақида тафаккур” китобида ҳам *“Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари суҳбатларга катта аҳамият берар эдилар. Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўз суҳбатларида асосан фарз бўлган илмлардан таълим бериш ва ахлоқ тарбияси билан машғул бўлар эдилар. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромларнинг йўли ҳам шу эди.*

*Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари: “Суҳбатни тарк этган йўлни ҳам тарк этган бўлур”, дер эдилар,*<sup>94</sup> деб айтган. Бинобарин Баҳоуддин Нақшбанд томонидан суҳбату мажлисларда сўзланган фикр-мулоҳазалар темурийлар пири Муҳаммад Порсонинг “Қудсия” асаридан ўрин олган: *“Машойих рисолидин: Ҳожа Муҳаммад Порсо (қуддиса*

<sup>92</sup> АНГАТ. 10-жилд. –Б.607.

<sup>93</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.107-108.

<sup>94</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т. Ҳилол-нашр, 2016.-Б.116.

сирруху)нинг “Қудсия” сидурким, ҳазрати қутбул-авлиё Баҳоуддин Нақибанд раҳматуллоҳнинг фирдавсойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тилларига ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулофоким, жамъ қилурлар эрмиш Хожса Муҳаммад мазкур анга маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг диққатлари ийҳомин возиҳ этибдурлар”.<sup>95</sup>

Навоийнинг замондоши мутасаввуф Шамсуддин Кусуйи Жомий суҳбатларига улуғ инсонлар, шу жумладан шоирнинг отаси Гиёсиддин Кичкина ҳам қатнашган: “*Ва Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно Боязид Пуроний ва алардан ўзга машойих ва азизларки алар(Жомий)га муосир эрдилар, алар мажлисида ҳозир эрдилар ва мутабаррук нафасларидин маҳзуз бўлур эрдилар. Бу фақир(Навоий)нинг атосининг аларга иродати кўп эрди. Ва сафарларда суҳбат ва хизматларига етиб эрди*”.<sup>96</sup>

Хожа Аҳрор Валий ҳам “Насойим ул-муҳаббат”да ёзилишича, кўп машойих ва авлиё хизматига етиб, суҳбатларига мушарраф бўлган. Хуросон машойихидан Ҳазрат Мирсайид Қосим Анвор (қ.с) хизматига етган ва Шайх Баҳоуддин Умар (р.т.) мулозаматида бўлган. Шайх Зайнуддин Хавофий, Мавлоно Муҳаммад Асад, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий, Мовароуннаҳр машойихидан Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср, Мавлоно Низомиддин Хомуш ҳамда Яъқуб Чархий суҳбатидан таълим олган.<sup>97</sup> Улуғ машойихлар суҳбатида бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вақти келиб ўзи ҳам суҳбатлар ташкил этган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбати-мажлислари ўз даврида донг таратган йиғинлардан бири ҳисобланган. Хожа Аҳрор суҳбатларида тасаввуф ҳақида гап борар, уларда шоҳу гадо баробар қатнашар, бу эса нақшбандия сулукининг демократик хусусиятларга бой эканидан дарак берар эди.<sup>98</sup> Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида “*Хожа Аҳрор билим эгаларини севар, мажлиси ҳамиша олим кишилар билан тўла эди*”<sup>99</sup>

<sup>95</sup> АНТАТ. 5-жилд.-Б.787.

<sup>96</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.377.

<sup>97</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.320.

<sup>98</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т. Фан, 1996.-Б.33.

<sup>99</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т. Камалак, 1991.-Б.27.

деб таъкидлаган. Фахриддин Али Сафийнинг “Рашахоту айнил ҳаёт”ида ёзилишича, *“То Султон Абу Саъид Мирзонинг замони бўлди. Ҳазрати Эшон(Хожа Аҳрор)ни Тошканддин кўчириб, Самарқандга келтурди. Аввал кишиким, Самарқанддин Ҳазрати эшоннинг суҳбатлари ва мулозаматларига шитоб билан келган”*.<sup>100</sup>

Тариқат пешволари суҳбатларида мажлис иштирокчилари, биринчидан, Қуръон, ҳадис, шариат, тариқат, иккинчидан, тафсирлар ва шарҳлар, учинчидан одоб ва насиҳатларни тинглашган. Амир Қивомуддин Синжоний мажлисларида “маориф”<sup>101</sup> (маърифат) мавзусида сўз юритилган. Абдурахмон Жомийнинг устози Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) мажлисида эса *“дунё сўзи ўтмас эрди. Алар суҳбатига етиб, сўзларин эшитган кишига Ҳазрат Расул (с.а.в.) ва бузургвор асҳобининг тариқи ёд бўлур эрди”*.<sup>102</sup> Муҳаммад Амин суҳбатларида тафсир ва ҳадислардан сабоқ берилган.<sup>103</sup> Навоийнинг замондоши Хожа Авҳад Муставфий *“хизматиға ҳукком (ҳикмат аҳли) борурлар эрди ва маорифдан баҳраманд бўлурлар эрди”*.<sup>104</sup>

Хожа Аҳрор валий каби шайхлар суҳбатларида иштирокчилар билан савол-жавоблар бўлиб турган: “Бир кун азизлардан бирлари Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида сўрадиким: *“Акобири сўфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум айтибдурларким, вужуди Ҳақ ва ҳастийи мутлақдин бошқа вужуде мавжуд эрмастур ва мазохир пардасини зуҳур этган бир турур, ва таҳқиққа бино қўйилса, аҳли исломнинг мухолафат ва мунозаатлари аҳли куфр била на вазҳдин турур?”* Хожа Аҳрор саволга қуйидаги икки байт билан жавоб берган:

*Чунки берангий асири ранг шуд,  
Муси бо мусийий даржанг шуд,  
Чун ба берангий раси кон дошти,  
Мусийу Фиръавн дарад оштий.*<sup>105</sup>

<sup>100</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.303.

<sup>101</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.401.

<sup>102</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.318-319.

<sup>103</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.445.

<sup>104</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.452.

<sup>105</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004. –Б.365.

(*Таржимаси*: Поклик нопокликка асир бўлгач, Мусо гуноҳкорлар билан жангга тушди. Покликка етсанг, унга етган бўласан, У пайтда Мусою Фиръавн ўртасида сулҳ бўлади).

Хожа Аҳрор каби шайхлар ўз фикрларини шеърий тарзда ифодалашган. Шеърхонлик фақат самоъ мажлисларига хос эмас эди, оят, ҳадис ва шеърий ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш самоъни ёқтирмайдиган ёки унга бепарво қарайдиган хилватнишин шайхлар суҳбатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқат мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти ваъз-насиҳатлар қилаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърий парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисолга келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан рухланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англаб эдилар.<sup>106</sup> Нафақат Хожа Аҳрор Валий, балки нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўз суҳбатларида кўплаб шеърий парчаларни истифода этган. Тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубоий, ғазал каби кичик шеърий жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари сўфиёна ғояларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оғзаки ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларига янги маъно бериб, сўфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар.<sup>107</sup>

Ўз замонининг кўплаб машойихи билан суҳбат қурган Саййид Ҳасан Ардашер ҳам умрининг сўнггида Хожа Аҳрор суҳбатида бўлган: “*Охир ҳаётларида Самарқандга бориб, Хожа Носируддин Убайдуллоҳ (қ.с.) хизматига мушарраф бўлиб, суҳбатлар тутиб, назарлар топиб, қайтиб келиб оламдин ўттилар*”.<sup>108</sup> Самарқанд шаҳрида таҳсил олган даврида Алишер Навоий ҳам Хожа Аҳрор Валий мулоқотларида иштирок этган. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, “...*Амир Алишер Мовароуннаҳр вилоятида бир қанча вақт – неча йилу ой (бўлганида), аёлиёлар*

<sup>106</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996. –Б.160.

<sup>107</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. -Т: Маънавият, 2005. -Б.27.

<sup>108</sup> АНТАТ. 10-жилд. -Б.15.

*қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг файзли бузруквор мажлисидан файз ва офтоб янглиз мунаввар сийратидан баҳра олган ”.*<sup>109</sup> Ўз навбатида нақшбандия имомларидан бўлган Хожа Аҳрор Валий суҳбатлари Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий қарашларини шаклланишида етакчи рол ўйнагани шубҳасиз. Бинобарин навоийшунос олим Шухрат Сирожиддинов ҳам Абдураззоқ Самарқандий “*Навоийнинг Самарқандда эканлиги пайтида Хожа Аҳрор Валий суҳбатларидан баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтганки, бу Навоий дунёқараши ва мафкураси ташаккулининг босқичларини ўрганишида муҳим аҳамиятга эга*”, деган. Қолаверса, Навоийнинг ўзи ҳам Хожа Аҳрор Валий базмлари (мажлислари) қуйидаги байтларда алоҳида қайд этган:

*Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,  
Тоқ неким муришиди офоқ эрур.  
Юз қўюбон қуллига шоҳлар,  
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.  
Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,  
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.  
Суҳбатида ҳар неча бешакку райб,  
Жилва қилиб шоҳиди раънойи гайб.*<sup>110</sup>

Аниқроқ қилиб айтганда, етук билим соҳиблари, дин пешволари бўлмиш тасаввуф шайхлари, азиз авлиёлар суҳбатлар орқали илм беришган. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф шундай фикрларни келтирган: “*Бир соатлик илм мажлиси етмиш йиллик ибодатдан афзал, яъни фарзлар устига зиёда қилинган ва киши илмсиз равишда қиладиган ибодатлардан. Аллоҳ зинҳор жоҳилни валий қилиб юбормайди. Агар кимни валий қилиб оладиган бўлса, унга таълим беради. Валий ҳеч қачон ўз дини фиқҳида жоҳил бўлмайди. У қандай намоз ўқишини, рўза тутишини, закот беришини ва ҳаж қилишини яхши билади*”.<sup>111</sup> Шунинг учун шариат аҳкомлари, диний илмлар, тасаввуфни пухта ўзлаштирган шайхларгина суҳбат-мажлисларда толиби илмларга илм

<sup>109</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.15.

<sup>110</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.303.

<sup>111</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т. Ҳилол-нашр, 2016.-Б.76.

ўргатишган. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий “Абдуллонома” да бу борада шундай ёзган: *“Талаб қилувчи (толиби илм) бир машойих суҳбати шарафига етса, ўзгаларнинг машаққатларидан тамоман қутулади. Шундай бўлса ҳам (киши) машойихлар(нинг) суҳбати билан қанча кўп тарбият топса, унинг камоли ҳам шунча кўп бўлади.”*<sup>112</sup>

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда муҳаддислар, улуғ уламолар томонидан **Ҳадис мажлислари** ўтказилган. Бир муддат Султон Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган муҳаддислар бошлиғи Хожа Мавлоно бин Рўзбеҳон Исфаҳоний Ҳиротда ҳадис мажлислари ташкил этган: *“Мавлоно Исфаҳоний яхши хислатли тафсирчи, муҳаддис бўлганлар. Ҳадис йигинларида фасоҳатли нутқ ва малоҳатли калом билан сўз бошлаганларида, хатибларнинг дилини ром эта олганлар. Ёздули қалби чирогдони набавий чироғи шуъласи учқунидан нурга тўлган ва оби-ҳаёт асарли хотирининг мустаҳкам қалъаси мустафавий шариатнинг илмларни тирилтирувчилиги шарафидан обод-маъмур эди.”*<sup>113</sup> Биз кўриб чиқаётган темурийлар давридаги дин арбоблари, шайхлар, уламолар томонидан ана шундай ҳадис мажлисларини ўтказганлар.

Темурийлар даврида ҳам масжидлардаги минбарларда, мадрасаларда ва хонақоҳлардаги мажлисларда **Воизлар мажлислари** олиб борилган. Мусулмон давлатлари таомилига кўра, “воиз ҳақ сўзини тарғиб қилиши, пайғамбар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра насихат билан элни шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ – мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир.

Ваъз муршидлар – пирлар (тасаввуф намояндалари) ҳушёр кишиларнинг ишидир ва уларнинг насихатини қабул этган мақбул кишидир...

<sup>112</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. – Т. Шарқ НМК БТ, 1999.-Б.80.

<sup>113</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. – Т. А.Қодирий номидаги ХМН, 1993.-Б.69-70.

Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсин; тўла кирган одам эса енгил тортиб холи қайтсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади”.<sup>114</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да Хожа Муайяд Меҳнанинг ваъз мажлиси зикр этилар экан, *“Йиллар мазор бошида шайх эрди ва зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва ваъз мажолиси бағоят гарм ва нуришўр воқеъ эрди”* дейилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам Муайяд Меҳнани яна бир эсга олиб, *“ваъзда нафаслари бағоят муассир, самоъда ҳаракотлари асру муриқ”*,<sup>115</sup> деса, Дарвеш Баҳлулни эса *“ваъз мажлисида хонандалик ва гўяндалик ва самоъ суҳбатида бетаҳаммуллуғлар қилиб, азим сайҳалар ва саъқалар”* тортади, деб таърифлаган. Мавлоно Муин Воиз “Мажолис ун-нафоис”да шундай зикр этилган: *“Ҳоло ўзи дағи азим воиздур ва муридлари кўп. Минбар устида девонавор илик ташламоғи ва тахтани тепмағи кўндур ва ўзин “Муин девона” била таъбир қилур ва кўп баланд ва паст сўзлар”*.<sup>116</sup> . Ҳусайн Воиз эса Қуръон тафсири ҳамда Пайғамбар ҳадисларини минбардан туриб, ғоятда покиза ва маъноли қилиб тушунтирган. Ҳафтада уч марта: сешанба куни султоннинг хонақоҳида, жума куни эрталаб доруссаёдат Султонияда, намоз ўқилгандан кейин Навоийнинг жоме масжидида халойиққа ваъз айтиш билан машғул бўлган.<sup>117</sup>

Умуман олганда, воизлар томонидан ўқилган ваъзлар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, исломий маърифат мавзуларини камраб олган.

**Самоъ, фано йиғинлари ва риндлар базмлари.** Темурийлар даврида айрим сўфийлик тариқатларида **Рақсу самоъ йиғинлари** ўтказилган. Бир сўз билан айтганда бундай йиғинларда дарвешлар рақсга тушиб, мусиқа оғушида зикр айтишган, турли шеърларни оҳанг билан ўқишган, кўшиқлар куйланган.

<sup>114</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.31-32.

<sup>115</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.453-454.

<sup>116</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.424.

<sup>117</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.70-71.

Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийлар ўзи эмас, ён-атрофдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар.<sup>118</sup>

Аслида “Самоъ” сўзи арабча бўлиб, ”Эшитиш” маъносини билдиради. Тасаввуфда “Самоъ” истилоҳи зикри жаҳрияни ёки зикрга оид нарсаларни эшитишга нисбатан ишлатилади. Алишер Навоий: Қомусий луғатида ёзилишича, *“Самоъ мажлиси – тариқат аҳлининг ибодат тури. Умумий маънода Ҳаққа таважжужуҳни кучайтириш ва кўнгул сафоси мақсадида қуръон оятлари, ҳадис, мавъиза ва илмий маърузани тинглаш маъносида, тор маънода илоҳий ишқ тараннумидан иборат шеър, кўшиқ, ё оҳанг эшитиш тушунилади”*.<sup>119</sup> Шеър ва мусиқанинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақоҳларидаги йиғинларда бундай фойдаланишга интиланлар. Айниқса, самоъ йиғинларини кизитишда шеър ва мусиқа жуда кўл келарди. Маълумки, жамоатоифа бўлиб яшаш, пир-муридлик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар куриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон Шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақоҳ ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоҳларда “самоъ” мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базмини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, суфра – беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: сўфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблардилар.<sup>120</sup>

Боязид Бистомийнинг мазкур “суфра” – беҳудлик концепциясига кўра, “сўфий то ўзини унутиш даражасига бориб етмаса, яъни руҳий тараққий этиб, халқни, дунёни буткул эсдан чиқариб, Худо ёдида масту девона бўлмаса, фоний бўлолмайди. Шу

<sup>118</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.156.

<sup>119</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.498.

<sup>120</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.159.

мақсадда “сукра”чилар самоъ мажлислари уюштирганлар, жазавага тушиб, ўзларини йўқотиб, кийимларини йиртиб ташлаганлар”.<sup>121</sup> Дарвешларнинг зикр мажлисларида давра айланиб, жўшиб рақс тушишидан иборат бўлган важд ва солиқлар ҳолати – самоъ йиғинлари Абулқосим Бағдодий фикрича, икки хилдир. 1). Сўз (Қуръон оятлари ва шеърлар) тингламоқ. 2). Куй (кўшиқ) тингламоқ. Самоънинг биринчи шаклида бирор сўз (Қуръон оятлари, шеърлар) тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинган. Лекин бундай самоъга фақат поклик ва қалб ҳузури билан эришилган. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичидаёқ мусиқа руҳнинг ғизоси ва ризки сифатида эътироф этилган.<sup>122</sup>

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”да “Муғанний ва мутриблар” зикрида самоъ йиғинлари ҳақида тўхталгани бежиз эмас: *“Тасаввуфнинг самоъга ружуи шубҳасиз ижобий ҳодиса эди, унинг таъсирида ислом дини хуш кўрмаган санъат ривожланди. Сўфиёна базмлар бағрида кўп миқдорда истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглари яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг классик шаймақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди”*.<sup>123</sup> Навоий “Муғаннийлар ва мутриблар зикрида” Шиблий ва Нурийларнинг самоъ йиғинларида жон таслим этганликлари ҳақида ёзар экан, бу мусиқани мазкур мажлисларда тутган беқиёс ўрнини ифодалашга ҳаракат қилган. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг 1983 йилда Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган нашрининг сўзбошисида тасаввуф пешволари Абубакр Шиблий ва Абулхусайн Нурий ўша замоннинг машҳур санъаткорлари (созанда ва хонандалари)<sup>124</sup> сифатида талқин этилган.

Алишер Навоий мансуб нақшбандийлик тариқати вакиллари самоъ мажлиси тузмаганлар, аммо инкор ҳам этишмаган. Баҳоуддин Нақшбанд (1327-1389)дан сизнинг самоъга

<sup>121</sup> Кўрсатилган асар.-Б.106.

<sup>122</sup> АНМАТ. 17-том. –Б.504.

<sup>123</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.160.

<sup>124</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.6.

муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: “Мо ин кор накунем, вале инкор накунем” (Биз шу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз) деб жавоб қайтарган эканлар. Афтидан Навоийнинг (“Маҳбуб ул-қулуб”даги) самоъга ижобий муносабати Нақшбанд каби унинг бундай йиғинлар ўтказилишига қарши эмаслигини, ҳақиқат аҳлига ҳурматини намоён этади. Аммо, шоирнинг замондошларидан Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кусуйи Жомий, Мавлоно Муҳаммад Тободгоний, Хожа Абдулазиз Жомийлар самоъ йиғинларига сайру сулукнинг таркибий қисми деб ёндошганлар. Балки мазкур алломаларнинг таъсири ўлароқ, Навоий самоъ мажлисларида иштирок этган ёки унинг ҳузурида ҳам ана шундай кечалар ташкил этилгандир. “Насойим ул-муҳаббат”да шоирнинг устози Мавлоно Муҳаммад Тободгонийнинг самоъ йиғинлари қайд этилади: “...Хотирлари майли яхши ун била самоъга кўп мойил эрди ва Мавлоно созу хонандалигдин бот муассир бўлиб, самоъга кўпорлар эрди ва беҳол бўлурлар эрди ва мажлис ҳуззориға гариб асар қилур эрди” .<sup>125</sup> Ёки шоир “Мажолис ун-нафоис”да ҳам Тободгонийнинг самоъ мажлисларига яна бир бор тўхталиб: “Ҳар қачон самоъга кирса эрди, бовужуди улким, усул қоидаси била ҳаракоти мувофиқ эрмас эрди, аммо халойиқға андоқ асар қилурким, кўп эл йиғлар эрдилар”,<sup>126</sup> деган. Яъни Муҳаммад Тободгоний самоъ рақсига алоҳида аҳамият қаратган. У кўшиғу куйдан таъсирланиб, самоъга берилганида одамлар йиғлашга тушганлар. Муҳаммад Тободгоний вафотидан кейин Ҳиротда (Хиёбонда), дафн қилинган жойнинг жанубида Навоий бир хонақоҳ солдирган. Тободгонийнинг ўғли ва халифаси Мавлоно Ҳамидиддин хонақоҳда тоат ва ибодат билан машғул бўлган. Унинг ҳузурида дарвешлар хилват, узлат ва **самоъ амалларини адо этишган**.<sup>127</sup> Навоийнинг замондоши, тасаввуф шайхи Мавлоно Алоуддин (1426-1487) ҳам **самоъ мажлисларига** катта аҳамият қаратган.<sup>128</sup> Шунингдек, Навоий Абдулазиз

<sup>125</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.446-447.

<sup>126</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.310.

<sup>127</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.305.

<sup>128</sup> Кўрсатилган асар.-Б.270.

Жомийнинг самоъдаги ҳолатини ўзи гувоҳ бўлгандек “...самоъ мажлисида азим сайҳалар уруб, беҳуд бўлур эрдилар”,<sup>129</sup> деб тасвирлаган. Яна шуни айтиш лозимки, Навоий қошида сўфийлар йиғилиб, самоъ йиғилиши ўтказганини Бобур “Бобурнома”да эътироф этган. Бинобарин Бобур Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий ҳақида тўхталар экан, бундай мутасаввуфлар Алишербек қошида йиғилиб, важд ва самоъ қилганлигини қайд этган.<sup>130</sup> Бу, биринчидан.

Иккинчидан, самоъ йиғинларида зикрга тушишдан ташқари, дарвешлар Навоий ғазалларини шавқ ва завқ билан ўқишган. Фикримизни Хондамирнинг “Ҳеч қандай такаллуфсиз ва лофсиз айтиш мумкинки, бир оз вақт ичида (Навоийнинг) юсак санъаткорлик билан яратилган, жозибали байтлар, гўзаллик ва усталлик билан безалган тизмалар зийнатининг шуҳрати шундай даражага етдики, Араб ва Ажам мамлакатларининг атрофидаги гўшанишин дарвешлар ҳам олий ҳазрат(Навоий)нинг шавқли шеърларининг ҳавасидан умрларини ўтқариб, уни жуда кўп ҳаракатлар қилиб излаш учун югурадилар”,<sup>131</sup> деган сўзлари ҳам тасдиқлайди. Ҳолбуки Навоийнинг ўзи ҳам “Бадоеъул-бидоя” деб очасида дарвешлар унинг тасаввуфга йўғрилган шеърларини ўқиб, жон фидо қилишига урғу берган:

*Кўнглимда не маъни ўлса эрди пайдо,  
Тил айлар эди назм либосида адо.  
Ул назмга жонин қилибон халқ фидо,  
Солурлар эди гардунга садо.  
Бу вайрон табъни байт этса мастур,  
Тутуб шуҳрат, нечукким байти маъмур.  
Харобат ичра пайдоу ниҳони,  
Ул эрди халқнинг рутбал-лисони.*

<sup>129</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.446.

<sup>130</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990.-Б.159.

<sup>131</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.45.

*Йўқким, харобат дард нўшлари, балки муножот хирқапўшлари ва демайким авом арозили, балки хавос афозилининг тилларига жорий ва кўнгилларига корий тушар эрди*".<sup>132</sup>.

Шоир ғазалларидан бирида унинг сўфиёна – ишқий шеърлари Қуръон оятларидек поклигини, шунга кўра, ишқ аҳли–дарвешлар бу назмий дурдоналарни жон-дилдан севиб куйлаётганликларини айтади:

*То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.*<sup>133</sup>

Учинчидан, дарвешларнинг Навоий шеърларини ўқиб, ақл-хушдан жудо бўлганликлари “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай тасвирланган:

*Ё бу наво зимнида асраб маҳал,  
Чекса Навоий сўзидин бир газал.  
Ким анга алфоз ўлуб отаи фишон,  
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.  
Базмда ул лаҳза алолони кўр,  
Кўйи харобот аро завғони кўр.  
Кўрки нечукдур ёқа чок айламак,  
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.*<sup>134</sup>

Садриддин Айний ушбу мисраларга шундай изоҳ берган: “Ҳар қандай яхши созанда қанча яхши чолсаю, (ашула айтмасдан) узоқ чолса, ундан ақл аҳлига малол етади. Агар созанда машқ орасида Навоийнинг олов сочувчи ғазалларидан биронтасини ўқиса, у вақт базм(самоъ йигини)да шавқин-сўрон қўзғалади, эшитувчилар ўз ёқаларини йиртадилар, оҳу вой билан ўзларини йўқотиб қўядилар”. Айнийнинг изоҳи Зайниддин Восифий “Бадойеъул-вақойеъ” асаарида келтирилган бир воқеий маълумот билан ҳамоҳангдир. Навоийнинг муосири бастакор ва шоир Хожа Абдулло Марворид даҳомизнинг

*Дин офати бир музбачайи моҳи лиқодур, майхорау бевок.  
Ким ишқидин онинг ватани дайри фанодур, сармасту ёқам чок.*

<sup>132</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.456-457.

<sup>133</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.470.

<sup>134</sup> АНМАТ. 7-том.-Б.60.

*Ҳар туррасининг дуди вараъ белига зуннор, мен кофири ишқи,  
Ҳам юзи мажуз ўти киби шуъла физодур, мен ўртанибон пок.*<sup>135</sup>

мисралари билан бошланадиган мустазодига “Сармасту яқом чок” номи билан куй басталаган бўлиб, “ўша вақтларда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди”. Кўп халқ йиғилган бир базм(самоъ)да у ўқилганда, бутун ҳозир бўлган одамлар (дарвешлар) бу мустазоднинг, унга боғланган савтнинг чуқур, юракларни эзувчи, дилларни ғулғулага солувчи таъсирига шу қадар мафтун бўладиларки, бунинг натижасида мажлис аҳли ҳатто ёқаларини чок этадилар... Қандайдир дарин фикрда бошини қуйи солиб юрган Навоий воқеа содир бўлаётган уйнинг дарчасидан бу манзарани тамомила тасодифий ўлароқ томоша қилади.<sup>136</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ёзганидек, *шавқ ҳолатига тушиб, ёқа йиртиш самоъ йиғинларида дарвишларга хос одат бўлганлигидан келиб чиқсак,*<sup>137</sup> бундан шундай хулоса чиқадики, Навоий айнан сўфийлар йиғилган самоъни кузатишга муваффақ бўлган дейиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоий замонида унинг тасаввуфий шеърларига дарвешлар ўртасида талаб кучли бўлган. Сўфийлар ушбу шеърларни ўқиб, завқ-шавқ билан самоъда зикрга тушишган. Бу ҳақда “Муҳокат ул-луғатайн”да Навоий шундай деган: “...турлитуман дурлар сочтим ва дилсўз байтларим ёлворувчилар ўртасида фитна ва ғавғо солди, базм(самоъ)ни қизитувчи ғазалларим ишқ аҳлларига оҳу-вовайло солди”.<sup>138</sup> Бинобарин, “Бобурнома”даги юқоридаги қайдларга асосланиб, Навоийни самоъ йиғинларида шеър ўқиб, зикрга тушган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб тахмин қилиш мумкин. Албатта келгусида навоийшуносликда бу масалани ҳамда самоъ йиғинларининг Навоий ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ этиш тақозо этилади.

Навоий ғазаллари ва рубоийларида **Аҳли фано (Дарвешлар) мажлислари ва фано базмлари** қайд этилган.

<sup>135</sup> АНТАТ. 2-жилд.-Б.657.

<sup>136</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.113.

<sup>137</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ва тасаввур. – Т. Ҳилол-Нашр, 2016.-Б. 264.

<sup>138</sup> Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. – Т. Академнашр, 2017.-Б.83

*Ёрабки, фано базмида хос айла мени,  
Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени,  
Ё дохили зумрайи хавос айла мени,  
Ё ранжи авомдин халос айла мени.*<sup>139</sup>

“Борлиқ, мавжудлик сир – асрорларини йўқликдан, фаноликдан ахтарган, ўткинчи нарсаларга кўнгил қўймаган, башарий ўзликдан кечиби, илоҳий ирода соҳибни бўлиши”<sup>140</sup> га интилган фано аҳли Алишер Навоий асарлар тилининг изоҳли луғатида “ҳаёт басталикларини улоқтирганлар, йўқлик ихтиёр қилган”<sup>141</sup> кишилар яъни дарвешлар дея изоҳланган. Агарда “Махбуб ул-кулуб”даги “Дарвеш керакким, сидқу фано тариқин тузгай, ўзин нечукки, бор андоқ кўргузгай”<sup>142</sup> деган фикрларига асослансак, Навоий фано аҳли деганда фонийлик йўлини танлаган, Аллоҳ йўлида хокисорлик ва фақрликни қабул қилган, бу дунёга эътиборсиз дарвешларни назарда тутган.

*Бир киши ўзни қилур аҳли фано базмида хос,  
Ким, қилур ўзлуки бирла ўзидин ўзни халос.*<sup>143</sup>

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул фано ва аҳли фано тушунчаларини шундай изоҳлаган: “Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафсининг ёмон сифатларидан халос бўлиши ва покланиши. Юзага келган гўзал ҳолга таслим бўлиш ёки унга тўсиқ бўлмасликдир. Навоий ҳам ўнлаб байтларида фанони айни шу мазмун ва мақсадда талқин қилади, фоний бўлиш, яъни нафсни поклашни ишқ ва висолнинг олий йўли сифатида талқин этади:

*Фоний ўлгил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,  
Хирқаву дафтари тасбеҳу мусалло офат.*

Баъзи тадқиқотчилар фанони бир неча босқичга ажратиб тавсифлашган. Биринчиси – хулқдаги фано. Бу – ахлоқни нафсоний ва ҳайвоний завқ, лаззат ҳамда орзулардан халос айлаш. Иккинчиси – қалб ва руҳдаги фано. Бу қалб ҳаётини бузадиган, руҳ латофатини емирадиган ҳис, туйғу, кайфиятларга барҳам бериш. Учинчиси –

<sup>139</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том. Т. Фан, 1988.-Б.568

<sup>140</sup> Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. Т. Маънавият, 2008.-Б.63.

<sup>141</sup> Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т: Фан, 1988. –Б.318.

<sup>142</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд. Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.482.

<sup>143</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. Т: Фан, 1990.-Б. 202.

сирдаги фано. Бу - ишқ камолига халақит берадиган ҳамма даъво ва иддаолардан кўнгилни фориғ айлаш. Мана шулардан ҳар бирининг натижа ва ҳосиласи комилликдирки, Навоийнинг деярли барча девонида бунинг жуда ибратли ва хилма-хил тасвирларини яратган. Навоий, ҳеч шубҳасизки, фано мавзусининг мураккаблигини ҳам, уни тушунишдаги фарқланишларни ҳам, айрим тариқатларда унинг ўлим билан чуқур боғланганлигини ҳам яхши билган”<sup>144</sup> Демак, фано аҳли нафсини поклаган, комиллик рутбасига эришган дарвешлардир.

Навоий куйидаги форсча байтидан у ҳам аҳли фано мажлисларида иштирок этган, деган фикрга келиш мумкин.

*Бурун наёям аз он жо чу Фонӣ аз мастӣ,  
Муоширон гарам аз мажлиси фано.*<sup>145</sup>

(Мазмуни: Мен, Фоний (Навоий) каби у ердан чиқмайман, агар ҳамсуҳбатлар фано мажлисидан ҳайдасалар ҳам)

Навоий “Девони Фоний”даги куйидаги байтида риндлар базми каби аҳли фано мажлисини ҳам май (илоҳий ишқ) билан боғлаган:

*Дар дайри муз Фонисифат ҳар жо ки ёбам бўй май,  
Дар мажлиси аҳли фано худро ба он бў афканам.*<sup>146</sup>

(Муз дайрида Фонийга ўхшаб қаердан май ҳиди чиқса, фано аҳли мажлисида ўзимни ўша ҳид томон ташлайман.)

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, темурийлар даврида Жомий ва Навоийдек комил инсонлар томонидан аҳли фано(дарвешлар) мажлислари ўтказилган.

Ўрта асрларда Шарқда яъни темурийлар даврида дарвешлар ҳаракати каби риндлар номли тоифа ҳам фаолият кўрсатгани, улар томонидан **Риндлар мажлислари** ташкил этилгани тарихдан маълум. Мазкур тоифани ўрта асрларда Харобат риндлари(Харобатийлар)<sup>147</sup> деб аташган. Бу номнинг келиб чиқиши ўн иккинчи асрда Ганжа(Озарбайжон)даги ҳаёт завқидан лаззат истаган хонанда, шоир ва бошқалар тўпланиб, мажлис курадиган,

<sup>144</sup> Ҳаккул И. Мерос ва моҳият. Т. Маънавият, 2008.-Б.93-94.

<sup>145</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 18-том. Т. Фан-2002.-Б.271.

<sup>146</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 19-том. Т. Фан-2002. –Б.181.

<sup>147</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.42.

май истеъмол қилиб мушоира қиладиган Харобат номли маҳалла билан боғлиқ. Кейинчалик бу ном харобат риндлари хурсандчилик қилувчи манзилларга нисбатан қўлланила бошлаган.

Тасаввуфнинг бир кўриниши бўлган риндликда шахс эркинлиги, хурфикрликка, ҳаётсеварликка интилиш борлиги ва риндларнинг шариат қоидаларини очик ва онгли равишда тан олмаслиги шубҳасиздир. Риндликнинг бу хусусиятлари ўрта аср шароитида уни нисбий прогрессив фикр ва ахлоқ ифодачисига айлантиради.

“Ғиёсул-луғат”да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган: “Ринд – шундай инкор этувчиларки, улар шариат буюрган ишларни жоҳиллик билан (тушунмай) эмас, балки яхши тушуниб туриб инкор (рад) этади.<sup>148</sup> Ўрта асрларда риндлар тариқати тасаввуф билан боғланиб, “ринд сўфийлар”<sup>149</sup> тоифаси ва “риндона тасаввуф”<sup>150</sup> оқими пайдо бўлган. Навоий Харобат аҳли-риндларни шундай тавсифлайди: *“Ўз вужудини ўзи ерга қоради; мажлисларда энг қуйидан жой олади. Агар нафслари тупроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон гўё пастдек. Замон қайғуларидан кўнгли гамсиз; фалак таъвишларидан хотири аламсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ бирдай. Май идишидек аччиқ-аччиқ йиғлашдан унга шодлик юзланади; қадаҳ-қадаҳ қўйилган майдек тубанга тушишдан хурсанд бўлади...Майпараст (риндлар) даврон зўравонлари зулмидан шундай кун кечиришга ҳақлидир; агар шундай бўлса, у ҳақ авф ва марҳаматига лойиқ. Вужуди майхона тупроғида фоний; умиди ҳақнинг карамидан абадий ҳаёт. Риндлар ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар ҳам орзу ва хасрат билан қарайдилар.*

*Рубоий: Риндеки, фано жомини тортар пайваст,*

*Дунё била охиратқа эрмас побаст.*

*Ҳақ раҳмати умиди билан тун-кун маст,*

---

<sup>148</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969. –Б.53-54.

<sup>149</sup> Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996.-Б.12.

<sup>150</sup> Кўрсатилган асар.-Б.17.

*Кўп ортузроқки, зоҳиди зарқнараст.*<sup>151</sup>

Навоийнинг устози Саййид Ҳасан Ардашер маълум бир вақт риндлар сафига қўшилиб, барча риндларни азиз тутган ва ўз уйида риндлар базмларини тузган: *“Андоқки, баъзи икки қатла ва баъзи уч қатла маст бўлиб, мажлисдин чиқиб, уюб, яна мажлисга келурлар эрди ва алар ўз ҳолларида эрдилар...Ва сабуҳий вақтигача бир-икки қатла барча усрук ётгон риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди.*

*Риндлардин бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,  
Шоҳ эди ринд аҳлига, балким эрди шоҳи ринд.*<sup>152</sup>

Фаҳрий Ҳиравий ўзининг “Тазкират ус-салотин” асарида *“Амир Саййид Ҳасан Ардашер Калоний риндлик айёмида дўстлари-харобот риндлари орасида эди. Ва бу ишни ундан қони қайноқроқ киши қилган эмас эди,*<sup>153</sup> деб таъкидлаган. Риндлар базмларидан бирида Саййид Ҳасан Ардашер бу қитъани ўқиган:

*Че хуш бошад сабуҳий бо дилором,  
Лаболаб аз қадаҳ ҳар дам кашидан.  
Чу гунча ҳар ду дар як пираҳан танг,  
Баҳам печидану дарҳам кашидан.*<sup>154</sup>

*(Мазмуни: Дилором билан тонг пайтида тўла қадаҳларни шимиришдан, гунча сингари ҳар иккимиз тор бир кўйлак ичида чирмашиб қучишмоғимиздан ёқимлироқ нима бор?)*

Сўфий жамоалари орасида “ринд”лар зоҳиран ўзларини беҳуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлганлар, дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликлардан зада кишилар алоҳида ажралиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун Ҳасан Ардашер каби риндлар ҳузурида йиғинлар уюштирардилар. Бундай йиғинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгини кўйиб юбориб, куй-қўшиқ, шеърхонлик “базм-жамшид”ини тузиш расм

<sup>151</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.42-43.

<sup>152</sup> АНТАТ. 10-жилд. -Б.9-11.

<sup>153</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. – Т. Мумтоз сўз. 2014. –Б.108.

<sup>154</sup> АНТАТ. 9-жилд. -Б.293.

бўлган. Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб” асарида “ринди бодапараст”ларнинг ахлоқини баён этиб, уларнинг Худо ошиқлари, Ҳақнинг севган бандалари деб таърифлайди. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, ҳикоячи латифагўйлари, созандаю мутриблари бўлган”.<sup>155</sup> Қизиғи “Девони Фоний”да риндлар мажлисларида риндларнинг жойлашиш тартиби ҳам зикр этилган. Риндлар бошқа адабий мажлислар каби белгиланган жойда ўтирмай, балки ўзи истаган жойдан ўрин эгаллаган:

*Навбад ба даври мажлиси риндон баланду наст,  
Ҳар жо расй, ба доира биншину жо мапурс.*<sup>156</sup>

(Мазмуни: *Риндлар мажлиси даврасида юқори ва қуйи жой бўлмайди, давранинг ҳар жойига етсанг, ўтиру жой сўрама*).

“Соқийнома”да Навоий риндлар базмини тилга олган:

*Ул фано жомини чун сипқорайин,  
Маст ўлуб, дайри фанога борайин.  
Риндлар базмигача гом чекай,  
Ул харобот элидин жом чекай.*<sup>157</sup>

Адабиётшунос Азиз Қаюмов “Соқийнома”даги мазкур байтларни шундай шарҳлаган: “*Навоий соқийга мурожаатида “То тутай дайри фано жониби йўл, йўлда гаҳи енг солайин, гаҳи қўл. То фано дайри фазосига кирай, риндлар базми аросига кирай” дея истак билдиради. Демак, шоир яна иккинчи таржиъбандда ўрин олган фано дайри, ундаги майни эслайди. Бу май муҳаббат майи ва ўша май кайфига берилган мастона риндлар базмидир.*

“Соқийнома”даги май эса бу табиий май, узум сувидан ясалган ичимлик. Соқий шоирга ана шундай шаробни узатади. Ундан кайф олиб, “*Жоми шукрона ичиб маст*” бўлади. Энди эса шоир яна риндлар базми сари ошиқмоқда. Чунки унинг кўнглидан жой олган нарса ўша дайр, ўша риндлар ва уларнинг жамоаси. Ҳар ҳолда “Соқийнома”даги май билан риндлар базмидаги майни

<sup>155</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996. –Б.159.

<sup>156</sup> АНМАТ. 19-том. –Б.40.

<sup>157</sup> АНТАТ. 2-жилд. -Б.428-432.

*чалкаштириб юбормаслик керак. Бири хушёрликка олиб келади (риндона май) бири мастона хушвақтликка (узум суви).*<sup>158</sup>

Навоий давридаги ҳақиқий сармастлар ўзларини ринд деб атаганлар. Демак Навоий ринд ҳақида ёзганда, фақат адабиётдаги анъанавий риндни эмас, ҳаётдаги риндни ҳам кўз олдида тутган. Бу ўринда Навоий тасвирлаган майхўрликка ҳеч қандай диний тус бериш мумкин эмас. Бу майхўрларнинг ҳақиқий айш-ишрат қилиш усулидир.

Ошиқни ўз номи билан атаганидек, риндни ҳам шоир кўп вақт ўз номи билан атайди. Ринд – Навоий нима учун май ичмоқда? Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, давр ва киши умри ўткинчи. Бу умрни ғам-ташвиши билан эмас, хурсандчилик билан ўтказиш керак. Май эса хурсандчилик рамзидир...

Риндлар ўзларини алоҳида одамлар ҳисоблаб, майхўрларни одам ҳисобламаган шайх ва зоҳидлар, фақиҳ ва мухтасиблардан ўзларини юқори билганлар.<sup>159</sup> Ваҳоланки, Муҳаммаджон Маҳмуд “Навоий ижодига янги қараш” китобида Алишер Навоий асарларидаги риндларни сўфийлар деб атаб, шундай ёзган: “Май – Аллоҳнинг ишқи, майхона – тариқат аҳли тўпланиб, муршиддан таълим-тарбия олувчи маскан, ринд – Тангри ишқи билан маст дил аҳли (ошиқ сўфийлар), қадаҳ – унинг қалби, йўл – Аллоҳга элтувчи хилма-хил тўсиқларга эга тариқат йўли маъносида келади.”<sup>160</sup> Бинобарин Навоий ҳам “Девони Фоний”да куйидаги сатрларни ёзганда, майхўр риндларни эмас, балки Аллоҳ ишқи билан сармаст риндларни назарда тутган бўлиши мумкин:

*Чу май ба мажлиси риндон тамом шуд Фонй,  
Паи сабўкашй, ситода чобуку чуст.*<sup>161</sup>

*(Мазмуни: Риндлар мажлисида май тугаб қолди, Фоний энди сабукашлик (май идишини кўтариб келтириш) учун чаққон ва тайёр бўлиб турибди).*

---

<sup>158</sup> Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2014. –Б.60.

<sup>159</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т. Ўзбекистон, 2015.-Б.228-233.

<sup>160</sup> Маҳмуд М. Навоий ижодига янги қараш. – Т. Меринос, 2015.-Б.53.

<sup>161</sup> АНМАТ. 18-том. –Б.108.

Навоий “Девони Фоний”даги ғазалларда риндлар мажлисини юқорида зикр этганимиздек, май тимсоли билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

*Нигорам неку бади мажлиси риндону бувед,  
Адаби сўхбату май хўрданашон талқинам.*<sup>162</sup>

(Мазмуни: Риндлар мажлисининг яхши ва ёмонлигига қараб тураман, сўхбат ва май ичиши одоби менинг талқинимдир).

Демак Навоий наздида риндлар базмини тузишдан мақсад ҳам илоҳий ишқ майидир.

*Марав зи мажмаи риндон нагашта маст ҳануз,  
Ки дар ду чашмат асар аз хумор ҳаст ҳануз.*<sup>163</sup>

(Мазмуни: Маст бўлмай риндлар мажлисидан кетма, чунки икки кўзингда ҳануз хумор асари бор).

Навоий форсча ғазалларида ишқ майи ичиладиган риндлар базмини тараннум этади:

*Шаҳ ар диҳад силаи шеър мулки Жамшедам,  
Зи баҳри мажлиси риндон кунам баҳои шароб.*<sup>164</sup>

(Мазмуни: Башарти шоҳ менинг шеърим учун Жамшид мулкани ҳадя қилса, уни риндлар мажлисида ичилган шароб учун тўлайман.)

Навоий қуйидаги байтида риндлар мажлисларининг чуқур билимдони сифатида намоён бўлади:

*Тавба мекуний, тарсам, чун ба мажлиси риндон,  
Бошӣ ажнабӣ, суде н-орадат пушаймонӣ.*<sup>165</sup>

(Мазмуни: Тавба қиляпсан, қўрқаманки, риндлар мажлисида, бегона бўлиб қолсанг, пушаймондан фойда йўқ.)

Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларида Ҳофиз Шерозийни “Ринди Шероз” – “Шероз ринди” деб зикр этган. Чунки, биринчидан, Ҳофиз Шерозий ғазалларининг асосий тимсоли ринддир. Абдуқодир Ҳайитметовнинг фикрича, “Навоий лирикасида алоҳида ринд образи ...йўқ. Риндлик–ошиқнинг бир

<sup>162</sup> АНМАТ. 19-том. –Б.122.

<sup>163</sup> Кўрсатилган асар. –Б.27.

<sup>164</sup> АНМАТ. 18-том.-Б.80.

<sup>165</sup> АНМАТ. 19-том.-Б.264.

хусусиятидир. Демак, Навоийнинг лирик қаҳрамони, фикримизча, асосан уч хусусиятга эга, у биринчи навбатда, оташин ошиқ, иккинчи навбатда, яъни севган азобларидан ҳаддан ортиқ эзилган ва муваффақиятсизликларга учраганда ринд, учинчи навбатда, шоир-мутафаккир, ҳаёт ва борлиқ ҳақида, илм ва санъат ҳақида ўйловчи, бош қотирувчи, бу ҳақда шеърлар ёзувчи киши.”<sup>166</sup> Тасаввуфнинг беҳудлик ва ишқ концепцияси, софлик, адолат ва ҳақиқат тимсоли –Мутлақ Илоҳга муҳаббат завқи ижод аҳлига каттиқ таъсир этди. Инсоният ғами билан қалби дардга тўлган исёнкор руҳдаги шоирларни бир оҳанграбой ўзига тортиб ўртанишли, ҳис-ҳаяжонга сероб ажойиб шеъриятни вужудга келтирди. Бу шеъриятнинг марказий қаҳрамони – ринди бебок.<sup>167</sup>

Юқорида қайд этганимиздек, темурийлар даврида риндлар томонидан адабий мажлисларнинг бир тури – риндлар базмларида мушоиралар олиб борилган, кўшиқлар куйланган, суҳбатлар уюштирилган ва бундай базмлар мумтоз адабиёт ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган.

**Шеърият кечалари, муаммо ечиш йиғинлари, хонандалик (мусиқа) ва шатранж мажлислари.** Темурийлар ҳукмдорлар қатори Ҳусайн Бойқаро даври адабий муҳити ва **Шеърият кечалари** ҳақида II-бобда батафсил кўриб чиқамиз. Албатта Амир Темури ва темурийлар даври маданий муҳитининг ёрқин саҳифасини туркий (эски ўзбек) адабиётнинг раванқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Гап шундаки, сарчашмалари анча олисдан бошланган бу адабиёт бу даврга келиб янада сайқал топиб, унинг бадиий имкониятлари янги уфқлар кашф этиб, ўзининг юксак ривожланишига эришди. Бунинг натижасида янги-янги номдор шоиру адиблар ижод майдонига кириб келиб, ўз бетакроп, умрбоқий асарлари билан бадиий тафаккур хазинасига салмоқли ҳисса қўшдилар.<sup>168</sup> Ана шу шеърият аҳлининг ном қозониши, шаклланиши ва бетакроп асарларининг яратилишида шеърий мажлислар муҳим рол ўйнаган.

<sup>166</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т. Ўзбекистон, 2015. –Б.194.

<sup>167</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. -- Т. Маънавият, 2005.-Б.27.

<sup>168</sup> Усмонов Қ. Содиков М. Ўзбекистон тарихи. I-қисм. – Т. Мерос, 2002.-Б.190.

Темурийлар даври адабий муҳитининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир шаҳар ва манзилгоҳдаги зиёлилар хонадонлари, боғу роғларда назм аҳли йиғилиб, шоирлар мажлислари ташкил этган, бундай йиғинларда шеърлар ўқилган, куй ва кўшиқлар ижро этилган, адабий мавзуларда баҳс мунозаралар олиб борилган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ўз даври шоирлар мажлисларидан бири ҳақида шундай ёзган: *“Фақир (Навоий) бир мажлисда Пули Молонда ани (Мавлоно Аёзий) кўрдим. Бир анжуманда (йиғилишда) бир қасидасин ўқур эрди, ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиядин айтаберар эрдим ( у нима байт ёзса, ўша байт услубида ва қофиясида мен ҳам дарров шеър тўқиб байтни тугаллайберар эдим). Бағоят ҳайрат қилди (жуда ҳайрон қолди). Уч йилдан сўнгра Боғи Сафидда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқеъ (худди ўша воқеа такрор) бўлди. Ул (Мавлоно Аёзий) яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунқи мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди, андин сўрдиларким: “Ҳаргиз бу навъ киши кўрибмусан?” Чун кўзида заъф бор эди (кўзи хира эди) деди: “Кўрмайман. Магар уч йил бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдим, ул дағи бу навъ шўъбадабозлик қилди” (масхарабозлик қилганди). Мажлис аҳли кулиштилари”*.<sup>169</sup>

Ўрта асрларда, айниқса темурийлар даврида (1369-1506) мумтоз шеърятнинг кичик лирик жанрларидан бири - муаммога кизиқувчилар сафи кенгайди. Алишер Навоий бу ҳақда “Муфрадот”да шундай ёзади: *“Бу шарафли давронда муаммо илми шуҳрат топди ва бу илмнинг латофати ва дақиқлиги ҳаддан ошди. Кичик ёшлик болаларнинг ва ҳавасманд туркийларнинг хотирлари бу илмга мойил бўлди”*.<sup>170</sup> Арабчада яширилган, беркитилган маъноларни англатувчи топишмоқ жанрлардан бўлмиш муаммонинг илк намуналари XIII аср бошларида ижод қилган назм аҳли асарларида учрайди.<sup>171</sup> XV асрга келиб эса кенг тарқалган муаммо жанри шоирлар маҳоратини белгилашда муайян ўлчов

<sup>169</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.325.

<sup>170</sup> АНМАТ. 20-жилд. –Б.342.

<sup>171</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т. Ўзбекистон-2014.76-б.

бирлиги вазифасини ҳам ўтай бошлаган.<sup>172</sup> Мазкур асрда айрим шоирлар фақат муаммо ёзиш билан шуғулланганлиги ҳам айна ҳақиқат. Ана шундай шоирлардан Мавлоно Муҳаммад Муаммой, Мавлоно Муҳаммад Номий, Мавлоно Арғун, Мавлоно Низом, Мавлоно Дарвеш Али, Мир Ҳусайн Муаммой кабиларнинг номларини келтириб ўтишимиз мумкин.<sup>173</sup> Бундан ташқари, Шарофиддин Али Яздий<sup>174</sup>, Абдурахмон Жомий<sup>175</sup>, Алишер Навоий<sup>176</sup>, Сайфий Бухорий<sup>177</sup>, Мавлоно Жунуний<sup>178</sup> каби шоирлар муаммо илмига бағишлаб махсус рисолалар ёзишган. Фитрат “Адабиёт қоидалари” китобида бу замон (темурийлар даври)да мадрасаларда ҳам муаммо фанидан дарслар ўтилганини айтиб ўтган.<sup>179</sup>

Ҳиротда Навоий даврида етук муаммонавис шоирлар иштирокида муаммо ечиш мажлислари ташкил этилганки, бундай йиғинларда муаммода беркитилган сўз шоирнинг турли-туман ишоралари: маънодош ва шаклдош сўзлар, бир тилдаги сўзнинг иккинчи тилдаги муодили (эквиваленти)ни қўллаш, сўзлардаги маълум бир ҳарфларни тизиб, янги сўз яшаш, баъзан эса абжод ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш асосида топилган. Муаммони ечиш учун йиғинларда даставвал асосий эътиборни матнда ишора қилинган калит сўзга қаратиш лозим бўлган.<sup>180</sup> Абдурауф Фитрат муаммо йиғинлари ҳақида шундай ёзган: *“Бурунги шоирларни бўш бўшига машғул қилиб чарчатган ўйунлар(мажлислар – муаллиф)нинг биртаси муаммодир.*

*Шоирларнинг бири бир байт ёзадир шул йўсиндаким, унда бир “исм” махсус қоидалар билан яширилган бўлсин. Сўнгра (йиғинда)*

<sup>172</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Т. Шарк НМАК БТ, 2016.-Б.349-350.

<sup>173</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.289-248.

<sup>174</sup> Шарафиддин Али Яздий. Ҳалали мутарраз дар фани муаммо ва луғаз. ЎзР ФА ШИ фонди. 2987/І рақамли қўлёзма.

<sup>175</sup> Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои кабир. ЎзР ФА ШИ фонди. 4505/IV рақамли қўлёзма; Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои мутавассит. ЎзР ФА ШИ фонди. 1358/III рақамли қўлёзма; Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои сағир. ЎзР ФА ШИ фонди. 3783/І рақамли қўлёзма; Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои манзум. ЎзР ФА ШИ фонди. 209/IV рақамли қўлёзма.

<sup>176</sup> АНМАТ. 20-том. –Б.81-180.

<sup>177</sup> Сайфий Бухорий. Рисолаи муаммо. ЎзР ФА ШИ фонди. 12146/ IV.

<sup>178</sup> Мавлоно Муҳаммад Жунуний. Рисолаи муаммо. ЎзР ФА ШИ фонди. 12146/VI рақамли қўлёзма.

<sup>179</sup> Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т. Ўқитувчи, 1995.-Б.80.

<sup>180</sup> Қуронов Д. Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т. Академнашр, 2013.-Б.185.

муаммо қоидаларини билганларга ҳали яшурун аслини билдирмай, шу байтни ўқуйдир. Улар (мажлис аҳли) тиришиб, жон чекишиб билган қоидалари юзасидан ҳали исмни топиб айтадилар. “Муаммо” ўйунининг энг кўтарилган (ривожланган) замони Навоий замонидир. Навоий замонида форсча, ўзбекча муаммо бирликда кўтарилган, форсий муаммога кўпрак аҳамият берилган десак-да бўладир”.<sup>181</sup>

Етук муаммонавислардан бири “толиби илми муважжсаҳ ва ҳофизи хушхон ва шоири паҳлавон, ҳар муаммоеки, гоят ишқал ва ниҳоят диққатда бўлса, исмин айтмай очадиган”<sup>182</sup> Зайниддин Восифий “Бадоеъул вақоеъ”сида Алишер Навоийнинг муаммо ечиш мажлисларини тасвирлаган: Нақл қилинишича, эрта билан уч йигит ҳамроҳлигида Зайниддин Восифий Навоийнинг муаммо мажлисига кириб боради. Улардан бири муаммо илмида маҳорати Ҳусайн Нишопурийга тенглаша оладиган муаммой бўлган. Иккинчиси, қасидагўйликда шуҳрат топган бўлса, учинчиси эса маснавийни яхши айтган.

Ёш ижодкорлар йиғинга қадам қўйгач, мажлис аҳли ва Алишер Навоий ўз надимлари билан Восифий томонга қарайди ҳамда шоирлар султони уни кўрсатиб, “номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шуми?” дейди. Мавлоно Соҳибдоро “Ҳа” дейди унга юзланиб. Навоий унинг муаммо илмида иқтидори борлигини кўзидан илғаганлигини айтиб, мазкур муаммони ўқийди:

*Богро бин аз хазон бефарру, сарв аз жо шуда,  
Булбулаш барҳам зада минқору, ногўё шуда.*<sup>183</sup>

(Мазмуни: Богини кўр, хазонрезликдан кўрки қолмабди сарв ўрнида йўқ, булбулнинг тумшуғи йўқ бўлиб, куйлашдан қолибди.)

Мажлисда Восифий бу муаммони билишини айтади. Шундан сўнг Навоий бир оз бошини эгиб, “биласизларми, унинг бу сўзи нимани билдиради. Ўз қудратини изҳор қилиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демоқчи, даъвосини қабул қилурмиз”, дейди.

<sup>181</sup> Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т. Ўқитувчи, 1995.-Б.80.

<sup>182</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Иккинчи китоб. – Т. Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. –Б.373.

<sup>183</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. –Б.85.

Аmmo Навоий бошқа муаммо ўқимайди.<sup>184</sup> Юқорида кўриб чиққанамиздек, Алишер Навоий ҳузуридаги етук муаммонавислар иштирок этадиган ана шундай йиғинларда мажлис аҳли ўқилган муаммоларни ечиш билан машғул бўлган, айтиш лозимки, бу даврдаги шоирлар маҳорати муаммо ёзиш ва ечиш билан белгиланган.

Султон Ҳусайн Бойқаро мажлислари ҳофизу созандасиз ўтмаган. Энг қизиғи бу даврнинг хонандалари шоир ҳам бўлишган ва анъанага кўра **Муסיқий (Хонандалик) мажлислар**да шеърлар ўқишган. Нафақат Ҳусайн Бойқаро балки, бошқа темурий ҳукмдорлар мажлисларида ҳам хонандаю созандалар хизмат қилган. “Темур ва Улуғбек даври тарихи” китобида темурийлар даври хонандалари ҳақида шундай ёзилган: *“Аксари вақт (мажлисда) уд чалувчининг ўзи қўшиқ айтган, зотан, Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида шеърият улкан рол ўйнаганига боғлиқ ҳолда қўшиқни бу даврнинг умуман муסיқа маданиятидан ажратиб бўлмаган. Анъанавий китобий шеърият ва халқ оғзаки ижоди хонандалик ёки муסיқа жўрлигида шеър ўқишдан қатъий назар умуман ижрочилик учун хонандага бой материал берарди. Қолаверса, бунда шеърнинг оҳангдорлиги муסיқа жўрлигининг оҳангдорлигини белгилаб берган.”*<sup>185</sup>

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да темурийлар саройининг машҳур хонандаси, ёқимли овоз соҳиби Юсуф Андижоний<sup>186</sup> номини тилга олган. “Тазкират уш-шуаро”да Иброҳим Султон акаси Бойсунқур Мирзодан унинг мажлисига машҳур хонанда ва созанда Юсуф Андужонийни юборишини сўраганлиги ҳақида шундай ёзилган: *“Султон Бойсунқур замонида хожа Юсуф Андужоний етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди. Унинг “Довудий”си Юсуф дилини тирнар. “Хусравоний” оҳанги жигарни поралаб, туз сепарди. Султон Иброҳим ибн Шоҳруҳ Шероздан бир неча бор одам юбориб, Бойсунқур султондан хожа Юсуфни сўраттирди. (Лекин) Бойсунқур рад қилаверди. Охири Иброҳим Султон хожа*

<sup>184</sup> Кўрсатилган асар. –Б.86.

<sup>185</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.-Б.229.

<sup>186</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Ғ.Ғуллом номидаги АСН, 1983.-Б.57.

*Юсуфни юборсин деб, унга 100 минг динор нақд пул жўнатди.  
Бойсунқур Мирзо инисига мана бу байтни жавоб ўрнида йўллади:*

*Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,  
Айла сен қора чақангни эҳтиёт.*<sup>187</sup>

XV асрнинг биринчи ярмида ва ўртасида яшаб ўтган энг машҳур мусиқачилардан айримларининг номи манбаларда сақланиб қолган. Жумладан, Дарвеш Аҳмад Қонуний қонун чалишда беназир бўлган, Султон Аҳмад найда ном чиқарган. Самарқандда хивалик мусиқачи Девонаи Ҳисобий машҳур эди. Султон Муҳаммад бастакор ва уд ижросида бекиёс бўлган, қонун асбобини чалишда самарқандлик Хожагин Жаъфарий донг таратган. Самарқандга кўчиб келган Махсумзодаи Хоразмий савт ва нақш каби оҳангларни яратишда, бастакор Ҳофизи Чангий эса пешрав ижод қилишда моҳир эдилар.<sup>188</sup> Ибн Арабшоҳ “Амир Темур тарихи” китобида Самарқандда Темур саройида хизмат қилган кўшиқчилардан “Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрий, Қутб ал-Моусилий, Ардашер ал-Чанги<sup>189</sup> номларини келтирган.

Восифий “Бадоеъул вақоеъ”сида Султон Ҳусайн Бойқаро даври хонандаю созандалари номларини санаб ўтган: “*Қосимали Қонуний шундай созанда эдики, ..ҳури ийнлар қонуни қулоқлари намунасига беҳишт бозининг гулгунчаларини қонунсоз ҳузурига келтирарди.*

*Яна Жигарий Чангий муганния бўлиб, чангни огушига олган он фалак базмидаги Зуҳра ўз созини ерга урарди...*

*Созандалар пешвоси устод Саййидаҳмад Ғижжасакий эдики, ...мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий унинг шаънига бир газал битган. Матлаъси ушбудир:*

*Садои он гижжасак кушту ҳусни он гижжасак,  
Ки шўри мажлиси ушшоқ шуд он зи пурнамаки.*<sup>190</sup>

<sup>187</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.140-141.

<sup>188</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.-Б.229.

<sup>189</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т. Ўқитувчи, 1990.-Б.33.

<sup>190</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.10-11.

*(Мазмуни: Бу гижжасак овози ўлдирди, гижжасакчининг ҳусни тузли бўлганидан ошиқлар мажлисининг шўри қўриди.)*

Муҳибали Балобоний, нодир созандаларидан устод Ҳасан Удий, Ҳусайнийи Кўчак Нойи, Мир Хонанда, хонанда Ҳофиз Басир, Шайхи Нойий, Мақсудали Раққослар<sup>191</sup> темурий Султон Ҳусайн Бойқаро даври мажлисларига иштирок этишган. Эронлик олим Валиуллоҳ Ковусий Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларини мусиқий мажлислар деб қайд этган: *“Султон Ҳусайн ва шаҳзодаларнинг мусиқага қизиқиши ва Алишернинг созандаларга кўрсатган ҳомийлиги туфайли сарой санъаткорларнинг интиладиган марказига айланди. Тарихчилар ўша даврдаги Султон Ҳусайн ва вазирининг фармони билан уюштирилган беназир мусиқий мажлислар ҳақида кўп бора ёзишган....*

*...Амир Алишернинг ҳиммати билан ташкил этиладиган кўп мусиқа мажлисларида созандалар ва хонандалардан ташқари донишманд ва тарихчи Хондамир каби замонасининг кўплаб фузало ва донишмандлари ҳам иштирок этишарди”.*<sup>192</sup>

“Мезон ул – авзон” ҳам Ковусий фикрини тасдиқлайди: *“Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу суруд(ашула)ни ...Султони Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиги ва хушояндаллиги васфга сизмас ва таъсир ва рабояндаллиги(жозибали) сифатга рост келмас, балки ул Ҳазратнинг ихтиросидир ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси натойижидин истишҳодга келтурмак муносиброқ эрди, андоқким,*

*Байт:*

*Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,*

*Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.*

Навоий “Мезон ул-авзон”да чигатой улуси хонандалари мажлисларда ижро этган кўшиқларни тилга олиб ўтган: *“...Турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шоеъ авзондирким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.*

<sup>191</sup> Кўрсатилган асар.-Б.11-12.

<sup>192</sup> Ковусий В. Санъат ва маданият ҳомийси.//Жаҳон адабиёти. Тошкент. 2016 йил февраль, -Б.152.

*Бириси “туюғ” дирким, икки байтда муқаррардир ва саъй қилурларким, тажнис айтилгай... Мундоқким:*

*Ё Раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?*

*Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?*

*Жонима пайваста новак отқали,*

*Ғамза ўқин қошига ёлабмудур.*

Шунингдек, темурийлар даври мажлисларида куйланган куйидаги кўшиқни ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин:

*Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарди доғи фурқати,*

*Ҳам эрур жонимга ўт, ҳам ҳаётим офати.*

Мажлисни қизитувчи “туркий” номли ашула ҳам темурийлар даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Ҳатто темурий султонлар бу ашулани маромига етказиб айтадиган хонандаларни тарбиялашган, қўллаб-қувватлашган.

*Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,*

*Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.<sup>193</sup>*

Шунингдек бундай йиғинларда Жомий, Навоий, Ҳусайний ва бошқа шоирларнинг ғазаллари билан айтиладиган машҳур кўшиқлар ижро этилган.

Нисорийнинг “Музакири аҳбоб”идаги ушбу лавҳа ҳам Ҳусайн Бойқаро мажлисларида шеърхонликдан ташқари, куй-кўшиқлар ижросига ҳам алоҳида эътибор берилганлигини тасдиқлайди: *Жаноб мавлоно Абдулраззоқ Самарқандий ўз “Тарихи”да ёзишича, олий мақомли, муридларга паноҳ ҳазрат хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳиротдан рухсатсиз Самарқандга келган шу ерлик амирларни ҳимоя қилиб, доврўқли ориф, мавлоно Абдурахмон ул-Жомийга “аъло ҳазрат арзига етказсангиз, буларнинг кўч – кўронларини ҳам бериб юборишга ижозат берсинлар” деган мазмунда хат ёзганлар. Жаноб мавлоно султон тушган урдугоҳ атрофига яқинлашиб, билсалар –подшоҳ ишрат базмини қувонч ва ўйин –кулги асбоби билан беаётган экан, мутриб ўтиргану соқий турган, айшу–кайф авжида. Улуғ*

<sup>193</sup>.Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.575-578.

амирлар мавлоно истиқболига югуриб, таъзим ва эҳтиром маросимини бажо келтирибдилар. Мавлавий жаноблари бўлса ҳалиги сўзни етказгач, бир газал билан битиб, амирлар орқали подшоҳга юбориб, қайтиб кетибдилар...

*Газалдаги уч байтнинг мазмуни қуйидагича:*

*На зуҳд омад маро монёъ зи базми ишрат андешон,  
Ки роҳи қурб бояд далқи гардолуди дарвешон.  
Биандешам дуои беи аз ин к-он шоҳи хубонро,  
Мабодо ҳечгаҳ осибе аз кейди бадандешон.  
Ба жоики атласи шоҳӣ нашояд фарши раҳ хошо,  
Ғами худ дур медорам зи базми ишрати эшон.*

*(Таржимаси: Ишратдагилар базмига боришимга зоҳидлигим монёълик қила олмади. Чунки дарвешларнинг чангга ботган жандаси яқинлик учун воситадир. Кўп дуолар билан ул хўблар шоҳи ҳаққида ўйлайман, илоҳим унга ёмон ниятлилар макридан бирор зарар етмасин, деб. Шоҳона атлас ўрнига йўлга хас-хашак тўшалса, яхши эмас. Ўз ғамимни алар ишрат базмидан узоқ тутаман).*

*Бу шоҳвор дур(Жомий газали) инсонлар ашрафининг гавҳарга тўла табъ денгизидан қуёш пешона, жамшид нишона подшоҳнинг хумоюн мажлисига етишгач, худди садбарг гулидек юз қувонч билан кулибди ва сеҳр қўзғовчи табъи ҳамда рангга қоришиқ зеҳни меваси ўлароқ, мазкур газалга бошдан охир жавоб айтиб, жаноб мавлавийнинг олий мажлисига юборибди. Унинг мазмуни қуйидагича:*

*Нашояд мажмаъеро гуфт базми ишрат андешон,  
Ки набувад партави руят беҳ базми ишрати эшон.  
Бажуз таишвиш набувад тахту жоҳу атласи шоҳӣ,  
Хушо ганчи фироғу делқи гардолуди дарвешон.  
Хусайнийвор аз пири муғон хоҳам қадаҳ бошад,  
Зи дўрди жоми Жомӣ, бодаи жоми жигаррешон.*

*(Таржимаси: Йигинни ишратчилар базми демаса ҳам бўлади, ки юзинг нури жилосини кўрмак уларнинг ишрат базмидан яхшироқ. Тахту мансабу шоҳлик атласи ўзи бир таишвиш эмасми, эркинлик*

хазинасию дарвешларнинг чангли тўнига нима етсин. Хусайнвор муғлар пиридан бир қадаҳ сўрайманки, биз бағри кабоблар учун Жомий жомидаги майнинг қолдиги бўлсин!)<sup>194</sup>

Албатта, Султон Хусайн Бойқаро даврида Ҳиротда “**Хонандалик мажлислари**” машҳур бўлганлиги ҳақида “Бадоеъ ул-вақоеъ”да шундай ёзилган: “Яна Мир Хонанда бўлиб, у хониши қилаётганда Хофиз Басир зоят беҳуд ва бетоқат бўларкан. Ваҳоланки, Хофиз Басирнинг ўзи замонасининг яғонаси экан. Ҳазрати Довуд пайгамбардан кейин ҳеч ким Хофиз Басирдек хонандалик қилолмас экан. Шуниси ҳам машҳурки, унинг хонандалик мажлисида тўрт киши ҳушдан кетган экан. Нақл қилишларича, Хожя Товус Девоннинг таъзияси куни эътиборли ва мансабдор кишилар ҳозир бўлган мажлисда Хофиз Басирдан ашула айтишни илтимос қилишади. Хофиз Хожу Кирмонийнинг “Вафоти беҳ бувад онро, ки дар вафои ту набвад” (“Сенга вафо қилмаганларнинг ўлгани беҳроқ”) деб бошланадиган газалини бошлаб, қуйидаги байтга етган:

*Дар оташ афканам он дил, ки дар гами ту насўзад,*

*Ба бод бардиҳам он жон, ки дар ҳавои ту навбад.*

(Мазмуни: Ғамингда куймаган дилни ўтга ташлайман. Сен учун ёнмаган жоннинг кулини кўкка совураман).

Айвон кунжидан бир мусича парвоз қилиб, ўзини хофизнинг қўйнига ташлаган ва жон берган. Ўша куни қарийб қирқ киши ҳушдан кетган. Уларни мажлисдан кўтариб олиб чиқишган”.<sup>195</sup>

Кайковус “Қобуснома”да мажлис хофизлари одоби ҳақида шундай ёзади: “Агар хофиз бўлсанг, ҳамма вақт оғир йўлларни чертмағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эрмасдур, нединким одамларнинг барчаси бир хил бўлгон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни халқ мухталиф(хар-хил)дурлар. Шул важдин бу фаннинг устодлари санъатга шундоғ тартиб бермишларки, аввал подшоҳлар мажлиси

<sup>194</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаққари аҳбоб.Т. Мерос.1993.-Б.71-72.

<sup>195</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.11-12.

учун хисравона дostonлар тузмишлар, ундин сўнг вазнсиз бир оғир йўл тузмишларки, уни икки суруд била айтса бўлур...”<sup>196</sup>

Кайковус “Қобуснома”да “*ҳофизлик қилсанг, шеър ёзмоқни ҳам билсанг, ўз шеърингни айтмоққа ҳарис(мойил) бўлмагил, чунки ҳофизлар халқ шеърининг ровийсидур, ўз шеърининг эмас...*”,<sup>197</sup> дейди. Албатта темурийлар даври ҳофизи шоир ҳам бўлган. Ҳофизлар адабий мажлисларда кўшиқ айтишдан ташқари, машҳур шоирлар(Ҳусайний, Жомий, Навоий ва бошқалар)нинг ғазалларини ҳам ўқишган.

*Гар ўқур мажлисда хонанда Атойи шеърини,  
Зухра чанг қўбсор, қилур шамсу қамар завқу чароҳ.*<sup>198</sup>

“Қобуснома”да йиғинларда шеър ўқиган ҳофизлар ҳақида шундай дейилган: “*Ҳар вақтнинг ўзида муносиб ғазалларни ўқигил: баҳорда хазонга муносиб, хазонда баҳорга муносиб, қишда ёзга муносиб ва ёзда қишга муносиб ғазалларни ўқимагил*”.<sup>199</sup>

Бинобарин, мажлисларда хонандалар томонидан ғазалларни чиройли ва ифодали ўқиш талаб этилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида **Шатранж мажлислари** ўтказилган. Амир Темур билан шатранж ўйнаган алломалардан бири Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал-Яздийга шатранж мажлисларида ортикча пиёда кўяр ва ундан ғолиб чиқар, ибн Ақилга эса битта от кўйиб, уни енгарди.

Амир Темур шатранж мажлисларида Алоуддин ат Табризийга: “Тўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен шахмат оламида тенги йўқсан”, (шунингдек яна у) бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан, ҳар қайсимизнинг санъатимиз кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз, - дерди. Унинг ўйин пайтидаги (шатранж мажлисларидаги) сифатларидан бири шу эдики, у ҳеч тафаккур қилмай, фақат (унинг) рақибни узоқ ўйлаб фикрга чўмганидан кейин ўйнагач, у ҳеч бир тадбир кўрмасдан юриб

<sup>196</sup> Кайковус. Қобуснома. Т:Мерос, 1992.-Б.121-124.

<sup>197</sup> Кўрсатилган асар.-Б.121-124.

<sup>198</sup> “Девони Шайхзода Атойи”. Т.Фан, 2008.-Б.48.

<sup>199</sup> Кўрсатилган асар.-Б.121-124.

қўярди. Бир вақтнинг ўзида у(ат Табризий) икки рақиб билан ғойибона ўйнарди ва ҳисоблаши натижасида ўз томонида қандай доналар ва рақиблари томонидан қандай доналар борлигини биларди. У ва Амир (Темур) катта шатранж ўйнардилар.<sup>200</sup>

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам шатранж йиғинлари кенг тарқалган эди.<sup>201</sup> Восифий Ҳиротда кўрган мажлислардан бири Мавлоно Хожа Исфаҳоний ва Мавлоно Биноийнинг шатранжбозлик йиғини давомида улар бадиха (ўйлаб ўтирмасдан тўқиладиган шеър) айтишган ва ғаройиб маъно дурларига зеб берганлар. Уларнинг бадихаси ҳажвга ўтгач, оғизларидан шунақа уятли ва чандиқ сўзлари чиқа бошладики, эшитганлар тобу тоқат қилолмай, кулавериб беҳуш бўлиб йиқилаёзганди.

Мавлоно Хожа Гўянда ва Амир Халил Хонанданинг шатранж мажлисида иккови бир ўйин бошлаб, олдиларига бир яланғоч пичоқ ва доира қўярдилар. Доира шунинг учун эдики, ким агар бир пиёдани ортиқча ютиб олса, ўша доирани олиб рақсга тушарди. У шунақа мақом ва жилва, шундай ҳаракатлар қилиб ўйнардикки, мажлисда ҳозир бўлганлар кулавериб, ҳушдан кетаёзганди.

Дўстий ва Бисотийнинг нард ва шатранж мажлисида эса ўйин давомида устозлар қасидаларидан, шатранж ва нард бобидаги луғз, ғазал, қасида, қитъа ва маснавийларидан, рубоийлардан ёд айтганлар.<sup>202</sup>

“Бобурнома”да ҳам Навоий ҳузуридаги **шатранж мажлиси** ҳақида шундай ҳикоя қилинган: “...Бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноийга тегар. Алишербек мутойаба била дерки, “ажаб балоест дар Ҳирий агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад” (“Ажаб балодирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирнинг ортига тегади”). Биноий дерким, “агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад” (“Йиғсанг ҳам шоирнинг ортига тегади”).<sup>203</sup>

<sup>200</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. – Т. Ижод, 1992.-Б.86-87.

<sup>201</sup> Зайниддин Махмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т. Ғофур Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.40-41.

<sup>202</sup> Кўрсатилган асар.-Б.40-41.

<sup>203</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.137.

Хулоса қилиб айтганда, темурийлар даври шатранж мажлисларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, биринчидан бундай йиғинлар подшоҳлар, зиёлилар, шоирлар ҳузурида ташкил этилган, иккинчидан шахмат ўйини давомида мушоиралар ва ҳазил-мутойаба суҳбатлари ҳам бўлган, учинчидан ашулалар ҳам куйланган.

**Қиссахонлик, китобхонлик кечалари ва маърака мажлислари.** Ўрта асрларда ҳукмдорлар ҳузурида қиссахонлик кечалари ўтказилган. Қисса арабча сўз бўлиб, халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган воқеабанд характердаги, қаҳрамон ҳаёти ва саргузаштларини, воқеий ҳодиса ёки афсоналарни ҳикоя қилувчи эпик асар. Содда қилиб айтганда, ҳикоят ва саргузашт. Халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш қиссалар мажлисларда оғзаки айтилган. Мажлисларда ва махсус йиғинларда пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарлар, яъни “Қиссаи ул-анбиё”, “Ҳазрат Али ҳақида ўн тўрт қисса”, “Иброҳим Адҳам қиссаси” каби юзлаб қиссалар тингланган.<sup>204</sup> Тарихий маълумотларга қараганда, Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ҳузурида ҳам **Қиссахонлик кечалари** ташкил этилган. Ибн Арабшоҳ ўзининг “Амир Темур тарихи” асарида бу ҳақда шундай ёзган: *“Темур тарих китоблари-Аллоҳнинг раҳмати ва салому бўлғур-анбиёлар қиссаларини, аввал ўтган подшоҳлар сийратлари ва қадим салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо-сафарда бўлганида ҳам, ҳадарда (бир жойда муқим) турганда ҳам (қиссахонларга) ўқитиб, қунт билар тинглар эди. Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, назмаларининг ўз қулоғига муттасил чалиниши натижасида Темур ушбу ҳикоятлар жиловини қўлига батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли “эгаллаб” олган эди. Агар ўқиётган қиссахон бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб қўярди”.*<sup>205</sup> “Темур ҳузурида Низомий Шомий, Ибн Арабшоҳ, Али Яздий каби тарихчилар бўлган. Унинг даргоҳида кўплаб қиссахонлар ҳам бўлган. Аммо кўпчилигининг номи аниқ эмас. У даврларда

<sup>204</sup> Х.Умуров. Адабиёт қоидалари. Т:“Ўқитувчи”-2002.165-166-б.

<sup>205</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т: Ижод-1992.84-85-б. .

тарихий китоблар билан бадий-диний қиссалар ўртасида муштарак хусусиятлар кўп бўлиб, уларнинг ҳеч бирини бадииятсиз тасаввур этиш қийин эди. Шу маънода бундай асарлар буюк соҳибқиронга фақат билим, маълумот эмас, бадий завқ берганига ҳам шубҳа йўқ”.<sup>206</sup>

“Темур тузуклари” қиссахонлик кечаларида Амир Темур тинглаган қиссалар ҳақида муайян тасаввур беради. У ўз кундаликларида *“Одам Атодан бошлаб то Хотамгача ва ундан то ҳозирги дамгача (Амир Темур давригача) ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўруқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан ўрнак олиб, уларга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим, наслни бузувчи очарчилик, вабо касалини келтирувчи зулму бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим ”*,<sup>207</sup> дейди ўтмишдаги қиссалардан чиқарган хулосаларини эсга олиб.

“Темур тузуклари”даги Мир Саййид Журжонийнинг Темурга йўлланган мактубида Соҳибқирон ёд билган қатор қиссалар баён этилган:

-Хорижийлар Ҳазрат Алига таънаю лаънатлар ёғдиришиб, ислом дини заифлашган паллада низоларни бартараф этиб, ҳақ динга ривож берган умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазиз қиссаси;

-Халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашиднинг ислом динида пайдо бўлган етмиш икки турли ботил мазҳабларга барҳам бериб, ҳақ мазҳаби – аҳли суннат вал жамоатни ривожлантирганлиги ҳамда Али ибн Мусо Жаъфарни валиаҳд деб эълон қилиб, унинг маслаҳати билан мамлакатни идора қилганлиги қиссаси;

---

<sup>206</sup> Абдукодир Ҳайитметов. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т:Фан-1996.17-18-б.

<sup>207</sup> Темур тузуклари. Т: “Ўзбекистон”-2014. 76-б.

-Абу Тоҳир бошчилигидаги қарматлар Маккаи муаззамани босиб олиб, арафа куни ҳажга борганлардан ўттиз минг нафарининг жонига қасд қилиб, халқни қатлиом ва ислом мамлакатларини талон-тарож қилган пайтда бу фитнани бостирган халифа Муқтадир Биллоҳ қиссаси;

-Араб халифалигида кину адоват ва жабр-зулм кучайган бир даврда аббосий халифа Мутиъ Амриллоҳ ўрнига Ат-тоиъ Биллоҳни тахтга ўтқазган бувайҳийлар ҳукмдори Иззуддавла Дайлабий қиссаси;

-Ўн иккинчи асрнинг биринчи ярмида динсизлар ва жоҳиллар исломни заифлаштирганда, уларга қарши курашиб динни ривожлантирган салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар қиссаси;

-Мўғиллар истилоси оқибатида заифлашган динга ривож берган, мамлакат ва шаҳарларда шариатни барқарорлаштирган, шайх Иброҳим Ҳамавий кўлида юз минг лашкарига исломни қабул қилдирган Ғозонхон ибн Арғунхон ибн Ҳулогухон қиссаси;

-Олимлар билан баҳсга киришиб, дину шариатга ривож берган Улжайту Султон қиссаси.<sup>208</sup>

Соҳибқирон диққатини ўзига жалб этган ибратли қиссалардан бири аббосийлар халифалиги вазири хоин Ибн Алқамий қиссасидир. Хиёнаткор вазир Ҳулогухон билан тил бириктириб, ўз ҳукмдори араб халифаси Мустаъсим Биллоҳни тахтдан ағдаради. Қиссадан ҳисса шуки, Темур “асли тоза, насли пок, улуғ зотларни вазир этиб тайинлашни”<sup>209</sup> маслаҳат беради. Эрон саркардаси Баҳром Чубин қиссасини тинглаб, Соҳибқироннинг тажрибаси ортгани ва бундан тегишли хулоса чиқаргани ҳам баайни ҳақиқат. Нақл қилишларича, турклар ҳоқони Шаба уч юз минг аскар билан Эронга бостириб киради. Сосонийлар шоҳи Ҳурмуз ибн Нуширвон сипоҳсолор Баҳром Чубинни 320 минг аскар билан ҳоқонга қарши урушга йўллайди. У ҳоқон лашкари билан тўқнашиб, уни жангда енгади ва бутун ўлжани Ҳурмузга жўнатади. Аммо Эрон шоҳи

<sup>208</sup> Темур тузуклари. Т: “Ўзбекистон”-2014. 81-87-б.

<sup>209</sup> Темур тузуклари. Т: “Ўзбекистон”-2014. 108-б.

хузуридаги мажлисда ҳасадчилар “Баҳром ўлжанинг ҳаммасини етказмаган”, дея лашкарбошига тухмат қиладилар. Хурмуз эса бу бўҳтонга ишонади ва қаҳрамонни хоин деб атайди. Баҳромга аёллар ёпинчиғи, бўғов ва занжир юборади. Баҳром Чубин бўйнига бўғов, оёғига кишан солиб, аёллар либосини кийган ҳолда амирлар, кўшин бошлиқлари ва сарой айёнлари олдига чиқади. Ҳамма Баҳромнинг хизматларини унутган Хурмузга таънаю дашномлар ёғдирадилар. Сипоҳ Баҳром билан иттифоқ тузиб, Хурмузни салтанатдан тушириб, тахтга Хусрав Парвизни ўтқзади. Қиссахондан бу қиссани эшитган Темур Ўрусхонни енгиб қайтган саркардаси амир Ийгу Темур ҳақида худди Баҳром Чубин каби ўлжаларни ўзлаштирган дея тўқилган иғволарга ишонмасдан, уни хизматига яраша мукофотлайди.

Нега Амир Темур қиссалар тинглашни хуш кўрган, деган ҳақли савол туғилади? Бунинг сабаби ҳақида Соҳибқирон Темур шундай дейди: “Муҳаддислар (ҳадисшунослар), (пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари) ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (ноқиллар) ҳамда қиссахонларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завоқ топганини улардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва жаҳон аҳли аҳволидан хабар топар эдим”<sup>210</sup>. Темурийлар даври олими Хусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний”да қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта, дейди. Чунки киши ўтган аждодларнинг иши ва аҳволидан хабардор бўлади, ғаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикри теранлашади ва кўзи очилади. Бундан маълум бўладики, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам ундан нафъ топади”<sup>211</sup>.

---

<sup>210</sup> Темур тузуклари. Т: Ўзбекистон-2014. 93-б.

<sup>211</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Т: А.Қодирий номидаги ХМН-1994.81-б.

Амир Темур муҳаддислар, ноқиллар, муаррихлар, хабарчилар ва ровийлар қатори қиссахонларни ниҳоятда қадрлаган. Тарихда “қиссахонлик икки хил бўлган, дейилади “Футувватномаи султоний”да. Биринчиси, ҳикоят айтиш бўлса, иккинчиси шеърхонликдир.

Қиссахонликнинг ҳам ўз тартиб, қоидалари бўлган.<sup>212</sup> Қомус инфода ёзилишича, қиссахон – афсона, ривоят ва дostonларни ифодали қилиб айтиш ёки бадиий ўқиш маҳоратига эга бўлган профессионал ижрочи бўлган. Қиссахонлар турли йиғинларда ёки махсус қиссахонлик кечаларида халқ дostonларини, қизикарли таржима, воқеа-ҳикояларни, мумтоз адабиёт намуналарининг “фольклорлаштирилган вариантларини” ва ҳар хил жангномаларни ёддан ёки матн асосида ўзига хос оҳангда ўқиганлар. Қиссахон репертуари жанр ва ғоявий –тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлган.

Қиссахонлик кечаларида қиссахонга турли талаблар қўйилган. Биринчидан, қиссахон устоз кўрган бўлсин, қиссалар ҳеч қачон хаёлидан кўтарилмасин. Иккинчидан, чаптастлик билан дадил сўзга киришсин, хомлик ва ланжлик кўрсатмасин. Учинчидан, мажлис қандай қиссани қабул қилишини англасин ва эл рағбати кўпроқ бўлган асарларни танласин. Аммо меъёрни сақласин. Тўртинчидан, ҳикоя давомида насрни гоҳи-гоҳи назм билан қўшиб олиб борсин, лекин бу эшитувчиларга малол келмайдиган даражада бўлсин. Улуғ устозлар: назм-қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир-агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса шўр бўлади, деганлар. Бас, меъёрни сақлаш лозим. Бешинчидан, ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасин, токи элнинг назаридан қолмасин. Олтинчидан, кинояли, тушунилмайдиган сўзларни айтмасин, чунки бу эшитувчиларни ранжитади. Еттинчидан, қиссахонликни тез тугатмасин ва ҳаддан зиёд чўзмасин ҳам, ўрталикни сақласин.

---

<sup>212</sup>. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний.Т:А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти-1994.82-б.

Мухтасар айтганда, Амир Темур ўзи тинглаган қиссалардан нафақат ибрат, ўрнак, балки куч ва илҳом олган.

Темурийлар даврида кўплаб зиёлилар ҳузурида бўлгани каби, улуғ мутафаккир Абдурахмон Жомий хонадонида ўтказилган **Китобхонлик кечалари**да турли хил китоблар мутолаа қилинган. Навоийнинг ёзишича, “Яна “Хамса”, балки “Ҳафт авранг”ларнинг кўпрагин муқобала(танишиш) дастури била алар ўқиғонда қулоқ тутулубтур, мадади учун алар (Жомий) мажлисида ўқулубтур”.<sup>213</sup> Бу фикрни Хондамир ҳам тасдиқлайди: “Ҳазрат (Навоий) ҳақиқатлар паноҳи бўлган жаноби олий Махдумий Нуран(Жомий) хизматида бўлиб, ҳар доим ул зотнинг ҳузурида **дарвешларнинг китоблари ва тасаввуфга оид асарларни ўқишига машғул бўлдилар. Ул жаноби олий (Жомий)нинг бу борада ёзган рисолаларини ҳам ўша кишининг ҳузурида мутолаа қилдилар...** (Айтиб ўтиш лозимки) ул жаноби олий (Жомий) ҳам ўзидан файз таратиб турган ўша асарларини ҳидоят нишонли ушбу Амир(Навоий)нинг қутлуғ номига бағишлаб ёзди”.<sup>214</sup> Алишер Навоий Жомий ҳузурида тасаввуф, дин ва илму фанга оид қатор китобларни мутолаа қилган, унинг китобхонлик кечаларида иштирок этиб, ўқилган мўътабар китобларни тинглаган, шоирлар султони бирор рисола зарур бўлиб қолганда устозидан сўраб олиб, ўқиган: “Ул расоил ва кутуб теъдодиким, бу фақир (Навоий) алар (Жомий) хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен:

*Аввал алар битиган “Қофия” рисоласидурким, анингдек мухтасар ва муфид рисола бу фанда ҳеч ким билмайдур.*

*Яна “Муаммо”нинг иккинчи рисоласидурким, “Ҳулият ул-ҳилал”дин сўнгарароқ битибдур.*

*Яна ҳам аларнинг “Аруз” рисоласидур.*

*Яна “Лавоех”дурким, сўфия машойих истилоҳида битилибдурким, андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур.*

---

<sup>213</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Т. Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.747.

<sup>214</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т: Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.31.

Яна **“Лавомеъ”**дур, ҳам бу истилоҳдаким, ҳар ламъасининг партави соликка ҳирмон қоронғу тунда ҳидоят шамъининг осоридур, балки иноят машъалининг анвори.

Яна **“Шарҳи рубойёт”**дур, ҳам бу истилоҳдаким, фано тариқида мосиваллоҳ азосига тўрт такбир урмоқ анинг мутолаасидин муяссардур.

Яна ҳам бу истилоҳда **“Ашиъа”**дурким, барқининг талолойидин хира кўзларга очуғлиқ ва қуёшининг шаъшаасидин тийра кўнгулларга ёруғлуқ этишур.

Яна бири **“Шавоҳид ун-нубувват”** муқобала қилилибтурким, алфози иймон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори билан шаҳди ноб этар.

Яна баъзи машойих (қуддиса асрораҳум) расоилидин: Хожя Муҳаммад Порсо(қуддиса сирруҳу)нинг **“Қудсия”**сидурким, ҳазрати қутбул-авлиё Баҳовуддин Нақшбанд раҳматуллоҳнинг фирдавсойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тиллариға ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулафоким, жамъ қилурлар эрмиш Хожя Муҳаммад мазкур анга маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг диққатлари ийҳомин возиҳ этибдурлар.

Яна Ҳазрати Хожя Убайдуллоҳ(тоба сарроҳу)нинг оталари ишорати била битилган рисоаларидур, ҳам фақр ва фано тариқидаким, оз ўғулға бу давлат муяссар бўлуб эркинки, ота амри била бу навъ шойиста хизмат қилмиш бўлғай ва андоқ писандида амр бажо келтирмиш бўлғай.

Яна муқарраби Ҳазрати Борий Хожя Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирруҳу)нинг **“Илоҳийнома”**сидирким, анинг васфида қалам тили оғиз-у лол ва қаламзан хомаси алкан-у шикаст мақолдур.

Яна дағи баъзи расоил бор, агарчи сабақ дастури била ё муқобала қонуни била алар хизматида ўқулмайдур, аммо мушкил маҳаллари алардин сўрулиб, таҳқиқ қилилибтур”.<sup>215</sup>

---

<sup>215</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Т:Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.787-788.

Адабиётшунос Фаррухбек Олим таъбири билан айтганда, Алишер Навоийни етукликка йўллаган манба ҳам айнан китобхонлик кечаларида у мутолаа қилган китоб ва рисоалар эди. Буюк Шогирд ўзидан аввалги ва ўзи мансуб бўлган адабий муҳит ижодкорлари асарларини ўрганиш асносида ўз иродасини шакллантирди, тарбиялади. Шунинг учун ҳам Навоий салафлари Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа шоирлар таърифига ўз асарларида алоҳида ўринлар ажратиб, уларни мадҳ этишдан ҳеч чарчамайди.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий номи, аввало, китоб номи билан боғлангандир. Орзуимиз – биз ҳам китоб мутолаасида уларга издошлик қилсак.<sup>216</sup>

Жомий ҳузуридаги мутолаа яъни, китобхонлик кечалари, мўътабар китоблар ҳақида Иброҳим Ҳаққул шундай ёзган: *“Хамсат ул-мутахаййирин” хотимасида Навоий устози Абдурахмон Жомий хизматида (ҳузурида) “таълим ва истифода” юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадики, уларнинг аксарияти тасаввуф ҳақида... Шунингдек, Навоий Ҳужвирий, Имом Кушайрий, Сухравардий, Имом Ғаззолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшуносликда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганича йўқ”*.<sup>217</sup>

Темурийлар даврида ҳам жавонмардлар ҳаракати мавжуд бўлган. X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқ оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-хунар эгаларини, шоирларни бирлаштирган жавонмардлик ҳаракати тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик ғояларини дастур қилиб олди ва ўз навбатида сўфийликнинг ривожланишига туртки бериб келди. Шу тариқа, ҳамиша бир-бирига мадад бериб,

<sup>216</sup> Олим Ф. Мутолаа мактаби. //Жаҳон адабиёти. Тошкент. 2018 йил. 2-сон. –Б. 105-107.

<sup>217</sup> Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т. Шарқ НМАК БТ, 2007.-Б.128-129.

бир-бирини тўлдириб келган тариқат ва футувват XIII асрларга келиб бир-бири билан қўшилиб кетган – жавонмардлик тасаввуфнинг амалий қисмига айланган. Зеро, "тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда ўз назарий-эътиқодий тағ-заминини топган эди.<sup>218</sup> Хусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи султоний" асарида тарихда жавонмардлардан ҳар бирининг пири, ўз жамоаси, суҳбат орқали таълим бергувчи устозлари ҳамда йиғиладиган йиғин жойлари бўлган деб ёзилган.<sup>219</sup> Жавонмардларнинг ана шундай йиғилишларидан бири **Маърака** – **мажлисларидир**. Мазкур йиғинларда маърака аҳлидан бўлган-сўз аҳли (шоирлар, қиссахонлар, афсона айтувчилар, бахшилар.), зўр аҳли (полвонлар), яъни кучини намойиш этувчилар ва учинчиси-ҳар хил ўйин кўрсатувчилар (дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар ва бошқалар) ўз қобилияти, истеъдодини намойиш этган, қолганлари эса уни томоша қилганлар. Кошифийнинг ёзишича, *"маъраканинг боши билим, чунки билимсиз одам маъракага қадам қўйса, бошидан хабарсиз қолади. Маъраканинг адоғи кўнгилларнинг қабулидир"*.

*Маърака* икки хил бўлган: биринчи хили-маъқул ва иккинчиси эса манзур маърака. Бундай маъракаларда яхши сўзлар айтилган.<sup>220</sup> Маддоҳлар ва ғазалхонлар маърака тузувчи ва уни кизитувчи сўз аҳлидан ҳисобланган. Мазкур йиғинлардаги *"маддоҳлар шундай хусусиятга эга кишилардирки, узлуксиз аҳли байт таърифида сўз айтадилар ва хонадоннинг ёдида шеър айтиш билан вақт ўтказадилар"*.<sup>221</sup> Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Ҳайрат ул-аброр" достонида Навоий ҳам маъракадаги маддоҳлардек Хусайн Бойқарони мадҳ этиш асносида *"қизгин маъракада шоҳ мадҳида мадҳия ўқиётган маддоҳлар маъракасини"*<sup>222</sup> ёдга олган.

<sup>218</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т. Ёзувчи, 1996. –Б.120.

<sup>219</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Т. А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. –Б.7.

<sup>220</sup> Кўрсатилган асар. –Б.74.

<sup>221</sup> Кўрсатилган асар.-Б.81.

<sup>222</sup> Алишер Навоий. Хамса. Насрий баён. – Т. Наврўз, 2019.-Б.144.

Маъракада мадҳ этувчи маддоҳлар биринчидан маъракада бадихатан шеър айтганлар, бундан ташқари улар ўз қобилиятларини ишга солиб, ҳикоят уривотларни назмий шаклда баён этганлар. Иккинчи хил маддоҳлар эса йиғинларда бошқа шоирларнинг шеър, ҳикоя ва бадихаларини ўқиб, халққа етказганлар. Бу тоифани ровийлар ҳам деб атайдилар ва улар ҳам маддоҳлар жумласидан. Қиссахонлар ҳам икки хил бўлган. Биринчиси, маъракада ҳикоят айтган бўлса, иккинчи тоифадагилари эса шеърхонлик билан шуғулланган.<sup>223</sup> Маъракаларда қиссахонлар ва афсона айтувчилар алоҳида ўрин тутган. Қиссахонлар маъракада ўрнатилган махсус курсида ўтириб, қиссалар айтиб беришган.<sup>224</sup>

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адабий мажлислар ва турли бошқа турдаги маданий йиғинлар ўтказиш мусулмон шарқида азалдан мавжуд бўлган. Бир қатор турдаги мажлислар ўтказиш темурийлар маданий муҳитига ҳам хос экан. Барча мажлисларини бирлаштирувчи жиҳат шундаки, унда шеърлардан фойдаланилишидир. Масалан, уламоларнинг диний-илмий мажлисларида ҳам вақти-вақти билан шеър ҳам айтиб туришган. Машойихлар суҳбатларида шайхлар ўз фикрларини рубоий тарзида изҳор этишган. Қиссахонлик кечаларида ҳам шеърдан фойдаланишган.

---

<sup>223</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Т.А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.-Б.81.

<sup>224</sup> Кўрсатилган асар. –Б.81.

## II БОБ. ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИ АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Ҳусайн Бойқаронинг “олий мажлислари”

Ўзбек адабиёти ва адабий мажлисларининг гуллаб яшнаган даври Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) замонида тўғри келади. Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида бу давр ҳақида шундай ёзган: *“XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланиш даври бўлиб, бу юксалиш темурийлардан 1469 йилдан 1506 йил орасида подшоҳлик қилган Султон Ҳусайн ҳамда ўзбек адабиётининг порлоқ қўёши Алишер Навоий номлари билан боғлиқ”*.<sup>225</sup> Иззат Султон ҳам “Навоийнинг қалб дафтари” китобида ҳам ўзбек адабиёти тараққиётини Абдуқодир Ҳайитметов каби Ҳусайн Бойқаро ва Навоий фаолияти билан боғлайди: *“Хуросонда тахминан қирқ йил мобайнида тинчлик ўрнатилганлиги ва давлат бошида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий каби маданиятпарвар кишилар турганлиги сабабли мамлакатдаги ва айниқса пойтахтдаги адабий муҳитда ижобий ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин эди ва шундай бўлди ҳам.*

*Янги Ҳиротдаги ва Хуросондаги янги адабий муҳитнинг кўзга кўринган дастлабки хусусияти – қобилиятли ва атоқли кишиларнинг аввал ҳеч кўрилмаган даражада кўпайганидир”*.<sup>226</sup> Шу боис XV асрда Ҳирот шаҳрини “Байт уш-шуаро”<sup>227</sup> – “Шоирлар уйи” деб аташган. Ҳусайн Бойқаро ва Навоийлар даврида Ҳирот Ўрта Осиё ва Хуросонда энг йирик маданият марказига айланди.

Бу даврда туркий тилда, яъни қадим ўзбек тилидаги адабиёт ҳам гуркираб ўса бошлади.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” номли тазкирасида номлари келтирилган шоирлар орасида деҳқонлардан ташқари аҳолининг ҳамма табақаларига мансуб кишиларни учратиш мумкин, улар орасида айниқса ҳунармандлар, косиблар ва умуман, шаҳар аҳолисининг ўрта табақалари намояндалари кўпроқ

<sup>225</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т. Фан, 1996. –Б.11.

<sup>226</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969.-Б.297.

<sup>227</sup> Равшанов П. Сайланма. Тўрт жиллик. Биринчи жилд. – Т. Янги аср авлоди, 2005.-Б.40.

учрайди. Бу даврда Ҳиротнинг ўзи катта адабий марказга айланганини айтган эдик.

Айниқса, китоб растасидаги ҳар бир китобфурушнинг дўкони ўзига хос адабий клубга айланади. Унда шоирлар ва шеър мухлислари, аскиячилар йиғилишиб, янги асарларни муҳокама қилишган.

Навоийшунос олим Афтондил Эркинов Султон Ҳусайн Бойқаро даври адабий муҳитини Амир Темури давридан бошланган маънавий тараққиёт билан боғлаб, Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола. Девон”и сўзбошисида шундай ёзган: *“Ўз асри, Марказий Осиё ва инсоният тарихида туб бурилиш ясаган Соҳибқирон Амир Темури кучли ва қатъиятли ҳукмдор эди. Бу қудратли зот ўз салтанатини маърифатсиз тасаввур эта олмас, шеърятни севар, шоиртабиат эди. Ким билсин, балки ана шу жиҳатлар, маънавий бойликни қадрлаш ва уни машҳур ҳукмрон бўлишига олиб келгандир. Темурийлар ҳам боболари анъанасига содиқ қолиб, сарой ва салтанат маърифатига эътибор билан қарадилар. Лекин ҳам қилични, ҳам қаламни бирдек маҳорат билан ишлата билиш биринчилардан бўлиб султон Ҳусайн Бойқарога насиб этди – Темури эккан дарахт мева бера бошлади”*.<sup>228</sup> XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг юксак ривожланган даври бўлиб, бу юксалиш шеърят анжуманларида кўплаб шеърларни кетини узмай, ёддан мароқ билан ўқий оладиган шоҳлар шоири темурий Ҳусайн Бойқаро саройидан бошланган.<sup>229</sup> “Мажолис ун-нафоис” асарида бу ҳақда Навоий шундай ёзади: “Бу Султони соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро)нинг Эрам ойин (Жаннат боғидагидек) суҳбатлари(мажлислари)да ва фирдавс тазйин (жаннатдек безатилган) хилватларида бу навъ ғариб латойиф(лутфлар) ва ажиб заройиф (ўткир сўзлар) ҳар лаҳза мутаоқиб ва мутавотир (кетма-кет айтилиб, оғиздан оғизга ўтиб турадир) ва ҳар ламҳа (онда) мутазоид ва мутақосир (кўп мартаба ва қайта – қайта) зоҳир бўлур”.

<sup>230</sup> Ҳусайн Бойқародаги бундай ноёб қобилият эса бобокалони

<sup>228</sup> Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). – Т. Шарқ НМК БТ, 1995.-Б.7.

<sup>229</sup> Аҳмедов А. Амир Темури жаҳон тарихида. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2001. –Б.170.

<sup>230</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.447.

Амир Темурдан ўтган: *“То олам аҳли билгайларким, Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро)гаким, мажлисда пайдар-пай хўб абёт ва яхши сўзлар дар маҳал воқеъ бўлур - даги маврусий(мерос)дурким, нисбатан ул жадди бузургвор (Темур)га тузотур”*.<sup>231</sup> Бинобарин Темурнинг таъсири нафақат Ҳусайн Бойқарода, балки бошқа темурий шахзодаларда намоён бўлганлигини биргина “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида шеър айтган 22 нафар темурий шахзода мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

“Мажолис ун-нафоис”да “олий мажлислар” деб қайд этилган, мингга яқин шоирлар (Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”сида Ҳирот ва унинг атрофида мингга яқин шоирлар яшагани қайд этилган),<sup>232</sup> хонандаю созандалар, зиёлиларни ўзига жамлаган мазкур шеърят кечалари Ҳусайн Бойқаро ҳузурида Алишер Навоий иштирокида тез-тез ўтказилган. Адабиётшунос Эргаш Очилов “Барҳаёт сиймолар” китобида Ҳусайн Бойқаро адабий йиғинлари ҳақида жумладан шундай ёзган: *“Ҳусайн Бойқаро (мажлисларда) туркий тилда ижод қилишни рағбатлантирган ва шунга даъват қилган. Ўзи ҳам бадиий ижод билан шугулланиб, Ҳусайний тахаллуси билан шеърлар ёзган, шеърят мажлисларини ташкил этиб, шоирларга раҳнамолик қилган ва мушоиралар уюштирган*.<sup>233</sup>

Ана шундай мушоиралардан бири “Хамсат ул-мутахаййирин”да қайд этилган. Маълум бўлишича, Навоийнинг куйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазали эл орасида машҳур бўлган ҳамда Ҳусайн Бойқаро мажлисларида ўқилган:

*Очмагай эрдинг жамоли олам оро кошки,  
Солмагай эрдинг бори оламга гавго кошки.*<sup>234</sup>

Шоирларни мушоирага чорлаган мазкур шеърга Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб Жомий назира ёзганлиги ҳақида Навоий “Хамсат ут-мутахаййирин”да шундай деган: *“Шую ва шуҳрати ул ерга еттиким, ҳазрати Махдум(Жомий)га даги масму*

<sup>231</sup> Кўрсатилган асар.-Б.411.

<sup>232</sup> Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). – Т. Шарқ НМК БТ, 1995.-Б.20-21.

<sup>233</sup> Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Т. Ўзбекистон, 2012.-Б.318.

<sup>234</sup> АНТАТ. 5-жилд. –Б.786.

бўлиб, аларга ҳам дагдага улким, ба баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар, бу доия пайдо бўлиб, чун туркча алфоз била назмга илтифот қилмас эрдилар, бир форсий ғазал айттиларким, матлаи будур:

*Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки”.*<sup>235</sup>

(Таржимаси: У гўзал дилдор дийдорини кўрсам кошки эди, Кўзимни унинг оёғи тупроғидан равшан қилсам кошки эди).

Ушбу ғазални Жомий Ҳусайн Бойқаро ҳузурига, яъни олий мажлисга юборади. Бу шеър ҳаммага мақбул тушади. Подшоҳ Навоийга Жомий ғазалига мусаддас боғлашни буюради. Ҳусайн Бойқаро ушбу мусаддасни эшитгач, шоирга таҳсин ўқийди ҳамда шеърни Жомийга юборади.

*Кардаме дар хоки кўи дўст маъво, кошки,  
Судаме рухсори худ бар хоки он по, кошки,  
Омади берун зи кўй он сарви боло, кошки,  
Бурқаъ афканди зи рўи оламоро, кошки,  
Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки.*<sup>236</sup>

(Таржимаси: Дўст кўйини ватан қилсам кошки эди, Унинг оёғи тупроғига юз суртсам кошки эди, У баланд сарв ўз кўчасидан чиқса кошки эди, Олам безаги (бўлган) юзидан парда кўтарса кошки эди, У гўзал дилдор дийдорини кўрсам кошки эди, Кўзимни унинг оёғи тупроғидан равшан қилсам кошки эди).

Ушбу адабий ҳодиса бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятининг бемисл қудрати, унинг асарлари қадру қимматини, Навоий билан Жомий орасидаги зехну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, бу икки буюк адибнинг давр подшоси, “шоҳу дарвешлик”ни ўзида мужассам этган нозиктабъ шоир Ҳусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилаб турибди ёки бошқача айтсак, Ҳусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироки, Навоий ва Жомийга бўлган чуқур ҳурмати,

<sup>235</sup> Кўрсатилган асар. –Б.786.

<sup>236</sup> Кўрсатилган асар. –Б.787.

уларнинг истеъдоди меваларини кўпайтириш сари қилган ҳаракатлари намунасини кўрамиз. Бу уч буюк зот XV аср Ҳирот адабий муҳитининг марказида турганлар ва улар сиймосида адабиёт ва халқ, маънавият ва давлат бирлашган эди.

Уларнинг бир-бирини қўллаши, илҳомлантириб туриши улуғвор бир маданиятнинг, сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларнинг яратилишига сабаб бўлган.<sup>237</sup>

1469 йилда “ҳумоюн базмда ўқилган”<sup>238</sup> “Ҳилолия” қасидасида ҳам адабий мажлисда ўтказилган мушоира тасвирланган. Бу мушоирада тўрт ижодкор иштирок этган. Албатта ундаги тўрт байтни ёзган шоир Навоийнинг ўзи. Аммо Навоий ўзининг бу мушоирадаги иштирокчилардан бири этиб кўрсатган. Ҳатто бу ҳолни исботлашга ҳаракат қилиб ўз байтига гўё ортиқча аҳамият берган. Гарчи мушоира қатнашчиларининг номлари кўрсатилмаган бўлсада, улар ўз даврининг таниқли шоирлари сифатида тасвирланган...

Навоий томонидан Уторуд (Фалак котиби, ёзувчи-шоирлар ҳомийси) чарҳида турувчи шоир бундай деб ёзган:

*Эй, сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,  
Вэй, юзинг шарманда айлар эъди акбар талъатин.*

Яъни ёрнинг қоши эгмалиги янги ой (ҳилол)ни хижолатга кўйди, эъди акбарни эса шармандаликка юз ўгиртирди.

*Ой юзинг байрам тонги порлоқлигини кўрсатди,  
Ўшанда қошинг янги ой сувратини пайдо қилган эди.*

Бу шеърдаги нафосат ва мулойимликни эшитгач, мен ҳайратда қолдим, дейди Навоий. Сўнг шоир ўзининг шоҳ ҳузурига киргани ва унга бу учала матлаъни ўқиб берганини ёзади. Унинг фикрига кўра, бу учала тавсифлар-матлаъдан яхшироқ, бу мавзуда сўз айтмоқ мумкин бўлмас.

Шоҳ кулди ва бадиҳатан (ўйлаб ўтирмай) бир матлаъ ёздики, ундан Хисраву Салмону Жомийлар руҳини нодирлиги шундоқ кўзга ташланиб турар эди.

<sup>237</sup> Навоий ғазалиёти талкинлари. (Нашрга тайёрловчи Н.Жумаҳўжа). – Т. Ўзбекистон НМИУ, 2018.-Б.300.

<sup>238</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ф.Фуллом номидаги АСН, 1985.-Б.116

*Ки эй, ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглим тоқатин,  
Жон бериб ёд айлагач, ийди висолинг жаннатин.*

Шоҳ бу матлаъни ўқигач, ҳамма (мажлис аҳли) офаринлар айтдилар.<sup>239</sup>

Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ана шундай мушоиралар доимий уюштирилган. Бу биринчидан.

Иккинчидан, Алишер Навоий “Муншаот”даги мактубларда адабий йиғинларни тез-тез “олий мажлис” деб тилга олган. Шоир 16-мактубда хаёлига олий мажлис мулозимларига маъқул бўлгулик ёки ёқадиган бирор бир шеър келмаганини, ҳеч нима ёзмаганини баён этган.<sup>240</sup> Суйима Ғаниева ҳам Ҳусайн Бойқаронинг “Жамолингдин кўзум равшан” ғазаллар тўпламидаги сўзбошида шеърият кечаларини “олий мажлис” деб аталишига алоҳида тўхталиб, жумладан шундай ёзган: *“Ҳусайн Бойқаро ҳузурида, унинг бевосита иштирокидаги “Олий мажлис”ларда асарлар, шеърият намуналари муҳокама қилинар, адабий мавзуларда қизгин суҳбатлар ўтказилар эди. Бундай қайноқ Ҳирот адабий мактабида Ҳусайн Бойқаронинг бадиий истеъдоди чархлана борган ва соҳиби девон шоир сифатида шуҳрат қозонган”*.<sup>241</sup>

Навоий тилга олган олий мажлис нима ва унинг мулозимлари (надимлари) кимлар эканлигига мактублар тўплами - “Муншаот”дан жавоб излаймиз. Бизнинг наздимизда Навоий олий мажлис деганда Султон Ҳусайн Бойқаро бошлиқ шеърий йиғилишларни назарда тутган. Олий мажлис номи билан аталадиган, ўзида шоирлар, фозиллар, зиёлиларни жамлаган шеърият кечалари ўз даврида машҳур бўлган. Бундан ташқари, олий мажлис мулозимлари бу-Навоий таъбири билан айтганда, ҳукмдор раҳбарлик қиладиган йиғиндаги шеърият ихлосмандлари, шоирлар, надимлар, фозиллар, адабий ҳаёят вакиллари дир.

Адабий кечаларнинг “олий мажлис” деб аталишига биринчи сабаб, бизнингча, бу йиғинлар саройда – яъни Навоий ибораси

<sup>239</sup> Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.63-64.

<sup>240</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.569-570.

<sup>241</sup> Ҳусайн Бойқаро. Жамолингдин кўзум равшан.(Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). – Т. Ғ.Фулом номидаги НМБ-1991.-Б.3.

билан айтганда, олий даргоҳда ўтказилганлигидир. Бундан ташқари, бу йиғинларда Хуросон мамлакатининг интеллектуал салоҳиятли инсонлари бўлмиш олий зотлари(хослари), яъни ўз даврининг элитаси жамулжам бўлган. Қолаверса, бу мажлисларда ўз замонининг адабиёт соҳасидаги олий масалалари кўриб чиқилган. Шу боис, Алишер Навоий ва унинг замондошлари бундай йиғилишларни мажлисларнинг олийси, яъни олий мажлис деб аташган. Бинобарин, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида олий мажлис фаолият юритганлиги учун Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий “Тарихи Рашидий”да ёзганидек, *“ул навъеки ул миқдор аҳли фазллар ва беназирлар ул замонда халойиқдин пайдо бўлибдурлар, тўласи Султон Ҳусайн Мирзо ва Мир Алишер(Навоий)нинг саъйи бирла жамъ бўлибдир”*.<sup>242</sup>

Учинчидан, “Хамса” нинг “Ҳайрат ул –аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” дostonларидаги Ҳусайн Бойқаро мадҳияларида мажлислар “базму жамшид” деб аталган. “Ҳайрат ул –аброр”да ғолиб подшоҳга муваффақиятдан сўнг базму айшу ишрат ҳам ярашиб туради, дейилади. Навоий тасвирида Ҳусайн Бойқаро ана шундай подшоҳлардан эди. Базм картинаси ҳам аниқ буёқларда чизилган. Не-не шоҳлар Султон қаршисида одоб сақлаб турмоқдалар. Мусиқа чалиниб турибди. Гулчехра соқийлар базм иштирокчиларига бода тутмоқдалар.

*Шоҳлар одобдин тикибон ерга кўз,  
Сўрмаса бекларга не имкони сўз.*

Подшоҳ эса базмда ўз маснадида Жамшид сингари ўтирибди. У осмондаги қуёшга ўхшаб кетади.

*Маснади узра ўзи Жамшиддек,  
Йўқки, спехр авжсида хуришиддек.*

Султон санъаткорларга, базм аҳлига “дирами зар, абири баҳорий” каби дурри гавҳарлар сочади.<sup>243</sup>

Навоий “Фарход ва Ширин”да ҳам Ҳусайн Бойқарони мадҳ этар экан, бу гал ҳам базмни бадий буёқлар билан тасвирлаган.<sup>244</sup>

<sup>242</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. – Т. Ўзбекистон. 2011.-Б.379.

<sup>243</sup> Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т. Шарқ НМАК БТ. 2014.-Б.69-70.

<sup>244</sup> АНМАТ. 8-том.-Б.55-56.

“Сабъаи сайёр”да эса “мажлис шон – шуҳрати шунчалик беҳадки, аҳли хирад(оқиллар) ҳам кўзларини ердан узолмай турадилар...”<sup>245</sup>, деган. Султоннинг фазилатларга бой шахсияти базмдаги иштироки орқали намойиш этилади. Султоннинг муסיқага муҳаббати, муסיқий наволарни чин идрок этиш, иштиёқ, нафосат билан тинглаши, улар ижроси ва моҳиятидан топадиган завқи беқиёс. У кўп халқлар санъатига хос муסיқа асарларини берилиб тинглайди.

Базмда гулчеҳра соқийлар май тутадилар. Ёқимли садолардан лаззат олувчи базм аҳли май ичадилар. Бу лавҳани шоир гўзал нафосат билан куйлайган”.<sup>246</sup> Бундай базмларни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва адабиётшунос Поён Равшанов “Чоғир мажлислари” деб қайд этган.<sup>247</sup>

Шунингдек, Навоий “Муншаот”даги тутинган ўғлига бағишланган 91-мактубда Ҳусайн Бойқаро базмларини шундай зикр этган: “...Подшоҳи ислом(Ҳусайн Бойқаро)нинг жаннат боғи янглиг базмида илтифот ва эҳсон қилишида базм аҳлининг алоҳида эътиборида бўлдинг ва инъом этишида давра аҳли туҳфаларидан ҳуррам бўлдинг.”<sup>248</sup>

Бобур Мирзо “Бобурнома”да шеърий йиғинни чоғир мажлисидан ташқари, яна “Султон Ҳусайн суҳбати” деб тилга олиб, шундай ёзган: “*Ва бир неча аҳли табким, ушбу подшоҳ Султон Ҳусайн доимул – авқот суҳбатдин айру қўймас эрди, булардур:...Ва Шайх Зайн садрким, Зайнуддин Хавофийни набираси эрди, хаддати таъби бор эрди, назм ва иншодин салиқалиг ва ҳумоюн подшоҳ замонида умаролиг ҳам топиб эрди...Ва Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишернинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ Султон Ҳусайн суҳбатида иззат топиб, сарофроз бўлур эрди*”.<sup>249</sup>

Шеърият анжуманлари туркий ва форсий тилда олиб борилганлиги ва унда иштирок этган форсийгўй ёки туркийгўй шоирлар сонидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда “**Форсий шеър мажлиси**” ва “**Туркий шеър мажлиси**” деб ҳам аталган. Форсий

<sup>245</sup> Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.Шарқ НМАК БТ.2014. –Б.69-70.

<sup>246</sup> Кўрсатилган асар.-Б.76.

<sup>247</sup> Равшанов Поён. Сайланма. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т. Янги аср авлоди, 2005.-Б.148-163.

<sup>248</sup> Алишер Навоий. Муншаот. – Т. Маънавият, 2001.-Б.82.

<sup>249</sup> Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990.-Б.162.

шеър мажлиси ҳақида Ҳусайн Бойқаро “Рисола”си да шундай ёзган: *“Яна назм аҳли-шоирлардан ширинсўзлик осмонининг порлоқ юлдузи-Суҳайл бўлгудек кишилар(шоирлар) бор, иши маъно дурларини назм тизмасига тортиш, нозиклик гавҳарларига вазн либоси зебу зийнатини беришдир (яъни шоирликдир).*

*Бу тилга олинганлар ва васфи ёзилганлар (шоирлар) форсий шеър мажлисида базм тузганлар ва форсча ёзишга майл кўрсатганлар”.*<sup>250</sup> Бинобарин, “Рисола” ва “Мажолис ун-нафоис” маълумотларига асослансак, саройда форсийзабон шоирлар иштирокида форсий шеър мажлислари ҳам ўтказилганига амин бўламиз.

Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида олий мажлислар яна нафис, латиф, шариф, Султон Соҳибқирон, шох, подшоҳ мажлислари, анжуман, базм, зиёфат, мажмаи, мажолис, йиғин, маҳфил, маҳофил, жалис деб қайд этилган. Аслини олганда ҳам Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида мажлис, йиғин, базм ва суҳбат бир хил маънони англатиши таъкидланган.<sup>251</sup> Ваҳоланки, Алишер Навоий тазкирасининг “Мажолис ун – нафоис”(Нафис мажлислар) деб номланиши ва унинг саккиз мажлисга жамланишида Султон Ҳусайн ҳузуридаги нафис (олий) мажлисларнинг бевосита ва билвосита катта таъсири бўлган, деб ўйлаймиз.

Тўртинчидан, Навоий мазкур Олий мажлис, яъни адабий ҳаёят ҳукмига (31-мактубда ёзилганидек) тез-тез ўзининг *“тарқоқ шеърларидан бир қисмини”*<sup>252</sup> ҳавола этган. Бундан кўзланган мақсад эса Навоий таъкидлаганидек, *“муҳаррир” “султон(Ҳусайн Бойқаро) назаридан шеърларни ўтказиш, амалга оширилган тузатишларидан баҳраманд бўлишдир”.*<sup>253</sup> Чунончи, Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам Навоийдан доимо шеърларини, асарларини унинг ҳузурига - "олий мажлиси"га жўнатишни сўраган: Бу ҳақда 93-мактубда шундай ёзилган: *“Ёзибсизки, анча вақтдан бери*

<sup>250</sup> Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). – Т. Шарқ НМК БТ, 1985.-Б.21-22.

<sup>251</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т. Фан, 1983.-Б.199.

<sup>252</sup> Алишер Навоий. Муншаот. – Т. Маънавият, 2001.-Б.43-44.

<sup>253</sup> Кўрсатилган асар.-Б.43-44.

назмларингдан бизга юбормайсан, ҳали ҳам бўлса юборгинким,  
мисра

*Заро қадрини заргар билар, жавҳар қадрини жавҳарий.*

*Бу корхона(дунё)да шунга иқрормизки, Сиз жавҳарий бўла оларсиз, аммо бизда у жавҳар йўқдирки, Сизнинг назарингизга арзигулик бўлсин”,<sup>254</sup> дея Навоий ҳукмдор ва унинг олий мажлиси аҳлига ёқадиган шеърлари ҳали яратилмаганлигига камтарлик билан урғу бермоқда. Демак, адабий мажлисда Навоийнинг шеърларига талаб юқори бўлган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират –уш-шуаро” асарида шундай деган: “Улуғ амир(Алишер Навоий)нинг туркий девони ҳукмдорлар ҳамда ақобир йиғинларига безакдир, арғанун навоси бенаволар ушшоғини тўғри йўлга бошлар, қаламининг гижир-гижиридан муҳолифлар мағлуб, хусравоний оҳанги Султон Ҳусайнга маҳбубдир”<sup>255</sup>*

Аммо кўп ўтмай (94-мактубда)<sup>256</sup> Алишер Навоий “тарқоқ шеърларини” яна Олий мажлисга юборишга киришгани “Муншаот”да қуйидагича ифодаланган: “Бу нотавоннинг тарқоқ шеърларини юборишга сиз томондан ишора бўлган эди, уларни тартибга келтиришга киришдим. Ҳар қалай олий мажлис аҳли (Ҳусайн Бойқаро бошчилигидаги аҳли фазл)нинг мутолаасига тезроқ етишиш шарафига муяссар бўлар деб умид қиламан”,<sup>257</sup> дейди Навоий.

“Муншаот” мактублари таҳлили шуни кўрсатадики, Навоий асарларини даставвал Ҳусайн Бойқарога кўрсатган. “Муншаот”нинг 15 – мактубида “тарқоқ шеърларни жамлаб, Султонали Машҳадийдан кўчиртириб”<sup>258</sup> Ҳусайн Бойқаро “олий мажлиси”га юборилиши тўғрисида ҳукм бўлганлиги айтилади. 15-мактубдан “Бадойиъ ул –бидоя”<sup>259</sup>, 34 ва 42-номадан “Ҳазойин ул –маоний”<sup>260</sup>, 97 – хатдан “Девони Фоний”<sup>261</sup> Ҳусайн Бойқаро

<sup>254</sup> Кўрсатилган асар.-Б.84.

<sup>255</sup> Навоий замондошлари хотирасида. (Тузувчи: Б.Аҳмедов). – Т. Ғ.Фулом номидаги АСН, 1991.-Б.17.

<sup>256</sup> Алишер Навоий. Муншаот. – Т. Маънавият, 2001.-Б.86.

<sup>257</sup> Кўрсатилган асар.-Б.86.

<sup>258</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.569.

<sup>259</sup> Кўрсатилган асар.-Б.569.

<sup>260</sup> Кўрсатилган асар.-Б.577-581.

<sup>261</sup> Кўрсатилган асар.-Б.619.

буйруғи ва ташаббуси билан тузилиб, “таҳрир қилиш учун” адабий йиғинга юборилгани маълум бўлади.

“Бадоеул бидоя” девони дебочасида ҳам мажлисларда Алишер Навоийнинг шеърлари доимий ўқилгани ва кўриб чиқилгани ҳақида шундай сўз юритилган: *“(Хусайн Бойқаронинг) дурарбор тилига мажолиси(мажлислари)да баъзи абётим (Навоийнинг шеърлари) мазкур, ва гавҳарнисор илгига маҳофил(йиғинлар)да баъзи газалиётим мастур бўлур эрди, ва гоҳи иборатим қусурин тағйир бермак (ўзгартириш) била айбдин мубарро, ва гоҳи маоним футурин ислоҳ қилмоқ била нуқсондин муарро қилур эрди,”* – дейди Навоий. Хусайн Бойқаро шоирнинг шеърларини таҳрир қилиб, баъзи байтларига ўзгартириш киритган:

*Хоро орасинда эрди гавҳар янглиз,  
Ё куллар ичинда эрди ахгар янглиз.  
Ёхуд тикан ичра гули аҳмар янглиз,  
Балким, тан аро руҳи мусаввар янглиз.*

Султон Хусайн Мирзонинг шоир ғазалларидаги тузатишларидан сўнг *“чун бу байтлар айвони ул ислоҳлар нақш ва нигоридин рашк нигорхонаи Чин ва бу газаллар бўстони ул ихтимомлар баҳоридин гайрати хулдбарин бўла бошлади. Соҳибназарлар кўзига маҳбуброқ ва аҳли диллар кўнглига марғуброқ бўлиб, ҳурмати зоятдин ва шуҳрати ниҳоятдин ўтти”* ва олий мажлисдаги таҳрир шарофатидан Навоийнинг ҳар байти шоҳ байтга айланди:

*Бўлди, чу шоҳ сурди ислоҳ этарга хома,  
Ҳар байти – шоҳ байти, ҳар нома – шоҳнома.*<sup>262</sup>

“Ҳазойин ул-маоний” дебочасида<sup>263</sup> ҳам Навоий шеърлари яна Хусайн Бойқаро томонидан мажлисларда кўриб чиқилишига урғу берилган. Султон Хусайн Бойқаро “олий мажлиси”да Навоий тили билан айтганда “раънолар”ни яъни ғазалларни кўриб, таҳрир қилиб, камчиликларни тузатиб, гавҳар билан безаб, “муносиб либослар” кийдириб, ҳар қайсига ўз муносабатига кўра тартиб

<sup>262</sup> АНМАТ. 1-том.-Б.15-16.

<sup>263</sup> АНТАТ. 1-жилд.-Б.16-17.

билан “олий мажлиси”дан жой берган. Янада соддароқ қилиб айтганда, шоирлар султони ўзида йиғилиб қолган элик, олтмиш ва юзга яқин ғазални Ҳусайн Бойқаро мажлисига етказган. Подшоҳ эса мажлис аҳли билан биргаликда шеърларни мутолаа этиб, таҳрир қилган, “ёқуту лаъл ва дур билан зийнатлаб”, “ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди”.<sup>264</sup>

Навоий шеърлари ўз давридаги кўп адабий мажлисларда асосий баҳс мавзуси бўлганки, бу ҳақда бир қанча тарихий далилларни келтириш мумкин. Навоий шеърляти билан нафақат Абдурахмон Жомий, Ҳилолий, Шайхим Суҳайлий каби йирик шоирлар, балки шахсан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам яқиндан қизиқиб борган.<sup>265</sup> Ҳусайн Бойқаро нафақат Алишер Навоий асарларини кўриб чиққан, балки, Бобур “Бобурнома”да Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийнинг “Мажлис ул-ушшоқ” асарини ҳам у таҳрир қилганлигини ёзган.<sup>266</sup>

Адабий мажлисларда нафақат Навоийнинг рисолалари, балки Жомий ва бошқа шоирларнинг асарлари ҳам кўриб чиқилган. “Хамсат ут-мутахаййирин”да Жомийнинг Навоийга йўллаган мактубидан “шарафли суҳбат ва олий мажлис ҳадяси ўлароқ, янги таҳрирдан ўтган рисола подшоҳга етказиш учун”<sup>267</sup> унга юборилганлиги маълум бўлади. Навоийнинг жавоб мактубида эса “нозик фикрлар билан тўлиб-тошган рисола ҳақида ва қутлуғ мажлисдан ўтганлиги тўғрисида тезда олий мажлисга арз қилингуси”<sup>268</sup> зикр этилади.

Бундан ташқари, амалдорлар, улуғлар, азиз –авлиёлар, зиёлилар томонидан ташкил этилган шеърый мажлисларда Навоийнинг шеърлари ўқилган, ижоди ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган.

Бешинчидан, “Сирож ул-муслимин”да ёзилишича, йиғилишлардан бирида Навоийнинг хайрихоҳларидан бири унинг саъй –ҳаракати туфайли бунёд этилган “олий работ”ни мақтаб

<sup>264</sup> Кўрсатилган асар.-Б.16-17.

<sup>265</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т. Ўзбекистон, 2015.-Б.37.

<sup>266</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.136.

<sup>267</sup> АНМАТ. 15-том. -Б. 47.

<sup>268</sup> Кўрсатилган асар. –Б.48-49.

қолади. Шу мажлисда султоннинг яқин кишиларидан бўлган бошқа бир киши (шахзодалардан бири) “(Навоийнинг) шеърларида ишқу ошиқликни мадҳ этиб, дину диёнат уйини хароб этувчи кишининг бинойи хайр қурдириши ҳисобга ўтармикан? Одамларнинг бошини ишқу муҳаббат, майу шарбат мадҳи билан гангитиб, дину диёнатга путур етказиб қўйиб, шоир тили билан айтганда, “Ислом уйини барбод қилиб”, энди бу хайрли амал қилиши (масжид, мадраса ва работлар қуриши)нинг нима фойдаси бор?” деган маънода эътироз билдиради. Навоий бу одамнинг кимлигини очик айтмай, одоб юзасидан “базмнинг нуқтадони”-“мажлис аҳлининг билимдони” деб тилга олади.<sup>269</sup> Бу хабар Навоийга етиб келгач, танқидда қайсидир маънода жон борлигини англаган шоир ақида ҳамда ислом аркони масалаларини оддий туркийзабон кишиларга тушунарли тил ва услубда соф диний асар ёзишни ният қилади.

Шоир шу мақсадни кўнглига тугиб юрганида, бир куни пиру муршид Хожа Аҳрор Валийнинг шогирдларидан бири Самарқанддан Хиротга ташриф буюради. Навоий ҳам бу улуг зотнинг суҳбатида бўлади. Меҳмон суҳбат асносида ўз устози Хожа Аҳрор мулоқотлардан бирида Алишер Навоийни эсга олиб, “фикҳ илмига оид ҳам бирор назмий асар битса яхши бўлар эди”, деган фикрини шоирлар султониغا етказди. Шундан сўнг Навоий Хожа Аҳрорнинг ғоясидан руҳланиб, “Ислом уйини маъмур” қиладиган асар ёзишга киришади ва “Сирож ул – муслимин” номли рисола яратган.<sup>270</sup>

Олтинчидан, шу билан бирга, мажлислардаги баҳс-мунозараларда Алишер Навоийнинг фикри билан ҳисоблашилиб, “Муҳокамату-л-луғатайн”да ёзилганидек, *“сўз аҳлларида адиб ва шоирлар гуруҳининг йигин жойи ва илмнинг манбаи бўлган подшоҳлар подшоҳи(Хусайн Бойқаро)нинг кўкка етар суҳбатлари(мажлислари)да ва жаннат зийнатли хизматларида ўттиз йилдан ортиқ бу фақир(Навоий)нинг сўзига юксаклик ва эркинлик, ўзига суҳбатидан улуг эътибор ва сўзига ўзи жиҳатидан*

<sup>269</sup> Алишер Навоий. Навоийдан чу топқайлар навое. – Т. Ҳилол-нашр, 2014.-Б.117.

<sup>270</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б.607.

буюк мартаба ва даража берилар эди”. Бинобарин Навоийнинг ёзишича, *Хусайн Бойқаро бу гуруҳ(шоирлар)нинг атама ва қоидалари тўғрисида сўз бўлганида кўпроқ бу фақир(Навоий)га хитоб қилар, адиб ва шоирлар ижоди тўғрисида бирор нарса айтилса, сўзни каминага қаратар эдилар. Бу тупроқнинг мартабасини осмонга шунча кўтариб, бу зарранинг қадрини қуёшдан шу қадар ошириб эдиларки, ўзларининг қуёшни равшанлаштирувчи табларидан юзага чиқиб, ўз гавҳар сочувчи қаламларидан нақш топган ва ўзларининг аҳволлари кайфиятини батамом тасвирлаган рисоаларида бу байри қуллари(Навоий)ни шеър йўлининг барча соҳасида мақтаб, соҳибқиронлик лақаби билан фахрлантирган ва мислсиз, тенгсиз каби сифатлар билан имтиёзлантиргандилар”.*<sup>271</sup> Кўриниб турибдики, адабий кечалардаги шеърый баҳсларда Алишер Навоийнинг фикр-мулоҳазаси ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Еттинчидан, Навоий иштирок этган адабий мажлисларда Хусайн Бойқаро шоирларни ўз ғазалларига татаббу боғлашга чорлаган: *“Ҳажр шони суубатида (айрилиқ кечасининг қийноқлари ҳақида) ва ўзин анжум ва афлок(юлдузлар ва осмон) билан машғул кайфиятда бу ғазал (Султон Хусайн қаламига мансуб) боштин-аёқ хўб ва пурошуб (серҳаяжон) воқеъ бўлубтур ва матлаи бу дурурким:*

*Ҳажр шони ой чиқиб, мен йиғлар эрдим дард ила,  
Сайрлар қилдим, сени устаб маҳи шабгард ила”.*<sup>272</sup>

Бу шеърни айна вақтда ҳукм бўлдиким, туркигўй шуаро татаббуъ қилгайлар. Яъни, Хусайн Бойқаро бошқа шоирларни мажлисда шу шеърга эргашиб, худди шу мавзуда ҳозирнинг ўзидаёқ шеър айтишга даъват этган. Баъзи шоирлар татаббуни эплай олмадилар. Айрим шоирлар эса бундай шеърга тенг келадиган ғазал айтиш қўлларидан келмаслигини тан олишди. *“Ул жумладан бу фақир эрдиким”*, деб ёзади “Мажолис ун-нафоис”да Навоий, *“Инсоф бердим ва матлаи будурким:*

<sup>271</sup> Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. – Т. Академнашр, 2017. –Б.80.

<sup>272</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б.201.

*Ўтқа солзил сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,  
Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса”.*<sup>273</sup>

Бирор шеърнинг услуби (вазни, радифи, қофиялари ва баъзи характерли санъатлари)ни сақлаган унга жавоб ёзиш усули бўлган татаббуъни адабиётшунос Нажмиддин Комилов ўзига хос ижодий мусобақа<sup>274</sup> деб атаган.

Хусайн Бойқаро адабий йиғинлардан бирида ижод аҳлини шеър айтишга даъват этади: “*Бу ғариб хаёлдурким, (мажлисда) Султон Соҳибқирон(Хусайн Бойқаро)нинг хотирлариға келибдур ва назм аҳли(шоирлар)ға зоҳир қилиб эрдиларким айтсунлар, барча айтдилар, аммо ҳеч қайси ул ҳазратча айта олмадилар. Ул бу матлаъдур:*

*Ҳажринг ўти жисми зорим қилди кул, эй ёр, бил,  
Гар бино қилсанг мазорим тарҳин ул кул бирла қил”.*<sup>275</sup>

Саккизинчидан, Олий мажлисда шоирларнинг шеърлари ҳақида баҳс-мунозаралар бўлган, назм намуналари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ана шундай шеърят кечаларидан бирига Мавлоно Қобулий деган йигит қатнашиш бахтига мушарраф бўлган.

Бир куни шоир Қобулий туркий ғазал ўқиб, Навоийнинг кўлига тутқазади.

*Наъл кестим дарди афзун бўлдию кам бўлмади,  
Доғи қўйдим сўзи кам бўлғай дебон, ҳам бўлмади.*

Навоий кўнглига ўтирмаган бу байтни ўзи қайтадан ёзиб беради:

*Сарв мойил бўлдиким, ўпгай оёгинг туфрогин,  
Ёқса ҳар соат сабо таҳрикидин ҳам бўлмади.*

“Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, “*Қобулий бу шеърни битиб ноиблардин бирининг воситаси била Олий мажлисқа еткурубдур. Ул ҳазрат (Хусайн Бойқаро) ўқиғондан сўнгра дебтурларки, иккинчи байти анинг назми эмас... Фақир (Навоий) таажжуб қилдим, аммо лутфи йўқ эрдиким, ул ғариб йигитким, бу*

<sup>273</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.425.

<sup>274</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т. Маънавият, 2005.-Б.251.

<sup>275</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б.446-447.

шеърни ўтқариб эрди, дегайменким-бу байтни мен айтибмен. Чун иқрор қилмадим. Муболага била сўралди, ул Ҳазратқа чун равшан бўлиб эрди, инкор қила олмадим.

Қобулийни топиб келтурсунларким, бу бобда анинг била мутойаба қилайлик (деди Ҳусайн Бойқаро). Филҳол ани топиб Олий мажлисда ҳозир қилдилар. Ҳазрат тахтга ўтириб, илтифот зоҳир қилиб, шеърини таҳсин қилдилар.

Мажлис ниҳоятқа етти ва эл тарқалди. Бу фақир (Навоий) ер ўпиб, арз қилдимким, бу раҳм ёлғуз анга воқе бўлмадиким, манга дағи бўлди”.<sup>276</sup> Яъни аниқроқ қилиб айтганда, “хусни хулқ, камол фазл ва баланд идрок, нозик табъ ва ўтқир зехн соҳиби” Ҳусайн Бойқаро Навоий шеърят услубини чуқур билганиданми, Қобулий ғазалидаги Навоий қаламига мансуб байтни пайқаган.

Навоий Ҳусайн Бойқаро хузуридаги яна бир шеърят кечасида Хусрав Деҳлавийнинг ҳиндча шеъри ҳақида сўзга очади. Алишер Навоий билан бўлган “ёғин-сочинли кунлардаги” бир суҳбатда Лутфий таърифлаган мазкур шеърда баҳорнинг ёғин-сочинли кунда маҳбуб балчикда тойиб йиқилаётган чоғида ёмғирни тутиб туриб кетгани тасвирланган. Бу ғазал нафақат Алишер Навоийга маъқул келди, балки мазкур шеърий йиғиндаги барча шоирлар ҳам Хусрав Деҳлавийнинг заковатиға таҳсин ўқишади. Бироқ шоирлардан фарқли ўлароқ, Ҳусайн Бойқаро бу ғазалга ўз эътирозини билдиради. Бу ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да шундай ёзилган: “Олий мажлисда ер ўпуб, арз қилдимким, ул эътирозни гуҳарбор алфоздин эшитмак муроддур. Дедиларким, ул эътироз будурким, ул ёгин қатраси юқоридин қуйи иниб келадур, муқаррардурким, риштасиға дағи ҳамул ҳолдур. Риштаиким, майли қуйи бўлғай, анинг мадади била йиқиладургон ўзин асрамоғи маҳолдур. Ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) бу эътирозни нақл қилғоч, фақир(Навоий) билдимким, мен ва ҳар киши ҳамким, бу маънини эшитиб, таҳсин қилибдурбиз – барча галат қилгон эрмишбиз. Қулоқ тутуб ўз нуқси табъимға муътариф бўлдим. Андин сўнг ул

---

<sup>276</sup> Кўрсатилган асар.-Б.447.

ҳазрат (Хусайн Бойқаро) дедиларки, бу байт андоқ воқеъ бўлубтурки, эътироз маҳалли йўқтурким:

*Заъфдин кулбамда қупмоқ истасам айлар мадад,  
Анкабуते ришта оқсон бўлса ҳар деворға”.*<sup>277</sup>

Кўриниб турибдики, темурийлар даврида Хусрав Дехлавийнинг асарлари адаб аҳли анжуманларида мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган.<sup>278</sup>

Хусайн Бойқаронинг шеърятни теран тушуниши “Мезон ул – авзон”да ифодаланган: “...чун ул Ҳазрат (Хусайн Бойқаро)нинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони эрди ва латиф таъблари назм қавоидининг мезони ва замон шуароси олий даргоҳда ходим ва даврон булағо ва зурафоси маолий баргоҳда мулозим эрдилар, мудом назм ва насрдин сўз мазкур ва аладдавом шеър ва муаммодин таъб натойижи мастур бўлур эрди ва ул Ҳазратнинг дақойиқшиор таъблари назм ойини ва интишорига толиб ва ҳақойиқосор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳорига роғиб.”<sup>279</sup> Албатта адабий баҳс-мунозараларда Хусайн Бой қаро адабиётшунос сифатида ҳам намоён бўлган.

Сарой мажлисларида нафақат Хусрав Дехлавий шеърлари, балки М.Азимовнинг “Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти” китобида ёзилишича, Ҳофиз Шерозий ижоди бўйича ҳам сўз юритилган: “XV асрга келиб, Ҳофиз Шерозий ижоди Шарқда жуда оммалашиб кетди. Бунда Ҳирот адабий муҳитининг муҳим роль ўйнаганини таъкидлаш керак. Ҳирот ҳукмдори Султон Хусайн Бойқаро ҳузуридаги мажлисларда, ҳофизхонликларда шоирнинг газал ва рубоийлари, қитъа ва таржеъбандлари, бошқа адибларнинг унга бозлаган мухаммаслари, битган татаббуълари ўқиларди. Ҳофиз ва унинг замони ҳусусида суҳбатлар, қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб турарди”.<sup>280</sup> Албатта темурийлар даврида “хосу авомнинг мажлиси, дину давлат арбобларининг хилватдаги суҳбатлари, сўфий ва риндларнинг давралари Ҳофиз газалларисиз

<sup>277</sup> Қўрсатилган асар.-Б.446.

<sup>278</sup> Ҳомидий Х. Қўхна Шарқ дарғалари. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.189.

<sup>279</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.533.

<sup>280</sup> Азимов М. Ҳофиз ва ўзбек адабиёти. -Тошкент, 2004. –Б.37-38.

қизимасди”.<sup>281</sup> Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да Ҳасан Ардашер адабий мажлисларда Ҳофиз Шерозий девонидаги кўплаб шеърларни айтиб юрганини ёзган.<sup>282</sup>

Тўққизинчидан, Ҳусайн Бойқаро шарқ ҳукмдорлар анъанасига кўра, мажлисларда шеър айтган шоирларни тақдирлаб борган. Бу ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да шундай зикр этилган: “*Бу матлаъ Паҳлавоннингдурким, айтқонда Паҳлавонга подшоҳ минг олтун сила иноят қилди:*

*Гуфтамаиш: “Дар олами ишқу ту корам бо гам аст,  
Гуфт хандон зеру лаб: “Гам нест, кори олам аст”.*<sup>283</sup>

(*Таржимаси: Унга айтдимки, сенинг ишқинг оламида ишим гамдан иборат бўлди, кулгу аралаш ”бу гам эмас, оламнинг ишидир”, деди мийиғида).*

Ўнинчидан, адабий йиғинларда Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасидалар ўқилган. “*Яхши қасоидлари бор*” шоир Авҳад Муставфий Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ҳам қасидалар яратган:

*Шод бош, эй дил, ки бар мо сояи раҳмат фиканд,  
Офтоби осмони салтанат Султон Ҳусайн.*<sup>284</sup>

(*Мазмуни: Эй кўнгил шод бўл, подшоҳлик осмонининг қуёши Султон Ҳусайн бизга меҳрибонлик соясини солди).*

Қасиданавис Мир Ҳусайн Али Жалойир Туфайлий ҳам Султон Ҳусайн Бойқарога атаб ажойиб қасидалар битган: “*Назмларга табъи мулойимдур. Аммо қасида услуби анинг ҳаққидур. Андоқки, бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар. Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) отиға зарро қасоиди бор*”.<sup>285</sup> Бобур “Бобурнома”да юқоридаги фикрларга кўшилиб, “*Султон Ҳусайн қошида қушбеги эди, шоир эди. “Туфайлий” тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди. Ўз замонида қасидада саромад*

<sup>281</sup> Очиллов Э. Барҳаёт сиймолар. – Т. Ўзбекистон, 2012.-Б.250.

<sup>282</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.9.

<sup>283</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.374.

<sup>284</sup> Кўрсатилган асар. –Б.308.

<sup>285</sup> Кўрсатилган асар.-Б.397.

эди, ”<sup>286</sup>деган. Алишер Навоий “Соқийнома”да Туфайлийнинг қасиданависликдаги маҳоратини тасвирлаган:

*То Туфайлий била мажлис қурайин,  
Бир неча нукта анга етқурайин.  
Айта эй назм элида нодир,  
Рақаминг сеҳру хаёлинг соҳир...  
Анварий бўлсуну ё Хоқоний,  
Фарёбий ё Исфаҳоний.  
Чунки сўз оби ҳаётин суздинг,  
Руҳини барчасининг тиргуздунг.  
Мадҳ услуби эди беравнақ,  
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ.  
Ҳар қасидаки тузатти рақаминг,  
Ё саводин рақам этти қаламинг.  
Бўлди маъни юзидин бир олам,  
Ул савод анда саводи аъзам.<sup>287</sup>*

Султон Ҳусайн Бойқаро адабий йиғилишларидан бирида Туфайлий томонидан қуйидаги қасида ўқилган:

*Бихамдиллах, ки дигар раҳ ба иқболи шаҳи одил,  
Бурун амад гулам аз хору хор аз пою аз гил.<sup>288</sup>*

(Мазмуни: Худога шукрки, одил шохнинг меҳрибончилиги билан яна бир йўла гулим тикандан, тикан оёғимдан, оёқ эса лойдан чикди).

Мажлисларда нафақат ғазал, қасида, муаммо ва бадихалар, балки марсиялар ҳам ўқилган. Алишер Навоий томонидан устози Жомий вафоти муносабати билан ёзилган марсия ва таърихни Ҳусайн Бойқаронинг адабий йиғинларида ўқилгани “Хамсат ут-мутахаййирин”да шундай қайд этилган: “Ул жумладан ҳуруф роқими(Навоий) бу марсия била таърихни айтиб, йил оши тортарда Султони соҳибқирон олий мажлисларида ўтқарди ва ҳукм бўлдим, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди”.<sup>289</sup>

<sup>286</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990.-Б.157.

<sup>287</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавойидул-кибар. – Т.Бадий адабиёт нашриёти, 1965. –Б.425.

<sup>288</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.397.

<sup>289</sup> АНТАТ. 5-жилд.-Б.786-792.

Ўн биринчидан, шеърят йиғинларида Хусайний, Навоий, Жомий ва бошқа шоирларнинг форсча ва туркий ғазалларига куй басталаб куйланган. Жомийнинг ғазаллари билан айтиладиган ашулалар ўз даврида машҳур бўлган: *“Кўп ғазаллари ҳофизлар томонидан куйга солиниб айтилар ва шу йўл билан оғиздан оғизга ўтиб, халқ қўшиқларига айланиб кетган эди.”*<sup>290</sup> Хусайн Бойқаро мажлисларига зеб берган ашулалардан бири “туркий“ номи билан аталган: *“Яна сурудедуким, они “туркий” дебтурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул гоятдин таиқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажовиз айи аҳлига судманд ва мажолисоро суруддур, андоқки, салотин ани яхиши айтур эл(қўшиқчилар)ни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби билан машҳурдур:*

*Байт:*

*Эй саодат матлаи ул орази моҳинг сенинг,  
Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.*<sup>291</sup>

Адабий мажлислардан бирида Муҳаммад Паҳлавоннинг Султон Хусайн Бойқарога бағишланган куйидаги шеърига “сайди ғазол” (Мумтоз мусиқа йўлларида бири) шўъбасида куй басталаб ижро этилган:

*Онжо, ки бар дарғаҳат рўй ниёз овардаем,  
Рўи дил дар Каъбаи иқбол боз овардаем”.*<sup>292</sup>

(Мазмуни: *Даргоҳингга ёлвориб юзланганимда, кўнгил юзини иқбол каъбасига йўналтирган бўламан*)

Подшоҳ йиғинларида мунтазам иштирок этган, ўтмиш ва замондош шоирларнинг шеърларидан ёд билган ва ифодали ўқиб, мажлисларни қизитган, “Куштигир” тахаллуси билан шеърлар битиб, муаммо ва таърих айтишда ном қозонган Паҳлавон Муҳаммад юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Хусайн Бойқарога бағишлаб басталаган куйига ўзи шеър ёзган ва ашуланинг куйидаги байти икки марта такрор куйланган:

*Султон Хусайн хусрави гозийки мисли у  
Ҳаргиз набуда дар садафи рўзгор дурр.*

<sup>290</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Т. Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.-Б.180.

<sup>291</sup> АНТАТ. 10-жилд. - Б.578.

<sup>292</sup> Кўрсатилган асар. –Б.20.

*Шоҳ аст шахриёр, надар бар надарки ҳаст,  
Мансур Бойқарои Умаршайхи бин Темур.*<sup>293</sup>

(Мазмуни: Султон Ҳусайн голиб подшоҳдир, унингдек рӯзгор садафида ҳеч ким, ҳеч қачон бўлмаган; У шоҳдир, атоси – Мансур Бойқаро Умаршайх бин Темур ҳам бийик шоҳ бўлган ).

Ўн иккинчидан, маълумотларга қараганда, йиғинларда Султон Ҳусайн Бойқаро танбур чалган, Навоий эса қўшиқ айтган. Мусиқий истилоҳлар бевосита шоҳ саройидаги базм манзарасини акс эттириши мумкин. Байт:

*Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,  
Шоҳ анда танбура чолиб, Навоий деса қўшиқ.*

Даставвал, байтнинг маърифий қимматини қайд этиб ўтиш лозим: Навоийнинг танбур чертгани, уд чалгани, куй басталагани ҳақида маълумот бор. Ўзининг “кўп ва хўб” (Бобур) шеърятидан ташқари, аксарият форс тилидаги буюк салафлар, устод ва муршидларнинг ўн минглаб (эҳтимол, юз мингларча) мисраларини ёд билган, мушоира ва базмларда дарду оташин нафас билан ўқиган, илоҳий ҳофиза қувватига эга бўлган шоир лоақал кичик доирада, хос мажлисларда санъаткор хонандаларга жўр бўлиб, борингки, хиргойи қилиб қўшиқ айтган бўлса не ажаб! Шунингдек, Султон Ҳусайн Бойқародек катта иқтидорли, нозиктаъб шоир, ҳатто, ўша замон шеърятининг билимдон ҳакамларидан бири сифатида (бу ҳақда Навоий бир неча бор таъкидлаб ўтади), умуман мамлакат маданий ҳаётида, санъат, бадиий ижод соҳасида (шубҳасиз, Навоийнинг кучли таъсирида) раҳнамо, ҳомий мақомидаги “шоҳ... танбура” чертиши ажабланарли ҳол эмас (ўсмирлик чоғлариданоқ моҳир чавандоз ва қиличбозлиги билан танилган бу темурийзода, эҳтимол, эҳтиросли, мардона рақслар устаси бўлгандир, эҳтимол болалик дўсти Навоий билан жўрлашиб қўшиқ-алёр айтгандир). Байтдаги яна бир маърифий нуқта раққоса қизларнинг ер “тепар” шўх “арғуштак” ўйинидир.<sup>294</sup> Муҳаммаджон Маҳмуд ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда Навоий

<sup>293</sup> Кўрсатилган асар.-Б.19-21.

<sup>294</sup> Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. -- Т. Ўзбекистон, 2016.-Б.180-181.

ғазалларга куй басталаш билан бирга базмларда уларни куйлаган деган мулоҳазани илгари суриб, шундай деган: *“Навоий мумтоз муסיқамизда инсон руҳини тарбияловчи илоҳий куч борлигига ишонган. Бинобарин шеър ёзишдан олдин унинг мазмунини теран ва таъсирчан ифодаловчи вазн ва оҳангдор сўзлар танлаб муסיқийлигини оширган. У бу муҳим хусусиятни Биноийдек шоирлардан талаб қилган ва уларнинг ижодий ўсишига ёрдам берган. Шоир ўз шеърларида Ҳусайн Бойқаро қатнашган адабий давраларда бастакорлар ёки ўзи боғлаган куйларни чолғу асбоблари жўрлигида ижро этиб куйлагани ҳақида ёзган. Шоирнинг Навоий (куйчи) тахаллуси билан ижод қилиши унинг муסיқани бағоят севганидан далолат беради”*.<sup>295</sup>

Ўн учинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро мажлисларида ҳар бир иштирокчи давлат ва жамиятда тутган мавқеи, лавозими ва султонга яқинлигидан келиб чиқиб ўрин эгаллаган. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”да Алишер Навоийни “Фазилат ва камолот аҳли йиғинларининг тўрида ўтирувчи зот” дея тилга олиб, бунга далил сифатида куйидаги ҳикоятни келтирган: Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийни амирлик девонига муҳр босувчилик лавозимига таклиф қилди. Навоий ушбу мансабда ишлашга майл йўқлиги сабабли шундай деди:

-Мен ҳозирда сизнинг ноибларингиз ва ичкиларингиз жумласидан ҳисобланаман. Удумга риоя қилмасдан мажлисда тўрда ўтираман. Агар амирлик лавозимини қабул қилиб оладиган бўлсам, тўра қоидаларига кўра, барлос уруғининг катталари мендан тўрға ўтиб кетишларига тўғри келади. Шу жиҳатдан ушбу мансаб менинг мавқеимдан паст ҳисобланади. Марҳамат кўргузиб мени муҳр босувчилик лавозимидан қутқаришингизни умид қиламан. Тоқим кўнгилни хотиржам қилиб, ўз хизматимни адо этишда давом этсам.

Дўстларни ардоқловчи Ҳусайн Бойқаро шундай жавоб берди:

---

<sup>295</sup> Маҳмуд М. Навоий ижодига янги қараш. Лирик қаҳрамон, ёр, диёр ва таржимаи ҳол масалалари. -- Т. Meriyus, 2015.-Б. 43.

-Сизнинг қобилиятингиз қоматини амирлик тўни билан безамаслигим мумкин эмас. Ушбу лавозимни қабул қилиб оладиган бўлсам, барлос уруғининг амирлари мендан тўрга ўтиб кетишади, деган гапингиз эса ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки мен, Бадиуззамон Мирзодан ташқари, амирлардан бирор кишининг сиздан тўрда ўтирмаслиги тўғрисида фармон чиқараман.<sup>296</sup>

Шунга кўра, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳар қандай мажлисларида Навоий тўрдан жой эгаллаган. Навоий нафақат, Ҳусайн Бойқаро, балки аҳли айён, давлат ва жамоат арбоблари, шоирлар, адиблар томонидан ўтказилган адабий мажлисларда ҳаммавақт тўрдан жой олган.

Абдурахмон Жомий мажлисларида эса “ҳар ким ўз ҳурмат даражасига қараб, жой эгаллаган”.<sup>297</sup>

“Темур тузуклари”да мажлисларда саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва аслзодалар ўнг томондан жой олгани, йиғиндан ўрин олиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилувчи тўрт амирга, мажлисга ҳозир бўлганларни ўз тартиби билан тахтнинг ўнг, сўл, олди ва орқасида жойлаштириш топширилгани айтиб ўтилган.<sup>298</sup>

Ўн тўртинчидан, Султон Ҳусайн Мирзо даври мажлисларини “Мири –мажлис” – “Мажлис амири” (бошловчи, сухандон) бошқариб борган. “Хамсат ул-мутахаййирин”да ёзилишича, бир кечаси бир улуғ зот хонадонидаги мажлисда Навоий иштирок этади. Ушбу йиғинда Мутахҳари Удийга тенглаша оладиган санъаткор шоир Ҳасан Деҳлавийнинг қуйидаги шеърини ўқир эди:

*“Зиҳй дарунаи дилро замон-замон ба ту майли”*

*(Таржимаси: Қандай яхшики кўнгил ич-ичидан сенга интилади) то бу байтга етганда:*

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд,  
Чунин асар диҳад, оре, тулўи чун ту Суҳайле!*

<sup>296</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.105-106.

<sup>297</sup> Шомухамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари. – Т. Ўзадабийнашр, 1963. –Б.163.

<sup>298</sup> “Темур тузуклари”. – Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.132.

(Таржимаси: Ёмғир қатралари каби кўз ёшларимнинг ҳаммаси дурр бўлди, ҳақиқатан сенинг Сухайл (юлдузидек) чиқиб келишинг шундай таъсир қилди).

Хуштабъ мажлис аҳли муғаннияга эътироз билдириб, танбех оҳангида, шундай дейдилар: “*“Сиришки ман дурр шуд” ўқима, балки “дурр шуд” ўрнига “хун шуд” ўқуки, чунки “дурр шуд”нинг маъноси йўқдир.*” Подшоҳнишон **Мири мажлис** ҳам аҳли мажлис фикрига кўшилади. Аммо Навоий уларнинг мулоҳазасини кўллаб-куватламайди. Ана шунда мажлис аҳли Навоийга юзланиб, “Сен нега бизнинг фикримизга кўшилмайсан?” дейдилар. Навоий эса “менимча, *“мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд, бўлгани тўғри. Шеърни ўзгартириш шарт эмас,*” дейди.

Мажлисда ҳозир бўлганлар Навоий билан баҳсга киришади. Навоий ўз фикрида катъий туриб олади ва “*Сиз барчангиз бир тараф бўлдингиз, мен эса бир тараф. Келинг, яхшиси баҳсимизни ҳал қилиш учун бир ҳакам танлайлик, кимнинг ҳақлигини айтсин*”, дейди.

Шундан сўнг мажлис аҳли якдилликда қайси томон ҳақлигини аниқлаш учун Жомийга мурожаат қилади. Навоий бу ҳақда шундай ёзади: “*Чун сўз мунга қарор топти. Фақир алар била гарав боғлаб, мажлиснинг кайфиятин ва ул баҳснинг сабабин ва ул байтда “хун” лафзи муносиброқ ё “дурр” лафзи мувофиқроқдур деб, мақсуднинг иснодин ҳамул замон битиб, ул Ҳазрат(Жомий) хизматларига юборилди.*” Кўп ўтмай Жомийдан шундай жавоб келади:

*“Сухан “дурр” асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад”.*

(Таржимаси: Сўз-дурр(инжу) шоҳ қулогига тааллуқи бор.)

Жавобни ўқиб, мажлис аҳли мулзам бўлади, чунки буюк Жомийнинг фикри Навоийники билан муштарак эди. Шеъринг баҳсида Навоийнинг ютиб чиққанлиги ҳақида хушхабар эса эрта тонгдан Ҳирот бўйлаб тарқалади ва бу ҳақда адабий мажлисларда нақл қилина бошланади.<sup>299</sup>

Восифий “Бадойиул-вақойиъ”да ҳам Хожа Маждуддин Муҳаммад мажлисларини олиб борган Мири маҳфил (мажлис)

<sup>299</sup> АНТАТ. 5-жилд. -Б.742-743.

ҳақида шундай сўз юритган: “...Мавлоно Халил саҳҳофким, мажлисинг авроқ ва ажзоси онинг ширин каломи латофат анжомига вобаста эрди ва Мир маҳфил (мажлис)нинг ноҳамвор беандомлигин ислоҳ қилур эрди”.<sup>300</sup> Шунинг учун темурийлар давридаги бадиий йиғинларда ҳам Мири мажлисга эҳтиёж катта бўлган. Адабий давраларни сўзга чечан, ҳозиржавоб, билимдон, шоир киши – Мири мажлис бошқариб борган.

Ўн бешинчидан, темурийлар даври адабий мажлисларида мажлис қизитувчи – мажлисафрўз<sup>301</sup> ҳамда йиғинларни жонлантирувчи мажлисоройлар<sup>302</sup> иштирок этган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир Сайид Қутб Лакадангнинг “Банддин қочиб, Самарқанддаким, мажолисда Сайид Қуроza била мажлисоройдир”,<sup>303</sup> дейди. Шунингдек, Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар диний ва уламолар мажлисларида кўрилган ва ечилган масалаларни мажлиснавис махсус дафтарга ёзиб борган.<sup>304</sup>

Ўн олтинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг амалдорлари томонидан ташкил этилган адабий мажлисларда иштирокчилар махсус таклиф этилган.

Темурий мирзолар ва Ҳусайн Бойқаро мажлисларига қуйидаги касб эгалари қатнашган:

-Сайидлар, хожалар, шайхулислом, имомлар, ҳофизлар.

-Олимлар, фикҳлар, қозилар, тарихчилар, обрў-эътиборли кишилар.

-Дабирлар(муҳаррирлар), надимлар, котиблар, хаттотлар, воизлар

-Шоирлар, адиблар, фозиллар, султонлар китобхоналари бошлиқлари.

-Мунажжимлар, табиблар, паҳлавонлар ва шахмат усталар.

-Қиссахон, хабарчи, ровийлар, мусаввирлар.

<sup>300</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Иккинчи китоб. - – Т. Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.-Б.381.

<sup>301</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. - – Т. Фан, 1983.-Б.199.

<sup>302</sup> Қўрсатилган асар.-Б.199.

<sup>303</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.390.

<sup>304</sup> Аҳадов Ш, Эгамов – Т. Амир Темур ва Темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. - Самарқанд, 2004.-Б.63.

-Хонандалар, созандалар, раққос ва раққосалар, кулги усталари.

Ҳусайн Бойқаро адабий йиғилишлари иштирокчилари ҳақида Хожа Муҳаммад Тойбодий шундай ҳикоя қилади: “Бир куни Султон Ҳусайн Мирзо мажлисида Ҳофиз Гиёсиддин Дехдор фазилатлари ва камолоти ҳақида гап кетди. Алишер Навоийнинг Ҳофиз билан Гузургоҳ чорбоғида учрашгани ҳақида Тойбодий подшога бирма – бир гапириб берди. Ҳусайн Мирзо кулиб деди: “Бундан таъбининг латофати ва зарофати маълумдир. Бу кеча у киши билан суҳбат қурғумиздур”.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо мажлисида бўладиганлар номини ёзиб беради. Яъни, Амир Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Хожаги Абдулло Марворид, Хожа Камолиддин Ҳусайн Низомулмулк, Амир Саййид Бадр, Мирқосим Туркигўй, Амир Жоний мавла, Амир Низом Муқаллид, ҳусн аҳлидан Қосим Мирҳусайний, Мирзойи Тарёкий, Тоҳир Чакка, Сарви Лабижўй, Моҳи Симноний, Мирак Заъфароний, Рухулло пари, Шомухаммад хонандалар мажлисга таклиф этилади.

Адабий кеча бошланиши билан Ҳофиз Гиёсиддин Дехдорга ўз ҳиссиётларини изҳор этиш учун сўз берилди. Ҳофиз ўз хунарларини кўрсатиб, мажлис аҳлига шундай қилиқлар намоиш қилдики, мажлисидаги илму фан эгалари, ҳамма унга қойил қолди. Бу мажлисида Ҳофиз Басир бир ғазал ўқиди. Хожа Абдулла Садр Марворид қонунда бир куй ижро этиб берди. Кейин мажлис охиригача Ҳофиз Гиёсиддин ўз санъатини кўрсатди...<sup>305</sup>

Ҳусайн Бойқаро адабий йиғинларида ҳажв усталар ҳам фаол катнашган: *“Шайх Абдулло Девона ва Хожаси Дехдорки, ҳазрат подшоҳ (Султон Ҳусайн Бойқаро) мажлисида надимлик юзидин кўп элни тақлид ва ташбиҳ қилур мустаҳсан тушар. Мавлоно(Номий)нинг такаллумида бир ҳол борким, ани анга ташбиҳ қилубтур, собун чайнардур ва оғзидин мағзоба зоҳир*

<sup>305</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.185.

*бўладур ва такаллумни ҳам тақлид қилурда иккаласин аҳли идрок кўп таҳсин қилурлар”.*<sup>306</sup>

Султон мажлисларида раққос Сайид Бадр ўз рақсларини намоёниш этган: *“Сайид Бадр ...бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши эди. Ажаб соҳиб усул киши эди. Фариб хўб рақс қилур эди. Ғайри мукаррар рақс қилур эди. Ғолибо ул рақс анинг ихтироидур. Ҳамиша Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) мулозамати(мажлиси)да бўлур эди. Доим ҳарифи шароб ва ҳамсуҳбати эди.”*<sup>307</sup> “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам машҳур раққос Сайид Бадр Султон Ҳусайн Мирзо мажлисида самоъ йиғинларидаги каби рақсга тушгани қайд этилган:

*Боғи Эрам саҳнида базм айласа,  
Бодаи ноб ичгали азм айласа.  
Қилса навозандалар оҳанги руд,  
Аҳли гино тортса дилкаш суруд...  
Зухра сурудини матоъ айлабон,  
Бадр бу мажлисда самоъ айлабон.*<sup>308</sup>

Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида ҳам “темурийлар даврида (Сайид Бадрдек) раққослар бўлгани, унинг ўзи моҳир раққос сифатида ўзи ихтиро қилган бир неча рақс ижод этгани таажжублидир”,<sup>309</sup> деб ёзган.

“Муншаот”нинг 75-мақтубида шеърӣ тарзда Ҳусайн Бойқаро адабий мажлиси аҳлидан бўлмиш, йиғинни ёқимли хунари ва рақсга тушиши билан қизитган Сайид Бадр, амирлардан Мири Мўғул, сарой мулозимларидан Муҳаммад Кўкалтош, салтанат хизматчиларидан Амир Афзалуддин Муҳаммад, мажлис надимларидан Банда Бобо<sup>310</sup> ва қатор санъаткорлар, мусоҳиблар, шоирларни (1-илова) зикр этган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг сарой шоирлари ва санъаткорлари, созандалари, бастакорлари, хаттотлари, мусаввирлари, яъни мажлис аҳли – Амир Шайхим Суҳайлий,

<sup>306</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.333.

<sup>307</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990.-Б.156.

<sup>308</sup> АНМАТ. 7-том. -Б.70-71.

<sup>309</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.75.

<sup>310</sup> Алишер Навоӣ. Муншаот. – Т. Маънавият, 2001.-Б.70-71.

Ҳусайн Али Туфайлий, Мавлоно Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Абдуллои Маснавийгўй, Мир Ҳусайн Муаммоий, Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Оҳий, Шох Ҳусайн Комий, Муҳаммад Солиҳ, Ҳилолий, Аҳлий, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Шох Музаффар, Хожа Абдулло Марворид, Қулмуҳаммад Удий, Шайхий Ноий, Шохқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Ғулом Шодий, Мир Азу ва Паҳлавон Муҳаммадлар ҳақида Бобур “Бобурнома”да айрим қимматли маълумотларни келтириб ўтган.<sup>311</sup> Ҳерман Вамбери ҳам Ҳусайн Бойқаронинг сарой шоирлари ҳақида шундай ёзган: *“Сухайлий ёхуд Амир Шайхим Сухайлий. Илк бор Абусаид мирзо саройида, кейин 20 йилча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган ушбу зот Ҳиндистоннинг “Тўтинома” масалларини фавқулодда гўзал таржима қилган. Хожа Абдулло Хотифий. “Темурнома” ёхуд Темурнинг таржимаи ҳолини шеър билан ёзган бу зот “Маснавийгўй” деб аталади. Хожа Абдуллоҳ Марворид – Баёний номи билан бир қанча газаллар, мадҳиялар ёзиб, “Мунисул аҳбоб” унвонли бир девон ва ишио услубига оид тазкира қолдирган. Мулло Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер (Навоий) билан оралари бузулгунча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройининг илтифотида сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд Мирзо саройи доирасида эътибор қозонган. Ҳилолий. Бу зот кўп ўқилувчи “Шох ва дарвиш” маснавийси муаллифи.”<sup>312</sup>*

Ҳусайнкулихон Аъзам Ободий “Тазкираи наштари ишқ” асарида Ҳиротда яшаган ва дастлаб Ғарибий таҳаллусини кўллаган шоир ҳақида маълумот берган. Мавлоно Ғарибий Ҳусайн Бойқаро мажлисларида қатнашгач эса таҳаллусини ўзгартиришга қарор қилган. Адабий мажлислардан илҳомланган шоир **Мажлисий** таҳаллусини олган. “Музаккири аҳбоб”да Мавлоно Мажлисий ҳақида шундай ёзилган: *“Сухбатда самимий улфат ва ўтириш(мажлис)ларга яхшигина зийнат киши бўлиб, оғир вазиятларда ҳам таъб отини зийраклик майдонида енгил*

<sup>311</sup> Бу ҳақда қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.127-140.

<sup>312</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

*йўрттириб, сўз тўпини нотиқлик човғони билан элтар эди. Яхши шеърлари ва ёқимли сўзлари бор. Қасидалари нафис ва гўзалдир*".<sup>313</sup>

Мажлисларнинг доимий иштирокчиларидан бири шоир Мавлоно Муқбилий Навоийнинг ёзишича, “*мажolisда амсол (тимсол) ва назойир (назиралар) кўп келтирур*”<sup>314</sup>

Шунингдек, Ҳиротда Навоий иштирокида ўтказилган Хожа Маждуддин Муҳаммад мажлисига **хонандалардан** Ҳофиз Басир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Ҳасанали, Ҳофиз Ҳожи, Ҳофиз Султон, Маҳдум Айший, Шохмаҳмуд хонанда, Сияҳча хонанда, Ҳофиз Убаҳий, Ҳофиз Турбатий, Ҳофиз Чароғдон, **созандалардан** устод Ҳасан Нойий, устод Қулмуҳаммад Удий, устод Ҳасан Балабоний, устод Али Хонақоҳий, устод Муҳаммадий, устод Ҳожи Кўхастий Нойий, устод Сайидахмад Гижжакий, устод Али Кўчак Танбурий, **шоирлару мажлисафрўзлар, надиму мажлисоролардан** Мавлоно Биноий, Хожа Осафий, Амир Шайхим Сухайлий, Мавлоно Сайфий Бухорий, Мавлоно Комий, Мавлоно Ҳасаншоҳ, Мавлоно Дарвеш Рўғангар, Машҳадий, Мавлоно Муқбилий, Мавлоно Шавқий, Мавлоно Завқий, Мавлоно Халаф, Мавлоно Наргисий, Мавлоно Ҳилолий, Мавлоно Риёзий Турбатий, **зарифлардан** Мир Сарбараҳна, Мавлоно Бурҳон Гунг, **муаррих** Мирхонд, мавлоно Муъин (**табиб**), (**воизлардан**) мавлоно Ҳусайн Воиз, Саййид Ғиёсиддин Шарафа, мавлоно Муҳаммад Хавофий **хаттот**, **хуросонлик обрўли йигитлардан** Мирак Заъфарон, Шохмуҳаммад Мирак, Хожажон Мирак, Султон Сирож, Мирзойи Натъдўз, Хусайн Зардўз, Сарви Лабижўй, Шамшоди Сояпарвар, Мулло Хожа Хонанда, Юсуф Мозори Чилгазий, Юсуфи Соний, Моҳи Симноний, Соқи ва Боқи Ироқийларни чорладилар.<sup>315</sup>

Ўн еттинчидан, асрлар мобайнида ҳукмдорлар саройларида фаолият кўрсатган мажлис аҳли одоби ҳақида алоҳида аҳлок нормалари ишлаб чиқилмаган. Аммо ўрта асрларда шарқ ҳукмдорлари мажлислари, шу жумладан Султон Ҳусайн ҳузуридаги шеърият кечалари иштирокчилари ёзилган ва ёзилмаган

<sup>313</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Тазкира. – Т. Мерос, 1993. –Б.80-81.

<sup>314</sup> АНТАТ. 9-жилд. -Б.345.

<sup>315</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.172.

одоб қоидаларига амал қилишган. Бинобарин, Кайковус, Низомулмулк, Низомий Арузий Самарқандий ва Навоийнинг асарларида қайд этилган шартлар ва талаблар асосида мажлис иштирокчиларидан бўлмиш шоир, надим ва санъаткорларга қуйиладиган одоб-ахлоқ қоидаларини шакллантиришга ҳаракат қилдик.

Темурийлар даврида ҳам ўрта асрлар шарқида бўлгани каби **подшо мажлисларида шоир** ўзини қандай тутиши ва унинг шеъри қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ўзига хос талаблар мавжуд бўлган. Биринчидан, шоир мажлисларда ширинкалом ва дўстлар даврасида очиқ чехра бўлиши лозим. Иккинчидан, шеърлари эса ҳаёт саҳифасида боқий қоладиган, покиза табиатли кишилар тилидан тушмайдиган, баёзларга ёзиб олинадиган ва шаҳарларда ўқиладиган даражага етган бўлиши керак. Учинчидан, шеърдан кўзланадиган катта мақсад ва улкан ният бу подшо номини боқийлаштиришдир. Шеър ўқилмаса ва кўчирилмаса бу мақсад ҳосил бўлмайди. Бу даражага етмаган шеърнинг таъсир қуввати бўлмайди. Агар шеър ўз боқийлигига эга бўлмаса, у қандай қилиб ўзга кишиларнинг номини абадийлаштириши мумкин.<sup>316</sup> Бу ҳақда Кайковус “Қобуснома”да *“...агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қилгил ва ўзинг билиб, ўзинг билиб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, нединким шеър айтгон киши халқ (подшоҳлар, мажлис аҳли) учун айтур ва ўзи учун айтмас. Бир хил вазн ва бир хил қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмагил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда алғал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур. Шоирларнинг расми-одатига кўра уларнинг санъатларидан гофил бўлмагил...”*<sup>317</sup> деган. Кўриниб турибдики, ҳукмдорлар мажлисида иштирок этадиган шоирларга юқоридаги талаблар қўйилган

Темурийлар, хусусан Ҳусайн Бойқаро саройидаги надимларга қуйидаги шартлар қўйилган:

<sup>316</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (Мажмаъун наводир). – Т. Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1985.-Б.31.

<sup>317</sup> Кайковус. Қобуснома. – Т. Мерос, 1992.-Б.121-124.

- Форсий ва арабий тил била иншо ёза билсин;
- Шоирликни ҳам билсин ва кўплаб форсча ва арабча байтларни ёд ўқисин;
- Илми тиб ва илми нужумни билсин;
- Созандаликдан хабардор бўлсин;
- Муҳоки муҳоко(Таклид) бўлсин;
- Кулгили ҳикоялар, ҳикматли сўзлар ва нодир қиссаларни ёд билсин, яъни ровий ва қиссахон бўлсин;
- Нардбозлик ва шатранжбозликдан хабардор бўлсин;
- Қуръон тиловати, тафсир, ҳадис ва шариат илмини билсин.<sup>318</sup>

“Сиёсатнома”да Низомулмулк надимликнинг фойда ва шартларини санаб ўтган:<sup>319</sup> “Надим гавҳари фозил, чиройли, покмазҳаб, сир сақловчи, яхши кийинган бўлиши ва кўп ҳикоя ва қиссаларни, ҳазилу латифаларни ифодали қилиб сўзлаб бера билиши лозим бўлган.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир надимнинг ўз мартабаси бўлиши лозим. Тарихда баъзиларининг ўтирадиган жойлари, баъзиларининг туриб хизмат қиладиган махсус мақомлари бўлган.<sup>320</sup>

Ҳусайн Бойқаро даврида надимларни мусоҳиблар деб аташган. Бобур “Бобурнома” да Навоий Ҳусайн Бойқаронинг мусоҳиби бўлгани ҳақида шундай ёзган: “Алишербек Навоий беги эмас эди, балки мусоҳиби эди”.<sup>321</sup> Алишер Навоий: Қомусий луғатида эса мусоҳиб ўрта асрлардаги сарой лавозимларидан бири бўлганлиги айтилган.<sup>322</sup>

Султон Ҳусайн Бойқаро (юқорида кўриб чиққан миздек,) мажлисида доимо ҳофизу созандалар хизмат қилган. Энг қизиғи, бу даврнинг хонандалари шоир ҳам бўлишган ва анъанага кўра мажлисларда мусиқа жўрлигида шеърлар ўқишган. Нафақат Ҳусайн Бойқаро балки, бошқа темурий ҳукмдорлар мажлисларида ҳам хонандаю созандалар хизмат қилган.

<sup>318</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (Мажмаъун наводир). – Т.Ғ.Ғулом номидаги АСН,1985.-Б.110.

<sup>319</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т. Янги аср авлоди, 2008.-Б.90-91.

<sup>320</sup> Кўрсатилган асар.-Б.92.

<sup>321</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990. –Б.153.

<sup>322</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.371.

Аксар вақт мажлисда уд чалувчининг ўзи қўшиқ айтган, зотан, Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида шеърят улкан рол ўйнаганига боғлиқ ҳолда қўшиқни бу даврнинг умуман мусиқа маданиятидан ажратиб бўлмаган. Анъанавий китобий шеърят ва халқ оғзаки ижоди хонандалик ёки мусиқа жўрлигида шеър ўқишдан қатъий назар умуман ижрочилик учун хонандага бой материал берарди. Қолаверса, бунда шеърнинг оҳангдорлиги мусиқа жўрлигининг оҳангдорлигини белгилаб берган.<sup>323</sup>

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да темурийларнинг машҳур хонандаси, ёқимли овоз соҳиби Юсуф Андигоний<sup>324</sup> номини тилга олган. Иброҳим Султон акаси Бойсунқур Мирзодан унинг мажлисига машҳур хонанда ва созанда Юсуф Андугонийни юборишини сўраб, бир неча марта мурожаат қилган. Лекин Бойсунқур рад қилаверди. Охири Иброҳим Султон хожа Юсуфни юборсин деб, унга 100 минг динор нақд пул жўнатди. Бойсунқур Мирзо инисига мана бу байтни жавоб ўрнида йўллади:

*Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,  
Айла сен қора чақангни эҳтиёт.*<sup>325</sup>

Бойсунқурнинг моддий ёрдами ва ҳомийлигида ижодий камолотга етган Хўжа Юсуф Андигоний Ҳирот мусиқа мактабининг пешвоси ҳисобланган. Ҳусайн Бойқаро ҳам мусиқа билимини ундан ўрганган.<sup>326</sup>

Темурийлар давридаги мажлисларда доира, уд, конун, ғижжак, най, дутор, танбур, рубоб, сетор, сато каби мусиқа асбоблари чалинган.

Ўша давр мусиқа асбоблари тўғрисида тасаввур берувчи асосий манба бу – миниатюралардир. Беҳзод қаламига мансуб “Султон Ҳусайн саройида базм” номли асарда меҳмонлар даврасида уд чалаётган созанда тасвирланган.<sup>327</sup> “Боғда базм” номли миниатюрада эса меҳмонлар даврасида дутор, уд, чилтор,

<sup>323</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т. Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.-Б.229.

<sup>324</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.57.

<sup>325</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). – Т.Ғ.Ғулом номидаги АСН-1981.-Б.140-141.

<sup>326</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.198.

<sup>327</sup> Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар. (Тузувчи: Ф.Сулаймонова). – Т. Шарқ НАК БТ, 2001. –Б.57.

узун сурнай чалаётган созандалар гавдаланган. “Бойсунгур Мирзо кабулида” деб номланган миниатюрадаги тантанада иштирок этаётган меҳмонлар даврасида чилтор, уд, икки кулоқли (қорни думалок) ғижжак ва тўрт кулоқли (қорни ноксимон) ғижжак чалаётган созандалар расми чизилган.<sup>328</sup>

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида халқ кўшиқчилигининг саккиз тури ривожланганлигини қайд этади. Булар – туюқ, чангчи, туркий, орзуворий, муҳаббатнома, мустаҳзод ва шу кабилар.<sup>329</sup> Темурийлар даври мусиқа санъатида Ҳирот ижодий муҳитининг ўрни катта бўлган. Ҳирот мусиқашунослари ўз ижодларида Навоийнинг шеър ва ғазалларидан кенг фойдаланганлар.<sup>330</sup>

Султон Ҳусайн Бойқаро даври санъткорларидан “Қосимали Қонуний шундай созанда эдики, хури ийнлар қонуни кулоқлари намунасига беҳишт боғининг гулғунчаларини қонунсоз ҳузурига келтирарди.

Жигарий Чангий муғанния бўлиб, чангни оғушига олган он фалак базмидаги Зухра ўз созини ерга урарди.

Созандалар пешвоси устод Саййидахмад Ғижжакий ҳақида мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий бир ғазал битган:

*Садои он ғижжак кушту ҳусни он ғижжаси,  
Ки шўри мажлиси ушшоқ шуд он зи пурнамаки.*<sup>331</sup>

(Мазмуни: *Бу ғижжак овози ўлдирди, ғижжакчининг ҳусни тузли бўлганидан ошиқлар мажлисининг шўри қўриди.*)

Муҳибали Балобоний, нодир созандаларидан устод Ҳасан Удий, Ҳусайнийи Кўчак Ноий, Мир Хонанда, хонанда Ҳофиз Басир, Шайхи Нойий, Мақсудали Раққослар<sup>332</sup> темурий Султон Ҳусайн Бойқаро даври мажлисларига иштирок этишган. Эронлик олим Валиуллоҳ Ковусий Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларини мусиқий мажлислар деб қайд этиб, “Султон Ҳусайн ва шаҳзодаларнинг мусиқага қизиқиши ва Алишер Навоийнинг

<sup>328</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 95-100.

<sup>329</sup> АНТАТ.10-жилд.-Б.532-579.

<sup>330</sup> Усмонов Қ. Содиков М. Ўзбекистон тарихи. I-қисм.- – Т. Мерос, 2002.-Б. 190.

<sup>331</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.10-11.

<sup>332</sup> Кўрсатилган асар.-Б.11-12.

созандаларга кўрсатган ҳомийлиги туфайли сарой санъаткорларнинг интиладиган марказига айланди. Тарихчилар ўша даврдаги Султон Ҳусайн ва вазирининг фармони билан уюштирилган беназир муסיқий мажлислар ҳақида кўп бора ёзишган.

Амир Алишер Навоийнинг ҳиммати билан ташкил этиладиган кўп муסיқа мажлисларида созандалар ва хонандалардан ташқари замонасининг кўплаб фузало ва донишмандлари ҳам иштирок этишарди”,<sup>333</sup> деган.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда “хонандалик мажлислари” машҳур бўлган. Адабий манбаларда ёзилишича, Мир Хонанда хониш қилаётганда Хофиз Басир ғоят беҳуд ва бетоқат бўларкан. Ваҳоланки, Хофиз Басирнинг ўзи замонасининг яғонаси экан. Ҳазрати Довуд пайғамбардан кейин ҳеч ким Хофиз Басирдек хонандалик қилолмаган. Шуниси ҳам машҳурки, унинг хонандалик мажлисида тўрт киши ҳушдан кетган. Нақл қилишларича, Хожа Товус Девоннинг таъзияси куни эътиборли ва мансабдор кишилар ҳозир бўлган мажлисда Хофиз Басирдан ашула айтишни илтимос қилишган. Хофиз Хожу Кирмонийнинг “Вафоти беҳ бувад онро, ки дар вафои ту набвад” (“Сенга вафо қилмаганларнинг ўлгани беҳроқ”) деб бошланадиган ғазалини бошлаб, қуйидаги байтга етган:

*Дар оташ афканам он дил, ки дар гами ту насўзад,  
Ба бод бардиҳам он жон, ки дар ҳавои ту навбад.*

(Мазмуни: Ғамингда куймаган дилни ўтга ташлайман. Сен учун ёнмаган жоннинг кулини кўкка совураман).

Айвон кунжидан бир мусича парвоз қилиб, ўзини хофизнинг кўйнига ташлаган ва жон берган. Ўша куни қарийб қирқ киши ҳушдан кетган. Уларни мажлисдан кўтариб олиб чиқишган.<sup>334</sup>

Кайковус “Қобуснома”да хофиз шоир бўлса ҳам, мажлисда ўз шеърини ўқимасин, чунки хофизлар халқ шеърининг ровийсидур, ўз шеърининг эмас...”,<sup>335</sup> дейди. Ваҳоланки, темурийлар даври

<sup>333</sup> Ковусий В. Санъат ва маданият ҳомийси. Жаҳон адабиёти. -Тошкент, 2016.-№2-сон. – Б.152.

<sup>334</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т. Ғ.Фулом номидаги АСН, 1979.-Б.11-12.

<sup>335</sup> Кайковус. Қобуснома. – Т. Мерос, 1992.-Б. 121-124.

кўшиқчиси шоир ҳам бўлганини айтиб ўтдик: “*Ҳар вақтнинг ўзида муносиб газалларни ўқигил: баҳорда хазонга муносиб, хазонда баҳорга муносиб, қишда ёзга муносиб ва ёзда қишга муносиб газалларни ўқимагил*”.<sup>336</sup> Бинобарин, мажлисларда хонандалардан газалларни чиройли ва ифодали ўқиш талаб этилган.

Бир сўз билан айтганда, адабий йиғин унда иштирок этган мажлис аҳлидан юксак одоб-ахлоқни тақозо этган. Асрлар давомида такомиллашиб борган мажлисларда йиғин аҳлининг шарқона ахлоқ-одоб қоидалари ҳам шаклланиб, мукамаллик касб этган. Бу қоидалар мажлислардаги тартиб-интизомни таъминлаган. Шарқона одоб – ахлоқ ҳамда мажлис аҳли ўртасидаги ўзаро ҳурмат – иззат шеърӣ баҳс ва тортишувларни жанжалсиз ўтишини кафолатлаган.

## **2.2. Замондош устозлар мажлислари**

Ҳусайн Бойқаро даврида нуфузли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, амирлар, қозилар, ҳокимлар қаторида мутафаккир-шоирлар хонадонларида ҳам мунтазам адабий мажлислар ўтказилганлигини Навоий ва унинг замондошлари асарлари тасдиқлайди. Айниқса, бундай мажлислар Алишер Навоийнинг устози, пири ва дўсти мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) хонадошида ҳам тез-тез ташкил этилган. Ушбу йиғинларда Хуросоннинг саййидлари, уламолари, олимлари, шоирлари, зиёлилари қаторида Навоий ҳам иштирок этган. Темурийлар давридаги адабий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири адабий жараённинг ягоналиги, унда туркий тилда ижод қилувчиларнинг ҳам, форсийда қалам тебратувчиларнинг ҳам баробар ва фаол қатнаша олгани эди. Буни биз Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида яққол кўрамиз. Унда ижодкорлар тил хусусиятларига қараб бир-биридан ажратилмаган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги давридаги адабий ҳаётга тўхталар экан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да: “Шуародин бу жамънинг саромад ва сардафтари Мавлоно Абдурахмон Жомий

<sup>336</sup> Кўрсатилган асар.-Б.121-124.

эди”, -деб ёзади. Бинобарин, фақат форсий адабиётнинг эмас, шу даврдаги ўзбек адабиётининг гуллаб-яшнашида ҳам Абдурахмон Жомийнинг роли жуда катта бўлган”.<sup>337</sup>

Қизгин баҳс-мунозараларга бой адабий йиғинларда Алишер Навоий мунтазам қатнашиб келган. Мажлисдан бирида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидаси ҳақида сўз боради. Навоий уни шундай таърифлайди: *“Невчунким, Мир Хусравдек кишидин мундоқ машхурдурким, демиш бўлгайким, “Агар афлок(фалак) ҳаводиси(ҳодисалар) ва рўзгор навобидин менинг борча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолса менга басдур, навчунким ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур”*. Аммо бу ҳақда **Жомий мажлисида** ҳеч нима демайди, то **мажлис** тарқайди.<sup>338</sup> Демак адабий мажлисларда турли шеърлар ҳақида баҳс-мунозаралар олиб борилган. Фикримизни яна бир бор Навоий томонидан келтирилган қуйидаги мисол ҳам исботлайди. Жомийнинг яна бир мажлисида турли хил шеърий мавзуларда сўз юритилган: *“Бир кун ул ҳазрат(Жомий) хизматлари (мажлислари)да асҳоб ҳозир эрдилар ва ҳар навъ сўз ўтадур эрди. Бурунроқ фақир (Навоий) алар (Жомий)нинг шайба қасидаларигаким, матлаи будур:*

*Сафед шуд чу дарахти шукуфадор сарам,*

*Ва з-ин шукуфа ҳамин меваи гам аст барам.*

*(Таржимаси: Бошим худди гуллаган дарахтдек оқарди, Бу гуллашдан келган ҳосил – менинг гамим мевасидир).*

*Изҳори бу навъ ақида эрдиким, бу навъ гариб маонийлиқ ва кўп чошнилик (маза-матрали) ва нозук хаёллик, салис(равон) иборатлик, латиф адолик шеър фақир кўрмайдурмен, бовужуди улким, қасидагўйларким муқаддамдурлар, қасойидларин кўп мутолаа қилибмен ва асҳобдин баъзи мусаллам тутса, баъзи мусаллам тутмоқга кориҳ кўринур эрдилар ва ул ҳазрат мажлисларида сўз қасойид услуби сори тортти, чун ҳар навъ*

<sup>337</sup> Маънавият юлдузлари.(Мухаррир Ф.Ҳасанов). - – Т. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ДИН, 2011.- Б.220.

<sup>338</sup> АНТАТ. 5-жилд. - Б.755.

*ўтти, фақир шайбанинг васфин орага солдим ва таърифидида беихтиёр бўлдум, то сўз ҳамул ерга еттиким, арз қилдимким: “Фақир муқаддимин малик ул-каломлардин ҳеч қайсидин андоқ қасида эшитмайдурмен.*

*Ул ҳазрат табассум қилиб айттиларким: ”Мутааххирлардин биз ҳам андоқ шеър эшитмайдурбиз..”<sup>339</sup> Навоийнинг ушбу мисолларидан аён бўладики, Жомий мажлисларида мушоиралардан ташқари шеърият масалаларида ҳам суҳбатлар олиб борилганлиги, йиғинлар устоз-шогирдлар (Жомий ва Навоий) ўртасидаги ижодий ҳамкорлик–тажриба алмашув мактаби бўлганидан дарак беради. Бу биринчидан.*

*Иккинчидан, Жомий мажлисларида Усмонли турклар империяси, қорақуюнли ва оққуюнли туркманлар давлатлари каби мамлакатлар ва Ҳиротнинг зиёлилари, давлат ва жамоат арбоблари, уламолар жамулжам бўлган: “...Шаҳр(Ҳирот)нинг жамеъ уламо ва ақобирию ашрофи алар(Жомий)га мулозамат ва тараддуд бунёд қилдилар, то ул подшоҳи замон(Ҳусайн Бойқаро)нинг аркони давлат ва аёни ҳазрат ва олийшон умаро ва рафеъ макон судур ва вузаро, балки аср подшоҳи(Ҳусайн Бойқаро) алар(Жомий)нинг остонизаким, мақсуд Қибласи ва мурод Каъбаси эрди – ташириф келтурурлар эрди...”<sup>340</sup> Фахруддин Али Сафий “Рашахот”да машҳур олим Али Қушчи Жомий хонадонидаги “олий мажлис”да иштирок этгани ҳақида шундай ёзган: “Бир кун Ҳиротда Мавлоно Али Қушчи туркларнинг расми ва ҳайъатида белига бир ажиб ҳамтони боғлаб олар(Жомий)нинг мажлиси шарифларига дохил бўлдилар ва тақрибан неча бағоят мушқил шубҳаларни фанни ҳайъат дақойиқларидин илқо эттилар. Бадиҳатан ҳар бориға (Мавлоно Жомий бирин-кетин) жавоби шофий бердилар. Ондоғким, Мавлоно Али Қушчи сукут этиб, мутаҳаййир бўлди.”<sup>341</sup> Давлатшоҳ Самарқандий ҳам “Тазкират уш-шуаро”да юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаб, “Теварак-атроф ҳукмдорлари*

<sup>339</sup> Кўрсатилган асар.-Б.741.

<sup>340</sup> Кўрсатилган асар.-Б.740.

<sup>341</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004. –Б.179.

*Мавлоно(Жомий)нинг дуоси ва ҳимматидан нафланиб турадилар, (барча) иқлим фозиллари унинг олий мажлисини излайдилар.*

Унинг шарафли девони Рум фозиллари йиғинларига безакдир”,<sup>342</sup> деган. Бинобарин, Жомий мажлислари шоирлар билан гавжум бўлганки, кунлардан бир куни Абдурахмон Жомий мажлисига ўзича шеър ёздим, деб ўйлаб ва қораламаларини ҳар кимга ўқиб юрадиган Мавлоно Валий кириб келади.

У Жомий қошига келиб, менга маншурнома (бирор машҳур шоир томонидан бошқа шоирга аталган унинг етуклигини тан олганлигидан шаҳодат берувчи ёрлик) ёзиб беринг, бутун азиз-авлиёлар ҳаққи, сизни дуо қилиб, шеърни шуаро ва зурафо орасида фахр билан ўқиб юраман, деб оёғини тираб олади. Шунда мажлис орасида ўтириб, Жомий қоғоз ва давог олиб, куйидаги рукъани ёзиб унга берди:

*Хизмати Мавлоно Вали, фақирро, ки  
Ба суҳбати худ мушарраф сохт.  
Ва бихонд ашъори диловез,  
Дилписанд бар худ набохт.  
Пояи шеъраш аз он баландтар аст.  
Ки дар тағнойи вазн гунжад.  
Ё касе тавонад, ки онро  
Ба мезони табъ санжад.*

*(Таржимаси: Бизга хизмат қилиб Мавлоно Вали, Сарфароз айлади суҳбатла, бали. Ўқиди дилрабо шеърятини, Англаб бўлмайдди ҳам ҳеч ниятини. Шеъри қолипсизу қолипи шеърсиз, Хуштабъ кишилар ҳам тушунмас, эссиз.)<sup>343</sup>*

“Рашоҳат айн ул-ҳаёт”да ҳам Жомий ҳузурида ўтказилган шеърят кечалари ҳақида шундай ёзилган: “Бир кун Мавлоно Сайфуддин Аҳмад шайхул-исломи Ҳирот сойир асҳоби тажрислар билан Ҳазрати Махдумнинг суҳбатларига келдилар ва озор(Жомий) зиёфат маросимининг тақдимидин сўнг созанда ва хонандаларга

<sup>342</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан). – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.185-186.

<sup>343</sup> Фахруддин Али Сафий. Латофатнома. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1996.-Б.76.

*буюрдилар, то ул мажлисда газаллар ўқуб ва нақшлар тартиб бериб, созлар этдилар”.*<sup>344</sup>

“Ҳайрат ул-аброр” достонида ёзилишича, “баҳорнинг файзиёб кунларидан бирида шоирлар-у алломалар, хонандаю созандалар даврасида (шеърый мажлисда – муаллиф) ўтган буюк зотлар шеърियाи ҳақида, жумладан, пайров хусусида баҳс борар экан, гап Низомий билан Хусрав (Деҳлавий)га тақалди. Иккала ижодкор асарларининг жаҳондаги шону шуҳрати, улар яратган “Хамса”ларнинг олам аҳлига манзурлиги ҳақида эътиборли фикрлар билдирилди. Айниқса, жами ўнта дoston ичида дастлабки икки дурдонанинг ўзгача ўрни борлиги, уларнинг маънавий юксаклиги, бадий баркамоллиги тўғрисида бир-биридан пурмазмун гаплар айтилди.<sup>345</sup> Яратилган “Хамсалар” ҳақида сўз юритилган ҳамда Алишер Навоийнинг ўзи ҳам иштирок этган Жомийнинг ушбу мажлисидан сўнг шоирлар султони “Хамса” ёзишга астойдил киришади ва у бу ҳақда “Хамсат ут-мутахаййирин”да: “...Алар (Жомий) мажлисида “Хамсатайн” сўзи мазкур бўлгоннинг кайфияти ва алар “Тухфат ул-анвор”ни бунёд қилиб, ул тақриб била тугатгонлари, бу фақир(Навоий)га элдин бурун кўргузгонларининг шарҳи ва фақир “Ҳайрат ул-аброр”нинг назм қилур тақриби бу дostonда (Ҳайрат ул-аброр”да) мазкур бўлубтур, ўқугон маълум қилур”,<sup>346</sup> деган. Яъни Жомий ҳузурида мажлис “Ҳайрат ул-аброр”да қуйидагича баён қилинган:

*Базмда бир кун юзидин нур эди,  
Ҳар соридин нодира мазкур эди.  
Тушти чу раҳрав била пайравга сўз,  
Етти Низомий билан Хусравга сўз.  
Ким не сифат олам аро солди шайн,  
Иккисининг хомасидан хамсатайн.  
Лек бу ўн турфаки, топмиш жамол,  
Икки бурунгисида бор ўзга ҳол.  
Гавҳари йўқ “Махзанул-асрор”дек,*

<sup>344</sup> Кўрсатилган асар.-Б. 80.

<sup>345</sup> Алишер Навоий. Хамса. – Т. Янги аср авлоди, 2016.-Б.15.

<sup>346</sup> АНТАТ 5-жилд. -Б.776.

*Ахтаре йўқ “Матлаул-анвор”дек.  
Ўзга санамлар ҳам эрур жилвасоз,  
Барчасининг хуснида зеби мажоз.*<sup>347</sup>

Шунингдек, Жомий ҳузурида китобхонлик кечалари ташкил этилиб, турли хил китоблар мутолаа қилинган: “Яна “Хамса”, балки “Ҳафт авранг”ларнинг кўпрагин муқобала(танишиш) дастури била алар ўқиғонда қулоқ тутулубтур мадади учун алар (Жомий) мажлисида ўқулубтур”<sup>348</sup>.

Жомий ҳузуридаги адабий йиғинларда шоирлар буюк мутафаккир эътиборига янги шеърларини ҳавола қилишган. Жомий шеърят билимдони сифатида назм намуналарига ўз баҳосини бериб, фикр-мулоҳазаларини билдирган. “Бобурнома”да ёзилишича, “*Суҳайлий*” тахаллус қилур учун *Шайхим Суҳайлий* дерлар эди. *Бир тавр шеър айтур эди. Қўрққудик алфоз ва маоний дарж қилур эди. Анинг абётидин бир будур:*

*Шаби гам гирд-боди оҳам аз жо бурд гардунро,  
Фурў бурд аждарҳои сайли ашкам рубъи маскунро.*

*(Мазмуни; Ғамли кечаларда оҳимнинг қубни осмонни ўрнидан қўзгатди. Кўз ёшимнинг аждаҳоси ер юзини ютиб юборди).*

*Маишхурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизмати(мажлиси)да ўқубтур. Мавлоно айтибтурким: “Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқитасиз?”*<sup>349</sup>

Учинчидан, бундан ташқари Жомий ҳузурида диний-илмий мажлислар ўтказилган.<sup>350</sup>

Навоийшунос олима Дилнавоз Юсупова “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти” китобида Жомий ҳузуридаги йиғинларни “Маънавий суҳбатлар”<sup>351</sup> деб атаган.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, мажлисларда баҳс мунозаралар ҳам қизғин тус олган. Бундай шеърхонлик йиғинлари янги асарлар ёзилишига туртки вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

<sup>347</sup> АНМАТ. 7-том.-Б.53-54.

<sup>348</sup> АНТАТ. 5-жилд. -Б.747.

<sup>349</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. Юлдузча, 1990.-Б. 156-б.

<sup>350</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино-2004.-Б.200.

<sup>351</sup> Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т. Тамаддун, 2016. –Б. 242.

Шунингдек, Жомий мажлислари Алишер Навоий ижодини ривожланиши ва тафаккур олами шаклланишига кучли таъсир қилган.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Хуросоннинг етук инсонлардан бири саналган шоир ва мутафаккир **Саййид Ҳасан Ардашер** (1415/16-1488/89) хонадонига адабий мажлисларда доимо зиёлилар тўпланган: *“Ва замоннинг шуаро ва фузало ва зурафосидин аларнинг висоқи(уй)дан холи эрмас эрди, балки дарвешлар ва аҳлуллоҳ (Оллоҳ аҳли) дағи доим аларнинг уйин мушарраф қилиб, суҳбатида(мажлисида) ҳозир бўлурлар эрди. Бу мазкур бўлгон зурафодин ҳаргиз йўқ эрдиким, аларнинг манзилида киши бўлмағай, балки бу тоифанинг мажмаи алар(Саййид Ҳасан Ардашер)нинг висоқи эрди ва бу жамоат доим анда”*.<sup>352</sup> Саййид Ҳасан Ардашер отаси сингари Бойсунқур Мирзо ўғиллари ва бошқа темурийларга хизмат қилган кишилардан бўлиб, айниқса, ўз даврида кўзга кўринган шоир ва олим сифатида кенг танилган эди. У ўз даврining илм ва адабиётда, тасаввуфда энг етук кишиси бўлиши билан бирга, қатор олижаноб фазилатларга ҳам эга бўлган.

Шу билан бирга, у ўзининг шоирона табиатига кўра, адабий суҳбатлар(мажлислар)ни севган, форс ва ўзбек тилларида бири-бирдан гўзал шеърлар ёзган.<sup>353</sup>

Саййид Ҳасан Ардашер темурий мирзолар адабий мажлисларида туркий ва форсийзабон шоирларнинг шеърларини (2-илова) ўқиб юрган: *“Ва бу фақир(Навоий)ни фақр тариқига далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурга тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқот(ўша вақтда)да фақир(Навоий)нинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди”*.<sup>354</sup> Кўплаб шоирлар девонларининг аксар қисмини ёд олган Саййид Ҳасан уларни ҳам шеърини йиғинларда ўқиб берган: *“...Маснавий жинсидин Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий(раҳматуллоҳу) “Бўстон”ига муътақид эрдилар ва*

<sup>352</sup> АНТАТ. 10-жилд. -Б.9.

<sup>353</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т. Ўзбекистон НМИУ, 2015.-Б. 270-271.

<sup>354</sup> АНТАТ. 10-жилд.-Б. 8.

Ҳазрати Шайх Фаридулдин Аттор(қуддиса сирруҳу)нинг “Мантиқ ут-тайр”ининг кўпрагининг ёд билурлар эрди ва кўп ўқурлар эди ва кўп сўз хотирларида бор эди...”<sup>355</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да Навоий “отаси каби қадрли бўлган” устози ва дўсти, зуллисонайн шоир, сўфий ва донишманд Саййид Ҳасан Ардашер ижодидан намуна келтирган:

*Илоҳи, нури ирфондин кўнгилга бир сафо бергил,  
Ки исён зулмати ичра хароб аҳволи ҳайрондур.*<sup>356</sup>

Саййид Ҳасан Ардашер Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги адабий кечаларда мунтазам иштирок этган ва ҳукмдорга унинг суҳбати маъкул бўлган: “Подшоҳнинг муборак хотирига алар (Саййид Ҳасан Ардашер)нинг мулозамати ёқти ва суҳбату сўзи бағоят хуш келди ва инояти мутаоқиб қилдилар. Алар подшоҳнинг хотири учун андоқ тараддуд ва итилот ва мулозамат қилдиларким, подшоҳнинг кўнгил қушин сайд қилдилар...”

...*Ва подшоҳ хилватида анису маҳрам ва анжуманда рафиқу ҳамдам эрдилар*”.<sup>357</sup> Нафақат йиғинларда иштирок этган, балки мажлисларга шеър ва ҳикматли сўзлар билан “тузу малоҳат” бахш этган Саййид Ҳасан Ардашер ўз даврининг ёшлигидан камолотга эришган билимдон, салоҳиятли ва гўзал ахлоқли кишиси бўлгани, йиғинларда мажлис аҳлидан кўра кўпроқ илмга эга эга бўлган: “*Агар баъзи мажолис(мажлисларда) сўз ўтса эркандур, бовужуди улки, мажлис аҳлининг кўтидин яхшироқ билур эркандурлар, ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисида такаллум (сўзламас) ҳам қилмас эрмишлар*”.<sup>358</sup> Аниқроқ қилиб айтганда, Саййид Ҳасан Ардашер қанчалик билимли ва ҳозиржавоб бўлмасин, ҳамиша мажлисдаги ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилган.

Саййид Ҳусан Ардашер кўплаб темурий султонлар,<sup>359</sup> тасаввуф шайхлари,<sup>360</sup> ҳамда (ўз уйида) дарвешлар ва аҳлуллоҳ (Аллоҳ аҳли, ошиқлар)<sup>361</sup> мажлисларида иштирок этган.

<sup>355</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 9.

<sup>356</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б. 7.

<sup>357</sup> АНТАТ. 10-жилд. -Б.10.

<sup>358</sup> Кўрсатилган асар.-Б.6-7.

<sup>359</sup> Кўрсатилган асар.-Б.6-7.

Саййид Ҳасан Ардашер хузуридаги мажлислар ва суҳбатлар ҳам бу ўз навбатида Навоий тафаккур оламининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Темурийлар даври адабий муҳитининг машҳур шеърят мажлисларидан бири Навоийнинг ҳаммаслаги, устози ва дўсти **Паҳлавон Муҳаммад** хонадонида уюштирилган.

Паҳлавон Муҳаммад халқ кураши турларидан куштигир – яккама якка кураш тушишда доврўғи етти иқлимга таралган полвонлардан ҳисобланган. У нафақат жисмоний қудрат соҳиби, балки замонасининг барча илмларини эгаллаган ақл-заковатли, билимдон ва доно инсон бўлган: *“Бовужуди улки, ўз фанидаки, кушти бўлғайким, шуҳрати ул исм биладур ва онча якфанлиқда ва бу фанда варзиш қилур эркондур. Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулойамати табъи борча фунунга муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлгондур, кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилгондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар”*.<sup>362</sup> Паҳлавон Муҳаммад ниҳоятда билимдон бўлган: *“Айтишларича, бир мажлисда мавлонзода Мулло Усмон билан Шайхулислом ва қози Низом тезлашиб қолибди. Шайхулислом дейди: бу гап Мир Саййид Шариф ва мавлоно Саъдуддиннинг “Мифтоҳ”га ёзган шарҳларида бор. Мавлоно Низомиддин эса, у ерда йўқ, деди. У киши шарҳловчиларни келтиринглар, деди. Паҳлавон Муҳаммад Абусаъид ҳожати йўқ деди ва шарҳларнинг тегишли жойларини ўқий бошлади. Ҳар мавзусидан бир саҳифа ўқиди. Мажлис аҳли ҳайратдан ғала-ғовур кўтарди. Қози Низомнинг муддаоси исботланди”*.<sup>363</sup>

Паҳлавон Муҳаммад шеърят билимдони эди, аниқроқ қилиб айтганда, мажлисларда ўзининг ва устоз шоирларнинг шеърларини ўқиган. У назмни тушунган, таҳрир ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган: *“...Замон шуаросининг юздин бирига онча шуур ва вуқуф йўқтур ва аксар назм аҳли ҳар навъ шеър айтсалар эрди –*

<sup>360</sup> Қўрсатилган асар.-Б.11.

<sup>361</sup> Қўрсатилган асар.-Б.9.

<sup>362</sup> Қўрсатилган асар.-Б.18.

<sup>363</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул воқоъ. (Нодир воқеалар). – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.- Б.120.

*Паҳлавон назарига еткурурлар эрди ва анинг ислоҳ ва тағйир ва табдилини қабул қилур эрдилар ва ўзининг дағи шеър ва муаммо фаннида таъби мулойим эрди*".<sup>364</sup>

Мавлоно Муҳаммад Неъматободий Паҳлавон мажлисларида иштирок этган: *“Чун Паҳлавон мажлисида шеър ва муаммо аҳли доим бор эрдилар, ул (Мавлоно Муҳаммад Неъматободий) дағи муаммога ишқ пайдо қилди ва Паҳлавон баъзи зурафога супориш қилди(буюрди), оз фурсатда яхшигина ўрганиб айта бошлади*".<sup>365</sup>

Мавлоно Муҳаммад қуйидаги муаммосини Паҳлавон Муҳаммад мажлисида ўқиган.

*Ончи кардй бар дил аз бедодгар ёд орамаи,  
Гўям ар бо кўҳ, жоно ман ба фарёд орамаи.*<sup>366</sup>

Бир томондан Паҳлавон Муҳаммаднинг ўзи ҳам доимо шеърят кечаларини ўтказган бўлса, иккинчи томондан Ҳусайн Бойқаронинг ҳар бир мажлисига иштирок этган. Чунки Ҳусайн Бойқаро Паҳлавон Муҳаммадни адабий йиғинлар қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтишининг гарови деб тушунган: *“(Паҳлавон Муҳаммад) борча содот-у машойих ва уламою фуқаронинг маҳбуб ул-қулуби эрди ва подшоҳ(Ҳусайн Бойқаро) эшигида аркони давлатдин олийшон беклар ва олиймакон ичкилар ва судур ва сойир халойиқга Паҳлавоннинг суҳбати (мажлиси) наврўз ва байрамча бор эрди.*

*Ва Султон ус-салотин (Ҳусайн Бойқаро)нинг надими мажлис ва аниси анжуман ва хилвати ва ҳар розда маҳрами ва ҳар ҳолда ҳамзабону ҳамдами эрди. Такаллуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадогача ва аҳлуллоҳдин ёҳуд ва тарсогача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди*".<sup>367</sup>

Саййид Ҳасан Ардашер каби Паҳлавон Муҳаммад ҳам кўплаб устоз шоирларнинг шеърларини ёддан билган, мажлисларда вақти-вақти билан ўқиган, дарвешлар йиғинларидан ҳам баҳраманд бўлган: *“Ва устод абётидан маснавий ва қасида ва газал ва ҳар*

<sup>364</sup> АНТАТ. 10-жилд. - Б.24.

<sup>365</sup> АНТАТ. 9-жилд.-Б.357.

<sup>366</sup> Кўрсатилган асар.-Б.357.

<sup>367</sup> АНТАТ. 10-жилд. - Б.24.

*синф шеърдин хўб ва ҳам кўп ёдида эрди. Андоқки, ҳар маҳалда ҳар навъ муносиб назмлардан ширин иборат ва такаллум (суҳбатлашиб) била андоқ адо қилур эрдиким, аксар мажлис ҳуззориға насридин хабар ва назмидин асар воқеъ бўлуб, риққатлар даст берур эрди ва кўп машойих ва аҳлуллоҳ ва дарвешлар мажлисига баҳраманд ва хизмат ва мулозаматларидин сарбаланд ва аржуманд бўлуб, шарафли қабул топиб ва баса ҳар сифатдин аҳли тариқ паҳлавонлар ва улуг кишиларга шойиста хизмат қилиб, қисватлар ҳавола қилиб эрдилар”.*<sup>368</sup>

Алишер Навоийдек буюк шоир ва улкан мутафаккир ижодиёти равнақи ва такомлида Абдурахмон Жомий ва Саййид Ҳасан Ардашер каби қирқ йиллик қадрдони Паҳлавон Муҳаммад ҳамда унинг мажлисларининг ўрни катта бўлган, дейиш мумкин.

Мазкур қисмга хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Бойқаро даври адабий муҳитида адабий мажлисларнинг ўрни ўзига хос бўлиб, уларда сарой аҳллари, Алишер Навоий замондошлари ва замондош устозлари ҳам иштирок этишган. Бу ҳақдаги маълумотлар орқали Навоий ижод қилган адабий муҳит тўғрисида тасаввур уйғонади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад бадиий мажлислари Хуросондаги адабий жараёнларда муҳим ўрин тутган. Иккинчидан, мазкур шеърят кечалари бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари ва зиёлилари учун ибрат намунаси саналган, Усмонли турк, Миср, Ширвоншоҳлар, Оққуюнли туркманлар каби салтанатларда машҳур бўлган. Адабий анжуманларнинг шуҳрат қозониши Жомий, Навоий, Ҳусайнийлар фаолияти билан боғлиқ. Учинчидан, мажлисларнинг Ҳирот адабий муҳити намояндалари ижодига таъсири сезилади. Негаки, олий мажлис аҳли топшириғи билан шоирлар қасидалар, турли мавзуларда шеърлар, асарлар яратишган, ўз ижодидаги хатокамчиликларни тузатишган. Хусрав Дехлавийдек шоирларнинг шеърлари жамланиб, девонлар тузилган. Жомий ва Навоий доимо ўз асарларини олий мажлисга тақдим этиб, шундан сўнг

---

<sup>368</sup> Кўрсатилган асар. - Б.23.

қўлёмаларни кўпайтиришган. Нафақат Жомий, Навоий, балки юзлаб хуросонлик шоирлар ижоди равнақида олий мажлислар ҳал қилувчи рол ўйнаганини кўриш мумкин.

## III БОБ. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ШЕЪРИЯТ КЕЧАЛАРИ ВА “МАЖОЛИС УН-НАФОИС”ДА АДАБИЙ МАЖЛИСЛАР ТАЛҚИНИ

### 3.1. Алишер Навоий хузуридаги йиғинлар

Ўзбек адабиёти тарихида Хусайн Бойқаро хузурида ўтказилган олий мажлислар (Хуросонда адабий мажлислар ана шундай ном билан аталган-муаллиф) каби шоирлар султони Алишер Навоий даргоҳида ҳам худди шундай шеърият кечалари ташкил этилган. Навоийнинг адабиёт аҳлига кўрсатган ғамхўрлигининг самараси ўлароқ, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг зиёлилари унинг атрофида-мажлисларида жам бўлдилар. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий ўзи ташкил этган ана шундай мажлисларни қайд этган: *“Гоҳо иззат ва маъмурилик бўстонида мажлис қурдим...Улуғ кишиларни ва юқори мансаб эгаларини ҳурмат ва таъзим юзасидан меҳмон қилдим ва баъзан шодлик боғида зиёфат тузиб, ...хонанда ва созандаларнинг базму тароналаридан баҳраманд бўлдим”*.<sup>369</sup> М.Имомназаров “Буюк сиймолар, алломалар” китобидаги Алишер Навоийга бағишланган мақоласида адабий анжуманларни маърифий суҳбатлар деб атаган. Шухрат Сирожиддинов “Алишер Навоий манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” китобида ҳам Навоий мажлисларига тўхталиб: *“Амир Алишернинг адаб аҳлига ҳомийлик қилиши, барча учун илм масканлари эшигини очиб қўйганлиги натижаси ўлароқ, бутун Мовароуннаҳр, Хуросон илм шайдолари, талабадан тортиб, донишмандгача унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шоирлар унинг мажлисларини безата бошладилар”*,<sup>370</sup> деган. Ана шундай шеърий йиғинлардан бири ҳақида Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” тазкирасида ёзилган: “Кулучапазликда ном қозонган хуросонлик шоир Мавлоно Ҳайдар Кулуч бир куни ғазал битиб, уни Алишер Навоий мажлисига олиб

<sup>369</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983. –Б.7.

<sup>370</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий –типологик, текстологик таҳлили. – Т. Академнашр.2011.-Б.270.

боради. Бироқ адабий мажлисда ўзи ёзган шеърдаги маъноларни тушунтиришга ожиз қолиб, узрида қуйидаги матлаъни айтган.

*Чунон тути сифат ҳайрони он онна руям,*

*Ки мегуям суҳан, аммо намедонам че мегуям.*

*(Мазмуни: Тўти каби ул ойна юзликка ҳайрон боқаман, Сўзлайману нима деяётганимни ўзим билмайман!)*

Шоирнинг сайқал берувчи бу сўзлари мажлис аҳлининг кайфиятини кўтаради.<sup>371</sup>

Кунлардан бир кун Низомиддин Алишер Навоий надими Соҳиб Дорога:

-Ўша бадихагўй йигитча(Ҳилолий)ни бизнинг навбатдаги мажлисимизга таклиф этсангиз, ўзининг хушилхон хонишидан бизни ҳам баҳраманд этса, - деган.

-Хўп бўлади Амири Кабир, -деб таъзим қилди Соҳиб Доро.

Навоийнинг хос мажлис хонасига Ҳиротнинг энг сара шоирлари жамланган. Устод Абдурахмон Жомийнинг фотиҳаси билан мушоира бошланди. Бирин кетин Риёзий, Аҳлий, Фазлий, Суҳайлий, Ҳотифийлар янги ғазалларини устодлар ҳузурида ўқидилар. Навбат янги меҳмонга етганда у таъзим билан ўрнидан турди-да, бир ғазал ўқиди. “Ҳам” радифли ғазал мактаида “Ҳилолий” таҳаллуси қўлланилганди. Ушбу шеърни маҳлиё бўлиб тинглаб ўтирган Навоий шоир қўлидаги қоғозни олди-да:

-Бундай бокира ғазалга яримта таҳаллус етарли эмас, у бутун бўлиши керак, - деб “Ҳилолий”нинг устидан хат чизиб, “Бадрий” деб ёзиб қўйди.

Шундан сўнг бу шоир ўз ғазалларида “Ҳилолий” ёки “Бадриддин Ҳилолий” таҳаллусини ишлатадиган бўлди.<sup>372</sup>

Манбаларда ёзилишича, Камолиддин Биноий Ироқдан келган кезларда Навоийнинг фозиллар билан тўла мажлисида мутафаккир ундан Оққуюнлилар ҳукмдори Якуббекнинг латифлик ва зарифлик фазилатлари ҳақида сўзлаб беришини сўрайди. Биноий дейди:

<sup>371</sup> Ҳасанхона Нисорий. Музақкири аҳбоб. – Т. Мерос, 1993.-Б. 111-112.

<sup>372</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. – Т. ШАРҚ НМАК БТ. 2004. –Б.252.

-Якуббекнинг латофати ва зарофатидан ҳам мақтагулик фазилати шу эканки, у туркий тилда шеър айтмас экан.

Навоий аччиқланиб дейди:

-Эй Биноий! Дағаллик ва аҳмоқликни ҳаддидан ошириб юбордингиз!-дейди Навоий.<sup>373</sup>

Маълумотларга қараганда, Навоий Биноийни бир неча бор ўз мажлисига таклиф этган. Биноий ҳам Навоийни ҳурмат қилган ва унга қатор қасидалар бағишлаган. (Юқорида зикр этилганидек,) Биноий Ироқдан қайтганда Алишер Навоий томонидан яхши кутиб олинган ва мушоира мажлисига таклиф этилган. Биноий шу пайтларда Алишер Навоийга бағишлаб ёза бошлаган қасидасини тугатиб унга жўнатади. Бироқ мушоирада кўпол гапириб, Навоийнинг дилини оғритиб кўйгани боис эски яраси янгиланган шоир қасидани қабул қилмайди. Оқибатда Биноий қасидани ўзгартириб Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо номига бағишлайди. Мазкур қасида бизгача етиб келмаган. Биноий Самарқанддан туриб Навоийга бағишлаб “Мажмаъ ул-ғаройиб” номли қасида ёзган. Бу қасида Навоийга етиб борганлиги маълум эмас.<sup>374</sup> Мазкур қасидада Навоий ҳузуридаги мажлислар ҳам зикр этилган:

*Ҳамчу оби ҳаёт мажлиси ту,  
Руҳи жон аст руҳбахши жинон.*<sup>375</sup>

(Мазмуни: *Сенинг мажлисинг ҳаёт суви кабидир, У жонга руҳ бағишлагувчидир*).

“Бадоеул вақое”да ёзилишича, Навоий ҳузурида Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Дехдор иштирокида мажлис тузилади: Яъни Навоий аҳли мажлисни боғда ташкил этилган адабий йиғинга таклиф этади:

-Азизлар киринглар. Ҳеч эшитмаган ва хаёлингизга келмаган мақолатлардан эшитинглар!

Ҳамма жим бўлди. Навоий Ҳофиз Гиёсиддин Дехдорга деди:

-Лофу даъво қилдинг. Энди гапир!

<sup>373</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул вақоеъ. (Форсийдан Наим Норкулов таржимаси). – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. –Б.119.

<sup>374</sup> Сирождидинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий –типологик, тектологик таҳлили. – Т. Академнашр. 2011.-Б.76.

<sup>375</sup> Сирождидинов Ш. Навоий замондошлари эътирофиди. -Самарқанд. Зарафшон, 1996. –Б.54.

Ҳофиз аввал Қуръондан ашара ўқиди. Мажлис аҳлининг ҳушини олди. Кейин ғазал айтди. Ашула бошлади – дўсту душмани унинг овозига офаринлар ўқиди. “Амир Ҳамза” қиссасини бошлади. Кейин ўзи айтган бир дostonни ўқиди ва мажлис аҳлининг ҳуши йўқолди. Уни тугатиб “Абомуслим” қиссасини ўқиди–ҳаммани сеҳрлаб кўйди. Мажлис охирида “Дороб” қиссасини бошлади. Боғбон билан унинг ғуломи шу ерда туришган эди. Уларнинг тақлидини қилиб ҳаммани қулдирди, баъзиларга шундай таъсир қилдики, кулавериб юмалаб қолдилар.

Ҳар ким ҳар илмдан баҳс қилди. Буларга ҳам жавоб қилди. Ҳаммадан ғолиб келди. Мажлис шундай ниҳоясига етди.<sup>376</sup>

Мавлоно Соҳиб Доро Навоий мажлисларининг надими бўлган. У ҳақда Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да шундай ёзган: *“Амир Алишернинг мулозимларидан, ажойиб қасидалар назм қилишда, муаммолар айтишда балогатли ва тенги йўқ. Надимлик шевасини ҳамда суҳбат қуришни яхши билади. Мартабаси ҳидоятли Амир Алишернинг тарбияти орқасида Фирқадондан ҳам юқорилиб кетди ва шу сабабдан бузургвор соҳибқирон Султон Ҳусайннинг ва номдор шаҳзодаларнинг сирдош малҳами бўлиб қолди”*.<sup>377</sup> “Муншаот”нинг 42-мактубида “Ҳамсуҳбатлар фаҳри” (“Мафхару ус-савоҳиб”)<sup>378</sup> Мавлоно Соҳиб Доро Навоий мажлисларининг надими, яъни шоирнинг мусоҳиби эди, деб қайд этилган:

*Манга улким надиму соҳибдур,  
Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур.*<sup>379</sup>

Алишер Навоийнинг топшириғига биноан Мавлоно Соҳиб Доро Ҳиротда юриб, мажлисга келганда эса кўрган-кечирганлари, ғаройиб ва ажойиб воқеа-ҳодисалар, янги истеъдод соҳиблари, шоирлар ҳақида маълумот бериб борган, имтиҳонидан ўтган иқтидорли ёшларни олий мажлисга олиб келган. Алишер Навоий ҳар куни “...нене учратдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўраган. Соҳиб Доро эса: “Бир кишини (Зайниддин Восифий)

<sup>376</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.183.

<sup>377</sup> Кўрсатилган асар.-Б.76.

<sup>378</sup> АНТАТ. 9-жилд. –Б.581.

<sup>379</sup> Кўрсатилган асар. –Б.583.

учратдим. Ўзи 16 ёки 17 ёшда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофизу шоирликда катта иқтидори бор”, деб жавоб берган. Навоий таажжуб билан сен (Соҳибдоро) у(Восифий)ни имтиҳон қилдингми, дедилар. У мен, бир мушкул муаммонинг номини айтмай ўқиган эдим ечди, дейди. Навоий эса Соҳибдорога Восифийни нега олиб келмадинг, деб эътироз билдирган. “Навоийнинг суҳбати ҳайратли ва даҳшатангиздир. Масалан, бирор мажлисда бирор фозилнинг номини сўрасалару айтиб беролмасангиз, койийдилар. Мабодо бир муаммо ўқилсаю тополмасанг, шарманда ва хижолат бўлишингизга сабаб бўлади. Энди ҳозирлигингизни кўриб, эрта эртароқ бу ерга келиб турингки, ҳазрати Мир (Навоий) сиз (Восифий) билан кўришмоқ иштиёқидалар,-деган суҳбатда Соҳиб Доро.<sup>380</sup>

Муаррих Гиёсиддин Хондамирнинг ўзи ҳам Навоий мажлисларида ҳикоятлар айтган: “Улуғ амир... ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига иссиқлик бахш этарди. Кундан-кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди.<sup>381</sup> Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий ҳам Навоий мажлисларида ваъз айтиш бахтига мушарраф бўлган: “Низомийга қадимга дастурга биноан олий йиғинларда ваъз айтишга рухсат бердилар. Низомий буни мамнуният билан қабул қилди ва ҳар кун султон ҳазратлари яқин дўсти (Навоий)нинг остонасига бориб, диний масалаларни таҳқиқ қилиш билан банд бўлдилар”.<sup>382</sup> Ҳиротлик шоир Мавлоно Зийракий (15-16 аср) Навоий тузган ва қатнашган йиғин ва анжуманларда иштирок этган.<sup>383</sup> Адабиётшунос Атоуллоҳ Ҳусайний янги “шеърий санъат”ни “тақдимот” қилиш учун Навоий адабий мажлисига

<sup>380</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеул вақоеъ. Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.92-93.

<sup>381</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. – Т. Академнашр, 2011.-Б. 279.

<sup>382</sup> Навоий замондошлари хотирасида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.71.

<sup>383</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул вақоеъ. Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.120.

боргани ҳақида шундай ёзган: “Мундоқ бир санъатга эътибор қилиш кўндан бери хотиримда айланиб юрар, аммо они айтиш йўли бандага келмас эрдиким, ҳазрати худовандгор (Навоий) мажлисига эришмак навбати етти ва яқинлик пайдо бўлди. Ул фикрни изҳор эттим. Сўзим тугагач, ул ҳазрат (Навоий) давоти қалам тиладилар ва бадиҳатан (ўйлаб ўтирмай-экспромп) ушбу рубоийни айттилар:

*Рўи ту зи рухи осмоний хуштар,  
Қадди ту зи сарви бўстоний хуштар,  
Лаъли ту зи оби зиндагоний хуштар;  
Нутқат зи ҳаёти жовидоний хуштар.*

(Таржимаси: Сенинг юзинг осмон юзида(қуёшдан) яхшироқ, Қаддинг бўстон сарвидан яхшироқ, Лаълинг ҳаёт сувидан яхшироқ; Нутқинг абадий ҳаётдан яхшироқ.)

Аксари замона фозилларию атоқлиғ хуштаъблардан бўлмиш мажлис аҳли лол қолдилар ва таажжуб бармоғин тишлариға олдилар”<sup>384</sup>.

Алишер Навоий ҳузуридаги бундай кечаларга қатнашиш ҳаммага ҳам насиб этмаган: “Олимларнинг улуғлари қачонки, Навоийнинг олий даражадаги йиғинларида қатнашиш имкониятини қўлга киритишса, унинг самимий қалби сирлари саҳифаларидан фойдали марваридлар йиғишар, фозилларнинг машҳурлари қачонки, ул ҳазрат ўтирган муборак гиламнинг бир четида ўтириш шарафига эга бўлишса, нозик фикрлар ва нафис сўзлар гавҳарларини теришган.”<sup>385</sup> Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” тазкирасида ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда “фозилларнинг мақсади Навоийнинг олий мажлисига етишишдир. Унинг ҳамсуҳбатлари хуштаъб, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан бошқасини истамас, оғир табиатлилар унинг назарига енгилтак бўлиб

<sup>384</sup> Атоуллох Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ./Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.89.

<sup>385</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015. –Б.33.

кўринар, балки ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига киролмасдилар.”<sup>386</sup> деб таъкидлаган.

Навоий ҳузуридаги суҳбатларда олиму адиблар ва шоирларнинг янги асарлари муҳокама қилинган: “...*Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамалокининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамиъ назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул ихтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким ажзо изорига намойиш берибдурлар, бу фақир(Навоий) суҳбати(мажлиси)га еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўткарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирга келгон нуктаки айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутубдурлар ва гар баъзи ибо қилибдурлар далоийл била аларга хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар”.*<sup>387</sup> Яъни Навоий ҳузуридаги мажлисларда асарлар, шеърлар таҳрир қилинган.

Алишер Навоий хонадонидаги йиғинларнинг Хусайн Бойқаро олий мажлисларидан фарқи шундаки, Навоий синовидан ўтган шоиру ҳофизлар, қиссахону, қасидагўйлар, муаммогўйлар, турли хил соҳадаги юксак истеъдод соҳиблари подшоҳ олий мажлисларига тавсия қилинган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўтмиш адабий жараёнида мушоиралар муҳим ўрин тутуди, яна ҳам аниқроғи, ўтмишда адабий жараён кўпроқ мушоира(шеър мажлиси, шоирлар анжумани) шаклида кечган. Мушоираларда шоирлар ўз асарларини тақдим этиш, улар ҳақидаги ўзгалар фикрини билиш, шунингдек, бошқа шоирлар билан ижодий фикр алмашиш, ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлганлар. Мумтоз адабиётимиздаги бир қатор жанрлар, айрим шеър санъатларининг юзага келиши бевосита мушоиралар билан боғланади: уларнинг бир қисми мушоира иштирокчиларининг бир –бирларига жавоб айтиши(тазмин, тахмис), бошқа бир қисми шеърий мусобақа (муаммо,

<sup>386</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи Б.Аҳмедов. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.15.

<sup>387</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.526.

чистон,бадиха) руҳи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Мушоиралар дастлаб санъат ва адабиётга меҳр қўйган подшо саройларида, ижод аҳлига ҳомийлик қилган бадавлат кишилар хонадонларида ўтказилган. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро саройи ва Навоий хонадонидан ўтказиб турилган мушоиралар давр адабиёти тараққиётининг муҳим омилларидан бўлган.

Ўз навбатида Навоий адабий мажлислари ўз даври ўзбек адабиётининг ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутган. Бу бир томондан. Иккинчидан, Навоий хонадонидан ўтказилган мажлисларда унинг болалигида уйда ташкил этилган шеърят йиғинларининг таъсирини ҳам сезиш мумкин. Чунки, Алишер Навоийнинг уйи олим, шоир ва фозилларнинг тез-тез йиғилиб турадиган жой бўлган.

### **3.2. Навоий асарларида Темурийлар мажлислари тасвири**

Академик Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” асарида “Янги адабий муҳит” сарлавҳаси остида адабий мажлисларга қисқача тўхталиб ўтган<sup>388</sup>. “Алишер Навоий: Қомусий луғат”ининг бош мақоласида навоийшунос олимлар Шухрат Сирожиддинов ва Афтондил Эркиновлар томонидан “*Ҳусайн Бойқаро саройидаги шеърят кечалари Усмонлилар даврида Ҳусайн Бойқаро мажлислари* номи билан тилга олинганлигини, Авлиё Чалабий асарида мазкур йиғинлар юқори даражадаги маданият белгиси сифатида таърифланганлиги таъкидланган. Бинобарин, “*адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар ўрта асрларда адабиётшунослар, шоирлар ва адабиётга яқиндан қизиқувчи барча кишилар учун адабий ижод устида, адабий асарлар устида фикр алмашиш учун энг қулай восита эди. Фикр алмашиш учун матбуот бўлмаган замонларда адабиёт тараққиётида бундай йиғилишларнинг аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун ҳам ҳоким синф идеологиясини адабиёт орқали сингдирмоқчи бўлган*

<sup>388</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. -- Т. Ғ. Фулом номидаги БАН, 1969.-Б.297-310.

*подшоҳлар у даврларда шоирларни ўз саройига йиғиб, уларнинг адабий тўпланишларига ҳам маълум даражада эътибор берган*".<sup>389</sup>

Амир Темур ва Темурийлар даври адабий мажлисларини ёритишда Алишер Навоийнинг қуйидаги асарлари тадқиқот манбаси бўлиб хизмат қилади:

1. Достонлар. “Хамса” нинг “Ҳайрат ул –аброр”,<sup>390</sup> “Фарҳод ва Ширин”,<sup>391</sup> “Лайли ва Мажнун”,<sup>392</sup>, “Сабъаи сайёр”,<sup>393</sup> ва “Садди Искандарий”,<sup>394</sup> достонлари, “Ситтаи зарурия”,<sup>395</sup> ҳамда “Фусули арбаъа”,<sup>396</sup> қасидаларидаги (1-илова) Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон Мирзо мадҳияларида мажлислар “базм” кўринишида тилга олинган.

2. Илмий асарлар. 1). “Мезон ул-авзон” адабий мажлислар ва унда ўқилган ёки куйланган кўшиқлар ҳақида маълумотлар берадиган манбадир. Навоий бадиий йиғинлар ҳақида шундай ёзган: “...Султон Соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулоимлиги васфга сизмас ва таъсир ва рабойандаллиги сифатқа рост келмас...андоқким;

*Сабъаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,  
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина*".<sup>397</sup>

2). “Муҳокамат ул-луғатайн”да ҳам Навоий “...Подшоҳлар подшоҳи(Ҳусайн Бойқаро)нинг олий мажлисида бу гуруҳнинг атама ва қоидалари тўғрисида сўз бўлганида кўпроқ фақир(Навоий)га хитоб қилар, адиб ва шоирлар ижоди тўғрисида бирор нарса айтилса, сўзни каминага қаратар эдилар”,<sup>398</sup>-деган ушбу тилшуносликка оид асарида.

3. Дебочалар. Манбалардан яна бири 1). “Хазойин ул – маоний” дебочасида юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий Ҳусайн Бойқаро йиғинларини ва унда султон шоирнинг шеърларини таҳрир

<sup>389</sup> Хайитметов.А.Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т. Фан, 1959. –Б,20.

<sup>390</sup> АНМАТ. 8-том.-Б.51-56.

<sup>391</sup> Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Насрий баёни билан. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991.-Б.53-60.

<sup>392</sup> АНТАТ. 7-жилд. - Б.36-37.

<sup>393</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б.445-447.

<sup>394</sup> АНТАТ. 8-жилд. -Б.61.

<sup>395</sup> АНТАТ. 5-жилд. - Б.641-695.

<sup>396</sup> Кўрсатилган асар.-Б.697-713.

<sup>397</sup> АНТАТ. 10-жилд. –Б.576.

<sup>398</sup> Кўрсатилган асар.-Б.526.

қилиши тўғрисида шундай ёзган: *“Ва ул ҳазрат(Ҳусайн Бойқаро) иноят кўзи била ул раънолар(газаллар)ни кўриб ва илтифот назарин ҳар бирига еткуруб, қайси бирининг ҳариру хулласида қусуре кўринса ё ул ҳуллаю ҳарирни мурасса қилган жавоҳирда адами муносабат сабабидин футуре зоҳир бўлса, ул либосларни чиқариб, хизонайи хосдин муносиб ранглиг хазу дебо либослар барча қийматий гавҳарлар била тарсиъ қилгон келтуруб ул шўхларга кийдурур эрди ва ҳар қайсини ўз муносабатиға кўра тартиб била ўз олий мажлисида ўлтуртур эрди...”*<sup>399</sup>

2).“Бадоеул-бидоя” деб очасида ҳам “Ҳазойин ул-маоний”да ёзилганидек, Ҳусайн Бойқаро мажлисларида подшоҳ томонидан Навоийнинг шеърлари ислоҳ қилинишига яна бир бор урғу берилган.<sup>400</sup>

4. Ёзишмалар. Тадқиқотнинг муҳим манбаларидан бири бўлмиш –“Муншаот” (олий) мажлис атамаси ва шеърий кечалари ҳақида кўп мартаба қайд этилган (“Мажолис ун-нафоис”дан кейин) асарлардан биридир. Биринчи мактубдаёқ, “мажлис” атамаси тилга олинадилар: Масалан: *”Мавлоно Соҳиб (Соҳиб Доро)ни ҳузурингизга юборилди ва бу қоралама (“Ҳазойин ул-маоний”)ни олий мажлисга етказсин дейилди. Журъат этган ишимизни авф этарсиз ва юзага келтирган ишимизни(девонни) ислоҳ қиларсиз, деган умиддаман”*,<sup>401</sup> - деб ёзилади 42-мактубда.

5. Диний асарлар. “Сирож ул-муслимин”даги икки ўринда мажлислар қайд этиб ўтилган. Зеро ушбу асарнинг ёзилишида ҳам шоҳ мажлисларида қатнашиб юрадиган подшоҳга яқин кишилардан бирининг таклифи сабаб бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, қуйидаги байтларда мажлислар ҳақида сўз борган:.

*Тўқиз юз бешда бир фархунда фарзанд,  
Адаб бирла тавозудин баруманд.  
Ки мажлис ичра ҳозир эрди бир кун,  
Масойил баҳси эрди тилга макрун.*<sup>402</sup>

<sup>399</sup> АНТАТ. 1-жилд. - Б.16-17.

<sup>400</sup> АНМАТ. 1-том. - Б.6-25.

<sup>401</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б.581.

<sup>402</sup> АНТАТ. 10-жилд. - Б.607.

Тасаввуф тарихига бағишланган машхур тариқат пешволарининг таржимаи ҳоллари ёритилган “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳам пиру муршидлар ҳузуридаги суҳбатлар, ваъз, ҳадис мажлислари ва самоъ йиғинлари қайд этилган.<sup>403</sup> “Насойим ул-муҳаббат”да темурийлар пири Хожа Абу Наср Порсога бағишланган мақолада шундай ёзилган: *“Бир кун а(Абу Наср Порсо)ларнинг мажлисида Шайх Муҳиддин Арабий (қ.т.с.) зикри ва онинг мусаннофоти (китоблари) ўтар эрди. Бузургвор оталари(Хожа Муҳаммад Порсо)дан ривоят қилдиларки, алар дер эрдиларки, “Фусус” жондур ва “Футуҳот” кўнгул. Ва дағи дер эрдиларки, ҳар ким “Фусус”ни яхши билса, анга Ҳазрат Рисолат (с.а.в.) мутобаъатининг доияси қавий бўлур ва алардан бу сўзни ноқили (мазкур мажлис қатнашчиси) Ҳазрат Махдумий(Жомий) (н.м.н.)дур.”*<sup>404</sup>

6. Ижтимоий асарлар. “Маҳбуб ул-қулуб”да мажлислар ва самоъ йиғинлари атамаларига дуч келиш мумкин. Навоий асарнинг муқаддимасида *“гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим... Олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим”*<sup>405</sup> деб таъкидлаган.

#### 7. Мемуар асарлар.

1) “Хамса ул-мутаҳаййирин” дан Навоий Жомий мажлисларида иштирок этгани ва мажлислар мазмуни ва ундаги баҳсу мунозаралар ҳақида сўз юритгани маълум бўлади.<sup>406</sup>

2) Шеърхонлик кечаларининг асосий манбалардан бири бўлмиш-“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да ёзилишича, Саййид Ҳасан мажлисларда Навоий ва кўплаб бошқа шоирлар шеърларини ўқиб юрган (2-илова), Ҳусайн Бойқаро мажлисларида қатнашган, ўзи ҳам йиғин ораста қилган. Навоий уни *“мажлисининг тузи ва малоҳатидур”*<sup>407</sup>, -деб эътироф этган.

3) “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ҳам тадқиқот манбаларидан биридир. Навоий ушбу манокӣбда Паҳлавон Муҳаммад Ҳусайн

<sup>403</sup> Қўрсатилган асар.-Б.88-506.

<sup>404</sup> Қўрсатилган асар. - Б.313.

<sup>405</sup> АНТАТ. 9-жилд. - Б.450-453.

<sup>406</sup> АНТАТ. 5-жилд. - Б.741.

<sup>407</sup> АНТАТ. 10-жилд. - Б.10.

Бойқаро мажлисларида доимий қатнашганини айтган: “(Султон Хусайн Бойқаро) ҳеч суҳбат тиламаслар эрдиким, Паҳлавондин айру қилгайлар. Борча мажлис ва маҳфилда Паҳлавон ҳозир эрди ва суҳбатнинг хушлуғига боис эрди”<sup>408</sup>, -деб ёзилган ушбу асарда.

8. Лирика. Алишер Навоийнинг айрим ғазаллари, Соқийнома ва қитъаларда ҳам мажлислар, самоъ йиғинлари, риндлар базмлари тилга олинган.<sup>409</sup>

*Кимда бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,  
Мундоқ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.  
Мажлисафрўзе агар ҳоле бўлса мажлис аҳлининг,  
Бағрини кўйдурғали оҳи жигарсўзе керак.*<sup>410</sup>

Хусайн Бойқаро “Девон”идаги айрим ғазалларда базмлар қайта-қайта тилга олинган:

*Куймагай парвона мендек, қолмагай ҳижрон туни,  
Базм аро гар ламъаи шамъи тирозимни десам.  
Эй Хусайний, эл саломат куйидин бўлгай жало,  
Гар Навоий янглиг оҳанги Ҳижозимни десам.*<sup>411</sup>

Юқорида қайд этилган мазкур манбалар Алишер Навоий қарашлари асосида Темурийлар даври адабий мажлисларини ёритишга хизмат қилади.

“Мажолис ун-нафоис” тазкираси темурийлар ва Хусайн Бойқаро адабий йиғинлари ҳақида нисбатан батафсил манбадир. Қуйидаги қисмда унга алоҳида тўхталамиз.

“Мажолис ун-нафоис” тазкираси илмий тадқиқотимизнинг асосий манбаларидан биридир.<sup>412</sup> Шеърятга ошно бўлган Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар ва шаҳзодалар - Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо (1377-1447), Сайди Аҳмад Мирзо (1391-1429), Бойсунқур Мирзо (1397-1433) Жўги Мирзо (1403-1445), Абобакр Мирзо (1382-1417), Халил Султон (1384-1411), Султон Бадиуззамон (1458-1515), Шоҳғариб (1471-1496), Фаридун

<sup>408</sup> Кўрсатилган асар. - Б.24.

<sup>409</sup> АНМАТ. 6-том. - Б.517.

<sup>410</sup> АНМАТ. 3-том. -Б.268.

<sup>411</sup> Хусайн Бойқаро. Рисола. Девон. (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов.). – Т. Шарқ НМК БТ, 1995.-Б.92.

<sup>412</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони ( “Тазкират уш-шуаро”дан). – Т. Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1981.-Б.188-196.

Хусайн(1478-1510) ва Муҳаммад Хусайн Мирзо(1476-1503)лар ҳузурида шеърӣ мажлислар ташкил этилган.<sup>413</sup>

Мустақиллик даврида **Амир Темур** ва темурийлар даври тарихи, маданияти ва адабиёти борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, китоблар ёзилган. Бу даврдаги адабиёт ҳақида Абдулаҳад Муҳаммаджонов “Темур ва темурийлар салтанати” китобида шундай ёзган: *“14-асрнинг 2-ярми ва 15-аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида янги ва жуда сермахсул давр бўлди. Бу даврда адабиёт бадиий услуб жиҳатидан такомиллашди, янги поғанага кўтарилди. Насрда ҳам, назмда ҳам кўплаб нодир бадиий ва лирик асарлар яратилди. Туркий ва форсий тилларда ижод қилувчи шоирлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик кенгайди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бадиий адабиётнинг ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, бу соҳага оид илмий асарлар яратилди”*.<sup>414</sup> Адабиётшунос Буробия Ражабованинг “Алишер Навоий Амир Темур ҳақида” мақоласида Навоий қарашлари асосида Соҳибқирон Темур киёфаси гавдалантирилган.<sup>415</sup> Бундан ташқари, Амир Темур ва темурийлар замонидаги адабий муҳит тўғрисида Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида ҳам шундай сўз юритилган: *“Амир Темур нозиктаъб инсон, гўзалликни чуқур ҳис этадиган, адабиёт ва санъатнинг қадрига этадиган зот ҳам эди. Унинг бадиий адабиётга муносабати шу пайтгача махсус ўрганилмаган. Бунга ойдинлик киритишда бизга биринчи кўмакдош Алишер Навоийдир. Адабиёт тарихининг буюк билимдони, хусусан темурийлар тарихини яхши билган Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бу даврда етишган ва ижод қилган ижодкорларга батафсил тўхтаб ўтган”*.<sup>416</sup> “Мажолис ун-нафоис”да ёзилганидек, *“Темур Кўрагон” – анораллоҳи бурҳонаҳи, гарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурулар, аммо назм ва насрни*

<sup>413</sup> Бу ҳақда қаранг.: Қораев Ш. Навоий адабий мажлислари. -Қарши. “Қашқадарё кўзгуси ОАВ”, 2019. Қораев Ш. Навоий мажлислари. -Тошкент. LESSON PRESS, 2020. Qorayev Sh. Navoiy majlislari.-Toshkent. LESSON PRESS, 2021.

<sup>414</sup> Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Т: Қомуслар Бош таҳририяти-1994.-Б.144.

<sup>415</sup> Ражабова Б. “Алишер Навоий Амир Темур ҳақида”. Мақола. UZA.UZ

<sup>416</sup> Ҳайитметов А. “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” Т: “Фан”, 1996. –Б.14.

андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқузони минг байт айтқонча бор”.<sup>417</sup> Аниқроқ қилиб айтганда, гарчи Амир Темур шеърлар ёзмаган бўлсада, кўп назмий ва насрий асарлардан хабардор бўлган, уларнинг катта қисмини ёддан билган. Ўзаро суҳбатларда, *олимлар ва шоирларнинг мажлислари*да, дўстлик ва ўртоқлик гурунглирида соҳибқирон, Навоий ибораси билан айтганда, ўз ўрни ва ўз вақтида (“маҳал ва мавқеъда”) шеърӣ асарлардан айрим парчаларни, насрий асарлардаги эсланишга лойиқ бўлган эпизод ва сюжетларни, бу асарларнинг қаҳрамонларига оид байтларни маълум бир воқеалар муносабати билан ёддан келтира олган.<sup>418</sup> Ваҳоланки, “Темур тузуклари”да Амир Темурнинг Амир Ҳусайнга ёзган байти келтирилган:

*Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макр, қайтадир бир кун анга.*<sup>419</sup>

А.Аҳмедовнинг “Амир Темур жаҳон тарихида” китобида ҳам Темурнинг адабиёт ва шеърӣятни ниҳоятда қадрлагани қайд этилган: Яъни “*Амир Темур шеърда жуда катта ижтимоӣ-фалсафӣй, ахлоқӣй маъно, нафосатни кўрган, сезган ва ундан бутун умри давомида фойдаланган, унинг завқи билан яшаган. Амир Темур ҳаётининг энг қийин дамларида шеър унга мураккаб масалаларни осон ечишга ёрдам берган*”.<sup>420</sup>

Тарихчи Поён Равшановнинг “Сайланма”сида Амир Темур ва Темурийлар давридаги адабий муҳит ҳақида шундай дейилган: “*Амир Темур ва Темурийлар давридаги адабий ҳаёт ҳақида сўз юритадиган бўлсак, гапни Соҳибқироннинг ўзидан бошлашга тўғри келади. Тарихӣй асарларда, жумладан, “Зафарнома”да Амир Темурга мансуб бир неча байт келтириб ўтилади. В.В. Бартольд ҳам Амир Темурнинг ўз саройидан форсигўй муаррихлар билан бир қаторда туркий (уйғур) бахшиларига ўрин берганлигини, уларнинг*

<sup>417</sup> Алишер Навоӣй. Тўла асарлар тўплами. Тўкқизинчи жилд. Т:Ф.Ғулом номидаги НМИЎ, 2012.-Б. 411.

<sup>418</sup> Ҳайитметов А. “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” Т: “Фан”, 1996. –Б.14.

<sup>419</sup> Темур тузуклари. Т:Ўзбекистон, 2014.-Б.50.

<sup>420</sup> Аҳмедов А. Амир Темур жаҳон тарихида. Т: “Шарқ” НМАК БТ , 2001.-Б.166.

*Амир Темур тарихини шеърий йўл билан битганликларини таъкидлаб ўтади*".<sup>421</sup>

Амир Темур ва Темурийлар даврида кўплаб шоиру адиблар ижод қилган. Бу даврда шоиру шуаро, фозилу фузалолар, илм аҳлини кўпайганлигини Иззат Султон шундай изоҳлаган: *“Темур ўз юртида дунёнинг кўп ерларидан энг қимматли капитал – илм ва ҳунар эгаларини йиққан эди. Темур авлодлари ўз ота-бобосининг шу бебаҳо мероси ва маҳаллий халқлар истеъдоди ва меҳнати заминида Темурнинг хаёлига ҳам келмаган маданий тараққиётга эришдилар. Самарқанд ва Ҳирот шу янги маданиятнинг маркази бўлиб қолди. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бошқа кўп катта-кичик шаҳарларига ҳам шу жонсиз ва “жонли бойлик” тарқалиб кетган, ҳунар ва билим, шеърият эгаларининг кўпчилиги вилоятларнинг бек ва султонлари саройида ўз ижодий ишларини давом эттирар эди*".<sup>422</sup> Албатта Навоий ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн”да Амир Темур даврига келиб туркигўй шоирлар пайдо бўлгани ҳақида қуйидагича зикр этган: *“Мамлакат араб ва сарт султонларидан турк хонларига ўтганидан сўнг, Халағухон замонидан сўнгра Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидан тортиб фарзанди Шохрух султон замонининг охиригача турк тилида ёзувчи шоирлар, шу жумладан, ул ҳазрат (Амир Темур)нинг авлодларидан ҳам хуштаб подшоҳлар пайдо бўлдилар.*

*Шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоий каби. Лекин форсий шоирлар қаршисига чиқа оладиган ёлғиз мавлоно Лутфийдан ўзга киши пайдо бўлмади.*

*Подшоҳлар ичидан ҳам султон (Абулқосим) Бобурдан бошқа ҳеч қайсисидан шеърий асар юзага чиқмади ва варақ юзига нақш қиларли ўзга нарса қолмади*".<sup>423</sup>

Амир Темур даврида яшаб, ижод қилган шоирлардан бири Исомий Самарқандийдир. Бу ҳақда Ф. Шукуров “Темурийлар даврида яшаб, ижод этган шоирлар” номли мақоласида шундай

<sup>421</sup> Равшанов П. Сайланма. Иккинчи жилд. Т. Янги аср авлоди, 2006.-Б.450.

<sup>422</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ғулом номидаги БАН, 1969.-Б.34-35.

<sup>423</sup> Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Т. Академнашр, 2017.-Б.81.

ёзган: “2014 йил Ливан давлатининг Байрут шаҳрида чоп этилган “Зариъа ила тасан: фиаша шиъа” китоби муаллифи аллома Шайхоқа Бузург ата Техронийнинг ёзишича, Байрут кутубхонасида 4999 рақами остида сақланган бўлиб, “Девони Исомий Самарқандий” деб номланади: “Шоирнинг номи Абдулмаликхон бўлиб, Амир Темур даврида шайхулислом лавозимида ишлаган бўлиб, у шоир Бисотий Самарқандийнинг устози бўлиб, Исомий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Исомий яна форсий тилда ҳинд подшоҳлари тарихи ҳақида “Ал-футуҳот ас-салотин” – “Султонлар галабалари” номли маснавий ҳам ёзиб, уни 751 ҳижрий йили тугатган экан. Бу мисоллардан келиб чиқадики, нафақат Халил Султон даврида, балки Амир Темур даврида ҳам илм ва адабиёт анъаналари давом эттирилган ва бу даврда нафақат халқ орасида, балки саройнинг ўзида ҳам шоир-у уламолар қимматли асарлар битган. Шайхулислом Абдулмаликхон Исомий ҳам бундай уламолардан бири бўлиб, фикҳ ва адабиёт соҳасида асарлар ёзиб, форсий тилда девон ва маснавий ёзган. У ўз замонасининг асосий адабий сиймолардан ҳисобланиб, нафақат ўз шогирдлари, балки Самарқанд адабий муҳитига катта таъсир кўрсатган.<sup>424</sup> Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да “Амир Темур кўрагон замони” шайхулисломи Хожа Абдулмалик Исомийни “илму фазли билан бирга ажойиб ашъори бор”<sup>425</sup> деб таърифлаб, қуйидаги шеърини келтирган.

*Сендан хешлар хабари йироқ эмас, Исомий,  
Бўлма бугун фироқдан қадди ўроқ оқибат.*<sup>426</sup>

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида шаклланган шоирлар қадим Туркистон ва Олтин Ўрда адабий мактаби анъаналарига суяниб, ўзбек адабиётини янги юксак поғоналарга кўтара бошлаганлар.

Амир Темур даврида форсий шеърятда жаҳонга машҳур Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Салмон Соважий кабилар,

<sup>424</sup> Шукуров Ф. “Темурийлар даврида яшаб ижод этган шоирлар”. samxorfil.uz

<sup>425</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан).Т: Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1981.-Б.131.

<sup>426</sup> Кўрсатилган асар.-Б.131.

туркий шеърятда Саййид Насимий, Сайфи Саройи, Лутфий, Дурбек кабилар ижод қилганлар ва ном чиқарганлар. Лекин уларнинг Соҳибқирон билан ўзаро муносабатлари ҳақида бизга жуда кам маълумот етиб келган. Марҳум адабиётшунос Ҳаким Ҳомидий ва таниқли тожик адабиётшуноси Отахон Сайфуллаев фикрига кўра, Амир Темур шоир Шайх Камол Хўжандийнинг ҳаётида муҳим рол ўйнаган.<sup>427</sup> Ш. Аҳадов ва Т. Эгамовларнинг “Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти” номли китобида *машҳур шоир Мавлоно Аҳмад ат-Термизий Сирожиддин Бисотий Самарқандий Амир Темурга бағишлаб қасидалар ёзганлиги, Мавлоно Мансур ал-Қоғоний Хиялийи Бухорий, “Темурнома” асари муаллифи шоир Аҳмад Қармоний, Лутфулло Нишопурий, қасиданавис Шайх Камол Хўжандийларни*<sup>428</sup> Соҳибқирон ҳурмат қилиб, илтифот кўрсатганлиги зикр этилган. Шоир ва хонанда, бастакор Абдулқодир Мароғий Амир Темурнинг сарой базмлари ва адабий мажлисларда иштирок этган. Бу ҳақда “Темур ва Улуғбек даври тарихи” китобида шундай ёзилган: “Амир Темур забт этилган мамлакатлардан маданият, адабиёт ва санъат арбобларини Самарқандга жўнатиб турган. Улар орасида Навоий “Муншаот”нинг 91-мактубида<sup>429</sup> зикр этган Абдулқодир (Мароғий) (1353-1435) ниҳоятда машҳур эди. Озарбайжоннинг йирик маданият маркази бўлган Мароғадан чиққан Абулқодир уйғониш даврига мос тарзда хилма-хил билим ва истеъдодга эга: шоир, хонанда, қори, мусиқа ижрочиси ҳамда назариётчиси эди. Самарқандда ва кейин Ҳиротда эканида унинг ижодий фаолияти айниқса сермахсул бўлди. Бу ерда Абдулқодир Мароғий пойтахт мусиқачиларига мураббийлик, сарой базмлари ва алоҳида мажлисларда мусиқа дастурига ташкилотчилик қиларди.”<sup>430</sup> Форс ва туркий тилларда шеър ёзган Хожа Абдулқодир Мароғий Амир

<sup>427</sup> Аҳмедов А. Амир Темур жаҳон тарихида. Т: “Шарқ” НМАК БТ, 2001. –Б.165.

<sup>428</sup> Аҳадов Ш, Эгамов Т. Амир Темур ва Темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. Самарқанд, 2004. –Б.70-72.

<sup>429</sup> Алишер Навоий. Муншаот. Т: «Маънавият», 2001.-Б.83.

<sup>430</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.-Б.228.

Темур ва Темурийлар саройида қирқ йилдан ортиқ мобайнида хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Амир Темур ва темурийлар давридаги маданий-адабий тараққиёт ҳақида шундай ёзади: *“Амир Темур ва Темурийлар давридаги маданиятга ҳавас қўймоқ– Андалузия умавийлари давлатининг порлоқ даври билан Арабистондаги аббосийларнинг илк ҳукмронлик замонини истисно этганда–ислом оламнинг бошқа бирорта жойида содир бўлмади. ...Гарчи темурийлар тараққиёт даврига Эронда мўғил ҳукмдорлари вақтидаги фикрий уйғонишнинг давоми назари билан қарамоқ лозим бўлса ҳам, аммо фанлар ва санъат Мароға, Табриз, Султония саройларида ҳеч қачон Ҳирот ва Самарқанддаги каби кўп ва турли шаклларда порламади”*.<sup>431</sup>

Темурийлар сулоласи тарихига назар солар эканмиз, Амир Темурнинг фарзандлари ва набиралари ҳузурида адабий мажлислар ташкил этилганига, унда надим(мажлис ходими)лар хизмат қилганига, хусусан Мироншоҳ Мирзонинг Табриздаги саройида кўплаб шоирлар яшаганига ва унинг адабий мажлисларига иштирок этганига гувоҳ бўламиз. Буни Иззат Султон шундай изоҳлаган: *“Ҳақиқатан санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиши ёки шеърлар эшитиб, шеърят ҳақида музокаралар олиб бора билиши темурийлар орасида одат тусига кирган эди...*

*Шундай қилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида “Темур ва темурийлар даври” деб аталмиш палла муҳим тенденция билан характерли эди: туркий (қадимий ўзбек) зиёлиларининг ўз миллий адабиёти ва маданиятини кенг ривож эттиришига интилиши, бу интилиш ҳатто темурий шаҳзодалар муҳитида ҳам кучли эди”*.<sup>432</sup>

Мироншоҳ Мирзо қошида анъанавий шеърят кечалари ўтказилганини “Тазкират уш-шуаро” ва “Мажолис ун-нафоис”да келтирилган қуйидаги ҳикоятдан маълум бўлади: *“Султонзода Мироншоҳ Амир Темур ҳукмронлиги даврида етти йил Хуросонга*

<sup>431</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990. -Б.72.

<sup>432</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари Т: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969. -Б.28-30.

подшоҳлик қилди. Шундан кейин Соҳибқирон ҳазратлари Хуросонни Шохруҳ султонга, Табриз, Озарбайжон мамлакати ва унга тобе ерларни Мироншоҳ мирзога инъом этади...Бир куни (Мироншоҳ Мирзо) отдан йиқилиб, миясига заҳма етди. Табиблар қанчайин уринмасинлар, фойдаси тегмади. Ақли шу қадар заифлашдики, савдойилик ва жунунлик даражасига етди. (У) ҳамма вақт масхарабозлар билан бўлар, амирлар, ноибларни шармисор этар, уларни ўз ҳолига қўймас эди. Амир Темур кўрагоннинг тамом инояти ва марҳаматини қозонган ўз муҳтарама хотини Хонзодани унинг амри билан боғлаб, изза қилдилар, қийнадилар. Хонзода ундан қочиб, Самарқандга Соҳибқирон олдига борди. Қонга беланган кўйлагини Соҳибқиронга кўрсатиб, ўғил аҳволини отага баён қилди. Улуг амир йиглаб юборди ва бир ҳафта мобайнида бирон киши билан сўзлашмади, сўнг Озарбайжонга лашкар тортди. Бу уч йиллик юришга ана шу ҳодиса сабаб бўлди. Мазкур воқеа 1393 йил март-апрель ойида содир бўлди. Ўшанда амирзода **Мироншоҳ мажлисининг** надимлари бўлмиш уч нафар фозилни, яъни кўпчилик илмларга моҳир ва айниқса, камёб илмлардан хабардор мавлоно Муҳаммад Коҳагий Кўҳистоний, мавлоно Қутбиддин Нойи ҳамда Абдулмўмин Гўяндани, шулар суҳбати (мажлиси) туфайли шаҳзодани ақлдан озганликда айблаб, ўлимга маҳкум этишиди. Уларнинг ҳар учаласини Казвин дарвозасига осдилар... Соҳибқирон ҳазратлари амирзода Мироншоҳнинг яқин суҳбатдошларини қатл эттиргач, икки ойгача ўғлини кўришни истамади.<sup>433</sup> Бироқ Навоий “Мажолис ун-нафоис”да мажлис надимларидан бири Абдулмўмин Гўянда ўрнига Хожа Абдулқодир (Гўянда) номини келтириб, у қаландар қиёфасига кириб жазодан қутилиб қолганини айтган. Хожа Абдулқодир узоқ вақт яшириниб юрган. Аммо Ироқда уни тутиб, Амир Темур ҳузурига олиб келишади. Навоий бу ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да шундай ёзган: “Ул ҳазрат (Амир Темур) тахтда эрдиларким, Хожаи фақир(Хожа Абдулқодир Гўянда)ни девоналикқа қўймай, судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлгай, чун Хожа(Абдулқодир)нинг

<sup>433</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.129-130.

камолотидин бири Қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била қуръон ўқумоқ бунёд қилдиким, ул ҳазрат(Амир Темур)нинг газаби лутфқа мубаддал бўлиб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мисрани(Рубоийнинг тўртинчи мисраси) ба вақт ўқудиким:

*Абдол зи бим чанг бар мусҳаф зад.*<sup>434</sup>

(Таржимаси: Қаландар кўркувдан Қуръонга чанг солди).

Шундан сўнг Амир Темур “*Хожага илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз (Амир Темур) олий мажлисида надим ва мулозим қилди.*”

Юқорида ҳикоятда зикр этилган адабий мажлис надимлари ва Мироншоҳнинг ноиблари – шоирлар, мусиқачилар, ҳофизлар, созандалар Абдулмўмин Гўянда, Ардашер Чангий, Мавлоно Муҳаммад Кўҳистоний, Хожа Абдулқодир Гўянда, Қутбуддин Нойий, Ҳабиб Удийлар Мироншоҳ Мирзонинг Табриздаги саройида хизмат қилишган. Шоир Хожа Абдулқодир Гўяндадан ташқари барчаси Мироншоҳ Мирзо йўл қўйган хато ва камчиликларга айбдор деб топилиб, қатл этилган. Ҳамидулла Дадабоев “Амир Темур даврдошлари” китобида Хожа Абдулқодир Гўянда ҳақида шундай ёзган: “...Асл исми Низомуддин Абдулқодир ал-Ғайбий ал-Бағдодий бўлмиш атоқли шоир, мусиқачи, хаттот ва мусаввир. “Гина ва алҳон” асари муаллифи, турли фанлар билимдони, тенги йўқ қори. Ажойиб шеърлари халқ ичида шуҳрат топган. Дастлаб Султон Аҳмад Жалойир саройида хизмат қилган. 1393 йилда Соҳибқирон фармонига мувофиқ, Бағдоддан Самарқандга келган. Мироншоҳ Мирзонинг йўлдан озишига асосий сабабчилардан ҳисобланган.”<sup>435</sup> “Мажолис ун-нафоис”дан маълум бўладики, Хожа Абдулқодир Гўянданинг кейинги тақдири Амир Темур саройи билан боғлиқ. У Қуръон ҳофизи ҳамда шоир сифатида саройда ва Амир Темур ҳузуридаги “олий мажлис”да хизмат қилган. Шунингдек, “Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти” китобида ёзилишича, шоир Лутфулло Нишопурий Мироншоҳ саройида хизмат қилиб, унинг

<sup>434</sup> Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”. Т:Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.168-169.

<sup>435</sup> Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари. Т: “Навоий университети” НМУ, 2018.-Б.200.

мажлисларида маддоҳ бўлган.<sup>436</sup> “Маънавий ва сурий ғазалсаролар девонининг шоҳбайти Мавлоно Лутфуллоҳ Нишопурий Жамшиднишон хоқон Соҳибқирон Амир Темур кўрагон замонида ўтган бўлиб, амирзода Мироншоҳнинг ҳам маддоҳи эди. Илмлар фанларида шундай эдики, маъно гўйини қалам чавғони билан замон сўз усталари майдони арсасидан суриб, акронлари орасида валиймисол ул зот фузало ва зурафо орасида муттафиқ эдилар. Нодиракор табълари аксар шеър айтишга майл этарди. Санайи 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда ҳаётлари кемаси (йўқлик сари) ғарқоби фано бўлди.”<sup>437</sup>

Мухтасар қилиб айтганда, барча темурий шаҳзодалар ҳузурида ўтказилгани каби биз юқорида номлари қайд этилган шоирлар, созандалар ва хонандалар Мироншоҳ Мирзо саройида ташкил этилган адабий мажлисларда иштирок этишган.

**Шоҳрух Мирзо** (1377-1447)нинг Ҳиротдаги саройида ҳам адабий мажлислар ўтказилган. Бундай шеърхонлик кечаларида бошқа зиёлилар каби Хуросоннинг машҳур шоирлари иштирок этган. Ҳерман Вамбери *“Шоҳрух-темурийларнинг энг машҳур ва олижаноб бир шаҳзадаси бўлиб, унинг саройи замонасининг фан ва маориф ўчоғи”*<sup>438</sup> бўлганлигини таъкидлаган. В.Зоҳидов “Улуғ шоир ижодининг қалби” китобида Шоҳрух Мирзо ҳақида Ҳерман Вамбери билан муштарак фикр билдириб, жумладан шундай деган: *“Шоҳрух ҳам илмга, адабиётга, санъатга анчагина муҳаббат билан қарар, ҳаттоки, ўзи ҳам шеърлар ёзарди. Унинг даврида ва ундан кейинги бир оз вақт ичида Ҳиротда қимматли адабиёт, санъат асарлари, анчагина маданий бойликлар яратилган, тўпланган, бир қанча илм, адабиёт кишилари йиғилган, гўзал бинолар қурилган”*.<sup>439</sup> Ш.Шомухамедов ҳам “Форс-тожик адабиёти классиклари” китобида Шоҳрух Мирзо даври ҳақида шунга ўхшаш қуйидаги фикрларни билдирган: *“Хуросоннинг қадимий маданият марказларидан бўлган Ҳирот айниқса XV асрда (бошида) равнақ*

<sup>436</sup> Аҳадов Ш, Эгамов Т. Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. Самарқанд, 2004.- Б.72.

<sup>437</sup> Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.12.

<sup>438</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.60.

<sup>439</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби.Т. “Ўзбекистон”, 1970.-Б.47.

топмоқда эди. *Шоҳрух Мирзо давлатининг пойтахти бўлган бу шаҳарда ўша даврнинг энг машҳур санъат ва адабиёт арбоблари тўплана бошлаган эди*".<sup>440</sup>

“Мажолис ун – нафоис”да ёзилишича, Шоҳрух Мирзо бир мажлисда устод Қиёмиддин Меъморга қурган иморати учун эътироз билдириб, бир йил уни мулозаматдан маҳрум қилади. Йил бошида Қиёмиддин Меъмор тақвим тузиб, сарой эшигига келиб, Шоҳрух Мирзони кўришга муштоқ бўлади. Ва судур орқали тақвимни Шоҳрух Мирзо ҳузурига киритиб юборади. Тақвимни кўргач, Шоҳрух Мирзо табассум қилиб қуйидаги байтни ўқийди.

*Ту кори заминро наку сохти-  
Ки ба осмон низ пардохти.*<sup>441</sup>

(Таржимаси: Сен ернинг ишини яхши бажариб, энди осмон ишига киришдинг).

Навоий Шоҳрух Мирзонинг шеърга таъби борлиги ва зукко киши бўлганлигини Абулқосим Бобурдан эшитган юкоридаги воқеа мисолида талқин қилган.

Мироншоҳ Мирзонинг ўғли шоир Сайди Аҳмад Шоҳрух Мирзонинг саройида доимий хизматида бўлганлигини, базму мажлисларида қатнашганлигини, унга ўз асарини бағишлаганлигини “Таашшукнома” асари ва қуйидаги байтлар тасдиқлайди.<sup>442</sup>

*Шаҳаншоҳи жаҳон Доройи аъзам,  
Фаридун сийрату Жамшид мақдам.  
Сулаймон талъату Кайхисрав иршод,  
Сикандар шавкату Нўширавон дод.  
Улуғ султон муаззам Шоҳруххон,  
Муҳаммад хулқу Султон бинни Султон.*

Ҳерман Вамбери шоир Қосим Анворни Шоҳрух саройида бир муддат яшаганини қайд этган: “*Қосим Анвор (асл номи Муъниддин*

<sup>440</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёт классиклари. Т. Ўзадабийнашр, 1963. –Б.152.

<sup>441</sup> Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд.Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.411-412.

<sup>442</sup> Муборак мактублар. Сайид Аҳмад “Таашшукнома”.Т.Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.142-143.

Али) замонасининг буюк тасаввуф шоиридир. У аввал Шоҳрух Мирзо саройида яшаган”<sup>443</sup> ва мажлисларида иштирок этган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”сида шоир Озарий Шоҳрух саройи малик уш-шуароси бўлганлиги ҳақида шундай ёзилган: “Мусулмонлар ҳомийси подшоҳ (Шоҳрух султон) шоир Шайх Озарий таъзиму тарбиятида бўлиб, у (Шоҳрух Мирзо саройи) малик уш-шуароси бўлган, подшоҳга бағишлаб қасидалар ёзган”<sup>444</sup>.

Эргаш Очилов ҳам “Барҳаёт сиймолар” китобида “Тазкираи Қайюмий”га таяниб, Лутфийни ҳам (бир муддат) Шоҳрух саройида хизматда бўлганлигини айтган: “Тазкираи Қайюмий”да ўқиймиз: “(Лутфий) Ўз замонининг жаҳонгашта олим шоиридур. Бошида теурийлардан Шоҳрух Мирзо саройида (1404-1446) хизматда бўлган”<sup>445</sup> Мавлоно Яхё Себак “Шоҳрух султон замонида фазли ва истеъдодда шухрат қозонди. (У) хусусан шеър ва хаттотлик илмида зоят моҳир, соҳиби илм экани”<sup>446</sup> билан ном таратди. Бойсунқур Мирзо надимларидан Бобо Савдойи Шоҳрух Мирзо мажлисларида ҳам иштирок этган. Кунлардан бир куни Савдойи Абивард аҳлини Жони Қурбоний халқи талон–тарож қилаётганлиги ҳақида шеър ёзиб, унда дастлаб Шоҳрух Мирзони мадҳ этади ва ҳамда бу қасидани Шоҳрух Мирзо йиғинида ўқиган.

*Жони Қурбон кенгашидан бўлди юрт вайрон,  
Қилди бадтар бир қурултой Муҳаммад Тўқон.  
Қув бу душман қавмини эй подшоҳи одил,  
Ё қил фалак янглиз Келот тоғини вайрон.*<sup>447</sup>

Айниқса, “Мажолис ун-нафоис”да келтирилган Шоҳрух саройидаги баъзи руҳонийлар куфрда айблаган шоир Ҳусайн Хоразмий воқеаси қизиқарлидир. Ҳусайн Хоразмий куйидаги тасаввуфона байти учун Ҳиротга Шоҳрух саройига сўроққа чақирилади:

---

<sup>443</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

<sup>444</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.158.

<sup>445</sup> Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. Т:Ўзбекистон, 2012.-Б.304.

<sup>446</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан). Т: Ф.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.164.

<sup>447</sup> Кўрсатилган асар.-Б.170-172.

*Эй дар хамаи олам пинҳон ту ва пайдо ту,*

*Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли муддао ту.*

(Мазмуни: *Эй, бутун оламга яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан, ошиқ юрагининг дарди ҳам, бу юракнинг асл давоси ҳам ўзингсан.*)<sup>448</sup>

Ҳирот илоҳиётчи олимлари ва шоирлар йиғилган мажлисда Ҳусайн Хоразмий бу байт мазмунида куфроналик йўқлигини исботлаб берган ва оқланиб, Хоразмга қайтган.<sup>449</sup>

Албатта Шохрух Мирзо адабий мажлислари ҳам ўз даври зиёлилари, шоиру адиблари, фозилларини бирлаштирган, дейиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, **Сайди Аҳмад Мирзо** (1391-1429)шоир сифатида Шохрух Мирзо саройида яшаган ва унинг шеърӣ мажлисларида иштирок этган. Темурий шоирга Шибирғон музофати суюрғол қилинган. Шоир Сайди Аҳмад Мирзо девон тузган. Зикр этганимиздек, у Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си руҳида Шохрух Мирзога бағишланган “Таашшукнома” достонини ёзган.

“Мажолис ун-нафоис”да шоир ҳақида шундай дейилган: *“Салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам газал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий газал таврида девони бор. Ва маснавий таврида “Латофатнома” анингдур. Бу туркча матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:*

*Сайд этти фироқинг мени мурғи сахарийдек,*

*Қил одамийлик, қилма ниҳон юзни паридек.*<sup>450</sup>

Отаси каби хуштаъб **Султон Аҳмад Мирзо** (1414-1498) Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, Ҳирот шаҳрининг доруғаси этиб тайинланган. Навоӣ таъбири билан айтганда, у *“гоҳи назм ҳам айтур. Бу байт анингдурким:*

*Сен киби шўхи ситамгар дунӣида пайдо қани,*

*Сеҳр бобида кўзингдек кофири яғмо қани?*<sup>451</sup>

<sup>448</sup> Алишер Навоӣ. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.294.

<sup>449</sup> Насафӣ. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Т: Фан, 1993.-Б.11.

<sup>450</sup> Алишер Навоӣ. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.414.

<sup>451</sup> Кўрсатилган асар. –Б.414-415.

Султон Аҳмад Мирзо Султон Ҳусайн мажлисларида ҳам иштирок этган ва унинг ўзи ҳам йиғинлар ташкил этган. Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да уни *“мажлисдорликда беназир”*<sup>452</sup> деб таърифлаган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мироншоҳ Мирзонинг ўғли 1405-1409-йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган **Халил Султон** (1384-1411) саройида ҳам олимлар, фозиллар, санъаткорлар ва шоирлар ижод қилган. Шаҳзоданинг ўзи ҳам шеърлар ёзган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоирлар ва зиёлилар тўпланадиган Халил Султон саройидаги адабий мажлис тўғрисида шундай ёзган: *“Зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машхурдурким, ўзи шеър айтур эрди. Андоқки, девони таърифида Хожа Исматуллоҳ қасида айтибдур,*<sup>453</sup> *аммо тилаб топилмади, ушбу матлаудин ўзгаким”*, деб ёзади Навоий ва темурийзоданинг шеърдан мисол келтириб:

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,*

*Коми дилимиз, лаъли равон баҳши раво қил.*

Дарҳақиқат, Халил Султон мажлислари ўз даврида донг таратган эди. Фахрий Ҳиравий Навоий фикрларига кўшилган ҳолда *“Ва унинг мажлисида ҳамиша хуштабълар ҳозир бўлардилар. Ва ўзи ҳам шеърни яхши айтар эди”*<sup>454</sup>, дейди.

Навоий ва Фахрий Ҳиравий зикр этган Халил Султон мажлисларининг доимий иштирокчиларидан бири унинг устози, хуштабълар пешвоси, Самарқанд адабий муҳитининг забардаст вакили Исматулло Бухорий (1365-1436) бўлган. Хожа Исмат ҳукмдор шогирдини доимо маънан ва руҳан қўллаб-қувватлаб, шоирликдан сабоқ берган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да бу ҳақда шундай деган: *“Хожа Исматулло (Бухорий) Султон Халил ҳукмронлиги даврида унинг тарбиятини топган. Шаҳзода уни гоаят эҳтиром қилур эрди...Султон Халил шеърят илмини хожа (Исмат)дан ўрганди. Хожа Исматнинг ошиқона*

<sup>452</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т: Мумтоз сўз, 2014.-Б.52.

<sup>453</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.Ф.Фуллом номидаги БАН, 1966.-Б.171.

<sup>454</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.Мумтоз сўз, 2014.-Б.42.

*газаллари, орифона сўзлари Шохрух султон замонида шу қадар шухрат топдики, халқ бошқа шоирлар шеърларини қўлга олмай қўйди*".<sup>455</sup>

1365 йилда Хожа Фахриддин Исматиллох бин Масъуд Исмат Бухорий савдогар оиласида таваллуд топди. Мутасаввиф шоир ва валиюллох, хожалар авлодига мансуб Хожа Исматнинг отаси Бухоронинг фозил кишиларидан бири бўлган. Исмат Бухорий бошланғич маълумотни айнан отасидан олган, шундан сўнг у Бухоро мадрасаларида ўқиган. Ўз даврининг асосий билимларини эгаллаб, замонасининг етук олими ва шоири бўлиб етишган. Бундан ташқари, у ўз даврининг машҳур уламоларидан ҳамда шеърият илмининг етук билимдонларидан бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий Бухорий ҳақида “Тазкират уш-шуаро”да шундай ёзган: *“Бузургзода, фозил ва билимдон киши эрмиш, насаби Жаъфар ибн Абу Толибга уланади. Хожа Исматиллонинг ота-боболари Бухорода улуг ва фозил кишилардан эканлар. Отаси Хожа Масъуд Бухоро задагонлари жумласидандир. Хожа Исматилло ана шундай олий зотлигига қарамасдан, шоирлик шеvasида – хоҳ қасидагўйлик ва газалиётда, хоҳ маснавий ёки муқтаъотда ва хоҳ бошқа услубларда бўлмасин, маълум, машҳур ва моҳирдир*”.<sup>456</sup>

Таъбир жоиз бўлса, шеърлари эл орасида машҳур бўлган *“Хожа Исматилло Бухорийнинг доврўгини эшитган Халил Султон Самарқандга – ўз саройига даъват этади. У шахзодага доимий ҳамсуҳбат, шеъриятда устоз эди. Исмат ва Носирий тахаллуслари билан ижод қилган Бухорий Самарқанд адабий муҳитида катта мавқега эга бўлиб, ҳатто таниқли шоирлар ундан маслаҳат олиб туришган*”.<sup>457</sup> У икки тилда яъни форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод қилиш анъанасини бошлаб берган зуллисонайн шоирлардан биридир.

Адабиётшунос Фозилжон Шукуровнинг “Темурийлар даврида яшаб ижод этган шоирлар” номли мақоласида Самарқанд адабий

<sup>455</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.147.

<sup>456</sup> Кўрсатилган асар.-Б.146-147.

<sup>457</sup> Алишер Навоий: Қомусий луғат. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016. –Б.119.

муҳитида Хожа Исмат Бухорийнинг юксак мавқега эга бўлганлиги зикр этилган: *(Хожа Исматулло Бухорий) Халил Султон салтанати даврида унинг саройига жалб этилади ва шон-шуҳрат қозонади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса унинг саъй-ҳаракати билан Самарқандда адабий муҳит ривожланиб, маҳоратли шоиру олимлар саройга жалб этилади. Жумладан “Ҳасирий” тахаллуси билан машҳур бўлган самарқандлик шоир Сирожиддин ҳам унинг назарига тушиб, саройга келтирилади. Хожа Исмат бу истеъдодли ёш шоирни қўллаб-қувватлайди. Ҳақиқатан ҳам, Хожа Сирожиддин қисқа муддатда ўз истеъдодининг номаълум қирраларини кўрсатади ва ҳатто ўз девонини тузишга киришади. Ўз устози Хожа Исмат маслаҳати билан у Ҳасирий тахаллусидан воз кечиб, “Бисотий” тахаллусини қабул қилади ва шу ном билан мадҳий қасидалар, ишқий газаллар ва бошқа жанрларда ижод қилади. Ўзининг бир байт шеъри билан машҳур бўлиб, Халил Султондек темурийзодага манзур бўлган шоир шеърлари темурийлар салтанатидан ташқарида ҳам ўз ихлосмандларига эга бўлади”.*

Саройда шоир улкан шон-шуҳрат ва мавқега сазовор бўлиб, буюк ғазалнавис сифатида танилади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “...*(шеъроят) кечаларидан бирида хонандалар Султон Халил мажлисида Бисотий анъоридан бир парча ўқидилар. Бу подшозода Халилга хуш келди ва одам юбориб, Бисотийни чақиртирди. Унга таҳсин айтиб, минг динор ҳадя қилди. (Хонандалар айтган) шеър матласи қуйидагидир:*

*Дилинг шиша, кўзларинг кезадур ҳар гўшани,  
Мастсану шўхлик ила синдирма ногоҳ шишани”.*<sup>458</sup>

Хожа Исмат Бухорийнинг яна бир шогирди Хаёлий Бухорийдир. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: “*Хожа Исмат Бухорий шогирдларидан саналади. Мустаъид ва хуштабъ бўлиб, дарвешона ва равон ва покиза сўзлайди. Девони Мовароуннаҳр, Бадахшон ва Туркистонда кўп машҳурдир. Яна икки*

<sup>458</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). Т. Ғ.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.141.

*Хаёлий ҳам борким, бири Сабзаворда, яна бири Тус вилоятидан. Лекин (уларнинг бирортаси) мавлоно Хаёлий Бухорийга тенг келолмайди*".<sup>459</sup> Шу тарика саройда нафақат форс-тожик тилида, балки туркий тилда ҳам ижод қилиш учун имкониятлар вужудга келади. Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис”да Хаёлийнинг туғилган жойи айнан Бухоролиги ҳамда Хожа Исматнинг шогирди эканлигини қайд этган ва ижодидан намуна келтирган:

*Тийри дардинг, эй ошиқлар қалбини қилган нишон,  
Сен бирла эл овора-ю, сен эрса зойиб – бенишон.*<sup>460</sup>

Юқорида таъкидланганидек, Самарқандда Хожа Исмат Бухорий саъй-ҳаракатлари туфайли кучли адабий муҳит юзага келади. Мавлоно Бисотийдан ташқари, бу адабий муҳитда Мавлоно Бадахший, Хаёлий Бухорий, Бурундук Бухорий каби машҳур шоирлар ҳам тўпландилар.

Шеърят кечаларида Исмат Бухорий, Котибий Нишопурий, Хаёлий Бухорий, Мавлоно Бисотий каби шоирлар Халил Султонга бағишлаб қасидалар ўқишган. Қасиданавис шоир Хожа Исмат Бухорий девонидаги “қасидаларнинг аксарияти ҳам асосан темурий ҳукмдорлар Халил Султон, Шоҳрух ва Улуғбек мадҳига бағишланган. Қасидалар сони девонда 81 та. Қасоид тартиботидан маълум бўладики, унинг энг кўп миқдори Халил Мирзога аталган (Жами 41 қасидадан 4 тасининг сарлавҳасида Насриддин Халил Мирзо, 10 тасида Султон Халил, 1 тасида Насриддин Халил Султон ва қолган 26 тасида эса Халил Мирзо номлари битилган. Асар руҳиятидан 11 таси унинг тахтга чиққан даврида ёзилган). Қасидалар амирзода ва ақобир (улуғлар)нинг феъл-атвори бўйича ҳам муҳим маълумотлар олишга ёрдам беради.

Шоир қасидаларининг асосий зоявий мазмуни бу “Аллоҳ, Муҳаммад пайгамбар, чаҳорёрлар, темурий мирзолар, хусусан Халил Султонни мадҳ этишидан иборат бўлган”.<sup>461</sup> Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис”да Исмат Бухорийнинг биз юқорида қайд

<sup>459</sup> Кўрсатилган асар.-Б.141.

<sup>460</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.296.

<sup>461</sup> Раъно Раупова. Хожа Исмат Бухорий қасиданавис шоир./ Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Бухоро, 2020.- Б.78-80.

этган машхур девони ва Халил Султонга бағишланган “яхши қасидалари” борлиги ҳақида шундай ёзган: *“Ғоят хуштаъблигидин ўзин шеърға мансуб қилиб девони машхур бўлди. Ва Халил Султон отиға яхши қасидалари бор. Бу матлаъ Хожанингдурким:*

*Дил кабобест к-аз ў шўр барангехтаанд,  
Ва-з намакдони Халилаш намаке рехтаанд.*

*(Таржимаси: Юрак кабобдир, ундан шўр(гавго) қўзғотганлар, чунки у юракка халил(чин дўст) тузлуғидин туз сепганлар).*

*Ва Халил Султоннинг ашъорининг девони таърифида рангин қасидаси бор. Матлаи будурким:*

*Ин баҳри бегарон ки чаҳонест дар бараиш,  
Ғаввоси ақли кулл набарад пай ба гавҳараш.<sup>462</sup>*

*(Таржимаси: Бу-жаҳонларни ўз ичига олган бепоён денгиздир, буюк ақл гаввоси (Жаброил) ундаги гавҳарни пайқолмайди).*

Самарқанд тахтига Улуғбек келгач, Хожа Исматулло сарой хизматини тарк этади. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да бу ҳақда ёзади: *“Номи зикр этилган султон (Улуғбек) ундан шеър айтишини ёлвориб сўради. (Шунинг учун) заруратдан ул ҳазрат (Улуғбек) мадҳида бир неча қасида ёзди. Охири шеър ёзмай қўйди. (Шундай бўлса ҳам) унинг шарофатли мажлиси шоирлар тилаги ва фозиллар тўпланадиган жой бўлиб қолди. Мавлоно Бисотий Самарқандий, Мавлоно Хаёлий Бухорий, Мавлоно Бурундуқ Бухорий, Хожа Рустам Хурёний ва Тоҳир Абивардий ...Хожа Исмат билан суҳбатдошу асрдош акобир ва шоирлар жумласидандир. Хожа Исматнинг вафоти Улуғбек Кўрагон замонида 1436 (829 ҳижрий) йили содир бўлган”.*<sup>463</sup> Бироқ айрим тарихчилар аксинча Исмат Бухорий Улуғбек Мирзонинг ҳам сарой шоири бўлганлиги ва унга арузни ўргатганлиги тўғрисида маълумот берган.<sup>464</sup> Исмат Бухорийнинг Улуғбекка бағишланган “Дар бораи Улуғбек” қасидасидан қуйидаги сатрларни келтириш мумкин:

*Улуғбек султоне, ки аз ҳайбати боисаш,*

<sup>462</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн иккинчи том. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.14.

<sup>463</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.148.

<sup>464</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

*Зару боҳ амин чўяд, ба ҳар шабиҳи шеру нар.  
Чу Суқроту Буқрот, бaсе човушу дарбон,  
Чу Хуршеду Жамшидат, бaсе бaндаву чокар.  
Зи баҳси ту дар ҳайъат Арасту шуд мулзам,  
Зи нутқи ту дар ҳикмат шуд бў Али маҳзар.<sup>465</sup>*

*(Мазмуни: Улуғбек шундай султондирким, унинг ҳайбатидан барча нафс қуллари эркак шердан қўрққани каби омонлик тилайдилар. У Суқрот ва Буқрот каби ҳикмат эшикларини очувчи, унинг эшигида Хуршид ва Жамшиддек буюк шоҳлар ҳам бaнда ва аскар бўлишига ярайди. Унинг ҳайъатидан Арасту мулзам бўлди. Унинг ҳикматли нутқидан Ибн Сино маҳзар бўлди.)*

Хожа Исмат Бухорий девонидаги қасидалардан 13таси Мирзо Улуғбекка бағишланган. Аммо, қасиданавис шоир Хожа Исмат Улуғбекнинг саройда хизмат қилиш ҳақидаги таклифини рад этиб, дарвешлик йўлига кирган ҳамда авлиё даражасига етган.

Хожа Исматилло Бухорийдан бизгача 10000 минг байтдан иборат девон ва 1100 байтли ўзбек тилидаги “Иброҳим Адҳам” достони етиб келган.

Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сида Хожа Исматнинг дўсти, сафдоши ва суҳбатдоши Мавлоно Бурундукни ҳам Бухорий таҳаллуси билан тилга олади. Афтидан Давлатшоҳ Самарқандий бу билан Мавлоно Бурундукни айрим тазкиранавислар айтганидек, Хўжанддан эмас, балки Бухородан эканлигига ишора қилган бўлса не ажаб. Мавлоно Бурундук “Ибни Нусрат” ва “Бурундук” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Мироншоҳ, Умаршайх ва унинг ўғли Бойқаро Мирзо саройида хизмат қилган. “У олий даражали шахзода Бойқаро ибн Умаршайх султон ибн Амир Темур хизматида эди. Бухоро ва Самарқанддан ул шахзода хизматига – Хуросон ва Ироққа бориб қолган”.<sup>466</sup> Давлатшоҳ Самарқандий маълумотларига асосланиб, икки ҳазил ва мутойибага мойил шоирлар Мавлоно Бурундукни Хожа Исмат билан яқин муносабатда бўлганлигидан келиб чиқсак, шоир бир муддат

<sup>465</sup> Хожа Исмат Бухорий. Девон. Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Карамий. Ишкон. Техрон. 590 с. 92-б.

<sup>466</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т. Ғ.Фулум номидаги АСН, 1981.-Б.153.

Хуросон ва Ироққа кетишига қадар Халил Султон саройида ҳам хизмат қилган ва адабий мажлисларида қатнашган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ҳисоблаймиз. У асосан қасида жанрида ижод қилиб, ҳукмдорларни мадҳ этган. Темурийлар саройи шоири Мавлоно Бурундук Хожа Исмадулло Бухорий билан доимо мушоира қилиб турган. Ана шу мушоиралар меваси сифатида куйидаги байт ўша замонда овоза бўлган:

*Дар Бухоро Хожа Исмад шўҳрате дорад тамом,  
Дар Хуросон Хожа Исмад нест, Биби Исмад аст.*<sup>467</sup>

*(Таржимаси: Гарчи Бухорода ошди Хожа Исмад шўҳрати, Созки, Хуросонда йўқки, Хожа Исмад исмати).*

Исмад Бухорий бошчилигида ташкил этилган ана шундай ҳазил-мутойаба билан йўғрилган мушоиралар темурий мирзолар мажлисларига хушқайфият бағишлаган дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Халил Султон ва Исмад Бухорий иштирокидаги мажлислар ҳам ўз даврида кўплаб ижод вакилларидаги истеъдодни раванқ топишига кўприк вазифасини ўтаган. Зотан Алишер Навоий қомусий луғатида таъкидланганидек, “*Хожа Исмад Бухорий Абу Абдулло Рудакий ва Носир Бухорийдан кейин Бухорода сўз қадрини, шеър шўҳратини қайтадан юксак даражага кўтарган етук шоирдир*”.<sup>468</sup>

Шоҳрух Мирзонинг тўнғич ўғли **Мухаммад Тарағай Улуғбек**(1394-1449) 1409 йилдан 1449 йилгача Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган. Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда фан, маданият ва адабиёт гуллаб яшнаган. Бу ҳақда Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида шундай ёзган: “*Мовароуннаҳрда ҳам бу йилларда ўзбек тилидаги адабиёт ўз ривожидан янги поғонага кўтарилди. Адабий жараёнда ўзбек ва форсийзабон шоирлар баробар ҳуқуққа эга бўлиб, туркий шеър харидорлари қанча кўп бўлса, форсий шеър талабгорлари ҳам улардан кам эмас эди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи*

<sup>467</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т. Ғулом номидаги АСН, 1996.-Б.173.

<sup>468</sup> Алишер Навоий: Қомусий луғат. Т. Шарқ НМАК БТ-2016. –Б.119.

*бошқарар, Самарқандда ўша даврнинг энг яхши шоирлари жамъ бўлган эдилар”*.<sup>469</sup>

Улуғбек Мирзо саройида ҳам адабий мажлислар ўтказилган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шеърятга мойил Улуғбек Мирзо ҳақида шундай деган: *“Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоққим, зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зижси орода шоеъдур. Бовужуди бу камолот гоҳо назмга майл қилур эрди.”*<sup>470</sup> ва қуйидаги байт Мирзо Улуғбекка нисбат берилган.

*Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,*

*Шўхй макун ки чашми бадон дар камини туст.*

*(Мазмуни: Гўзаллик мулки қўл остингда бўлсада, шўхлик қилмағилки, ёмонларнинг кўзи сени кузатмоқдалар).*

Навоий фикрларига асосланиб, Мирзо Улуғбекнинг шеърятга бўлган мойиллиги ҳамда ихлосмандлиги ва темурий мирзолар ўртасида шаклланган анъана унинг ҳузурида шеърхонлик кечаларини ташкил этилишига сабаб бўлган, дейиш мумкин. “Темур ва Улуғбек даври тарихи” китобида Улуғбекнинг шеър ёзганлиги қайд этилган: *“Улуғбек юксак маданиятли киши бўлган. У ўз тили ва туркий (чизатой, эски ўзбек) тилидан ташиқари, араб ва форс тилларини яхши билган. У шеърлар ҳам ёзиб турган. Афсуски, бу шеърларнинг матнлари сўнгги даврларгача номаълум бўлиб қолаётир. Фақатгина биргина давримизга яқин замонда яшаган шоир унинг шеърларидан намуна келтиради.*

*Шуниси диққатга сазоворки, Улуғбекнинг буюк замондошлари адиблар Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий Мирзонинг шоирлик маҳоратини юқори баҳолаганлар”*.<sup>471</sup> Абдуқодир Ҳайитметов ҳам “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” асарида Улуғбекнинг шеър ёзганлиги, назмни тушунганлиги ва шоирларни ўзига яқин тутганлиги ҳақида бошқа адабиётшунослар фикрига

<sup>469</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т: Фан, 1996.-Б.8.

<sup>470</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.413.

<sup>471</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. (Бош муҳаррир Аҳмадали Аскарров) Т:Қомуслар бош таҳририяти – 1996.-Б.54.

уйғун холда жумладан шундай деган: “Улуғбекнинг ўзи ҳам шеърлар ёзар, шоирларга ўзини яқин тутар, унинг шеър ҳақидаги тушунчалари ниҳоятда юқори бўлганини Саккокий ўз қасидаларининг бирида алоҳида таъкидлаб ўтган. Улуғбек Мовароуннаҳрдаги шоирлар билангина эмас, Хуросондаги форсийзабон ва туркийзабон ижодкорлар билан ҳам дўстона муносабатда бўлган. Масалан, Улуғбек Мавлоно Лутфий шеърларини XV асрнинг зоятда машҳур шоири Салмон Соважий шеърлари билан тенг кўрган”.<sup>472</sup> В.Зоҳидовнинг “Улуғ шоир ижодининг қалби” китобида ҳам Улуғбек саройидаги ана шундай адабий муҳит қаламга олинган: “Темурнинг ўғли Шоҳрух ўзининг ёш ўғли Улуғбекни Самарқанднинг, 1411 йилда эса бутун Мовароуннаҳрнинг ҳокими қилиб тайинлайди. Улуғбек илм, адабиётга қизиқади, уларни чуқур эгаллайди, ўзининг пойтахтини безашга ҳаракат қилади. Кўп гўзал, муҳташам бинолар солдиради, баъзи ерлардан атоқли олимларни келтиради, олимларга, шоирларга ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Ҳаттоки баъзан ота (Шоҳрух) билан ўғил ўртасида баъзи олимларни, шоирларни ўзига олиш устида жанжаллар ҳам бўлар эди. У (Улуғбек) ўзи солган муҳташам биноларда, мадраса ҳужраларида, ўзининг саройида олимларга, шоирларга (Камол Бадахший ва ҳ.к.) иссиқ ўрин берарди...

...Улуғбек шеър ёзиш билан машғул бўлсада, адабиётни севсада, лекин асосан, аниқ фанларни (астрономия, математика ва ҳ.к.) атрофлича эгаллайди, замонининг машҳур астрономларидан кўпларини ўз қўлида сақлайди, уларга жуда катта ҳам шоҳона, ҳам олимона илтифот ва муҳаббат кўрсатади”.<sup>473</sup>

Мавлоно Бадахший Улуғбек Мирзо замонидаги фозил ва машҳур шоирлардан бири бўлганки, “(Бадахшийга) Мирзо(Улуғбек)нинг дағи кўп илтифоти бор эрмиш”<sup>474</sup>, -деб ёзади Навоий “Мажолис ун-нафоис”да. Мавлоно Бадахший ва Улуғбек

<sup>472</sup> Хайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т: Фан, 1996.-Б.8.

<sup>473</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т:Ўзбекистон-1970.-Б.44-45.

<sup>474</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Т:Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.302.

саройи шоирлари, фозиллари тўғрисида “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” китобида шундай ёзилган: “Фозил кишилар жумласидандир, Самарқанд шахрида, Улуғбек кўрагон замонида сўзамолликда олий мартабага эришди ва ўша замон шоирларининг етакчиси бўлди. Номи зикр этилган султон (Улуғбек) ва шул замон ақобирлари унинг сўзамоллигига тан бермишлар. Мавлоно Бадахшийнинг ҳам мазкур подшоҳ (Улуғбек Мирзо) мадҳида айтган покиза қасидалари бор.

Мавлонойи муаззам Алоиддин Шошийким, илми ҳикмат(фалсафа)да замонасининг яктоси эрди, машойихдан хожа Ҳасан Аттор ва шуародан хожа Исмадулло Бухорий бирлан Камол Бадахший ... Мирзо Улуғбекнинг шарофатли замонида майдонга чиққан олимлар, тариқат машойихлари ва шуаро жумласидандир”.<sup>475</sup> Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”сига асосланиб, Улуғбек Мирзо мажлисларида иштирок этган шоирлар жумласига Мавлоно Бисотий Самарқандий, Мавлоно Хаёлий Бухорий, Мавлоно Бурундук, Хожа Рустам Харёний ва Тохир Абивардийларни ҳам киритиш мумкин. Бўрибой Аҳмедов ҳам “Тарихдан сабоқлар” китобида Улуғбекнинг саройида кўплаб олимлар ва шоирлар яшаб ижод этганлигига тўхталган: “Мирзо Улуғбекнинг саройи маданият ва илму тафаккурнинг ҳақиқий марказига айланиб, бу ерда ўнлаб олимлар, шоирлар осудалик билан ҳаёт кечирганлар ва ижод қилганлар. Йирик математик ва астрономлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Мавлоно Муъиниддин Кошоний ва Али Қушчи, етук мударрислар Саид Имомиддин ва Мавлоно Муҳаммад Хавофий, машҳур шарҳчи ва тибб олими Бурҳониддин Нафис ибн Аваз Кирмоний, забардаст шоирлар Хиёлий, Исмадулло Бухорий, Камол Бадахший ва йирик адабиётшунос ҳамда тилишунос, моҳир педагог хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий шулар жумласидандир. Улуғбек саройида ва ҳарбий юришлар вақтида ҳам олимлар ва шоирлар

---

<sup>475</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида.Т:Ўқитувчи, 1996.-Б.15..

*билан мушоиралар ва мунозаралар ўтказган ва ўзи ҳам унда фаол иштирок этган*”.<sup>476</sup>

Саккокий ва бошқа сарой шоирлари Улуғбек Мирзо мажлисларида доимий қатнашишган ва ўз шеърларини ушбу йиғинларда ўқишган. Саккокийнинг қуйидаги байтлари бунга яққол мисолдир:

*Фалак йиллар керак сайр этсаю келтурса илкиннга,  
Менингтеқ шоиру туркию санингтеқ шоҳи донони.  
Ҳамиша мажлисинг бўлсун, беҳишту гулустон рашики,  
Нисор этсун қадумунгда фалак лу-лу лолони.*<sup>477</sup>

Эргаш Очилов “Барҳаёт сиймолар” китобида сарой шоири Саккокий ҳақида жумладан шундай ёзган: “Буюк мунажжим ва йирик давлат арбоби бўлган Мирзо Улуғбек ўзи олим подшоҳгина бўлиб қолмай, илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига замхўрлик қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Саккокий ижоди айни шу даврда (1409 – 1449) гуллаб – яшнаганини эътиборда тутсак, шоирнинг ҳам маърифатпарвар подшоҳ ҳомийлигидан баҳраманд бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзгани ҳам бунинг исботидир.

...Улуғбек саройида кўпгина олим ва шоирлар тўпланган бўлиб, Саккокий уларнинг пешқадамларидан эди. Саккокий Мирзо Улуғбекка бағишлаб, 5 та қасида ёзган.<sup>478</sup> Адабиётшунос Қ.Мунировнинг ёзишича, “Саккокийнинг қасидачилик борасидаги маҳоратини назарда тутадиган бўлсак, шак-шубҳасиз, уни ўзбек қасидачилигининг асосчиси десак янглишмаймиз. У улуғ шоир Лутфий билан беллаша оладиган шоир даражасида бўлган”.<sup>479</sup> Бу ҳақда Алишер Навоий “Хутбаи давовин” асарида шундай жумлаларни келтирган: “Уйғур иборати фусахосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва

<sup>476</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т:Ўқитувчи, 1994.-Б.121.

<sup>477</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида.Т:Ўқитувчи, 1996.-Б.194.

<sup>478</sup> Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. Т. Ўзбекистон, 2012.-Б.282.

<sup>479</sup> Маънавият юлдузлари. (Муҳаррир Ф.Ҳасанов). Т. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.-Б.210.

*бирининг латиф газалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлгай*".<sup>480</sup> Бундан кўринадики, темурийлар саройи шоири Саккокийнинг гўзал касидалари ва бетакрор ғазаллари нафақат Самарқанд адабий муҳитида, балки бутун Мовароуннаҳрда машхур бўлган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Мавлоно Муҳаммад Олим шеърдан парча келтирар экан, унинг “Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтаб ва хийра киши эрди”<sup>481</sup> деб айтиб ўтган. Навоийнинг қайдларидан Муҳаммад Олимнинг адабий мажлисларда қатнашганини англаш мумкин.

“Тазкират уш-шуаро”да Мирзо Улуғбек адабий мажлисларининг мазмун-моҳияти тўғрисида шундай ёзилган: *“Уламою фузало Сайфиддин Исфарангий девонини Улуғбек кўрагон мажлисларида ўқир, унинг сўзларини Асириддин Ахсикатий сўзларидан ортиқ кўрар эдилар*”.<sup>482</sup>

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” си асослансак, Бойсунқур Мирзо Дехлавийнинг, Улуғбек эса Низомийнинг “Хамса”сини хуш кўрган: *“Шу даъво туфайли ҳар икки подшоҳ ўртасида кўп тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳамият кўргузур эрдилар*”.<sup>483</sup> Ана шу эътирофдан келиб чиқсак, Улуғбекнинг шеърят кечаларида Низомий “Хамса”си ва шеърлари ўқилган ҳамда бу борада баҳс-мунозаралар олиб борилган.

“Латофатнома”да ёзилишича, *“Саид Имод Хубонзий фозил ва хуштаб киши эрди. У мана буларни ҳикоя қилади: “Мирзо Улуғбекнинг мажлисларидан бирида Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ўқилди. Мирзо ундаги баъзи шеърларнинг маъносини(ечини) аҳли мажлисга ҳавола қилди. Мовароуннаҳрлик бир киши “Шоҳнома”ни мирзога, унинг яқинлари ва маҳрамларига хуш келмайдиган бир оҳангда ўқиди. Мирзо таажжубландилар ва*

<sup>480</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Тўртинчи том. Т. Тошкент БАН, 1965.-Б.458.

<sup>481</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд.Т. Ғ.Фулум номидаги НМИУ, 2012.-Б.298.

<sup>482</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони.(“Тазкират уш-шуаро”дан). Т. Ғ.Фулум номидаги АСН, 1981.-Б.60.

<sup>483</sup> Кўрсатилган асар,1981.-Б.60-61.

мен(Хубонзий)га мурожаат қилиб, “ушбу сўз аслида қаердин чиққан?”, деб сўрадилар. ”Хуросондин чиққан”, -деб жавоб қилдим, мовароуннаҳрликлар менинг зиддимни олиб, “ҳа, хуросонликлар ўз мажлисларида (бу лафзни) шундай талаффуз қиладилар”, -дедилар. Мен сўзимни давом этиб, “Хуросонда бирон шеърни ёки бошқа нарсани ўқиганларида бузиб ўқийдилар, масалан, “зафар аскан”(“зафар маскани”) “сўзини зафарбоз” (“зафар ўйини”) деб ўқийдилар”- дедим. Мирзо жавобимдан мамнун бўлдилар ва каминага хос чопонларни инъом қилиб, “минбаъд менинг ҳузуримда “Шоҳнома” бунақа бузиб ўқилмасин!” –деб амр қилдилар”.<sup>484</sup>

“Фунунул-балоға” асари муаллифи Шайх Аҳмад Тарозий ҳам Мирзо Улуғбек замонида яшаб, ижод этган. Шайх Аҳмад Тарозий ҳақида адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов шундай ёзган: “Шайх Аҳмад асарни (“Фунунул-балоға”ни) ёзишга жасорат билан киришар экан, тадқиқотни ўз даврининг шоҳи ва алломаси Улуғбекка бағишлашга қарор қилади ва уни “салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сипеҳрининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шаҳаншоҳи аъзами шахриёри аълам, соҳиб уссайфул қалам, маъдани лутфи карам, молики риқоби умам, фармондеҳи турк, араб ва ажам, магисиддин вад-даврон Амир Улуғбек Кўрагон”, -деб таъриф ва тавсиф қилади”<sup>485</sup>

Мазкур асарда Шайх Аҳмад Тарозий ўз ижодидан қуйидаги фардни келтирган:

*Бордур умидимки, саъд этгайлар эмди толеъим,  
Баски ялқитти фалак аҳлини афғоним менинг.*<sup>486</sup>

Мазкур рисолада бизга номлари номаълум бўлиб келган кўплаб шоирларнинг шеърларидан мисоллар мавжуд. Жумладан унда Қутбиддин Саройи ижодидан қуйидаги мисол келтирилган:

*Йипор янглиг сочинким тун яроди,  
Ёруғлуқ жумла оламдин яроди.  
Ҳазимат бўлди эрса Рум шоҳи,*

<sup>484</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т:Ўқитувчи, 1996.-Б.225.

<sup>485</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т: Фан, 1996.-Б.24.

<sup>486</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Т. Хазиана, 1996. –Б.23.

*Хабар англади Ҳиндистон сипоҳи.*

*Тўлуб ҳинду черики кўкка, ерга,  
Тузуб бу гунбади ҳазрода нерга.*<sup>487</sup>

Асарда Жалолий, Шамс Қисорий, Абу Сиёқа, Мавлоно Шариф, Ҳотифий, Хожа Ақча Киндий, Бу Насақ каби ўзбек шоирлари ижодидан ҳам байтлар келтирилган. “Фунунул-балоға”да форсий тилда асар ёзган ва номлари бизга маълум бўлган классик шоирлардан ташқари Имом Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий, Хаёлий, Умид Камолий, Мавлоно Сайфиддин, Хожа Ҳасан Муҳаммад, Муҳаммад Ганжавий, Шайх Носир, Азмий, Муҳаммад Асил, Хожа Тоҳириддин, Тоҳир Санжарий, Ғаввос Гунбадий, Мужириддин Бойлақоний, Шайдо, Урбоний, Гулшаний каби ўнлаб янги ижодкорларга дуч келамизки, бу адабиёт тарихчилари олдига уларни ўрганиш бўйича янги масалаларни кўяди.<sup>488</sup>

“Фунунул-балоға” Улуғбек давридаги Мувароуннаҳр адабий ҳаёти ҳақида яхлит тасаввур берадиган асардир. Унда Муҳаммад Темур Буғо деган шоирдан қуйидаги шеър келтирилган:

*Гар ҳавойи васли дилбар дори дер,  
Йўлда тикмишлар муҳаббат дори дер.  
Сен агар чун ошиқи содиқ эсанг,  
Бу муҳаббат дорини бир дори дер.*<sup>489</sup>

Асарда яна темурийлар даври шоири Шамс Қисорийнинг қуйидаги байтини ўқишимиз мумкин:

*Чаман ичинда қилур рақс сарв, ҳар дам урар –  
Чинор қарсу ўқур андалиб савту газал.*<sup>490</sup>

Ўзбек шоири Жалолийнинг қуйидаги байти “Фунунул – болоға”да зикр этилган.

*Ул санамни жаннати аъло била арз этсалар,  
Жаннати аъло керакмастур, керактур ул ҳарам.*<sup>491</sup>

<sup>487</sup> Кўрсатилган асар. –Б.25.

<sup>488</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. Фан,1996.-Б.9.

<sup>489</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Т: Ҳазина, 1996. –Б.55.

<sup>490</sup> Кўрсатилган асар. –Б.100.

<sup>491</sup> Кўрсатилган асар. –Б.110.

Умуман олганда, адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида ёзганидек, Тарозийнинг “Фунунул-балоға” асари шу давр (Улуғбек даври) ўзбек адабиёти тарихини янада чуқурроқ ўрганишга қимматли материаллар бериши шубҳасиз.<sup>492</sup>

“Рашаҳот”да ёзилишича, ҳадисчи олимларнинг пешвоси Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий Мирзо Улуғбек замонида Самарқандга келган эдилар. Баъзи ғаразгўй кишилар: “Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни нақл қиладилар, уларнинг аснодлари тўғри ёки нотўғрилиги ҳеч кимга маълум эмас. Ҳазрати Шайх буни текшириб кўрсалар ёмон бўлмас эди”, дедилар.

Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар. Мирзо Улуғбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Муҳаммад Порсонини Самарқандга келишларини илтимос қилдилар. “Ва бағоят олий мажлис мураттаб бўлди. Ва Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) ул мажлисга ҳозир бўлдилар. Шайх ул мажлисда олардан илтимос этдилар, то Ҳазрат Хожа бир ҳадисни ўз иснодлари билан ривоят қилдилар. Шайх ойдилар: “Бу ҳадиснинг сихҳатида ҳеч сўз йўқтур, аммо бу иснод манинг наздимда собит бўлғон эрмастур”. Буни эшитиб, ҳасадгўйлар хурсанд бўлиб, бир-бирларига кўз қисдилар,<sup>493</sup> -деб ёзади “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”да Фаҳруддин Али Сафий. Шундан сўнг Муҳаммад Порсо ҳадиснинг иккинчи аснодини ҳам айтиб берди. Шайх яна ўзининг юқоридаги сўзини такрорлади. Порсо қанча аснод айтса ҳам сўзи бу ерда мақбул бўлмаслигини фаҳмлади. Сўнг бир лаҳза мувоқабатга берилди, бироқ сукутдан сўнг Шайхга қараб: “Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги аснодларни мўътабар ҳисоблайсизми?”- дедилар. Шайх: “Ҳа, у китоблардаги аснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойиқдир. Ҳадис фани таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган аснодлар шу

<sup>492</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т: Фан, 1996. –Б.9.

<sup>493</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.89-90.

китобдан бўлса, у ҳолда бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ", дедилар.

Муҳаммад Порсо Самарқанд шайхулисломи Хожа Исомиддинга қараб: “Сизнинг кутубхонангизда фалон токчада, фалон китобнинг тагида, фалон рангли ва фалон жилдли китоб бор, унда биз айтган аснод фалон варақдан сўнг фалон саҳифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингизга айтинг, олиб келишсин”, дедилар.

Шайхулислому бу аснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиланиб қолди. Мажлисдагилар эса ҳангу манг бўлиб, ўйга толдилар. Чунки Муҳаммад Порсонинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганлиги ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, шайхулислому ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган китоб ўша ерда бўлса олиб келишини буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва аснодни топиб, мажлисга келтирди. Қизиғи айтилган ҳадис ўша аснодлар билан ўша саҳифада ҳеч бир тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мажлис аҳлида ҳайрат овозлари баланд кўтарилди. Шайх ва бошқа уламолар таажжуб ичида қолдилар. Айниқса, шайхулисломининг ҳайрати бошқаларникидан зиёда эди, негаки, у бу аснодли китобнинг ўз уйида борлигидан беҳабар эди. Мазкур анжуманнинг тафсилотларини эшитган Мирзо Улуғбек Муҳаммад Порсонинг мажлисга чақирганидан хижолат бўлди”.<sup>494</sup> Албатта Мирзо Улуғбек даврида дин пешволари, тариқат намоёндалари ва уламолар ўртасида ана шундай баҳс-мунозаралар бўлиб турган.

Мухтасар қилиб айтганда, Мирзо Улуғбекнинг адабий мажлислари ўз даврида илму-фан ва адабиётни гуллаб яшнашига олиб келган.

Шоҳрух Мирзонинг яна бир фарзанди “*хуштаъб, санъатпарвар, саховатпеша, хурсандчиликни яхши кўрувчи, надимдўст ва мажлисорой подшоҳ*”<sup>495</sup> **Бойсунқур Мирзо** (1397-1433) отаси ҳукмронлигидаги Хуросон давлати ижтимоий-сиёсий

<sup>494</sup> Маънавият юлдузлари. Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2011.-Б. 202-203.

<sup>495</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.46.

ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Бойсунқур 1414 йилда Астрабод вилоятида ҳокимлик ва 1416-1420 йилларда эса салтанатга вазирлик қилган. 1421 йилдан то 1431 йилгача эса Эрон Озарбайжонида ҳукмдорлик қилган Бойсунқур истеъдодли шоир бўлганлиги учун шоиру санъаткор, олимларни ўз паноҳига олиб, Бобо Савдойи, Муҳаммад Паҳлавон, Котибий Нишопурий, Мавлоно Юсуф Амирий, Амир Рукниддин Нузлободий, Амир Шоҳий Сабзаворийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Ҳамидулла Дадабоев “Амир Темур даврдошлари” китобида бу ҳақда шундай деган: *“Ушбу мирзонинг исмини буюк бобоси Амир Темур қўйган...Инсонпарвар, адолатпеша, илм ва адабиёт намоёндаларига мурувватли бўлиш билан бирга, ўзи ҳам газаллар ёзган”*.<sup>496</sup>

Навоий Бойсунқур ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да юқоридаги фикрларга муштарак ҳолда шундай ёзган: *“Хуштабъ ва сахий ва айёш ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидан орога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай. Улча имкони бор, оламни хушлуқ билан ўткарди”*.<sup>497</sup> Дарҳақиқат, Давлатшоҳ Самарқандий ҳам “Тазкират уш-шуаро”да Навоий фикрларини тасдиқлаб, жумладан шундай ёзган: *“Бойсунқур Мирзонинг ҳам истеъдодда, ҳам истеъдод эгалари парваришида шуҳрати тамоми иқлимларга кетган эрди. Хаттотлик ва шеърият унинг замонида ривож топди. Ҳунар эгалари, шоирлар овозасини эшитиб, теварак-атрофдан хизматиға келардилар. Айтишларича, қирқ нафар котиби хушхат унинг кутубхонасида китобат ила машғул эканлар. Мавлоно Жаъфар Табризий ул котиблар етакчиси эрмиш. (Бойсунқур Мирзо) ҳунармандларга риоят кўргузиб, шоирларни дўст тутар, зебу зийнатга интиларди. Унинг зийрак ва хуштабъ надимлари бор эди. Замон султонларидан Хусрави Парвиздан кейин ҳеч ким Бойсунқур султондек ишрату зебу-*

<sup>496</sup> Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари. Т. Навоий университети НМУ, 2018.-Б.48.

<sup>497</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис”.Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.171.

*зийнатда кун кечирмаган. Форсий ва туркий тилларда яхши шеър айтар, олти қаламда хат битар эди...*

Шоҳруҳ Мирзо замонида Бойсунқур Мирзо мажлисларида шоирлардан Бобо Савдойи, мавлоно Юсуф Амирий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Мавлоно Котибий Туршизий, Амир Аминиддин Нузулободийлар надимлик қилганлар.

Сарой шоири Аминиддин (Нузулободий) зийрак ва хушфееъл киши бўлиб, Мавлоно Котибий ҳамда Хожа Али Шиҳоб билан (мажлисларда) шоирликда баҳслашар эди<sup>498</sup> Мавлоно Муҳйи<sup>499</sup> ҳам Бойсунқур саройи шоирларидан бири бўлган.

Адабиётшунос Ҳомиджон Ҳомидий “Кўҳна Шарқ дарғалари” китобида ҳам Бойсунқур Мирзони шоир сифатида шундай таърифлаган: *“Бойсунқур Мирзо истеъдодли шоир, хушнавис хаттот ҳам бўлган. Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Фахриддин Али Сафий каби санъаткорлар унинг ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар ёзгани ҳақида хабар берадилар. Лекин ҳанузгача унинг шеърлар девони топилмаган. У олти хил хатни билган, айниқса сулс ёзувида ундан ўтадигани топилмасди.*

*Бойсунқур мирзо ўнлаб шоирлар, санъаткорлар ва олимларни ўз паноҳига олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам ҳам берган. Ўз даврининг машҳур шоирларидан Бобо Савдойи, Муҳаммад Паҳлавон, Котибий Нишопурий, Мавлоно Юсуф Амирий, Амир Рукниддин Нузлободий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Ҳофиз Юсуф Андигоний ва бошқалар бевосита Бойсунқурнинг моддий ёрдаמידан файз топганлар.*

*Бобо Савдойи унинг бевосита ҳомийлиги, кўп муруватлари туфайли катта шуҳратга эга бўлган. Унинг Боғи Сафедида Савдойи каби шоирлар иштирокида доим мушоира мажлислари бўлиб турган”.*<sup>500</sup> Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Бойсунқур мажлиси надими шоир Бобо Савдойи ҳақида алоҳида тўхталган: *“Ўша жумладан Бобо Савдойи у(Бойсунқур)нинг мажлиси надими эди....Ва ҳусн хулқи карами шу даражада эдики,*

<sup>498</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ғ.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.140.

<sup>499</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Фулом номидаги НМИУ-2012.-Б.317.

<sup>500</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.198-199.

*Бобо Савдоий мажлисда қанчалар ҳазиллашса ҳам у афв матосини ёпарди”.*<sup>501</sup>

Маълумки, Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзидан илгари яшаб ўтган йирик ўзбек шоирларидан саккиз нафарининг номини келтирган. Шулардан бири сарой шоири Юсуф Амирий Бойсунқур Мирзога бағишланган “Даҳнома” асарида адабий мажлислар ўтказишни хуш кўрадиган темурий шаҳзодани “*Кавокиб ўртада, ул ўртада ой, Муғанний Зухраву ул мажлисорой*”<sup>502</sup> деб эътироф этган ҳамда қуйидаги байтларда эса унинг саройи чинакамига илму-маърифат ва санъат, адабиёт маскани бўлганлиги ифодаланган:

*Ғиёсулҳақ ваддин Бойсунқур,  
Ки сўзига қулоқ тутгувчи дуру дуру  
Эшиги зүфунунларнинг макони,  
Замири барчанинг илм ошиёни.  
Кечиб оллида юз турлук дақойиқ,  
Маориф бирла анвои ҳақойиқ.  
Бири жуффри ҳуруф иқлимида Қоф,  
Бири тарих майдонинда авсоф.  
Бири ашъор баҳринда су сочиб,  
Бири адвор рудиндин сўз очиб.  
Сўзум хошхошу ул мажлисдур афлок,  
Не кўрунгай тенгиз ичинда хошок.*<sup>503</sup>

Абдуқодир Ҳайитметов Юсуф Амирий ҳақида ўзининг “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” асарида шундай деган: “*Юсуф Амирийнинг ҳаёти ҳақида бизга жуда кам маълумотлар етиб келган. Асарларидан маълум бўлишича, у ўз давридаги адабиёт ва санъат ҳомийси Бойсунқур Мирзо даргоҳида яшайди. Амирий “Даҳнома” асарини Бойсунқурга бағишлаганлиги асло бежиз эмас*”.<sup>504</sup>

<sup>501</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.46-б.

<sup>502</sup> Муборак мактублар. Юсуф Амирий. Даҳнома.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.63.

<sup>503</sup> Муборак мактублар.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.63.

<sup>504</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. Фан, 1996. –Б.87.

Зайниддин Восифий “Бадоеул вақоеъ”да Котибийнинг Бойсунқур Мирзо мажлисларига келиб, иштирок этгани хусусида сўз юритган. Яъни, *бир кун Котибий Бойсунқурнинг Боги Сафеддаги қароргоҳига кириб келади ва шаҳзода унинг шеърларини тинглагач, ижодкорни ўз саройи шоирлари қаторига қўшади. Аммо бу ҳол Бойсунқурнинг айрим шоирларига ёқмайди: “Бобо Савдойи ҳам Бойсунқурнинг хос шоири ва надими эди. У ўзини шу хонадон хизматкорларидан ҳисоблар эди. Лекин кучли шоир бўлганидан уни маликушшуаро дер эдилар.*

*Мирзо бир кун уни замгин ҳолда кўрди. Олдида Шайх Сўзанийнинг китоби. Уни очган эдилар қуйидаги байтга кўзлари тушди.*

*Токай зи гардиши фалаки обгинаранг,  
Бар обгинаҳонаи тоат занем санг.*

*Мирзо шоирнинг ана шу қасидасига жавоб ёзинглар, деб буюрди...*

*Тонг отди. Бойсунқур Мирзо шоирларни чорлади. Мажлис бошланди. Унга Котибий ва Бобо Савдойи ҳам келди. Аввал Котибий ўз қасидасини ўқисин деб буюрилди. Котибий ёнидан ўша тўрт байт битилган қозонни чиқарди ва бадиҳа тарзида ўттиз байт ўқиди. Мажлисга йиғилган шоирлар Котибийнинг юксак қобилиятидан таажжубга тушдилар.*

*Бойсунқур Мирзо яна айш базми (мажлис) тузмоқни буюрди. Аскиячи ва мажлисоролар тўпланди”.*<sup>505</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да Бойсунқур Мирзо қаламига мансуб қуйидаги икки байт келтирилган:

*Надидам он ду рух, акнун ду моҳ аст,  
Вале меҳраш баса бар жони мо ҳаст.  
Ғуломи рӯи шуд Бойсунқур,  
Ғуломи хубрӯён подшоҳ аст.*<sup>506</sup>

<sup>505</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеул вақоеъ. Т. Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.133.

<sup>506</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.413.

(Мазмуни: Ул икки гўзал юзни кўрмаганимга икки ой бўлди, бироқ меҳри жонимиздадир. Бойсунқур унинг юзига қул бўлди, гўзал юзларнинг қули подшоҳдир).

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида ҳам Бойсунқур Мирзо ижодига тўхталиб, жумладан шундай ёзган: *“Бойсунқур Мирзо шеърни яхши тушунган, ўзи ҳам шеърлар ёзган. Бизга шу пайтгача унинг форсий шеърлари маълум эди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунунул-балоға” асари тўғрисида унинг ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзгани маълум бўлди. Мана, унинг туркий бир қитъаси:*

*Фурқатинга сориг ўлди олмангиз,  
Эй мусулмонлар, яроқон ўлмасун.  
Улмакимдин фикрим онча йўқ турур,  
Кўрқарам ўлсам яро қон ўлмасун.*

*Хуллас, бу фактлар ҳаммаси шуни кўрсатадики, XV асрнинг ўрталарига келиб Хуросонда ўзбек адабиётининг янги мактаби юзага келди”.*<sup>507</sup>

Юқорида кўриб чиққанимиздек, Бойсунқур Мирзо ҳузуридаги мажлисларда назм аҳли жамулжам бўлиб, мушоиралар уюштирилган. “Амир Темур жаҳон тарихида” китобида бу даврдаги адабий жараёнлар ҳақида шундай сўз юритилган: *“Бу адабий жараёнларда шоирлар ҳам, оддий косиб ва ҳунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган. Бу даврда фақат газал, дoston жанрининг эмас, балки нома, мунозара жанрларининг ҳам гоят ривожланганлиги кўзга ташланади.*

*Хуросондаги адабий ҳаётнинг ривожидида Темурий шаҳзодалардан Бойсунқурнинг ўрни катта бўлди. У ўз ташаббуси, гайрати, ақлу заковати билан Хуросонда барча фан соҳаларини, шу жумладан адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳаракат қилган”.*<sup>508</sup>

“Амир Шоҳий Сабзаворийнинг асл исми Оқмалик ибн Жамолиддин бўлиб, обо ва аждоди сарбадор амирларидан эди. Ул

<sup>507</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. Фан, 1996.-Б.7-8.

<sup>508</sup> Аҳмедов А. Амир Темур жаҳон тарихида. Т. Шарқ НМАК БТ, 2001. –Б.168-169.

зот Бойсунқур Мирзо ибн Шоҳрух Мирзо маддоҳи эдилар. Чунончи, бу рубоийни шахзода Бойсунқур Мирзо марсиясига ўта пургудоз этиб айтган:

*Дар мотами ту даҳр баче шеван кард,  
Лола ҳама хуни дида дар доман кард,  
Гул жайби қабои арғувон бидарид,  
Қумри намади сиёҳ бар гардан кард.*

*(Сенинг мотамингда даҳр кўп қайғурди, Лола кўзидан этагига қон тўқди. Гул қипқизил ёқасини йиртди, қумри қора намадни бўйнига илди.)<sup>509</sup>*

Фахриддин Али–Сафий “Латофатнома”да ёзишича, бир куни мажлиси олийда бетамиз улўзодалардан бири Амир Шоҳий Сабзаворийдан юқорига ўтиб ўтирди. Бу ҳол Бойсунқур Мирзога хуш келмай, секин шоирга буюрди:

*-Мавлоно Амир, мана шу бетамизнинг ўтиришига бағишлаб бадиҳа айтинг.*

*Шоир фузалолар йиғилган мажлисда Амир Шоҳий дарҳол деди:*

*Шоҳо, мадори чархи фалак дар ҳазор сол,  
Чун ман ягонае нанамояд ба сад ҳунар.  
Гар зери дасти ҳар касу нокас нишастаам,  
Ин жо латифаест, бидонам ин қадар,  
Баҳр аст мажлиси туву дар баҳр бехилоф,  
Гавҳар бар зер бошаду хошак бар забар.*

*(Таржимаси: Шоҳим, ушбу олам айланиб минг йил, Мен каби яктони ярата олмас. Майли мен наст ўтирай ҳар бир нокаسدан, Бу ҳам бир латифа ўйлаб қарасам. Мажлисинг денгиздир, гарчи денгизда хашиқ қалқиб турсада, гавҳарча қиймати йўқдир. Мен настда ўтирсамда, бу қуйи туриш, юқори билан баробардир).*

Ушбу жавобдан қаноатланган Бойсунқур Мирзо Амир Шоҳийга катта инъомлар тортиқ қилган.<sup>510</sup> “Тарихи томм” асарида эса Роқимий ушбу воқеани Мавлоно Аҳлий боғлаб, шеър

<sup>509</sup> Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.Маънавият, 1998.-Б.40.

<sup>510</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1996.-Б.175.

муаллифи у эканлигини айтиб, бу ҳақда шундай ёзган: “Мир Шоҳийнинг ҳикоя қилишларича, мажлисда бир номдор султон (Бойсунқур) даврида (бир кишини) Мавлоно Аҳлийнинг олдидан ўтказиб қўядилар. Буни Мавлоно таъбиға оғир олиб, адабий мажлис охирида енгил туриб, бадиҳа тарзида юқорида Фахриддин Али Сафий шоир Шоҳийга нисбат берган қитъани ўша жойда ўқийди.<sup>511</sup>

“Бадоеъул вақоеъ”да нақл қилишича, Амид Бовардий замонасининг етук шоирларидан бўлиб, уни Гул шоир дер эдилар. Бир куни Мирзо Бойсунқур мажлисида шоиру фозиллар жамъ бўлган эди. Подшоҳ олдида бир даста гул, бир соғар ва камон турар эди. У гулни олиб соғарнинг ёнига қўйди: камонни олиб, айлантриб қўйди. Гул шоир дарҳол туриб, ташқарига чикдида бир дастурхон анор келтирди. Мажлис аҳли бу ишга ҳайрон бўлди. Гул шоирдан бу синоатни суриштирдилар. У деди:

-Подшоҳ гулни соғар ёнига қўйди. Ёзувда “гул” билан “соғар” сўзларини Гул шоир деб ҳам ўқиш мумкин. Менга хитоб қилинаётганини билдим. Сўнгра камонни айлантриб қўйди. Камон араб тилида “қавс” дейилади. “Қавс”ни айлантрилса, “суқ” бўлади, бу бозор дегани. “Бозор” сўзи ёзувда “нор ор” сўзига ўхшайди. Шулардан мен “Гул шоир нор ор!” яъни Гул шоир, анор келтир!” маъносини тушундим ва бу амрни бажо келтирдим.

Бу сўзни эшитиб, ҳамма унинг камолига таҳсин ўқиди. Подшо буюрди, (мажлисда) унинг анор келтирган дастурхонини тиллодан тўлдириб бердилар.<sup>512</sup>

“Латофатнома”да Лутфий ҳам Бойсунқур Мирзо саройига яқин бўлганлиги тўғрисида маълумот келтирилган: *“Шоир Лутфий Бойсунқур Мирзонинг тарбиятида эди. Бир куни Лутфий Музаффар Ҳиравийнинг “Бог” радифли газалига жавоб тарзида газал битиб, Мирзога юборди. Бу газал Мирзога маъқул бўлиб, Ҳиравийнинг “Сарой” радифли газалига ҳам жавоб айтсин деб буюрди.*

*Лутфий деди:*

<sup>511</sup> Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.Маънавият, 1998.-Б.41.

<sup>512</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ.Т. Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1979.-Б.134.

*-Аввал кўрайликчи, богидан қандай мева унар экан, шунга қараб саройига ҳам қадам қўяйлик.*

*Мирзо кулди ва унга яхшигина ҳадя юборди”.*<sup>513</sup> Шундан сўнг Мавлоно Лутфий Бойсунқур Мирзо мажлисига бориб, Ҳиравийнинг “Сарой” радибли ғазалига жавоб тарзида ёзган шеърни ўқиганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.. Бинобарин, Лутфий девонида Шоҳрух Мирзо, Бойсунқур Мирзо ва Искандар Мирзоларга бағишланган қасидалар борлигидан келиб чиқсак, бизда шоир ушбу темурий ҳукмдорлар мажлисларида ҳам катнашиб, ўз қасидаларини ўқиган деган тасаввур уйғонади. Шоир Лутфий ҳақида Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” асарида шундай ёзган: *“Ўз вақтида “маликул-калом” фахрли унвонига сазовор бўлган Мавлоно Лутфий кўп подшоҳларни кўрган, тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган, шу билан бирга, бой адабий мерос ярата олган эди. Темурийлар давридаги ўзбек адабиётининг йирик вакили Лутфий тахминан 1360-1460 йиллар орасида яшади. “Лутфий очун хонларини илмади кўзга”, деб ёзган шоир бирон подшоҳнинг саройга таклифини қабул қилмайди. Бу билан ўз инсоний қадр-қимматини, шоирлик эркини сақлаб қолади, бирон шоҳ шоири эмас, халқ шоири бўлишига, халқ ҳурматини қозонишига эришади. Лутфий бир ғазалида:*

*Улуғбекхон билур Лутфий камолин,*

*Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас, -*

*деб ёзар экан, демак, бунинг сабаби унинг Улуғбекдек билимдон подшоҳ билан яқинлиги бўлган. Улуғбек уни ўз саройига таклиф этган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ривоятларга кўра, ўз даври маданиятининг йирик ҳомийси Бойсунқур Мирзо ҳам уни шоир сифатида юқори баҳолайди. Аммо саройда яшаи таклифини қабул қилмайди”.*<sup>514</sup> Бу зинҳор-базинҳор “Султон Бойсунқур Мирзо саройида шаклланган адабий муҳит вакилларида”<sup>515</sup> бири Лутфийни адабий мажлисларда иштирок этмаганлигини англатмайди. Аксинча, бу даврда ҳукмдор саройида истиқомат

<sup>513</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1996.-Б.68.

<sup>514</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. Фан, 1996.-Б.93-94.

<sup>515</sup> Ғиёсиддин Хондамир. “Мақорим ул-ахлоқ”. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.191.

қилмасдан ҳам шеърӣ йиғинларда қатнашиш мумкин эди. Бу ҳақда адабиётшунос С.Эркинов шундай жумлаларни келтиради: *“Амир Темур давридан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда рӯй берган сиёсий марказлашув самараси ўлароқ шаклланган адабий муҳит Лутфийни ҳам ўз майдонига тортди. Унинг газаллари оғизга тушиб, мушоираларнинг ва адабий суҳбатларнинг мавзуга айланди”*.<sup>516</sup> А.Ҳайитметов ҳам С.Эркиновнинг юқоридаги фикрларини тўлдириб, шундай ёзган: *“Лутфий шеърятда содда ва равон услубни танлади. Бу услуб том маънода гўзал ва ёқимли услуб бўлиб, Лутфийга шоир сифатида катта шуҳрат келтирди. Унинг сўз бойлиги, асос-эътибори билан жонли халқ ҳисобига бойиб борди. Бу билан у ўзига замондош шоирлар – Атойи, Саккокий, Гадоийларга ҳам кучли таъсир кўрсатган эди”*.<sup>517</sup>

Фахрий Ҳиравий “Жавоҳир ул-ажойиб”да ёзишича, кунлардан бир куни малика Гавҳаршодбегим надимларидан бири шоира Биби Меҳрий ва унинг эри Ҳаким Бойсунқур Мирзонинг мажлисида ўтирган эдилар. Хос базм унинг латофати, назари ва шунга ўхшаш нарсалар безатилган бўлиб, мажлиснинг охирида тоза шароблар кайфияти ҳаддига етди. Ва Меҳрийнинг ҳазили шоҳий гиламнинг ёйилиши томон чўзилди. Ҳаким ўрнидан туриб, Меҳрийдан додхоҳлик қилди: “Унинг дастидан жонимдан тўйдим, уйда ўтирмасин!” Мирзо ҳазил қилиб, деди: “Ҳозир уйга борганда оёғини боғлаб қўй!” Ҳаким мажлис охирида уйига кетибди. Мастлик кайфияти билан Меҳрийнинг оёғига кишан солибди. Саҳарда ўзига келган Меҳрий қуйидаги рубоийни ёзиб, Бойсунқурга юборибди:

*Афсус, на дар канда баҳоҳад судан,  
Пойики, ду шоха бувад сад гарданро.  
Шаҳ канда ниҳод сарви сиймин танро,  
З-ин воқеа мотам аст марду занро.*

<sup>516</sup> Маънавият юлдузлари. Т. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” ДИН, 2011.-Б.214.

<sup>517</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т: Фан, 1996.-Б.95.

*(Мазмуни: Афсуски, кишанлаш мушфиқ қилмайди, Икки оёқни юзта қилиб бўлмайди. Шоҳ кумуш танли сарвни кишанлади, Бу воқеадан эркагу аёл мотамдадир.)*

Мирзо шеърни ўқиб кулди. Ҳар иккисини олқишлаб, ярашиш ва узрхоҳлик билан сарафроз қилди.<sup>518</sup>

Бойсунқурнинг санъат ва адабиётга бўлган қизиқиши ва ғамхўрлиги самараси ўлароқ, ўзига хос адабий муҳит шаклланди. Бойсунқур адабий мажлислари ушбу муҳитнинг ўзагини ташкил этиб, санъат ва адабиётни ривожланишига хизмат қилган.

Шоҳрух Мирзонинг яна бир фарзанди **Жўги Мирзо**(1403-1445) ҳузурида ҳам шоирлар тўпланиб, мушоиралар ташкил этилган, кўшиқлар куйланган ва Навоий бу ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да шундай деган: “*Мавлоно Соҳиб Балхий –бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусиқий илмида комил эрди. Ўз газалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилига далолат қилгай. Ул жумладан “Чаҳоргоҳ” амалидурким, машҳурдур. Дерларким, Жўги Мирзо мажолисида ул амалдин ўзга нима айттурмас экандурки, бу газалга боғлабдур:*

*Ҳамчу субҳ аз меҳри рўят мезадам дамҳои сард,  
То расам рўзе ба кўят дил баче шабгир кард.*<sup>519</sup>

*(Таржимаси: Юзинг меҳри (қуёши)дан тонг сингари совуқ дамлар чиқараман, бирор кун кўйингга етиш учун дил кўп тун саргардон қилди.)*

Аниқроқ қилиб айтганда, Соҳиб Балхий ўз шеърларига ўзи куй басталаб, Жўги Мирзо йиғинлари ва бошқаларнинг мажлисларида куйлаган.<sup>520</sup>

Мавлоно Атоийнинг қуйидаги байти шоир шахзоданинг мажлисларида қатнашиб, ўз шеърларини ўқиган, деган тасаввур уйғотади:

*Гар фалак фарёдингга етмас, Атоий кел тила,  
Ҳақ таолидин Муҳаммад Жўги Султон давлатин.*<sup>521</sup>

<sup>518</sup> Фахрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Т: Мумтоз сўз, 2014.-Б.155.

<sup>519</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Фуллом номидаги НМИУ, 2012.-Б.299.

<sup>520</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан). Т: Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1981.-Б.178-179.

Таъкидлаш жоизки, Жўги Мирзо адабий мажлисларида бошқа кўплаб ижодкорлар қатори шоир Мавлоно Фасиҳ Румий ҳам қатнашган. Навоий *"Мавлоно Фасиҳ Румий – донишманд киши эрди. Жўги Мирзо хизматида бўлур эрди ва анинг бағоят, қасрларининг китобалари Мавлонанинг ашъоридир"*,<sup>522</sup> деб ёзган *"Мажолис ун-нафоис"*да. Яъни Жўги Мирзо саройи деворларини Румий шеърлари билан беагани шоир шеърларига бўлган муҳаббатнинг баландлигидан далолат беради.

*"Бадоеул вақоеъ"*да ёзилишича, *Мирзо Бойсунқурнинг укаси Мирзо Жўги сипоҳийликка берилган эди. Ўз даврида паҳлавонлик ва баҳодирликда унга тенг келадигани бўлмаган. Бир куни унга дедилар: Сизнинг акангиз (Бойсунқур) доимо хуштабъ ва зариф кишилар билан суҳбат (мажлис) қуради. Идрок аҳли билан дўст тутинади. Сиз бўлсангиз ноқобил ва бесалоҳият одамларга ҳунар ўргатмоқ бўласиз. (Байт):*

*Ҳамниши ту аз ту беҳ бояд,*

*То туро ақлу дин бияфзояд.*

*(Таржимаси: Сен доим ўзингдан афзалроқлар билан ўлтир. Ақлу имонинг ортажак).*

*Акангизнинг бир Бобо Савдой деган мулозими бор, фазилат аҳли маъракаси(мажлиси)да сарвар...*

*Мирзо Жўги бир киши юбориб: "Ўша остона мулозими Бобо Савдой таъриф тавсифини кўп эшитдик. Уни биз томон юборсангиз. Унинг кўнгил очувчи суҳбатидан камина ҳам баҳра топса", деди. Бобо Савдой узр ва баҳоналар қилиб, Жўги Мирзо мажлисига боришни истамади. Бундан шаҳзоданинг жаҳли чиқди. Шоирнинг унинг ҳузурига судраб келтиришди.*

*Жўги Мирзо уни жазолашга буюрди.*

*Бобо Савдойи "Худо ҳаққи, менга қўл кўтарманг!" деди. Уни қўйиб юборишлари билан ўрнидан туриб ўйнаб ашула айта*

---

<sup>521</sup> "Девони Шайхзода Атоий". Т.Фан, 2008.-Б.171.

<sup>522</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ф.Фуллом номидаги НМИУ, 2012.-Б.314.

бошлади... Ақл бовар қилмайдиган ҳунар ва санъатлар кўрсатиб, шеърлар айтиши билан мажлисни қизитиб юборди.<sup>523</sup>

Гармсир ва Балх шаҳарларидаги саройларида шоирларни тўплаб, мажлислар тузган ва саройларини шеърлар билан беаган Муҳаммад Жўқи (Жоку) – Жўғи Мирзо (1403-1445) Шоҳрух Мирзонинг бешинчи ўғлидир. Отаси замонида 1433 йилда Гармсир ва 1443 йилда Балх вилоятларини бошқарган. Маълумотларга қараганда, қирқ уч ёшида асаб касалидан вафот этган.

Умаршайх ибн Амир Темурнинг ўғли **Искандар Шерозий** (1384-1415) шоиртабиат ҳукмдорлардан бири бўлган. Искандар Мирзо ҳақида Ҳамидулла Дадабоев шундай ёзган: *“Искандар Мирзонинг қисқа муддатли (Форс вилоятида) ҳукмронлик даврида Шероз илм-фан, адабиёт, маданият марказига айланган. Бу пайтда Шерозда форсийгўй адиблар қатори туркийгўй шоирлар ҳам ижод қилган. Мирзонинг ўзи ҳам Искандар Шерозий тахаллуси билан газаллар битган.”*<sup>524</sup> Ғулом Каримий “Мунтахаб ут-тавориҳи муиний” китоби сўзбошисида ҳам юқоридаги фикрларга муштарак мулоҳазалар билдирган: *“Мирзо Искандар олиму шоирларга ҳомийлик қилгани жиҳатдан Амир Темур авлодларидан Шоҳрух, Улугбек, Бойсунқур, Иброҳим Султон, Ҳусайн Бойқаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар қаторида туради. Илму фан ва адабиёт марказига айланган Шерозда нафақат форс тилида ёзадиган адиблар, балки Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий каби туркигўй шоирлар ҳам ижод қилишган. Мирзо Искандар Исфаҳонни тахтгоҳ қилгач, унинг саройидаги олиму шоирларнинг кўпчилиги бу шаҳарга кўчиб ўтишгани эҳтимол.”*<sup>525</sup>

Султон Искандар Шерозий ҳузуридаги мажлисларда Ҳайдар Хоразмий каби шоирлар қатнашган ва Навоий бу борада шундай ёзган: *“Салтанат тажаммулини дерларким, салотиндан ози онча қилмиш бўлгай. Етти ё саккиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй, анинг модиҳи экандур”*.<sup>526</sup>

<sup>523</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вакоъ. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.180-181.

<sup>524</sup> Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари. Т: “Навоий университети” НМУ, 2018.-Б.80.

<sup>525</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи муиний. Т: “Ўзбекистон”, 2011.-Б.14.

<sup>526</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.412.

Албатта Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан-ул-асрор” асари юқорида Навоий ишора қилганидек, Искандар Шерозийга бағишланган.

*Тўрт бўлинг, етти улус султони,  
Олти жиҳат икки жаҳоннинг хони.  
Подшо Искандар Доро ҳашам,  
Даври даврон шоҳи, соҳиб карам.  
Разм кунда шаҳр или иқлимгир,  
Базм туни лутф ила хизматпазир.  
Ҳар не камол ичра десам беназир,  
Барчаси бири-биридин беназир.  
Малак нишон бермади бу шоҳдек,  
Даҳр кўзи кўрмади бу моҳдек.<sup>527</sup>*

Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Искандар Шерозий ва касидагўй Ҳайдар Хоразмий тўғрисида жумладан шундай деган: “Махзани асрор” ва “Гул ва Наврўз”нинг муаллифи бўлган Мавлоно Ҳайдар (Хоразмий) туркийгўй у(Искандар Шерозий)нинг назмгўйи эди ва ўша китоб(“Гулшан ул-асрор”)ни яхши айтган ва унинг номига битган”.<sup>528</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, “Султон Искандар дерларким, табъи назм эрди. Ва бу туюқни андин нақл қилурларким:

*Тўлун ойга нисбат эттим ёруми,  
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.  
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,  
Ё Мисрни, ё Ҳалабни ё Руми.<sup>529</sup>*

Султон Искандарнинг шеърятга мойиллиги бир томондан адабий мажлисларнинг мунтазам ташкил этилишига туртки бўлган бўлса, иккинчи томондан шеърхонлик кечаларини қизитган, деб тахмин қилиш мумкин.

“Мажолис ун-нафоис”да Навоий Мавлоно Бурундуқ ҳақида қайд этар экан, уни **Султон Бойқаро бинни Умаршайх** (1393-

<sup>527</sup> Муборак мактублар. Ҳайдар Хоразмий. Гулшан-ул-асрор.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.218.

<sup>528</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.44.

<sup>529</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.412.

1423) хизматида бўлганини эсга олган.<sup>530</sup> Мулозимлик, хизматида ёки суҳбатида бўлиш ўз ўрнида унинг хузуридаги мажлисларда иштирок этишни ҳам англатишидан келиб чиқсак, демак, шоир Мавлоно Бурундуқ Султон Бойқаронинг шеърият йиғинларида ҳам қатнашган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да шундай ёзган: “*У олий даражали шаҳзода Бойқаро ибн Умаршайх султон ибн Амир Темур кўрагон хизматида эди. Бухоро ва Самарқанддан ул шаҳзода хизматига – Хуросон ва Ироққа бориб қолган шуаронинг у (Мавлоно Бурундуқ) билан мураса қилиш, келишишидан ўзга чораси бўлмаган, зеро фасоҳатли ва ҳозиржавоб киши эканидан, ҳамсуҳбатлар ундан чўчиб турар эдилар...*

*Айтишларича, шаҳзода Бойқаро Балх тахтига ўтиргач, шоирни саройга чақириб, битилган номада унга беш юз динар бағишлаган экан, лекин парвоначи икки юз динар ёзиб қўйган. Мавлоно Бурундуқ мана бу қитъани ёзиб, мажлисда шаҳзодага тақдим этади:*

*Дўстни ҳам, душманни ҳам сийловчи шоҳ,*

*Жаҳонгирдир – магар у жаҳондордир.*

*Беш юз олтин менга инъом айлади,*

*Бандасига шоҳ лутфи кўп бисёрдир.*

*Жумладан инъомининг уч юзи йўқ,*

*Ёрлигимда икки юз рақам бордир.*

*Ё фармонни мен хато эшитдимми,*

*Ё хатога йўл қўйган газнадордир.*

*Балки туркий ҳисоботда ким билсун,*

*Беш юз олтин – шул икки юз динардир?*

*Бойқаро бу қитъани мутолаа қилиб, кулиб юборади ва шу заҳоти мавлонога минг динар келтириб берадилар”.*<sup>531</sup>

Темурийлар даври шоирларидан бўлмиш Мавлоно Бурундуқ Хўжандий (Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да уни Бухорий таҳаллуси билан тилга олади) Мироншоҳ, Умаршайх ва юқорида таъкидлаганимиздек, унинг ўғли Бойқаро саройида хизмат

<sup>530</sup> Кўрсатилган асар.-Б.302.

<sup>531</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ғ.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.154-155.

қилган. Асосан қасида жанрида ижод қилган Мавлоно Бурундук “Ибни Нусрат” ва “Бурундук” тахаллуси билан шеър ёзган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Мироншоҳ Мирзонинг тўнғич ўғли **Абобакр Мирзо** (1382-1417) ҳақида алоҳида тўхталган: “*Абобакр набира бўлур. Баҳодирлиги ва қиличи зарби Чизатой улусида машҳурдир. Чун табъида назм чошниси бор эрмиш*”.<sup>532</sup> Бобоси Амир Темур тарбиясида йирик саркарда бўлиб шаклланган Абобакр Мирзо ҳузурида ҳам шеърят мажлислари ташкил этилган. Аммо унинг сарой шоирлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Шуниси аниқки, шеърятга меҳр қўйган бошқа темурийлар каби Абобакр атрофида ҳам олимлар, шоирлар ва фозиллар тўпланган ва адабий йиғинларда Абобакр Мирзо шеърлар ўқиган:

*Эр керак ўртанса ёнса ёлина,  
Ёра еб ётса отининг ёлина.  
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,  
Эр отониб душманига ёлина.*<sup>533</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да Шохрух Мирзо саройида тарбия топган **Абдуллатиф Мирзо**(1428-1450)ни Навоий “табъи назм эрди ва шеърини ободон айтур эрди”, деб зикр этган,

*Бар дили жон сад бало аз як назар овард чашим,  
Чун бигуям шукри ин, ё раб, набинад дард чашим.*<sup>534</sup>

(Мазмуни: Кўз бир қараш билан дил ва жонга юз бало келтирди, бунинг шукрини қандай адо қилай? – Ё, раб (у) кўз дард кўрмагай!)

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир Сайид Али Ҳошимий “*насаб ва хуштабъ йигит эрди. Абдуллатиф Мирзо мулозаматида бўлур эрди*”<sup>535</sup>, деб ёзади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Абдуллатиф Мирзо ҳузуридаги шеърый йиғинларда Ҳошимийдек шоирлар мушоира қилишган. Шоир Абдурахмон Жомийни

<sup>532</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.412.

<sup>533</sup> Кўрсатилган асар.-Б.412.

<sup>534</sup> Кўрсатилган асар.-Б.414.

<sup>535</sup> Кўрсатилган асар.-Б.298.

Абдуллатиф Мирзо ўз саройига таклиф этганига асослансак, демак унинг даргоҳи кўплаб ижодкорлар билан гавжум бўлган.<sup>536</sup>

Мавлоно Атоий шаҳзода ҳузуридаги шеърят кечаларида катнашиб, ўз ғазалларини ўқиган:

*Соқиё, келтур қадаҳким бўлди вақти гул латиф,  
Наргиси сероб сархуш, нағмайи булбул латиф.  
Юз Атоий ўлгай эрди нозанинлар зулмидин,  
Бўлмаса адли шаҳаншаҳзодахон Абдуллатиф.*<sup>537</sup>

Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳнинг ўғли **Абу Саид Мирзо** (1424-1469) саройида ҳам шеърӣ йиғинлар ўтказилган.

Навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов манбаларга таяниб, Навоий Ҳусайн Бойқаро давригача уч ҳукмдор - Абулқосим Бобур, Султон Абу Саид ва Султон Аҳмад Мирзо саройида хизмат қилганини, адабий мажлисларда катнашганини айтади.<sup>538</sup> Хондамир ҳам “Ҳабиб ус-сияр”да Навоий “Султон Абу Саид ҳумкронлиги кунлари Ҳиротга келиб, бир неча муддат вақт иқбол ошённи остонаси(султон саройи)нинг мулозаматида бўлган”<sup>539</sup> ини ёзган. Албатта Султон Абу Саид саройида ҳам Навоий каби кўплаб шоирлар хизмат қилган. Бинобарин ҳукмдор ҳузурида адабий йиғинлар ҳам ташкил этилган. Султон саройида хизмат қилган шоирлар сирасига Амир Шайхим Суҳайлийни ҳам қўшиш мумкин. Бу борада Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шундай ёзган: “Султон Абу Саид Мирзо хизматиға тушиб махсус мулозим бўлди ва ашъори эл орасида шуҳрат тутти.”<sup>540</sup> Бу ўз навбатида Хуросонда машҳур бўлган шоир Суҳайлийнинг танилишида султон мажлислари муҳим рол ўйнаганини англатади. Ҳерман Вамбери ҳам Шайхим Суҳайлий Султон Абусаид саройи шоирларидан бири бўлганлигини ёзган: “Суҳайлий ёхуд Амир Шайхим Суҳайлий. Илк бор Абу Саид мирзо саройида, кейин 20 йилча Мирзо Ҳусайн Мирзо

<sup>536</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т. Бадий адабиёт нашриёти, 1963.-Б.153.

<sup>537</sup> “Девони Шайхзода Атоий”. Т. Фан, 2008.-Б.155.

<sup>538</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларнинг қиёсий-типологик, тектологик таҳлили. Т. Академнашр , 2011. –Б.62.

<sup>539</sup> Навоий замондошлари хотирасида.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.116.

<sup>540</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.338.

*саройида яшаган ушбу зот Ҳиндистоннинг “Тўтинома” масалларини фавқулодда гўзал таржима қилган”.*<sup>541</sup>

Котибий Нишопурийнинг ҳам шеърий мажлисларда ўқилган, Султон Абу Саидга бағишланган қасидалари бор:

*Гаҳики, тиги ту да қатли аҳли дид барояд,  
Ба як мушоҳада мақсуди сар шаҳид барояд.  
Манол, Котибӣ, аз шоми гам ки субҳи саодат,  
Ба юмни давлати Султон Абусаъид барояд.*

(Таржимаси: Гоҳо тигинг ошиқлар қатли учун кўтарилганда, бир кўриш билан юз шаҳиднинг мақсади ҳосил бўлади. Котибий ҳам тўнингдан нолима, Абусаид давлати баракатидан саодат тонги отиб қолади).

Султон Абу Саид Мирзо Оксарой қурганда иморатга китоба (ёзиш) учун шоирларга шеър битишни буюради. Мавлоно Ишқийнинг шеъри эса подшоҳга маъқул тушади.

*Ин манзаре ки тоқ чу абрӯи дилбар аст,  
Аз хок бар гирифтаи дорои кишвар аст.*<sup>542</sup>

(Таржимаси: Пештоқи дилбарнинг қошига ўхшаган бу манзара мамлакат подшоҳининг тупроқдан юксалтирган биносидир).

Абдусамад Бадахшийга “Подшоҳ(Абу Саид Мирзо) ўз тарихин буюрди”.<sup>543</sup> У шунингдек султон адабий мажлисларида иштирок этган.

Шоир Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” асари Султон Абу Саид Мирзога бағишланган ва мазкур асардаги қуйидаги сатрларда ҳукмдор мажлислари зикр этилган:

*Ҳамди худо бирла равон оч тилинг,  
Мадҳи шаҳаншоҳга боғла белинг.  
Носири дин, мулк эяси Бу Саъид,  
Давлатидин элга турур кунда ийд.  
Эгри бўлур мажлисида рострав,  
Бошдин этар дурри гуҳарларни нав.  
Қилди қўбуз барча сўзин ихтисор,*

<sup>541</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т:Ф.Фулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

<sup>542</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд.. Т. Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.16.

<sup>543</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд. Т. Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.322.

*Айта турур мадҳи шаҳи комкор.*<sup>544</sup>

Айтиш мумкинки, Султон Абу Саид Мирзо даврида ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт ва адабиёт ривожланди.

Бойсункур Мирзонинг тўнғич ўғли **Алоуддавла**(1417-1460) ҳам отаси каби адабий йиғинлар уюштириб, ўз атрофига шоирларни бирлаштирган ҳолда ижод аҳлини кадрлаган. “Мажолис ун-нафоис”да Мир Ислон Ғаззолий ҳақида ёзилар экан, унинг Алоуддавлалар салотин(султонлар) ва ҳукком(ҳикмат аҳли) мажлисида иштирок этганига шундай урғу берилади: “*Ғояти латофати табъидин назмга дағи иштиғол кўргузур эрди ва анинг назмда камоли Ҳаким Анварийнинг бу қасидаси жавобидаким:*

*Чу муроди хешро бо мулки Рай кардам қиёс.*

*(Таржимаси: Ўз истагимни Рай мамлакати билан қиёс қилганимда.)*

*маълум бўлурким, Алоуддавла Мирзо мадҳида айтибдурким, ҳар байти боштин аёқ ул замоннинг бир тарихидур ва ул қасида матлаи будурким:*

*Шоҳиди ижлодро бе мулки ў набвад либос,*

*Балки ижлол аз жалоли ў кунад мажд илтимос.*<sup>545</sup>

*(Таржимаси: Азамат ва буюклик гўзалига унинг подшолигисиз либос бўлмайди, балки буюкликнинг ўзи ҳам унинг буюклигидан улуглик сўрайди).*

Алоуддавла даврида шуҳрат қозонган шоирлардан бири Хожа Маҳмуд Бараҳна бўлган. Шоир ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий шундай ёзган: “*(Хожа Маҳмуд) Мирзо Алоуддавллага атаб бир “Даҳнамо” ёзди ва тажнис санъати ҳамда қофия муқаррарлигига риоя этди. Дарҳақиқат (у) яхши ёзилгандир.*

*Хожа Маҳмуд замон султони (Абусаид Мирзо)нинг таҳсин ва сийловига сазовор бўлди. Зўр шуҳрат ва эҳтиромлар топди*”.<sup>546</sup>

<sup>544</sup> Саййид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси. Мажмаъ ул-ахбор.Т. Фан, 1992.-Б.18.

<sup>545</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.297-298.

<sup>546</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан). Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.183.

“Латофатнома”да ёзилишича, Мирзо Алоуддавла мажлисларидан бирида шоир Хожа Мансур Қорабой Тусий қози Абдулваҳҳоб Тусийни қаттиқ танқид остига олди:

-Эй қози, сиз етимларнинг нонини туя қилиб берасиз, шу ишингиз инсофдан эмас.

-Хато қиласиз, шоир,-деди қози,-Мен ялонғоч етимларга бошпана ва илитувчи офтобман.

Хожа Мансур мажлисда дарҳол бадихатан қуйидаги шеърни ўқиган:

*Қозиё, жомаи ятимонӣ,  
Хунашон мехӯрӣ, магар шаомий,  
Гуфтай: “Офтоби шаръ манам,  
Офтоби, вале ятимкушӣ.*

(Таржимаси: Қозиё тўндирсан, етим-есирга, Бу тўн тўла битдир қонини сўрар, Дединги, қуёшман, нурман уларга, Қуёшсан, валекин нуриг ўлдирар.)

Бу назм ва ҳажв учун мажлисда Мирзо Алоуддавла шоирни мукофотлади.<sup>547</sup>

Мавлоно Атоийнинг қуйидаги байтида Мирзо Алоуддавла мадҳ этилганки, у шоир султон билан таниш бўлганини ҳамда адабий йиғилишларида қатнашганлигини англатади:

*Зулм ила қон айлайин, дер Атоий кўнглини,  
Келмаса адли Алоуддавла султон кўнглима.*<sup>548</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да Бойсунқур Мирзонинг яна бир ўғли **Султон Муҳаммад**(1418-1451)нинг адабий кечалари ҳам зикр этилган.

Мавлоно Али Шихоб ҳам Султон Муҳаммад Мирзонинг ҳузуридаги шоирлардан бўлган. “Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, “*Султон Муҳаммад Бойсунқурнинг мулозими эркандур, ҳам равон, ҳам пухта айтур эркандур. Ул замон шуароси андин ёмон айтурлар эрмиш*”.<sup>549</sup>

<sup>547</sup> Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. Т. Ғулом номидаги АСН, 1996. -Б.174.

<sup>548</sup> “Девони Шайхзода Атоий”. Т.Фан, 2008. -Б.211.

<sup>549</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплам. Тўккизинчи жилд. Т. Ғулом номидаги НМИУ, 2012. -Б.300.

Бундан ташқари Султон Муҳаммад Мирзонинг маддох шоирлари жумласига Мавлоно Толейини қўшиш мумкин ва Навоий бу шоир ҳақида шундай деган: “*Мавлоно Толейий–ҳам Султон Муҳаммад Бойсунгурнинг модихи эди*”.<sup>550</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да “*Хуросоннинг қадимий шуаросидин (Мавлоно Ҳасаншоҳнинг) Шохруҳ Мирзо замонидин бу фархунда давронгача (Навоий яшаган давргача) кўпрак салотин (Темурий султонлар) ва ақобир ва мутаайин элга ҳам мадҳи ва ҳам марсияси бор*”<sup>551</sup>, дейилади. Ҳиротнинг машҳур шоирларидан бўлмиш Мавлоно Ҳасаншоҳ ҳар қандай мажлисга файз кирита оладиган суҳбатдош сифатида Султон Муҳаммад мажлиси надимларидан бири бўлган.<sup>552</sup> Мавлоно Ҳасаншоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро даври мажлисларида ҳам иштирок этган.<sup>553</sup>

Бир сўз билан айтганда, Султон Муҳаммад ҳузуридаги ана шундай Ҳасаншоҳдек истеъдодли шоирлар шеърият йиғинларида мушоиралар олиб боришган.

Алишер Навоий бир байтида “*Навоий назмини қуёш лавҳида ёзилиши*”да<sup>554</sup> Ҳусайн Бойқаронинг нечоғлиқ катта хизмати бор эканлигига, буни у - “*шоҳу хурдадон буюрганлигига*”<sup>555</sup> урғу берган. Бундан ташқари Навоий ҳаётида ва унинг бетакрор истеъдодининг шаклланишида темурий ҳукмдорлардан **Абулқосим Бобур Мирзо** (1422-1457) ва унинг адабий мажлислари ҳам муҳим рол ўйнагани баайни ҳақиқат.

Темурийлар даври ҳақида академик Иззат Султон шундай ёзган: “Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида “Темур ва темурийлар даври” деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди, чунки бу давр “турк улуси” зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз

<sup>550</sup> Кўрсатилган асар.-Б.301.

<sup>551</sup> Кўрсатилган асар. –Б.342.

<sup>552</sup> Кўрсатилган асар. –Б.694.

<sup>553</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоъ. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.97.

<sup>554</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. Т. Фан, 1990.-Б.194.

<sup>555</sup> Кўрсатилган асар. –Б.194.

тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди”.<sup>556</sup>

Абулқосим Бобур 1451 йилда Хуросон тахтига ўтиргач, мамлакатда осойишталик ўрнатилади ҳамда унинг даврида маданият, илму фан ва адабиётга эътибор кучаяди. Шоислом Шомухамедов “Форс–тожик адабиёти классиклари “ китобида Абулқосим Бобур давридаги маънавий ривожланишни ҳамда адабиётнинг гуллаб яшнашини, адабий муҳитни Ҳусайн Бойқаро замони билан бир қаторга қўяди: *“Абулқосим Бобур эса, илмдўст, адабиётчи бўлган, ўз саройига олимлар, шоирлар, санъат арбобларини тўплаб, уларга ҳомийлик қилган...Авалло шунини қайд қилиб ўтиш зарурки, Абулқосим Бобур ва айниқса Ҳусайн Бойқаро билан Навоийлар давлатида адабиётнинг тараққий топиши учун анча қулай шароит яратилди”*.<sup>557</sup>

Сарой адабиёти Бобур Мирзо даврида ҳам ривожландики, ўнлаб шоирлар бунинг учун ўз хиссаларини қўшдилар. Алишер Навоий қомусий луғатида Бобур Қаландар (Дарвеш) номи билан машҳур бўлган Абулқосим Бобур атрофига шоирларни тўплаб, мушоиралар ўтказишни хуш кўргани қайд этилади<sup>558</sup>. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да келтирилган қизиқарли бир воқеада ҳам Абулқосим Бобур мажлислари тилга олинган. Унда ёзилишича, Паҳлавон Муҳаммад билдирмасдан бетоб ётган ёш Навоийнинг чўнтагидаги янги ёзилган ғазални ёд олиб, ушбу шеърни Саййид Насимийники деб ҳазиллашади ва суҳбат давомида шундай деган: *“Ўн икки йил бўлгайким, Бобур Мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттим”*.<sup>559</sup> “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да зикр этилган бундай шеърят йиғинлари-мажлислар Абулқосим Бобур саройида доимий фаолият кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да кўплаб шоирлар қатори Мавлоно Сулаймонийнинг Бобур Мирзо адабий мажлисида бадиҳани равон айтганлигини

<sup>556</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ғ.Фулом номидаги БАН, 1969. –Б.20.

<sup>557</sup> Шомухамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари.Т. Ўзбадийнашр,1963.-Б.168.

<sup>558</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат.Биринчи жилд.Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.120-121.

<sup>559</sup> Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Фулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.27.

тасдиқланганлигидан келиб чиқсак, темурий ҳукмдорнинг доимий суҳбатдоши сифатида<sup>560</sup> шоир ўзи гувоҳ бўлган ва мажлис катнашчилари ҳақида фикр-мулоҳазаларини кейинчалик ўз тазкирасига киритган.

Ҳақиқатан, “Мирзо Бобур Қаландар”<sup>561</sup> ҳомийлигида кўплаб шоиру адиблар камолга етганлиги ва адабий йиғинларда катнашганлиги “Мажолис ун-нафоис”даги маълумотлардан маълум бўлади. Мавлоно Тўтий ҳам “Мажолис ун-нафоис”да қайд этилишича, **“Бобур Мирзо мулозаматида тарбия топти”** ва саройдаги адабий муҳит ва мажлисларда истеъдодли шоир бўлиб шаклланди.<sup>562</sup> Шоир ҳақида Хондамир шундай деган: *“Ширинсўз шоир бўлиб, унинг асил келиб чиқиши Туршиздандир. Буюк султон Абулқосим Бобур Баҳодир подшоҳлиги замонида адабиёт майдонига қадам қўйиб, катта шуҳрат топди.*

*Қасида ёзишда катта маҳоратга эга бўлиб, Султон Абулқосим Бобур мадҳида зоятда гўзал бир қасида ёзган.*

*...Фозиллар унинг қасидаларини бошқа қасиданавис шоирлар қасидаларидан яхшироқ деб биладилар”.*<sup>563</sup>

Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да ёзишича: *“Шайхзода Тоҳир(нинг)... пойтахт Ҳиротда бошқа шеърларидан кўра, газаллари кўпроқ шуҳрат топди. Замон подшоси (Абулқосим Бобур) унинг бир газалини кўп маъқул кўрарди, (мажлисларда ўқирди) ва кўпчилик шоирлар бунга назира ёзганлар:*

*Майгун лаби орзусида бағри тун бўлгай киши,  
Лабки менгзар гунчага, бағри хун бўлгай киши.  
Ортиқ гўзалларга Тоҳир бас етар эргашмагил,  
Куйида ҳушдан кетиб телба-юпун бўлгай киши”.*<sup>564</sup>

Абулқосим Бобур ҳам шеър ёзган. Навоий бу ҳақда шундай деган: *“Агарчи туркча назмлар айтур эрдик, барчага қабул эрди. Аммо, бу байт ҳам анингдурким:*

*Неча юзунг кўриб ҳайрон ўлайин,*

<sup>560</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Т.:Ф.Фулом номидаги АСН, 1985.-Б.116.

<sup>561</sup> Зайниддин Восифий.Бадоеул вақоеъ. Т. Ғ.Фулом номидаги АСН, 1979.-Б.157.

<sup>562</sup> Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами,Тўккизинчи жилд. Т. Ғ.Фулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.313.

<sup>563</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғ.Фулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.192.

<sup>564</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т. Ғ.Фулом номидаги АСН, 1981.-Б.182.

*Илоҳи, мен санга қурбон ўлайин”.*<sup>565</sup>

“Мажолис ун-нафоис”да қайд этилишича, “(Ҳирот шаҳрининг донишманд ва хуштабъларидан) Мавлоно Бурҳониддин ...Бобир Султон отиға муаммо рисоласи битди: “Жавоҳирул-асмо”ға (“Исмлар жавоҳирлари”) мавсум. Бу муаммоким, “Шоҳ Бобур” ҳосил бўлур, ул рисоладин, Мавлононинг хосса муаммоларидиндур:

*Пас аз баҳори жавонӣ кашем оҳ ба ҳасрат,*

*Ҳазони умр чу охир расид аз паи зорат.*<sup>566</sup>

Албатта, Мавлоно Бурҳониддин қаламига мансуб мазкур муаммолар Бобур Мирзо мажлисларида ўқилган.

“Мажолис ун-нафоис”да қайд қилинишича, Мавлоно Муҳаммад Муаммой Бобур Мирзо хизматидаги шоирлардан бири бўлганки, бойлигини сарфлаб, Шерозда Ҳазрат Хожа Ҳофиз(Шерозий) қабри бошида гумбаз ясаган ва Абулқосим Бобурни ушбу зиёратгоҳга таклиф қилиб мажлис ташкил қилган. Навоий *“Муаммой...андин сўнгра ҳам салотин(султонлар) мажлисида мақбул ва махсус эрди”*<sup>567</sup>, дейди. Навоийнинг устозларидан Мавлоно Муҳаммад Муаммой (15-аср) Абулқосим Бобурнинг сарой шоири бўлиб, бадиҳа айтишда моҳир бўлган. Навоий Абулқосим Бобур саройида хизмат қилганида ундан муаммо фанидан сабоқ олган.<sup>568</sup> Вали Қаландар, Ҳофиз Шарбатий ҳамда Мавлоно Муҳаммад Аминлар ҳам Абулқосим Бобур адабий анжуманларининг фаол иштирокчиларидан бўлишган.

Шоир Муҳаммад Амин “Дилбарам” номли ғазалини Бобур Мирзо “тобуғига(ҳузурига, мажлисига) тақдим этади. Ёқимли бу шеърни подшоҳ адабий мажлисларда ёддан ўқиган:

*Эй сияҳ чашми хитой мурғи жонро бо ту унс,*

*Ба-з сияҳ чашмони дигар ҳамчу оҳу дилбарам.*<sup>569</sup>

<sup>565</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд.Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.413.

<sup>566</sup> Кўрсатилган асар. –Б.375.

<sup>567</sup> Кўрсатилган асар.-Б.319.

<sup>568</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016. 283-б.

<sup>569</sup> Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд.Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.321-325.

*(Таржимаси: Эй хитойлик қора кўз, жон қуши сенга улфатдир, бўлак қора кўзларга нисбатан дилбарим оху кабидир).*

Мавлоно Волахий – ошуфта киши эрди, деб ёзади Навоий. Волахий Бобур Мирзо Машҳад шахрига борганида подшоҳга бағишлаб, “Ораста” радифли қасида ёзади. Ушбу қасидада “Шоҳ Абулқосим даврида Султон Али Мусо Ризо “шаҳид бўлган” Машҳад жаннатдан ҳам ёқимли бўлгани”<sup>570</sup> қаламга олинади. Мавлоно Қанбарий ҳам ижод шайдоси Бобур Мирзога бағишлаб, қасида яратганини<sup>571</sup> Навоий таъкидлаган.

*Ин гуҳарҳо бин ки дар дарёи ахзар кардаанд,  
З-ин машоил оташи хур бин ки чун бар кардаанд.*<sup>572</sup>

*(Таржимаси: Бу гавҳарларни кўм-кўк дарёда ишлаганлар, кўргилки, бу машъаллардан ёлқинли қуёш пайдо қилганлар).*

Алишер Навоийнинг ҳам Бобур Мирзо мажлисларида иштирок этганлиги ҳақида Хондамир “Ҳабибус-сияр”да шундай ёзган: “Ул жаноб (Навоий) болалик пайтларидан зафар байроқли хоқоннинг хизматида бўлди, ул ҳазрат Абулқосим Бобурга суҳбатдош бўлиб қолгач, амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозаматини ихтиёр қилди”.<sup>573</sup>

Абулқосим Бобур шеърят кечаларида Навоий ўз шеърларини ҳам ўқиган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да “Султон Абулқосим Бобур ...улуғ амир(Навоий)га таъби(шеъри)нинг мулойимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда (мажлисларда) улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди...”,<sup>574</sup> деган.

Абулқосим Бобурнинг дарвешваш ва шоиртабиат бўлганлиги сабабли мушоираларда тасаввуфга йўғрилган шеърлар ўқилган, ушбу мавзуда суҳбатлар олиб борилган, йиғинлар дарвешона мажлисларни эслатиб турган. Фахриддин Али Сафий “Рашоҳат айнил-ҳаёт”да бу ҳақда шундай ёзган: “(Хожа Ахрор валий) ойтур

<sup>570</sup> Кўрсатилган асар.-Б.375.

<sup>571</sup> Кўрсатилган асар.-Б.321.

<sup>572</sup> Кўрсатилган асар.-Б.321.

<sup>573</sup> Навоий замондошлари хотирасида.Т:Ғ.Фулом номида АСН, 1985.-Б.116.

<sup>574</sup> Кўрсатилган асар. -Б.14-15.

эрдилар: “*Мирзо Бобур тасаввуфдонлиқ даъвосини этур эрди ва муқаддимоти тасаввуфдин онинг мажлисида хийла ўтар эрди. Шайхзодаи Пурқийёмким, мутасаввуф эрди, Мирзонинг мулозаматида бўлур эрди. Ва Мирзо Бобурнинг бу тоифаи алиййага кўп эътиқоди бор эрди*”.<sup>575</sup> Ҳақиқатан ўз даврида Бобур Қаландар номи билан машхур бўлган бу ҳукмдор ҳақида ҳам Навоий шунга ўхшаш фикрларни билдирган: “*Бобур Мирзо – дарвешваш ва фоний сифат ва каримул-аҳлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтууннинг дағи кумушининг тош ва туфрочча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин “Ламаъот” била “Гулшани роз”га кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмга мулойим эрди*”.<sup>576</sup> Юқоридаги маълумотлар ҳақиқатан ҳам “дарвешваш” ва шеърят ихлосманди, кези келганда ўзи ҳам шеър айтган Абулқосим Бобур саройида ва мажлисларида тасаввуфга оид суҳбатлар ўтказилганини исботлайди.

Умуман олганда, “Мажолис ун-нафоис”да Бобур Мирзо саройидаги мажлис иштирокчилари, шоирлар, давр фозиллари, зиёлилар тўғрисида кенг ёритилганлиги бир томондан, Навоийнинг ушбу мушоираларда мунтазам қатнашганлигини билдирса, иккинчи томондан Бобур Мирзо саройи чинакам илм-маърифат, маданият ва адабиёт маскани бўлганини кўрсатади. Бинобарин, Навоий тафаккури, қарашлари ва дунёқарашининг шаклланишида Абулқосим Бобур даври адабий муҳити ва адабий мажлисларининг таъсири бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунингдек, “дарвешваш” Бобур мажлисларидан Хуросон ҳукмдори бўлгач, “шоҳлар дарвеши” Ҳусайн Бойқаро ҳам андоза олган бўлишини тахмин қилишимиз мумкин. Чунки бу иккала темурзоданинг табиати ҳамда адабий мажлисларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари шундай дейишимизга асос бўлади.

“Мажолис ун-нафоис”да Султон Ҳусайннинг акаси бўлмиш **Бойқаро Мирзо** (1430-1487)ни бир неча муддат Балх шаҳрини бошқариш билан бирга ижод билан шуғуллангани айтилади:

<sup>575</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004. –Б.383.

<sup>576</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.415.

“...Шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллуқ, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиги аъло мартаба эрди. Табъи дағи назм ҳульясидан муарро эмас эрди”.<sup>577</sup> Мазкур байт темурзоданинг ижодидан намунадир:

*Зиҳи тажалии ҳусни ту дар жаҳон пайдо,  
Ва з-ин тажалии ў гашта жони мо шайдо.*<sup>578</sup>

(Таржимаси: На гўзалки ҳуснинг жилоси жаҳонга ёйилди, Унинг жилваси туфайли бизнинг жонимиз шайдо бўлди)

Албатта бошқа темурий мирзолар ҳузурида бўлгани каби Бойқаро Мирзо саройида ҳам адабий кечалар уюштирилган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Султон Ҳусайн Бойқаронинг жияни **Кичик Мирзо** (Муҳаммад Султон, 1458-1484) ҳақида ёзар экан, “шеър ва муаммони хўб англар эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди”,<sup>579</sup> дейди. Бобур “Бобурнома”да ҳам Кичик Мирзо ҳақида юқоридаги сўзларга муштарак фикрлар билдирган: “Бурунлари тағойисига мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк этиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлиб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур”.<sup>580</sup>

Султон Ҳусайн Бойқаронинг Оқобегим исмли опасининг ўғли Кичик Мирзо ота тарафдан Мироншоҳ Мирзонинг набираси шоир Сайди Аҳмад Мирзонинг ўғли Султон Аҳмаднинг фарзандидир.

Кичик Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий мажлисларида фаол иштирок этган ва унинг ўзи ҳам адабий кечалар ўтказган.

**Султон Масъуд Мирзо Шоҳий**(1475-1506) – Абусаид Мирзонинг набираси Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуднинг ўғлидир. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир сифатида зикр этмаган бўлсада, бироқ Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Масъуд Мирзонинг отаси Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд Мирзони ҳам Зиллий тахаллуси билан шеърлар ёзганини айтиб ўтган.

<sup>577</sup> Кўрсатилган асар.-Б.415.

<sup>578</sup> Кўрсатилган асар.-Б.415.

<sup>579</sup> Кўрсатилган асар.-Б.415.

<sup>580</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.Т. Юлдузча, 1990.-Б.147.

**Султон Маҳмуд Зиллий** “*ҳамиша фазилат оройиш ройини фазл ва камол аҳли тарбиятига қаратганлигини, ҳунарпарвар боқий фозиллар унинг фирдавсмисол мажлисини сеҳрли фикрлари натижалари ва ашъори жавоҳирлари билан безаган*” лигини айтиб ўтган.<sup>581</sup> Бироқ Бобур Султон Маҳмуд Зиллий ижодини кескин танқид қилиб, “*табъи назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмогон яхшироқдур*”,<sup>582</sup> деб ёзган.

“Хотамий Султон Маҳмуд Мирзо Чигатойнинг эътиборли шоирларидан бўлган. Жуда кучли шоир ўтган ва ўз шеърү қасидаларида мазкур шахриёрни мадҳ этган”.<sup>583</sup>

“Равшан зеҳнлик ва мустаҳсан табълик”<sup>584</sup> шаҳзода дея зикр этилган Султон Масъуд Мирзо ота–боболари каби шеърхонлик кечалари ўтказган. Бундай мажлисларда ўзи ҳам шеърларидан ўқиб, шоирларни мушоирага чорлаган. Навоий шаҳзоданинг шоирлиги ҳақида шундай ёзган: “*Назм зеб ва зийнат итмомида абнои жинсқа мақсуд. Бу туркча матлаъ анингдурким:*

*Ёр бориб жонга қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,  
Кўнглима кор этмасунму дарди гурбат, эй рафиқ.*<sup>585</sup>

Шоирлардан “шўх табъ киши” Мавлоно Қутний Султон Масъуд Мирзо мулозимларидан бири бўлиб, шеърхонлик кечаларида иштирок этган. Қуйидаги машҳур шеърларидан бирини Масъуд Мирзонинг адабий мажлислардан ўқиган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

*Ғунча гар нисбат қилур ўзига дилдор оғзини,  
Эй сабо ели, тўла қон айла зинҳор оғзини.*<sup>586</sup>

Султон Масъуднинг укаси **Бойсунғур Мирзо**(1477-1499) “табъи нозик ва зеҳни ўткир, салтанат тахтида “фақирлик”ни одат этган, эътибор мақомида ўзини унутган, фазлу ҳунарга мойил ва

<sup>581</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.55.

<sup>582</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.48.

<sup>583</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013. –Б. 30.

<sup>584</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.417.

<sup>585</sup> Кўрсатилган асар.-Б.417.

<sup>586</sup> Кўрсатилган асар.-Б.340.

фазл аҳлини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган”<sup>587</sup> темурий шахзода бўлган. “Мажолис ун-нафоис”да Бойсунғур ҳақида шундай ёзилган: *“Назм айнини дағи анга мақбул ва гоҳи ул фикр табъи машғул. Бу матлаъ анингдурким:*

*Кош дар ишқи бутон девонае бошад касе,  
Тарки олам карда дар вайронае бошад касе.*<sup>588</sup>

*(Таржимаси: Кошки эди, санамлар ишқида бирор ким девона бўлса. Оламни тарк этиб вайрона бўлса бирор киши)*

Фазл аҳлини қўллаб-қувватлаган Бойсунғур Мирзо ҳузурида ҳам мушоиралар ташкил этилган.

Султон Маҳмуднинг учинчи ўғли **Султон Али** (1483-1500) “Мажолис ун-нафоис”да шеърятга мойил шахзода деб таърифланган: *“Дерларки, табъи назмга мойилдур”* ва куйидаги байт темурий мирзо ижодидан намуна деб келтирилган.

*Васлида мағрур бўлдинг ҳажрида зор, эй кўнгил,  
Не анинг бирла, не онсиз тоқатинг бор, эй кўнгил.*<sup>589</sup>

Султон Али Мирзо ҳузурида мажлислар ташкил этилган ва унда шахзоданинг ўзи ҳам шеърлар ўқиган. Шоир Камолиддин Биноий Ҳиротдан Самарқандга келганда Султон Али Мирзо хизматида бўлган.<sup>590</sup> *“Меъмор бўлгани учун Биноий тахаллус қилди. Ўзи яна сўз қасри рукнларининг моҳир устоди эди. Қудрат қўли фалак корхонаси рангини тўкмагай, ундай бунёд асосли бинони бирор киши кўрмагай. Фитрат муҳандиси тўққиз тоқлик фалак остида муқарнас ясаида бундайин маъно қоидаларидаги устодликни ҳеч ким эшитмаган. Лафз жузвлари устухонбандини унингдек чолоклик билан қўёлмасди. Байтлар қоидаси асосининг гулдастини ҳеч ким унингдек дастур билан боғламаган. Замонасининг фозиллар зумрасида Султон Ҳусайн Мирзо Кўрагон суҳбатида доимий бўларди. Ҳирот вилоятидан Мовароуннаҳр сари жўнади ва Самарқанд подшоҳи Султон Али Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзо хизматида бўлди. Бу ерда Шайбоний Муҳаммадхон*

<sup>587</sup> Кўрсатилган асар.-Б.417.

<sup>588</sup> Кўрсатилган асар.-Б.417.

<sup>589</sup> Кўрсатилган асар.-Б.417.

<sup>590</sup> Заҳриддин Мухаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.98.

*ибн Будог Султоннинг ўша юртга итилошига туради. Шайбоний уни Мовароуннаҳр малик уш-шуароси мансаби билан сарафроз этди*".<sup>591</sup>

Мумтоз адабиётимиз ёрқин вакилларида бири шоир, тарихчи ва мусиқашунос Камолиддин Али ибн Муҳаммад Сабз Биноий (1453-1512) Жомий ва Навоий адабий мактабида вояга етди. У шеър ёза бошлаганда, дастлаб Ҳомий тахаллусини қўллаган. Бобур Биноий шеърларига юқори баҳо бериб, шундай деган: *“Биноий ҳирилик(Ҳиротлик)тур. Ҳазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, маснавийлари ҳам бор. Бир маснавийси бор, мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дебтур, бекора қилибтур. Яна бир мухтасар маснавийси бор, хафиф баҳрида. Яна бир улугроқ маснавийси бор, ул ҳам хафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди*".<sup>592</sup> Биноий сермахсул шоир бўлиб, 3 та девон тузган. Шоир яна “Беҳрўз ва Баҳром” достони, “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ажойиб воқеалар мажмуъи”) қасидаси ҳамда “Шайбонийнома” ва “Футуҳоти хоний” (“Хоннинг ғалабалари”) тарихий асарларини ёзган.

Биноий “Нўҳ ранг” ва “Савт ун-нақш” каби машҳур мусиқий асарлар ҳам яратган: *“Бурунлар мусиқийдин беҳабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек (Навоий) таън қилур экандур. Бир йил мирзо (Ҳусайн Бойқаро) Марвга қишлай борганда, Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирида қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёзда мирзо Ҳири(Ҳирот) келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, “Нухранг”га мавсум. Бу тўққуз рангинг туганиши ва нақшинг яллови “Рост”тадур*".<sup>593</sup>

Истеъдодли шоир Биноийнинг Ҳирот адабий муҳитида ўз ўрни бўлиб, манбалар шоирнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройи, Жомий, Навоий каби улуғ шоирлар, вазирлар ва бошқа

<sup>591</sup> Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.71-72.

<sup>592</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.138.

<sup>593</sup> Кўрсатилган асар.-Б.138.

зиёлиларнинг адабий мажлисларида иштирок этиб, ғазаллар ўқиганини тасдиқлайди. Биноий ижоди ҳақида Навоий “Мажолис ун-нафоис”да тўхталган: *“Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди...Хатга ишқ пайдо бўлди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийга майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб адворда дағи рисола битиди...Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муришиди йўқ эрди, ўз бошича қилгон учун ҳеч фойда бермади... Ҳар тақдир била бу матлаъ анингдурким:*

*Ба сурма ҳарки сияҳ, кард чаими ёри маро,  
Басони сурма сияҳ кард рўзгори маро.*

*(Кимки ёримнинг кўзларини сурма билан қорайтирган бўлса, худди сурмадек менинг рўзгоримни қора қилди.)*<sup>594</sup>

Биноий Табризга Султон Яъқуб саройига келиб, Бобур ибораси билан айтганда, “ҳарифи мажлис” (Мажлис суҳбатдоши) бўлган. “Бобурнома”да шоир Биноийнинг Оққуюнлилар салтанатига, яъни Яъқуббек саройига 1487 йилда борганлиги зикр этилади: *“...Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди, ҳарифи мажлис(суҳбатдош) бўлиб эди. Яъқуббек ўлгандан сўнг ул вилоятларда турмай Ҳири(Хирот)га қайтди”*. Яъни Султон Яъқуб Биноийни ўз саройида “ҳарифи мажлис”-суҳбатдош лавозимига тайинлайди. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Мавлоно Биноий Султон Яъқуб билан учрашувини шундай ҳикоя қилган: *“Табриз вилоятига яқинлашдик. Яъқуббек мулозаматига мушарраф бўлдик. Бу дилнавоз шоҳ деди: “Бизнинг диёрда сизларга нималар ёқди?” Мен: “Дарвеш Деҳакий суҳбатидан ўзга ҳеч нарса ёқмади”, дедим. Дарвешни мадҳ ва васф қилдим. Шоҳ Деҳакийни ҳузурига чорлади.*

*(Мажлисида Деҳакий) Шоҳ билан учрашганда (йўлда ёзилган) ғазални тақдим этди. Мажлисида юз чоғлик киши ўтирганди. Мажлисида ғазални тинглаб, ҳамманинг кайфияти кўтарилди. Подшо сўради: “Ҳазрати Дарвеш фақирдан нене талаб*

<sup>594</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.340-341.

қиладилар?” Дарвеш: “Подшоҳимизнинг умрини тилаймиз”, деди”.<sup>595</sup> Биноий Султон Яъқуб хузуридаги ана шундай мажлисларда кўп маротаба иштирок этган. “Султон Яъқуб вафот этгач, Биноий Ҳиротга қайтиб, Алишер Навоий томонидан яхши кутиб олинади ва унинг мушоираларида қатнашишига муваффақ бўлади. Аммо шу вақтда аскиябозлик маҳфили(ийғини)да Навоийнинг дилини оғритиб қўяди...

Шундан сўнг Биноий Самарқандга Султон Аҳмад Мирзо хузурига кетади. У бу шаҳарда Навоийга бағишлаб ёзилган “Мажмаъ ул-ғаройиб” қасидасида улуг шоирнинг мушоиралари унга жон бағишловчи оби ҳаёт эканлигини эътироф этган:

Ҳамчу оби ҳаёт мажлиси ту,  
Руҳи жон аст руҳбахши жинон.

(Сенинг мажлисинг ҳаёт суви кабидир, У жонга руҳ бағишлагувчидир).<sup>596</sup>

1492 йилга қадар Султон Яъқуб Оқ қуюнли туркман (1478-1490) ва Бойсункур (1490-1493) саройида хизмат қилган Камолиддин Биноий Самарқандга келгач, дастлаб Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг иккинчи ўғли Хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йил 11 август куни ўлдирилган) ва Самарқанд ҳукмдори Султонали Мирзонинг хизматига кирган. 1496 йилнинг июль ойида шоир ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур Мирзонинг хизматига ўтади, 1500 йил июль ойида, яъни Самарқанд Шайбонийхон томонидан эгаллангандан сўнг у ўзбек хонига мулозамат кўрсатади ва Муҳаммад Шайбонийхоннинг сарой шоирига айланади.<sup>597</sup> Мавлоно Биноий тўғрисида Ҳерман Вамбери қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: “Мулло Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузулгунча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройининг илтифотига сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган. Ниҳоят, 1500 йил

<sup>595</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вакоъ. (Нодир воқеалар). Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.- Б.120.

<sup>596</sup> Сирожиддинов Ш. “Навоий замондошлари эътирофида”. Самарқанд.Зарафшон, 1996. –Б. 49-54.

<sup>597</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т: Ўқитувчи, 1994.-Б.216.

*Мовароуннахрда Шайбоний Муҳаммадхон уни сарой шоири қилиб олган*".<sup>598</sup> Биноий Шайбонийлар давлатида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Шайбонийхон унга ҳарбий юришлари тарихини ёзишни буюради. Шайбонийхон Ҳиротни забт этган, шоир у ерга қайтади. 1510 йилдан Насаф (Қарши) шаҳрида яшай бошлаган. 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Қарши шаҳридаги қатли омида шаҳид бўлган.

Биноий Бобур саройидаги мушоираларда қатнашган, жумладан бир қасида ва ғазалини Бобурга тақдим этган. Бу ҳақда Бобур “Навода бир амал менинг отимга боғлаб ўткарди. Ўшул аснода бир рубоий айтиб ўткарди” дейди ва қуйидаги рубоийни келтиради:

*Не галла маро к-аз ў тавонам нўшид,  
Не муҳмали галла то тавонам нўшид,  
Онроки на хўрданасту не нўшидан,  
Дар илму ҳунар кужо тавонад кўшид.*

(Мазмуни: *Не егулик галлам бор ва на кийинишига асраган кийимим бор. Ейдигани, киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай урина олсин?*)

Бобур Биноийга мушоирада шундай жавоб қайтаради:

*Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлгусидур,  
Инъоми вазифа бори буйрулгусидур.  
Ул галлау муҳмалки деб эрдинг, бердим,  
Муҳмалга бўю галладин уй тўлгусидур.*

Мулла Биноий эса Бобур таъбири билан айтганда, “бу рубоийнинг сўнгги мисраининг қофиясини радиф қилиб, ўзга қофия била бир (туркий тилда) рубоий айтади”:

*Мирзомки, шоҳи баҳру бар бўлгусидур,  
Оламда ҳунар бирла сар бўлгусидур.  
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,  
Мустаъмал агар десам, нелар бўлгусидур.*<sup>599</sup>

<sup>598</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

<sup>599</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т: Шарқ НМАК БТ, 2002. –Б.81.

Мухтасар айтганда, Ҳирот адабий муҳити намояндаларидан бўлмиш Биноий ижодига Навоий, Бобур, Роқим ўз баҳоларини беришган. Дастлаб темурий султонлар Ҳусайн Бойқаро, кейинчалик Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Султонали Мирзо, Бобур Мирзо ҳамда ўзбек хони Шайбоний Муҳаммадхон саройларида хизмат қилган Биноий ижодини тадқиқ этиш мумтоз адабиётимиз тарихини янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижодкор фарзандлари **Султон Бадиуззамон**(1458-1515), **Шоҳғариб**(1471-1496), **Фаридун Ҳусайн**(1478-1510) ва **Муҳаммад Ҳусайн Мирзо**(1476-1503)лар ижодига ҳам тўхталиб ўтган. Мазкур шахзодалар хузурида мажлислар ўтказилганлигига “Бобурнома” маълумот беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо 1507 йилда Ҳиротга борганида Музаффар Мирзо(1473-1509) ҳамда Бадиуззамон Мирзоларнинг мажлисларида бўлган: *“Музаффар Мирзонинг мажлисида бир навбат бордим. Ҳусайн Али Жалойир (шоир Туфайлий) ва Мир Бадр Музаффар Мирзо қошида эдилар. Ул мажлисда бор эдилар. Кайфият бўлгонда Мир Бадр рақс қилди, хўб рақс қилди. Ғолибо бу навъ рақс Мир Бадрнинг ихтироидур”*. Бобур Ҳиротнинг машҳур ҳофизларидан Ҳофиз Ҳожи кўшиқларини Музаффар Мирзо томонидан унинг шарафига уюштирилган мажлисда тинглаган ва бу йиғинни “Бобурнома”да шундай тасвирлаган:<sup>600</sup> *“Мажлиста назма аҳлидин Ҳофиз Ҳожи эди, Жалолиддин Маҳмуд нойи эди. Фулом Шодийнинг иниси Шоди бача эди. Чанг чолур эди. Ҳофиз Ҳожи хўб ўқур эди. Ҳири эли паст ва нозук ва ҳамвор ўқурлар. Жаҳонгир Мирзонинг бир хонандаси бор эди. Миржон отлиқ, Самарқандий эди. Баланд ва дурушт ва ноҳамвор ўқур эди. Жаҳонгир Мирзо кайфият маҳалда буюрдиким, ўқугай, гариб, баланд ва дурушт ва бемаза ўқуди...”*<sup>601</sup> Музаффар Мирзо мажлисларида Катта Моҳ<sup>602</sup> ва Кичик Моҳ<sup>603</sup> исмли

<sup>600</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.648.

<sup>601</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.144-145.

<sup>602</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.285.

<sup>603</sup> Кўрсатилган асар.-Б.290.

масхарабозлар қатнашиб, йиғинларни қизитган. *“Музаффар Мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик моҳ отлиқ қуллари бор эди, мастлиқ маҳалларда бир пора бемаза гармхўлуқлар қилдилар. Кечгача гарм суҳбат эди, мажлис тарқади”*.<sup>604</sup> Дарҳақиқат, шеърлар ўқилган ва кўшиқлар ижро этилган Ҳусайн Бойқаро мажлислари каби йиғинлар унинг фарзандлари ҳукмдорлик қилган вилоятлардаги саройларда ҳам ташкил этилган. Ўзбек адабиёти тарихида Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) ҳузурида ўтказилган “олий мажлислар” (Хуросонда шеърӣ мажлислар ана шундай деб номланган-муаллиф) каби ҳукмдорнинг фарзандлари саройларида ҳам худди шундай шеърӣят кечалари ташкил этилган. Навоӣшунос олима Суйима Ғаниева Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларининг “олий мажлислар” деб аталганлиги ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида шундай ёзган: *“Ҳусайн Бойқаро ҳузурида, унинг бевосита иштирокидаги “Олий мажлис”ларда асарлар, шеърӣят намуналари муҳокама қилинар, адабий мавзуларда қизгин суҳбатлар ўтказиларди”*.<sup>605</sup> Бадиуззамон Мирзо (1458-1515) адабий мажлислари ҳам отасининг йиғинларидек шеърӣят ва санъат аҳли билан гавжум бўлган ва уларда адабий баҳс-мунозаралар олиб борилган. Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари орасида энг оқили ва салоҳиятлиси бўлиб, у доимо илму маърифат ва ҳунар аҳлига ғамхўрлик қилган. Шаҳзода ўз саройига олим, шоир, санъаткорларни йиғиб, адабий анжуманлар ўтказиб туришни ҳуш кўрган.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоӣ Бадиуззамон Мирзо адабий йиғинларида иштирок этган ҳамда *“Фарҳод ва Ширин”* достонида *“Иккинчи бихишт”* боғида суҳбат тузган Бадиуззамон Мирзо мажлисини тасвирлаган:

*Тузуб суҳбат “Бихишти сонӣ” ичра,  
Май ичса “Боғи нав” айвони ичра.  
Ани мажлис дема, олий сипеҳри,  
Қадаҳдин даврида рахшанда меҳри.*

<sup>604</sup> Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.145.

<sup>605</sup> Ҳусайн Бойқаро. Жамолингдин кўзум равшан. Ғазаллар. (Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева).Т. Ғофур Ғулом номидаги АСН, 1991-Б.7.

*Дема меҳр ониким, меҳри сабукхез,  
Не андоқ тезрав, не ширатангез.  
Нишотафзойроқ Ноҳиддин кўр,  
Сариус-сайрроқ хуршеддин кўр.  
Қуёш бир қатла ҳар кун кўкни сойир,  
Бу мажлис чархин ул юз қатла дойир...  
Муганнийлар нишотафзо наводин,  
Чекиб Ноҳидни ҳар дам ҳаводин.  
Зарофат ҳолатида базлагўлар,  
Аторудқа қилиб ҳар дам гулулар...  
Бериб юз ганж яхши сўзга бехост,  
Ёмон сўзни қилиб ислоҳ ила рост.  
Ёмон мен айттим топиб сўзум реч,  
Анинг базмида сўз ўтмай ёмон ҳеч.<sup>606</sup>*

Яъни, янада соддароқ қилиб, насрий баён тили билан айтганда, “Бадиуззамон Мирзо “Иккинчи биҳишт” боғида мажлис тузди. Уни маъракали базм дема, юксак осмондир. Унинг даврасида порлоқ қуёш қадаҳи кезади. Уни қуёш дема, қуёш унинг тезюрарлиги ва суръатиға тенглашолмайди. Ноҳиддин ортиқроқ роҳат бахш ва хушиддан кўпроқ элкезардир. Қуёш ҳар куни бир мартаба осмонни сайр этса, бу базм осмонини юз марта айланади.

Агар қуёш кўкда суръат билан сайр этиб, бир паричеҳра учун айланиб ўргилса, бу базм созандалари роҳатбахш куйлар чалиб, кўкдан Ноҳидни туширадилар.

Лутфкор қизиқчилар зарифликда Аторудни ҳар лаҳза ҳайратда лол қолдирадилар.

Бадиуззамон Мирзо шодлик билан қадаҳ кўтарганда, қувончидан сархуш бўлса, бирор кутилмаган яхши сўзга юз хазина бағишлаб, ёмон сўзни ислоҳ қилиб тузатади.

Сўзим чувалиб мен яхши фикр юритолмадим. Унинг базмида бирор ёмон сўз айтилмайди.”<sup>607</sup>

<sup>606</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Саққизинчи том. Т. Фан, 1991.-Б.59-60.

“Лайли ва Мажнун” достони ҳам созандаю кўшиқчи ва шоирлар иштирокида ўтган мажлис ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.<sup>608</sup> “Садди Искандарий” достонида яна бир бор Султон Бадиуззамон Мирзо базми тилга олинганини кўришимиз мумкин.<sup>609</sup>

*Қадаҳ-базми айшинг аро зарнигор,  
Жавоҳир қилиб ани гавҳарнигор.  
Тўлуб ул қадаҳ лаъли раҳшон била,  
Не раҳшанда лаъл, оби ҳайвон била.*<sup>610</sup>

Шунингдек, Бобур “Бобурнома”да Бадиуззамон Мирзо мажлисини шундай зикр этган: *“Шайхӣ Нойи...удни ва гижжаскни хўб чолур экандур. Бир навбат Бадиуззамон Мирзонинг суҳбати(мажлиси)да бир ишни найдин хўб чиқарур, Қул Муҳаммад гижжаскта ул ишни чиқара олмас. Дерким гижжаск ноқис создур. Шайхӣ филҳол Қул Муҳаммаднинг илигидан гижжаскни олиб, ул ишни гижжаскта хўб ва покиза чолур”*<sup>611</sup> ва у бу билан шаҳзоданинг таҳсинига сазовор бўлган. Қолаверса Бобурнинг ўзи ҳам шаҳзоданинг бадий кечаларида қатнашган ва бундай базмларни у чоғир мажлиси деб атаган: *“Яна бир навбат Бадиуззамон Мирзо қошига боргонда намози пешиндан сўнг чоғир мажлиси бўлди. Бадиуззамон Мирзонинг мажлисини хейли таъриф қилурлар эди, филвоқиъ безилу гаи ва оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирзонинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдум”*.<sup>612</sup> Ана шундай чоғир мажлисларидан бирида Балх ҳокими Дарвиш Али Китобдор (Алишер Навоийнинг укаси)нинг хотини шоира Офоқ бегим Жалойир шаҳзодага атаб куйидаги шеърини ўқиган:

*Ман агар тавба з-май кардаам, эй сарви сиҳий,  
Ту худ ин тавба накардики, маро май надихи.*

<sup>607</sup> Алишер Навоий. Хамса. Насрий баён. (Нашрга тайёрловчи: Ў. Йўлдошев).Т. Наврўз, 2019.-Б.146-147.

<sup>608</sup> Кўрсатилган асар.-Б.307-308.

<sup>609</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий.(Насрий баёни билан). Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991.-Б.66-69.

<sup>610</sup> Кўрсатилган асар. –Б.68.

<sup>611</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т.Юлдузча, 1990.-Б.164.

<sup>612</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.143.

*(Мазмуни: Мен май ичмасликдан тавба қилган, бўлсам, эй сарв қоматли йигит, Сен эса тавба қилмагансан-ку, менга май тутмайсан.)*<sup>613</sup>

Бадиуззамон Мирзонинг ҳар бир адабий мажлисида шаҳзодага бағишланган қасидалар янграган. Шундай базмлардан бирида беназир қасиданавис шоир Ҳусайн Жалойир Туфайлий шаҳзодага бағишланган қасидаларини ўқиган дейишимиз мумкин:

*Қаддингнинг нахли жилва айлагач синди санавбарлар,  
Лабинг қилгоч табассум бебаҳолиг ўлди гавҳарлар.  
Кўзингнинг мардуми андоғ хирадни тийра айлабдур,  
Бало яъжужига сад боғлагон янглиг Искандарлар.  
Қаддингнинг ёдидин гулшан аро қум эрур гирён,  
Ки оҳи сарсаридин учди чун боғ ичра аръарлар,  
Шаҳоким ҳомиш амни амон Бадиъуззамондурсан,  
Чу адлинг қувватидин синдуруб пушти ситамгарлар.*<sup>614</sup>

Шаҳзода ҳузуридаги адабий анжуманларда машҳур шоирлар, фозиллар ва зиёлилар қатнашган. Адабий мажлислар надими (сухбатдош) Мавлоно Замоний Султон Бадиуззамон Мирзо саройи шоирларидан бири бўлган. Шоир Замоний ҳақида Навоий шундай деган: “Мавлоно Замоний – “Вафой” тахаллус қилур эрди. Фақир илтимоси била “Замоний”га тағйир берди. Икки жиҳатдин: бир жиҳат буқим, Султон Бадиуззамон Мирзо мулозими эрди”.<sup>615</sup> Форс-тожик тилида ижод қилган табризлик шоир ва шайхзода Мавлоно Халаф (15-16-аср) Ҳиротга келиб, шаҳзода Бадиуззамонга мулозимлик ва мусоҳиблик қилган, яхши шеърӣ табъга эга бўлган.”<sup>616</sup> Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис”да шоир Мавлоно Халафнинг “султонзодаи замон ҳазратида мулозим ва мусоҳиб”<sup>617</sup> бўлганини айтиб ўтган.

Бадиуззамоннинг ўзи ҳам Бадиий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Аниқроқ қилиб, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ибораси

<sup>613</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.158.

<sup>614</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон НМИУ, 2011.-Б.285-286.

<sup>615</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд.Т. Ғ.Фулум номидаги НМИУ, 2012.-Б. 359.

<sup>616</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.296.

<sup>617</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т.Ғ.Фулум номидаги НМИУ, 2012.-Б.400.

билан айтганда, “табъи ҳам назм услубида мулойим” бўлган шахзода йиғинларда ўз шеърларидан намуналар ўқиган:

*Маҳи ман, бе гули рўят дилам хун гашта чун лола,  
Жигар ҳам аз гами ҳажрат шуда паргола-паргола.*<sup>618</sup>

(Таржимаси: Эй ой (юзли гўзалим) гул юзингсиз юрагим лоладек қон боғлади. Жигар ҳам ҳажринг гамидан пора-пора бўлди).

Мухтасар қилиб айтганда, Бадиуззамон Мирзо тузган адабий йиғилишларда Алишер Навоий сингари ўз замонининг машҳур шоирлари иштирок этган ва баҳс-мунозарага киришишган. Бундай мажлислар шоирлар камолоти ҳамда мумтоз адабиётимиз тараққиётида муҳим роль ўйнаган, дейишимиз мумкин. Бинобарин, келгусида Бадиуззамон Мирзо шеърят кечаларини атрофлича тадқиқ этиш навоийшунослик илмининг янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

Шоир Осафий ҳам Бадиуззамон Мирзо 1496-1506 йилларда Балхда ҳокимлик қилган пайтида хизматида бўлган ва мажлисларида ўз шеърларини ўқиган.

Муҳтарам Президентимиз видеоселектор йиғилишларидан бирида IX-XII асрларда биринчи, XV асрда эса иккинчи Ренессанс, миллий уйғониш даври бўлганига, бугунги кунда эса мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётганига тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарорида ҳам Учинчи Ренессанс билан боғлиқ қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”.

<sup>618</sup> Кўрсатилган асар, 2012.-Б.416.

Дарҳақиқат, илму маърифат, адабиёт, мусиқа, рассомчилик санъати юксалган ўн бешинчи асрни ҳақли равишда темурийлар Ренессанси даври деб аташ мумкин. Наим Ғойибов “Амир Темур маънавияти” асарида темурийлар Ренессансининг тўрт устунини кўрсатиб ўтган: *“Соҳибқироннинг бевосита амалий саъй-ҳаракати ва раҳнамолиги туфайли мамлакатда фан, маданият, санъатнинг кўп соҳалари гуркираб тараққий топди. Маънавиятда юз берган бу юксак ақлий-маънавий ҳамда бадий юксалишининг мантиқий ҳосиласи сифатида кейинчалик, темурийлар ҳукмронлиги даврида қуйидаги тўрт йўналишда тўрт буюк мактаб юзага келди. Булар Мирзо Улуғбек раҳбарлигидаги илм-фан тараққиёти, ҳазрат Алишер Навоий бошчилигидаги бадий адабиёт равнақи, Абдулқодир Мароғий раҳбарлигидаги мусиқа илми ва амалиёти ривожини ва Камолiddин Бекзод номи билан уйғунлашган рассомчилик санъати юксалиши мактаблари эди. Бу мактабларнинг барчаси ва ҳар бири ўз даври маънавиятида ўта муҳим кашфиётлар ифодасини бўлиб, кейинги даврлар дунё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар”*<sup>619</sup>.

Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Хуросондан темурийлар Ренессанси маҳсули сифатида азиз-авлиёлар, етук олимлар, шоирлар, мутафаккирлар ва фозиллар етишиб чиқди. Ҳирот адабий муҳитининг ана шундай ёрқин намояндаларидан бири Хожа Камолiddин Осафий Ҳиравий (1440-1517)дир. *“Хожа Осафий Хуросон мулкининг вазирзодаларидандир. Отаси Хожа Наъимуддин Неъматуллоҳ Султон Абусаид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳнинг вазири эди. У Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг вазири Мавлоно Абдулалининг фарзанди эди. Ул зот шунинг учун Осафий тахаллус қилган эдики, у латофат ва нозиктаъбликда ягона, зеҳни ўткирлик ва идрокда тенгсиз эди. Фозиллар кўзининг мардуми, идрок сипеҳрининг партави. Унинг назми лафзлари жавоҳир шодасидек ташқарида мунтазам ва равшан, насри иборатлари лаъллари шўхликда Тойир насри бирла ҳампарвоз, яқгулшан. Маснавий бўстонидан мисра*

<sup>619</sup> Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2001.-Б.28.

сарвларидан маънолар шоҳидларининг чехрасини очди. Ғазал гулистонида тоза мазмунлардан беандоза ранго-ранг гуллар кўргузди. Унинг таъби равон зилолидан чаҳорчаман нозукликда ва очилган гулзори олти жиҳатдан етти иқлимда баланд овозалик мақомидадир.”<sup>620</sup> Абдурахмон Жомийнинг салоҳиятли шогирдларидан бўлмиш бу зот “Бобурнома”да етук шоир сифатида эътироф этилган бўлиб, у ҳақда Бобур шундай ёзган: *“Шуародин: Яна Осафий эди, вазирзода учун “Осафий” тахаллус қилибтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур...Ғазалдин ўзга навъ шеър кам айтуртур. Мен Хуросон боргонда мулозамат қилиб эди”*.<sup>621</sup> Бобур Мирзо билан яқиндан мулоқотда бўлган Осафийнинг девони ғазал, қитъа, рубоий каби жанрлардаги шеър намуналарини ўз ичига олади. Қасидалари ва Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” достони татаббуъсида битган асари ҳанузгача топилган эмас. Осафийнинг 2500 байтдан иборат девони Арфаъ Кирмоний сўзбошиси билан 1968 йилда Техронда нашр этилган.

Мавлоно Осафий Хуросоннинг обрўли шоирларидан бири бўлган. У доимо Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий адабий мажлисларида иштирок этиб келган. *“Дастлаб Абдурахмон Жомий, кейинчалик Навоий сардорлик қилган бу катта ижодий мактабда илмий-назарий баҳслар, қиссахонликлардан ташқари воизлик, латифагўйлик, лутф ва зарофатга жиддий эътибор бериларди. Мушоираю мубоҳисларда адиб ва ноқиллар ўз нутқларида ўтмиш ва замон воқеалари, буюк кишилар ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳикоятлар келтиришар, Қуръони Кариму Пайгамбар ҳадисларидан қироат қилишарди”*.<sup>622</sup> Ана шундай анжуманларда Осафий ўз шеърларини ўқиган ҳамда адабий мунозараларда фаол қатнашган дейиш мумкин. Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да *“Мавлоно Осафий соғлом зеҳнининг софлиги, мустақим таъбининг зукколиги билан замонанинг тамоми шоирлари ҳамда баланд мартабали фозилларидан мумтоз ва мустаснодир. Кўп вақтлардан бери*

<sup>620</sup> Шарофуддин Роқим. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.74.

<sup>621</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.138.

<sup>622</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.239.

*олиҳазрат амир Алишер (Навоий)нинг хос мулозимлари қаторида туради ҳамда унинг тарбияси ва муруввати остида фароғатда ташвишсиз ҳаёт кечиради.*”<sup>623</sup>, деган. Хондамир каби Навоий ҳам “Соқийнома”да Осафий шеърлари баҳосига Сулаймон мулки етмайди, деб лутф этади:

*Осафий улки, не назм этса рақам,  
Қиймати мулки Сулаймондур кам.*

Осафий бир муддат Балх шаҳрида Бадиуззамон хизматида бўлиб, шеърият кечаларига файз бағишлаган. Хондамир шоир шаҳзодага надимлик (суҳбатдошлик) қилганини ёзиб қолдирган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида юксак истеъдод ва кучли ҳофиза соҳиби шоир Осафий ўзининг иқтидори ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслигини танқид қилган: “...Ўзининг таъби таъриф қилгуча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не таъбин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик (чапанилик) ва раъносифатлик (мазрурлик) ва худройлик (ўзбилармонлик) била авқотин (вақтларин) зоеъ қилур. Бу навъ гариб сифоти кўндурки, агар деса сўз узолур. Мутлақо пандназир (насихатни оладиган) эрмас. Бу жиҳаттин бағоят паришондур. Яхши абъёти (шеърлари) бор”<sup>624</sup>. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да Навоий билдирган юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми бўлган қуйидаги ҳикоятни келтирган: “Бир куни соф кўнгилли Амир (Алишер Навоий) кутлуғ сўзларни баён этувчи тили билан сўзга чечанлик ва зукколик борасида замон шоирлари ва закийларининг саромади бўлган Хожа Осафийга насихат қилиб:

-Мен сенга ҳайрон қоламан. Истеъдодингнинг юқорилиги ва зеҳнингнинг ўткирлигига қарамасдан, шеър ёзиш билан кам шуғулланасан, барча вақтингни кераксиз ишларга сарфлаб юрасан,- деб қолдилар.

(Бироқ у) бунга жавобан:

<sup>623</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.74

<sup>624</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.340.

-Шу пайтларда борган сайин кўпроқ шеър ёзишга машғул бўлаяпман. Масалан, кеча кечаси икки ақчалик шам ёниб битгунча икки юз байт шеър ёздим,-деди.

(Шунда) ул ҳазрат (ҳазиллашиб):

-Унда ёзган шеърларингизнинг ҳар юз байти бир ақча экан-да,-дедилар”<sup>625</sup>.

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Осафийнинг қуйидаги форсий байти келтирилган:

*Нарехт дурди май муҳтасиб зи дайр гузаит,*

*Расида буд балое, вале бахайр гузаит.*

(Мазмуни: *Муҳтасиб майхонадан ўтганида май қуйқасини тўкмади, бир бало келган эди, лекин яхшилик билан ўтди*).

Осафий нафақат форс-тожик тилида, балки туркийча шеърлар ҳам ёзган:

*Юз балолар кўрдум, ул ороми жондин кўрмадим,*

*Икки кўзумдин ёмонлик кўрдум, ондин кўрмадим.*

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат “Тарихи Рашидий”да Осафий ҳақида жумладан шундай ёзган: “*Осафийки вазирзодадур (Султон Абусаид Мирзо вазири Наимиддин Неъматуллоҳ Қаҳистонийнинг ўғли) яхши шеърлари бордур. Ул жумладан бу байт уларнингдур.*

*Бар сари кўйи рақибон зикри он маҳ чун кунам,*

*Кофиристонист онжо Аллоҳ-Аллоҳ чун кунам?*<sup>626</sup>

Хулоса қилиб айтганда, Навоий, Бобур ва Хондамир томонидан эътироф этилган, темурийлар даврининг машҳур ва улуғ шоирларидан бўлган Мавлоно Осафий ижодини чуқур ўрганиш сўз санъаткори таржимаи ҳолини бойишига хизмат қилади ва шеършунослик илми тарихига янги-янги маълумотлар тақдим этади, деб ўйлаймиз.

“Равзат ус-салотин”да Фахрий Ҳиравий Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Мўъмин Мирзо(1486-1497)нинг ҳам

<sup>625</sup> Гиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.127.

<sup>626</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.286.

шеърлар ёзганига тўхталиб, ғазалларидан ва мухаммаси(Жомий ғазалига боғлаган мухаммас)ни келтирган.<sup>627</sup>

Навоий “Мажолисун-нафоис”да **Шоҳ Ғариб Мирзо** (1470-1496) шеъриятига юқори баҳо бериб, “*Шўҳ таълиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назри маъдум ва мутахаййила ва ҳофизада адили номаълум*”, деган.

Шоир Мавлоно Оҳий узоқ йиллар Шоҳ Ғариб Мирзо хизматида бўлиб, мажлисларида қатнашган.<sup>628</sup>

Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо вафотида бағишланган марсияда унинг базмларини зикр этган:

*Тахт холи қолибон, базм паришон аҳвол,  
Шоҳсиз базм била тахтқа не бўлгай ҳол...  
Шеъру девони бу мотамда қаро айлаб юз,  
Ўйлаким сўз боши, шингарфи доғи қолмай, ол...  
Шиша қон ёш оқизиб, даф била най нола қилиб,  
Базмининг ҳасратидин чанг куюб уд мисол...  
Шуаро шаҳрда барча яқолаб чок айлаб,  
Тош уруб кўксига, ҳар ён чекибон вовайло.*<sup>629</sup>

Бобур ШоҳҒариб тўғрисида “Бобурнома”да шундай ёзган: “*Шоҳ Ғариб Мирзо ...букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. “Ғарибий” тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдурким:*

*Дар гузар дидам парирўе шудам девонааш,  
Чист номи, ў, кужо бошад надонам хонааш.*<sup>630</sup>

(*Таржимаси: Гузарда бир пари юзни кўриб девона бўлдим, унинг исми нима, уйи қаерда эканини билмадим*).

Шоҳ Ғариб Мирзо ҳузурида ташкил этилган шеърят кечаларида Хуросоннинг машҳур шоирлари ҳам қатнашган.

<sup>627</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.65-67.

<sup>628</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.74.

<sup>629</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирманчи том. Т. Фан, 1991. –Б.442-445.

<sup>630</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Юлдузча, 1990.-Б.149.

Шоиртабъ **Фаридун Ҳусайн Мирзо**(1478-1509)ни Навоий “*Фаридун ҳасаблиқ ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим виқорлиқ ва хулқи адаб ва ҳурмат шиорлиқ, ё кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона...Хўб таъби ва мулойим зеҳни бор*”,<sup>631</sup> деб таърифлаган. “Мажолисун-нафоис”да форсча ва туркийча шеърлар ёза оладиган шахзоданинг қуйидаги туркча матласи келтирилган:

*Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,  
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар.*<sup>632</sup>

Ўз даври анъанасига биноан барча темурий мирзолар қошида ўтказилгани каби Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳузурида ҳам шеърят кечалари ташкил қилинган.

**Бобур Муҳаммад Ҳусайн Мирзо** (1476-1496) ҳақида ёзар экан, “*Ироқта муни(Муҳаммад Ҳусайн Мирзо) ва Шоҳ Исмоил (Сафавий)ни банд қилгон экандурлар. Ул вақт анга мурид бўлуб экандур, сўнгра гализ рофизий бўлуб эди. Бовужудким, ота-ога-иниси бори сунний, бу мундоқ рофизий...Ана хейла мардона ва баҳодир дерлар эди. Ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, битимакка лойиқ бўлғай. Таъби назми бор экандур*”:

*Олудаи гардт зи паи сайд ки гашти,  
Фарқи арақи дар дили гарм ки гузашти.*<sup>633</sup>

(Таржимаси: Ов кетидан юришинг билан чангга ботдинг, қизгин юракка таъсиринг билан терга ботдинг).

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ҳузурида ҳам мушоиралар уюштирилганига шак-шубҳамиз йўқ. Чунки, бу ўз даврининг анъанаси саналган. Ҳар бир шахзодага ўнлаб шоирлар хизмат қилиб, мажлис ташкил этган. “Амир Темур жаҳон тарихида” китобида Султон Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари ҳам ижоддан четда турмай, шоирлар билан суҳбат – мажлис қургани шундай қайд этилган: “*Эътиборли жиҳати шундаки, бу даврда фақат шоҳ(Ҳусайн Бойқаро)нинг ўзи эмас, балки унинг ўғиллари ҳам*

<sup>631</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.417.

<sup>632</sup> Кўрсатилган асар.-Б.417.

<sup>633</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Юлдузча, 1990.-Б.150.

адабиётдан узоқда турмаганлар ва бошқа шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлишган.”<sup>634</sup>

Яна шуни таъкидлаш жоизки, “Мажолис ун-нафоис”да зикр этилмаган Иброҳим Ҳусайн Мирзони Бобур “табъи ёмон эмас”<sup>635</sup> деб таъкидлаган. Хондамир эса шоир Мавлоно Оҳий Шох Ғариб Мирзо вафотидан сўнг Муҳаммад Муҳсин Мирзо хизматига ўтганини айтиб ўтган.<sup>636</sup> “Бобурнома”да ёзилишича, ғазални ажаб йўсинда ёзган шоир Оҳий охирги пайтларда Ибн Ҳусайн Мирзо қошида хизматда бўлган.<sup>637</sup>

Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да “Мажолис ун-нафоис”да номи қайд этилмаган Кепак Мирзо ҳақида шундай деган: “Султон Муҳсин Мирзо (1476-1507) ҳам Султон Ҳусайн Мирзонинг фарзанди эди ва Кепак Мирзо номи билан машҳур эди. Ва зоят хўбсурат ва писандида ахлоқ эди. Ва Мавлоно Моний Косагир (шоир Моний) ва Мавлоно Дарвиш Равғангар тарбият қилган ва унинг мажлиси надимлари эдилар. У сўзга чечан, топқир ва хурсандчиликни севувчи подшоҳ эди.”<sup>638</sup> Кепак Мирзо Муҳсин таҳаллуси билан шеърлар ёзган:

*Бе меҳри маҳруён Муҳсин намитавон буд,  
Шоҳаст ишқбози инаст кори борам.*<sup>639</sup>

(Таржимаси: Моҳрўйларнинг меҳрисиз Муҳсин бўла олмас, Ишқбозликда шоҳдир, будир кори борим).

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, темурий ҳукмдорлар ҳузуридаги адабий мажлислари миллий адабиёт ривожига муҳим рол ўйнаган.

Иккинчи Ренессанс деб аталадиган бу даврда Темурий ҳукмдорлар ҳузуридаги адабий мажлисларнинг ўзига хос маданий ва адабий роли мавжуд бўлган. Айни мажлисларда ўқилган ва баҳсларга сабабчи бўлган шеърлар воситасида темурийлар

<sup>634</sup> Аҳмедов А. Амир Темур жаҳон тарихида. Т. Шарқ НМАК БТ, 2001. –Б.170.

<sup>635</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Юлдузча, 1990.-Б.150.

<sup>636</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғуллом номидаги АСН, 1985.-Б.74.

<sup>637</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Юлдузча, 1990.-Б.151.

<sup>638</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.64.

<sup>639</sup> Кўрсатилган асар.-Б.64.

муҳитидаги адабий-эстетик кадриятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Навоийдан ташқари замондош шоиру тарихчилар ва Ҳусайн Бойқаро даври адабий муҳити ҳақида маълумотлар келтирган муаллифлар ҳам бундай адабий мажлислар адабиёт ривожидан тутган ўрни билан тўхталганлар.

Умуман олганда, тўрт юз эллик тўққиз нафар шоир ва назм аҳли ҳақида маълумот берувчи - “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидан маълум бўладиги, адабий ҳаётда юзлаб кишилар иштирок этган. Шоир бўлмаган ҳукмдору амалдорлар ҳам ақалли бирор байт шеър ёзишга ва адабий мажлислар ташкил этишга, ўз атрофида шоирларни тўплаб, рағбатлантиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун “Мажолис ун-нафоис”да ёзилганидек, адабий жараёнларда турли хил касб эгалари, хунармандлар, табиблар, хаттотлар, наққошлар, мадраса мударрислари, диндорлар, олимлар шоирлар билан баробар иштирок этиб, шеър айтишган. Бу эса шоиртабиат подшоларнинг адабиётга эътибори махсули сифатида қарашимиз мумкин.

Дарвоқе, Халил Султон, Султон Искандар, Мирзо Улуғбек, Бойсунқур, Султон Иброҳим, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби темурий ҳукмдорларнинг мумтоз адабиётни ривожлантиришга бу қадар эътибор беришининг боиси нимада? Ўзига ҳамду сано ўқитиш учун маддоҳ шоирларни кўпайтириш, кўнгилхушлик учун адабий мажлислар ташкил этишмиди?, деган савол туғилади. Унга шундай жавоб бериш мумкин. Бизнингча, темурий ҳукмдорлар маънавиятнинг, адабиётнинг жамият тараққиётида, салтанат кудратида тутган ўрнини тўғри тушунишган, маданият, илм-фан, бадиий адабиёт давлатнинг шонига шуҳрат кўшажагини англашган, теран ҳис этишган. Шунинг учун адабиёт аҳлини кадрлашган, шоирларга ғамхўрлик кўрсатишган. Ўз ўрнида айтиш лозимки, Султон Ҳусайн Бойқародек темурий ҳукмдорлар махсус рисола ёзиб, Ҳирот ва унинг атрофида минг яқин шоирлар борлиги билан фахрланишган.

## ХУЛОСА

Биз Алишер Навоий асарлари асосида темурийлар даври адабий мажлисларини ўрганиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўзбек адабиётшунослигида истиқлол йилларида собиқ иттифоқ даврида ўрганилмаган жабҳалар тадқиқ этила бошланди. Айтиш лозимки, яқин ўтмишимизда сарой адабиёти ва ҳукмдор синфлар ижоди мафкуравий талабларга жавоб бермаганлиги сабабли деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки, сарой адабиёти ўтмишда мумтоз адабиётимиз ривожига муҳим рол ўйнаган. Шунинг учун бугунги кунда темурийлар даври сарой адабиётининг ажралмас қисми бўлмиш адабий мажлисларни ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жумладан, XIV-XV асрларда адабиёт ривожига локомотив вазифасини ўтаган Темурий ҳукмдорлар саройларида ҳамда бу даврдаги давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, шоирлар Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсо Бухорий, Муҳаммад Табадгоний, Хожа Абдулазиз Жомий, Абдурахмон Жомий, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Саййид Ҳасан Ардашер, Пахлавон Муҳаммад каби зиёлилар ҳузурида ўтказилган адабий мажлислар ва бошқа маънавият йиғинларини ўрганиш муҳим вазифа.

2. Амир Темури ва темурийлар даври адабий мажлислари XIV ва XV асрларда мажлисларнинг “олийси”, яъни олий мажлис деб эътироф этилган. Ўз даврининг шоирлари, адиблари, фозиллари – зиёлиларини бирлаштирган шеърий йиғинлар Алишер Навоий ва унинг замондошлари, шоирлар, тарихнавислар томонидан зикр этилган. Тадқиқотимиз давомида адабий мажлислар моҳияти, уларда олиб борилган мушоиралар, мунозаралар, иштирокчилари ва уларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, мажлис аҳлининг йиғинлардаги ўрни, анжуманларнинг ўз бошловчилари, хизматдаги надимлари, мажлисни жонлантирувчи ва қизитувчи шоирлари бўлганлиги аниқланди ҳамда темурийлар даврида ўтказилган мажлислар турлари тавсифланди.

3. Темурийлар даври адабий мажлислари мусулмон Шарқда: Араб халифаликлари, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ғурийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар каби ҳукмдор сулолалар ҳузурида ўтказилган адабий йиғинлари таъсирида шаклланди ва уларда мавжуд анъаналар сақлаб қолинди, дейиш мумкин. Энг муҳими, ҳар бир темурий ҳукмдор бу анъаналарни ривожлантириб борди. Бойсунқур ва Абулқосим Бобур Мирзолар ҳузуридаги машҳур адабий йиғинлар ҳам ўз даврида адабиёт, санъат ва маданият юксак даражада тараққий этганининг белгисидир. Бироқ Шарқ мумтоз адабий мажлисларининг юқори чўққиларидан бири сифатида Султон Ҳусайн Бойқаро шеърят кечаларини кўрсатиш мумкин. Чунки улар кўплаб шоирлар, фозиллар, санъаткорлар ва зиёлиларни жалб қила олган ҳамда Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий, Ҳилолий, Мажлисий каби кўплаб шоирлар ижодида муҳим аҳамият касб этган.

4. Алишер Навоий асарларини таҳлил қилиш, Ҳусайний, Навоий каби шоирлар шеърларига татаббулар боғлаш, тасаввуф, бадий жараёнлар ва шеърлар, асарлар ҳақида фикр-мулоҳаза, баҳс-мунозара юритиш, ўз даврининг машҳур шоирлари шеърларига басталанган қўшиқларни ижро этиш Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги шеърӣ мажлислар мазмунини ташкил этган ва саройдаги бундай йиғинлар ёш истеъдодли сарой шоирлари ижодини руёбга чиқишида ва танилишида муҳим аҳамият касб этган. Биринчидан, ижодкор саройга бормаса, фақатгина шоирлик билан кун кўролмас, салоҳиятли шоир бўлиб етишолмас эди. Иккинчидан, агар шоир саройдан фойдаланмаса, унинг овозини бутун мамлакат эшитмас эди. Босмаҳона ҳали ихтиро этилмаган, матбуот, телевидение, интернет бўлмаган бу даврда, ўз асарларини бутун мамлакатга ёйиш ва ёзиб қолдириш учун сарой яккаю – ягона имконият манбаи бўлган.

5. Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар ҳузурида шеърят йиғинларидан ташқари, уламолар ёки машойихлар мажлислари ўтказилган. Мазкур йиғинларда Ислom дини, шариатга оид масалалар ҳақида сўз юритилган. Ўз даврининг машҳур олимлари,

уламолари ва дин пешволари тўпланган уламолар мажлиси мусулмон мамлакати ҳисобланган темурийлар давлати учун муҳим ҳисобланган. Тасаввуф билан боғлиқ самоъ йиғинлари, риндлар базмлари темурийлар даврида айрим тариқат пирлари ҳузурида ташкил этилган. Тадқиқотимиздан маълум бўладики, бундай йиғинларда дарвешлар томонидан Навоий ғазалларини ўқиб зикр тушиш, муғаннийлар эса унинг шеърларига куй басталаб куйлаши урф бўлган. Умуман олганда, самоъ йиғинлари мумтоз сўфиёна шеърият ва мусиқа, яъни мақом, рақс санъати тараққиётига хизмат қилган.

6. Муаммо ечиш мажлислари – Алишер Навоий ҳузурида ташкил этилган йиғинлардан биридир. Темурийлар даврида кенг тарқалган бундай мажлисларда иштирок этиш ва муаммолар ечишда фаол бўлиш шоир салоҳиятини белгилаб берган. Шунинг учун муайян шоирлар фақат муаммо ёзиш билан махсус шуғулланганлар ва муаммоларини муаммо ечиш мажлисларига тавсия этганлар.

7. Темурийлар даврида махсус қиссахонлик кечалари ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари адабий мажлисларда қиссахонлар томонидан машҳур қиссалар ўқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Соҳибқирон Амир Темури ва темурий ҳукмдорлар ҳузурида ҳам ана шундай қиссахонлик кечалари доимий ўтказилган. Чунки Амир Темури ва унинг авлодлари тарихий ва қаҳрамонлик мавзусидаги қиссалар эшитишни хуш кўришган.

8. Адабий мажлислар – қасида каби шеърий жанрнинг янада ривожланишига олиб келди. Темурий ҳукмдорларга бағишлаб ёзилган дилбар қасидалар шоирларнинг юксак қобилият эгаси бўлганликларидан далолат беради. Саккокий, Лутфий, Исматилло Бухорий, Мавлоно Бурундук, Навоий, Шайхим Сухайлий, Туфайлий, Ҳилолий каби шоирлар ижодида қасиданинг бетакрор намуналарига дуч келиш мумкин.

9. Темурийлар даври шеърий йиғинларида тезлик билан бадиҳалар тўқиш ёки подшоҳлар тавсия қилган ғазалларга татаббулар айтиш анъанавий тус олганлигини зикр этиш лозим.

Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларда шоирларга ўз шеърларига ёки бошқа шоирлар ғазалларига татаббуъ ёки тахмис боғлашга чорлаган.

10. Алишер Навоий ва бир қатор унинг замондошлари асарларидан темурийлар даври адабий мажлислари ҳақида турли маълумотлар олиш мумкин. Бир томондан, темурий хукмдорлар ҳузуридаги адабий мажлислари ўзига хос маданий ва адабий жиҳатдан ўринга эга бўлган. Иккинчи томондан, айна мажлисларда ўқилган ва баҳсларга сабабчи бўлган шеърлар воситасида темурийлар муҳитидаги адабий-эстетик қадриятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари адабий мажлислардаги шеър матнларининг бизга маълум бўлиши, улар устидаги баҳслар воситасида биз, шеърга муносабат, унинг таҳлили ва шеър илми тарихига оид маълумотларни билиб оламиз. Темурийлар даври адабий мажлислари тадқиқи учун Алишер Навоий асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Навоий дostonлари ва қасидаларида султон Хусайн Бойқаро  
базмлари(мажлислари) картинаси**

**1. “Хамса” нинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидан:**

*Боғи Ирам саҳнида базм айласа,  
Бадаи ноб ичгали азм айласа.  
Қилса навозандалар оҳанги руд,  
Аҳли гино тортса дилкаш суруд.  
Соқийи гулчеҳра тутар бирла қўш,  
Айласа базм аҳлига торожи ҳуш.  
Шаҳлар адабдин тикибон ерга кўз,  
Сўрамаса, бегларга не имкони сўз.  
Анжумани гулишани гардун бўлуб,  
Анда қуёш соғари майдин тўлуб.  
Зухра сурудини матоъ айлабон,  
Бадр бу мажлисда самоъ айлабон.  
Балки Аторид каби ҳардам Суҳайл,  
Зоҳир этиб мадҳ адосига майл.  
Базми бўлиб гулишани ахзар киби,  
Қурси газак ҳар сари ахтар киби.<sup>640</sup>*

**2. “Фарҳод ва Ширин” дostonидан:**

*Ало то подшоғлиг боқий ўлгай,  
Тараб базмида маҳваши соқий ўлгай.  
Бинойи салтанат зотингга боқий,  
Саодат маҳваши базмингда соқий.  
Бу соқий илгидин жоминг паёнай,  
Зилоли Хизр ул жоминг аро май.  
Кетур соқий, шароби армани соз,  
Тут они шоҳ мадҳин айлаб оғоз.*

**3. “Лайли ва Мажнун” дostonидан:**

*Базми аро ҳар фақиҳи моҳир,  
Бир масъала қилди эрса зоҳир.  
Юз шубҳа қилиб бори муважжаҳ,  
Ким ноқил эмас биридин оғаҳ.  
Чун масъалагўй қолиб муаттал,  
Ўз шубҳаларин ўзи қилиб ҳал.  
Ул деб не ўқуб варақда мутлақ,*

<sup>640</sup> АНМАТ. 7-том.-Б.70-71.

Бу дею неки кўнглига солиб Ҳақ,  
Чун масъала бобида сочиб дур,  
Юз мужстаҳид айлабон таҳайюр.  
Ҳар ердаки ул дебон масойил,  
Андин фуқаҳо ёзиб расойил.  
Кўнглида масойил онча маълум,  
Ким, бўлмай юз кутубда марқум.  
Кўшиши илан они ёд тутмай,  
Бир қатлаки эшитиб унутмай.  
Ҳар нуктаки кўргузуб вузуҳин,  
Шод айлаб Абу Ҳанифа руҳин.  
Йўқ фикҳ фақат ҳадиси тафсир,  
Ҳар қайдаки, дахл қилди бир-бир.  
Ҳар ёнки таважжух этти-етти,  
Андоқки керак такаллум этти.<sup>641</sup>

#### **4. “Сабъаи сайёр” достонидан:**

Разм аро барқи тиги оламсўз,  
Базм аро шамъи ройи меҳр афрўз...  
Даврайи базминг ичра турған эл,  
Шоҳлар қулугингга бағлаб бел.  
Ишлари ерга кўз тикиб турмак,  
Кимга ҳад демагунча ўлтурмак.  
Чун бўлуб ҳукм ўлтуруб бори,  
Ерлик ўз ерига ики сори.  
Тутубон соқийи париваш май,  
Гулда шабнам киби узориди ҳай.  
Илгидин май чу боданўш олибон,  
Май била ул гулоби хуш олибон.  
Лек мажлис шукуҳидин не ҳад,  
Кўзни ердин олурга аҳли хирад.  
Тушгач аҳли наво чалиб дерга,  
Зухрани кўкдан индируб ерга.  
Ики ёндин муганний ики хайл,  
Жонга тандин чиқарга солиб майл.  
Ўнгда туркиनावоз уруб достон,  
Кўзголиб ҳар навода Туркманистон.  
Тортқан турк нағмасида суруд,  
Ақзиб халқ кўзларидин руд.  
Сўл сори форси сурудун нағам,  
Фитнайи Форс, бал Ироқу Ажам.  
Кавкаби жом акси ламъафиган,

---

<sup>641</sup> АНТАТ. 7-жилд. -Б.36-37.

*Тоб аро уйлаким, Суҳайли Яман.  
Тоб ила ул Суҳайли ранги раҳиқ,  
Чеҳра рангин ясаб нечукки, ақиқ.  
Нӯш этарда бу роҳи райҳоний,  
Юз гул очиб юзунг гулистони.  
Базмни бу биҳиштваиш бӯстон,  
Айлабон ҳар замон баҳористон.*<sup>642</sup>

**5. “Ситтаи Зарурия” қасидалари туркумидаги “Минҳож ун-нажот” қасидасидан:**

*Гаҳи кишварситой гавҳари дуржи Умаршайхӣ,  
Дами соҳибқиронӣ ахтари авҷи Темурхонӣ  
Абулғозӣ шаҳи олиғуҳар Султон Ҳусайн омад,  
Ки омад хон, бин хон то ҳарими Ёфас ўғлонӣ.  
Аноре бошад аз тоси фавокеҳ базми жоҳатро,  
Қазо гар жавфи гардунро кунад нур лаъли руммонӣ,  
Бутон ҳар сӯ чу анжум, анжумаиш чун кирми шабтоб аст,  
Чу гардад меҳри роят моили базми шабистонӣ.*<sup>643</sup>

*(Таржимаси: Дам Умаршайх гавҳар сандигининг эгаси, дам Темурхон юлдузи авжининг бахтиёр кишисидир. Абулғози Султон Ҳусайн аслзодалардандир. У хон ўғли хон, Ёфас ўғлонидир. Қазо агар дунёнинг бўшлигини қизил лаълга айлантурса, шоҳона базмингда мевалар қўйилган тосдаги анорга ўхшайди. Табъинг қуёши кечки базмга майл кўрсатса, гўзаллар ҳар томонда юлдузчадир. Юлдузлар эса, кечаси ёнадиган қуртчадир.)*

**6. “Ситтаи зарурия”даги “Насим ул-хулд” қасидасидан:**

*Абулғозӣ сипеҳри салтанат Султон Ҳусайн омад,  
Ки то одам бувад аждоди султон ибни султонаиш.  
Паи ором боги мулкдорӣ гулиани даҳраиш,  
Дар ў ду мавзеъи базм омади Эрону Тӯронаиш.*<sup>644</sup>

*(Таржимаси: Султон Ҳусайн Бойқаро салтанат осмонининг Абулғозийси бўлиб келди. Одам Ато давридан бошлаб аждодида султонлик насаби давом этиб келади. Дунёнинг гулиани унинг мулкдорлик богининг оромгоҳидир. Эрон ва Турон унинг базм қурадиган икки мавзеидир)*

**7. “Фусули арбаа”нинг “Баҳор” қасидасидан:**

<sup>642</sup> Алишер Навоий. Сабаи сайёр. – Т. Ғ.Фуллом номидаги АСН, 1991.-Б.55-58.

<sup>643</sup> АНМАТ. 20-том. –Б.266.

<sup>644</sup> Кўрсатилган асар. –Б.285-286.

*Абулғозӣ сипеҳри салтанат Султон Ҳусайн – он шоҳ,  
Ки аз дарёи жӯдаиш қатра ёбӣ баҳру уммонро.  
Чу аз майдони разму жайиш баргаишта ба фирӯзӣ,  
Паи оини базму айиш зинат баҳиш айвонро.  
Паи хушҳолиш аҳли тараб аз нуктаи жонбахш,  
Сикандарваши фуру резӣ ба соғар оби ҳайвонро.  
Ба даврат соқияна моҳнайкар бода гардонанд,  
Кашида мутрибона Зӯҳраоин савту илҳонро.  
Хаёли дармандиҳои шиқат уфтад дар сар,  
К-аз оҳу ашк зоҳир сози андар базм тӯфонро.<sup>645</sup>*

*(Таржимаси: Абулғозий – салтанат гумбази, Султон Ҳусайн, у шоҳнинг – саховат дарёси олдида денгизу уммон қатра кабидир. Лашкаринг билан жангу жадал майдонидан галаба билан қайтганинда, базму айиш барпо этиш ийўлида кўшкка зийнат бағишлайсан. Мажлис аҳлининг хушҳоллиги учун жонбахш сўзларинг билан бирга, Искандар Зулқарнайндай қадаҳларга оби ҳаёт қўясан. Атрофингда моҳнайкар соқийлар қадаҳ айлантирадилар, Зухраваши чолғучилар куй-қўшиқни авж пардага етказадилар. Сенинг отаиши шиқинг дардлари хаёли бошга тушигач, оҳ-воҳ ва кўз ёшидан базмда тӯфон соласан.)*

#### **8. “Фусули арбаа”нинг Дай(Қиш) қасидасидан:**

*Муғаннию ҳарифию соқии дилкаш,  
К-аз ин се-чор наёяд адад фузун ба ҳисоб.  
Нишот кун, ки муғанний адо кунад, ин шеър:  
Ба ёди мажлиси шоҳаншаҳи рафеъ жаноб.  
Нужуми кавкабаи Султон Ҳусайни дарёдил,  
Ки баҳри рифъат ўро фалак шудаст ҳубоб.  
Пайи фузунии шират базми ҳаишмати ту,  
Ки он зи мадди камонча аст ё навои рубоб,  
Зи размгоҳ чу ба айвони базм ронӣ раши,  
Ҳазор Кисрову Кайхусрават равон ба рикоб.  
Даруни қасри фалак рифъати жаҳоноро,  
Ниҳода базми Каёнӣ кунӣ чу майли шароб.<sup>646</sup>*

*(Таржимаси: Муғаннию аҳли дил ва дилкаш соқий пайида бўл, ана шу уч-тўрт ҳисобни оширишидан манфаат ийўқ. Муғанний бу шеърни нафосат билан ижро этганидан шодлан, олиқадр шаҳаншоҳнинг мажлисини ёдга олиб. Қалби дарё Султон Ҳусайннинг юлдузи порлоқлигидан, юксаклиги шунчаларки, фалак ҳам унинг олдида пуфакдек гап. Сенинг*

<sup>645</sup> Кўрсатилган асар. –Б.305.

<sup>646</sup> Кўрсатилган асар. –Б.311-320.

ҳашаматли базмингда ширатни авж олдириши учун, муганнийлар камонга ёки рубоб оҳангларига зўр берадилар. Фалакдек юксак ва жаҳонни безовчи қасринг ичида – каёний базмларини доғда қолдириб, шароб базми уюштирасан. Равшанки, жанг майдонида кўрсатган жасорат олдида олиқадр базмларининг тенги йўқ, айланувчи чарх бундай нотақрор икки ҳолатни тушида ҳам кўрган эмас.)

### **9. “Муншаот”нинг 75-мактубида базм ва базм аҳли:**

Шоҳ даргоҳида азизу соҳиб қадр,  
Замона қуёшининг нури Сайд Бадр.  
Отадан энди тугилмас ундай ўғил,  
Шоҳнинг яқин хизматчиси Мири Мўгул.  
Шоҳга жонини нисор этгувчидир у,  
Шоҳга Хусайн ҳам унга жонини берур.  
Шоҳ давлати соясида қадаҳкашу гухарпош,  
Ким, уни дерлар Муҳаммад кўкалтош.  
Аллоҳ карамига муяссар бўлсин,  
Оти бўлгани каби Маҳмуд.  
Шоҳ базмида қадаҳ тутгувчи,  
Мир Дарвеш Муҳаммад сувчи.  
Чалган куйи зоти каби мулойим,  
Бошида хизматдан бошқа нарса йўқ доим.  
Эгрида келиштириб куй чалувчи,  
Яъни чангчи устознинг фарзанди.  
Яна шоҳ хизматида ботир,  
Ҳамсуҳбат ғамхўру Банда бобо.  
Яна бир дўстимизки софу покдир,  
Ҳам вафолигу, ҳам жафо тортгувчидир.  
Барча фазилатларда тенгсиз бебадал,  
Отидек бўлгани каби унинг Афзал.  
Барчасининг хоксору хоки пойи,  
Ғариби бенаво, яъни Навойи.  
Дуо қилиб бу тариқа айтмоқчики,  
Шоҳ базмида майдан кайфингиз чоғ экан.  
Бордию йўқотган итларин ёд этса шоҳ,  
Мени ҳам қилгайсиз ёд гоҳ-гоҳ.<sup>647</sup>

<sup>647</sup> Алишер Навоий. Муншаот. – Т. Маънавият, 2001.-Б.70-71.

**АДАБИЙ МАЖЛИСЛАР ҶЎҚИЛГАН ШЕЪРЛАР**  
**Сайид Ҳасан Ардашер томонидан темурийлар адабий йиғинларида**  
**ўқилган шеърлар:**

*(Навоийдан)*

*Фурқатингдин заъфарон узра тўқармен лолалар,  
Лолалар эрмаски бағримдин эрур парголалар.*<sup>648</sup>

\*\*\*\*\*

*Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анга,  
Ишқи дин олам манга ҳайронун мен ҳайрон анга.*<sup>649</sup>

\*\*\*\*\*

*Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳаййурдин,  
Ажаб ҳолатки, болни тутмай бармоқ ялайдурман.*<sup>650</sup>

\*\*\*\*\*

*Ҳар нечаки пухта бўлса тадбир,  
Берур анга гўшмол тақдир.*<sup>651</sup>

\*\*\*\*\*

*(Лутфийдан)*

*Нозиклик ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.*<sup>652</sup>

\*\*\*\*\*

*Улки ҳуш этти баҳона элни шайдо қилғали,  
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.*<sup>653</sup>

\*\*\*\*\*

*Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,  
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.*<sup>654</sup>

\*\*\*\*\*

*(Мавлоно Муқимийдан)*

*Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,  
Сендин ўзга вужудқа не вужуд?*<sup>655</sup>

---

<sup>648</sup> АНТАТ. 10-жилд. -Б.8.

<sup>649</sup> Кўрсатилган асар.-Б.8.

<sup>650</sup> Кўрсатилган асар.-Б.8.

<sup>651</sup> Кўрсатилган асар.-Б.8.

<sup>652</sup> Кўрсатилган асар.-Б.8.

<sup>653</sup> Кўрсатилган асар.-Б.8.

<sup>654</sup> Кўрсатилган асар.-Б.9.

<sup>655</sup> Кўрсатилган асар.-Б.9.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Сиёсий адабиётлар

1. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. “Маънавият”, 2008. – 178 б.
2. Ш. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т. “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
3. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т. “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Ш. Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т. “Ўзбекистон”, 2018. – 508 б.
5. Ш. Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т. “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
6. Ш. Мирзиёев. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т. “Ўзбекистон”, 2020. – 456 б.
7. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 2017 йил 8 февраль, № 28 (6722).-Б.1-2.

### 2. Адабий манбалар

8. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т. Фан, 1987. – Т.1. -723 б.
9. Алишер Навоий. Наводир ун-нихоя. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1987. – Т.2. - 620 б.
10. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1988. – Т.3.-616 б.
11. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1989.Т.4.-557 б.
12. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1990. – Т.5.-541 б.

13. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1990. – Т.6.-568 б.
14. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ.20-жилдлик. – Т. Фан, 1991. – Т.7.-392 б.
15. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1991. – Т.8.-544 б.
16. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1992. – Т.9.-356 б.
17. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1993.Т.10.-448 б.
18. Алишер Навоий. Садди исқандарий. МАТ.20-жилдлик. – Т.Фан, 1993.Т:11.-640 б.
19. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1996. – Т.12.-326 б.
20. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1997. – Т.13.-284 б.
21. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб., Муншаот, Вақфия. МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 1998.Т.14.-303 б.
22. Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ.20-жилдлик. – Т. Фан, 1999. – Т.15.-236 б.
23. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки аҷам. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. МАТ.20-жилдлик. – Т. Фан-2000. – Т.16.-336 б.
24. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20-жилдлик. - Т.Фан, 2001.Т.17.-519 б.
25. Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ.20-жилдлик. - Т.Фан, 2002. – Т.18.-551 б.
26. Алишер Навоий. Девони Фоний (Давоми). МАТ. 20-жилдлик. – Т. Фан, 2003.Т.19.-600 б.

27. Алишер Навоий. Девони Фоний (давоми). Қасидалар, Муфрадот. Иловалар. МАТ.20-жилдлик. – Т. Фан, 2003. – Т.20.-567 б.
28. Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. ТАТ.10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.1.-804 б.
29. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. ТАТ. 10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.2.-772 б.
30. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. ТАТ.10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.Ж.3.-764 б.
31. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. ТАТ. 10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.Ж.4.-840 б.
32. Алишер Навоий. Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутахаййирин. ТАТ.10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж. 5.-860 б.
33. Алишер Навоий. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ.10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.6.-808 б.
34. Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъаи Сайёр. ТАТ. 10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.7.-696 б.
35. Алишер Навоий. Хамса: Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. ТАТ.10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.Ж.8.-712 б.
36. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Мажолис ун-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. ТАТ. 10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.9.-768 б.
37. Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. ТАТ. 10-жилдлик. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.Ж.10.-692 б.
38. А. Навоий. “Насойим ул – муҳаббат. Ҳикоятлар ва ҳидоятлар”. – Т. “Ўзбекистон”, 2015. -232 б.

39. Алишер Навоий. “Навоийдан чу топқайлар навое”. – Т. Ҳилол-Нашр, 2014. -240 б.
40. Алишер Навоий. “Муҳокамату-л-луғатайн”. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. – Т. Академнашр, 2017. -128 б.
41. Алишер Навоий. Махбуб ул қулуб. – Т. Янги аср авлоди, 2019. -320 б.
42. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр”. – Т. Янги аср авлоди, 2019. – 544 б.
43. Алишер Навоий. Муншаот. / Изоҳ баён муаллифи Ю.Турсунов. – Т. Маънавият, 2001. -152 б.
44. “Алишер Навоий ва 21 аср”. Республика илмий – назарий анжумани материаллари. – Т. “ТАМАДДУН”. 2017. -316 б.
45. “Алишер Навоий ва 21 аср”. Республика илмий – назарий анжумани материаллари. – Т. “ТАМАДДУН”. 2018. -408 б.
46. “Алишер Навоий ва 21 аср”. Халқаро илмий – назарий анжумани материаллари. – Т. Навоий университети НМБ, 2019. -556 б.
47. “Алишер Навоий ва 21 аср”. Халқаро илмий – назарий анжумани материаллари. – Т. “Машҳур -пресс”, 2020. -632 б.
48. “Алишер Навоий ва 21 аср”. Халқаро илмий – назарий анжумани материаллари. – Т. Навоий университети НМБ, 2021. -658 б.
49. “Абадият гулшани”. Мақолалар, шеърлар. (лойиҳа муаллифи Ў. Раҳматов). – Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2013. -128 б.
50. “Навоий замондошлари хотирасида”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1985. -224 б.
51. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул – ахлоқ. – Т. Ғ. Ғулом номидаги НМИУ. 2015. -208 б.
52. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-жилд. – Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2016. - 538 б.
53. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 2-жилд. – Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2016. - 482 б.
54. Абдурахмон Жомий. “Лайли ва Мажнун”. “Саломон ва Абсол”. (О.Бўриев таржимаси). – Т. Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1989. - 224 б.

55. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ/ Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-398 б.
56. Фаридуддин Аттор. “Илоҳийнома”. Насрий таржима, талқин, тафсир. – Т. “Ёзувчи”, 1994. -96 б.
57. Фахруддин Али Сафий. Рашоҳату айнил-хаёт. – Т. Абу Али Ибн Сино, 2004. -536 б.
58. Фахруддин Али Сафий. “Латофатнома”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1996. -192 б.
59. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1967.-224 б.
60. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. – Т. Меҳнат, 1991. -327 б.
61. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. – Т. Ижод, 1992. -193 б.
62. “Мавлоно Румийдан ҳикматлар”. “Қалб кўзингни оч”. – Т. “Наврўз”, 2015. -84 б.
63. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Т. “Шарқ”. НМАК БТ. 2002. -336 б.
64. Зайниддин Восифий. “Бадоеъул вақоеъ”. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. -108 б.
65. Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи”. – Т. “Чўлпон”. 1994. -250 б.
66. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. “Тарихи Рашидий”. – Т. “Ўзбекистон”, 2011. -704 б.
67. Муҳаммад Солиҳ. “Шайбонийнома”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -336 б.
68. Муиниддин Натанзий. “Мунтахаб ут-таворихи муиний”. – Т. “Ўзбекистон”, 2011. -264 б.
69. Низомий Арузий Самарқандий. “Нодир ҳикоятлар”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1985. -96 б.
70. “Темур тузуклари”. – Т. “Ўзбекистон”. 2014. -184 б.
71. Фахрий Ҳиравий. “Равзат ус-салотин”. “Жавоҳир ул-ажойиб”. – Т. “Мумтоз сўз”, 2014. -192 б.

72. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Гарозий. Фунун ул-балоға. – Т. Хази́на, 1996. -212 б.
73. Ҳусайн Бойқаро. “Жамолингдин кўзум равшан. Ғазаллар” (Нашр. Тайёрдовчи С.Ғаниева). – Т. Ғ. Ғулом номидаги НМБ, 1991. -32 б.
74. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). – Т. “Шарк” НМК БТ, 1995. -160 б.
75. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т. Мерос, 1994. -112 б.
76. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. – Т. Мерос, 1993. -344 б.
77. Доно Алишер. (Нашр тайёр.М.Жўраев). – Т. Ғ. Ғулом номидаги НМИУ. 2016. -300 б.

### **3. Илмий-назарий адабиётлар:**

78. Абдуғафуров А. “Ҳазойин ул-маоний”дан четда қолган ғазаллар// Навоий ижод олами (Мақолалар тўплами). – Т. Фан, 2001. -160 б.
79. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1995. -248 б.
80. Абдужалил ўғли Б. Мерос ва ихлос. -Андижон. 1995. -68 б.
81. Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. -Хўжанд. Р.Жалил номидаги давлат нашриёти, 1996. -200 б.
82. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. -Д. Нури маърифат, 2003. -80 б.
83. Абдуқодиров А. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. -Д. Нури маърифат, 2014. -180 б.
84. Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. -Хўжанд. 1994. -140 б.
85. Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. -Хўжанд. 1994. -110 б.
86. Абдуллаев В. Алишер Навоий Самарқандда. – Т. Билим жамияти, 1967. - 38 б.
87. Абдулхайр М. Навоий асарларида сўз ва ибораларнинг матний асослари. – Т. Тафаккур бўстони, 2009. -300 б.

88. Акрам Б. “Фасоҳат мулкининг соҳибқирони”. – Т. “Ўзбекистон”, 2016. - 368 б.
89. Афоқова Н. Шеърят ва сабабият. – Т. Академнашр, 2012. -52 б.
90. Аҳмедов Б. “Тарихдан сабоқлар”. – Т. “Ўқитувчи”, 1994. -432 б.
91. Аҳмедов Н. Тарихий шахс талқини. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. - 92 б.
92. Аъзамов А. “Алишер Навоий ғазалларида ҳазил-мутойиба”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -160 б.
93. Азизов С. Алишер Навоий асарларида фалакиёт сирлари. – Т. Ўзбекистон, 2018. -136 б.
94. Бекмуҳаммад У. “Навоийнинг армонлари”. – Т. “Янги аср авлоди”, 2011. - 164 б.
95. Билингвизм ва интерференция муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Термиз. 2018. 402 б.
96. Вагабова Э.Р. К вопросу о литературно-музыкальных меджлисах в городах северного Азербайджана (XIX – начало XX в.) // Aspectus. 2015. №4, С. 10-20.
97. Валихўжаев Б. Навоий ижоди – илҳом манбаи. – Т. Фан, 1981. -192 б.
98. Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис” таржималари. – Т. Фан, 1984. -94 б.
99. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод олами. -Бухоро. 1994. -200 б.
100. Воҳидов Р. Навоий барҳаёт. – Т. Фан, 1991.-140 б.
101. Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. – Т. Фан, 1992. -88 б.
102. Ғаниева С. Алишер Навоий: Ҳаёти ва ижоди/Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Т. Фан, 1968. -148 б.
103. Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2001. -48 б.
104. Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги 15 илмий-амалий конференцияси тезислари. -Тошкент. 2018. -340 б.
105. Зоҳидов В. “Улуғ шоир ижодининг қалби”. – Т. “Ўзбекистон”, 1970. -495 б.

106. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Т. Фан, 1986. -160 б.
107. Иброҳимов А. “Бизким, ўзбеклар”. – Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2011. -464 б.
108. Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Т. Маънавият, 2015. -264 б.
109. Исҳоқов Ё. “Сўз санъати сўзлиги”. – Т. “Ўзбекистон”, 2014. -320 б.
110. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т. Фан, 1983. -163 б.
111. Комилов Н. “Тасаввуф. – Т. Мовароуннаҳр, 2009. -448 б.
112. Комилов Н. “Тафаккур карвонлари”. – Т. “Маънавият”, 1999. -310 б.
113. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т. Тамаддун, 2012. 316-б.
114. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. (Алишер Навоийнинг форсий касидалари). – Т. Маънавият, 2001. -250 б.
115. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т. Маънавият, 2005. -320 б.
116. Мадаев О. “Навоий суҳбатлари”. – Т. “Ўқитувчи”, 2018. -248 б.
117. Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. – Т. Фан, 1978. -88 б.
118. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. – Т. Фан, 1968. -102 б.
119. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. – Т. Ўқитувчи, 1980. -122 б.
120. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1991. -48 б.
121. Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари. Республика илмий конференция материаллари. -Самарқанд. СамДУ, 2018. -402 б.
122. Материалы форума гуманитарных наук “Великая степ” 2. Международная тюркская академия. - Астана. 2018. –С 610.
123. Маҳмуд М. “Навоий ижодига янгича қараш”. – Т. “Meriyus”, 2015. -192 б.
124. Маҳмуд М. Яна Навоийни ўқиб. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. -160 б.
125. Муҳаммад Н. “Анқони маҳрам қилдингиз”. “Навоийнома”. – Т. “Маънавият”, 2004. -72 б.
126. Муҳаммад Н. “Сирли зарварақлар”. – Т. “Ўзбекистон”, 2016. -198 б.

127. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т. Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. -162 б.
128. Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. – Т. Ғ.Ғулум номидаги АСН, 1995. - 300 б.
129. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т. Маънавият, 2005. - 208 б.
130. Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. – Т. Фан, 1990. –С 140.
131. Нарзуллаева С. Алишер Навоий. – Т. Фан, 1996. -78 б.
132. Олим С. “Ишқ, ошиқ ва маъшук”. – Т. “Фан”, 1992. -80 б.
133. Олим С. Луқмаи ҳалол. – Т. Маънавият, 1997. -170 б.
134. Олим С. Навоий –ёшларга. – Т. Абу матбуот –консалт, 2008. -88 б.
135. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т. Ўқитувчи, 1996. -78 б.
136. Олим Ф. “Навоий наздида комил инсон”. – Т. “Маънавият”, 2015. -32 б.
137. Очилов Э. Алишер Навоий. – Т. Абу матбуот-консалт, 2011. -274 б.
138. Очилов Э. “Барҳаёт сиймолар”. – Т. Ўзбекистон, 2012. -424 б.
139. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Т. Ўзбекистон, 2011. -204 б.
140. Ражабов Н. Навоий – олим ва мураббий. -Самарқанд. 1971.-102 б.
141. Ражабова Б. “Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ”. – Т. Турон замин зиё-2015. -202 б.
142. Ражабова М. Навоийнинг шеърӣ дурдонаси. – Т. Фан, 2008. -170 б.
143. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. – Т. Фан, 2015. -84 б.
144. Рустамий А. “Адиблар одобидан адаблар”. – Т. “Маънавият”, 2003. -112 б.
145. Рустамий А. Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами. – Т. Наврӯз, 2014. - 310 б.
146. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т. Ғ.Ғулум номидаги АСН, 1979. -216 б.
147. Салоҳӣ Д. Навоий назмиёти. -Самарқанд. Зарафшон, 2013. -180 б.

148. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий –типологик, текстологик таҳлили. – Т. Академнашр, 2011. -326 б.
149. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. -Самарқанд. Зарафшон, 1996. -65 б.
150. Сирожиддинов Ш. Юсупова Д. Давлатов О. Навоийшунослик. – Т. Академнашр, 2020. -576 б.
151. Солиҳова Ҳ. Алишер Навоий ва уйғур адабиёти. - Андижон. 1994.-54 б.
152. Султон И. “Навоийнинг калб дафтари”. – Т. Ғ.Ғулум номидаги БАН, 1969. -416 б.
153. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т. Ўқитувчи, 1980. -392 б.
154. Тўхлиев Б. “Тасаввуф ҳикматлари”. – Т. Баёз, 2015. -210 б.
155. Тўхлиев Б. Алишер Навоий ва ёшлар тарбияси. – Т. Баёз, 2015. -128 б.
156. Тўхлиев Б. Бадиий уммон қатралари. – Т. Баёз, 2015. -100 б.
157. Тўхлиев Б. Навоий ғазаллари. – Т. Баёз, 2015. -180 б.
158. Уватов У. “Донолардан сабоқлар”. – Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. -96 б.
159. Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. Илмий –назарий анжуман материаллари. -Наманган. НамДУ, 2018.-402 б.
160. Ўринбоев А. Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактубларида. – Т. Фан, 1990. -280 б.
161. Ўринов А. Бўриев О. “Ғиёсиддин наққошнинг хитой сафарномаси”. – Т. “Фан”, 1991. -68 б.
162. Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси. – Т. Фан, 1996. -62 б.
163. Ҳайитметов А. “Навоий лирикаси”. – Т. “Ўзбекистон”, 2015. -328 б.
164. Ҳайитметов А. “Темурийлар даври ўзбек адабиёти”. – Т. Фан, 1996. -162 б.
165. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Т. Ғ.Ғулум номидаги БАН, 1970. -100 б.
166. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т. Фан, 1963. -200 б.

167. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т. Ўқитувчи, 1993. – 216 б.
168. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1974. - 180 б.
169. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т. Фан, 1983. -150 б.
170. Ҳаққул И. “Тақдир ва тафаккур”. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2007. -336 б.
171. Ҳаққул И. “Тасаввуф ва шеърят”. – Т. Ғ. Ғулом номидаги НМБ, 1991. - 184 б.
172. Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. – Т. Юлдузча, 1989. -148 б.
173. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Т. Фан, 2007. -224 б.
174. Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиначлари. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. -106 б.
175. Ҳасанов С. Навоийнинг 7 тухфаси. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1991. - 193 б.
176. Ҳасанова А. Зуннунов А. Мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т. Ўқитувчи, 1983. -98 б.
177. Ҳасаний М. Таърихларда Навоий васфи. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991. -32 б.
178. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т. Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1990. -96 б.
179. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т. Шарқ НМК БТ, 1998. - 158 б.
180. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2009. -208 б.
181. Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т. Шарқ НМАК БТ, 2004. -350 б.
182. Ҳомидий Ҳ. Навоий наздида Фирдавсий анъанаси. – Т. Ўзбекистон, 1985. -88 б.
183. Ҳомидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. – Т. Фан, 1995. -178 б.
184. Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва усмонли шеърятти. – Т. Мухаррир-2011. -196 б.
185. Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т. Янги аср авлоди, 2011. -220 б.

186. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1971. - 110 б.
187. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т. Ҳилол-нашр, 2016. -296 б.
188. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. -Хўжанд. 1967. -254 б.
189. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Т. Ўқитувчи, 1989. -310 б.
190. Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. – Т. Фан, 1990. -204 б.
191. Шомухамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари. – Т. Фан, 1963. - 200 б.
192. Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Т. Академнашр, 2015. -80 б.
193. Эргашев Қ. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. – Т. Фан, 2012. –С 148.
194. Эркинов С. Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Т. Фан, 1992. -68 б.
195. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Т. Фан, 1985. -88 б.
196. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т. Мумтоз сўз, 2011.-144 б.
197. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври) – Т. Тамаддун, 2016. -304 б.
198. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Т. Ўзбекистон, 1981. – 37 б.
199. Ғаниева С. Алишер Навоий: ҳаёти ва ижоди . – Т. Фан, 1968. -148 б.
200. Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Т. Шарқшунослик институти, 2009. -30 б.
201. Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Т. Фан, 2000. -120 б.
202. Қаяюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2014. –272 б.
203. Қаяюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Т. Фан, 1992. -48 б.
204. Қаяюмов А. Алишер Навоий. – Т. Ўзбекистон, 2011. -42 б.

205. Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд. – Т. Мумтоз сўз, 2008. -402 б.
206. Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. – Т. Мумтоз сўз, 2008. -398 б.
207. Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Т. Мумтоз сўз, 2009. -410 б.
208. Қаюмов А. Асарлар. 4-жилд. – Т. Мумтоз сўз, 2009. -378 б.
209. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари: Алишер Навоий ижоди хақида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985. -256 б.
210. Қаюмов А. Нодир саҳифалар. Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. – Т. Фан, 1991.-144 б.
211. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. – Т. Маънавият. 2011. -320 б.
212. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991. -194 б.
213. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т. Фан, 2007. -227 б.
214. Қораев Ш. Авлиёлар авлиёси. Қарши. Насаф, 2017.-168 б.
215. Қораев Ш. Навоий ўқиган китоблар. Қарши. “Қашқадарё кўзгуси ОАВ”, 2018.-176 б.
216. Қораев Ш. Навоий адабий мажлислари. Қарши. “Қашқадарё кўзгуси ОАВ”, 2019. -144 б.
217. Қораев Ш. Навоий ўқиган китоблар.(Қайта тўлдирилган нашр). Т. “Lesson Press”, 2020.-172 б.
218. Қораев Ш. Навоий мажлислари. Т. “Lesson Press”, 2020.-324 б.
219. Qorayev Sh. Navoiy majlisleri. (Qayta to'ldirilgan nashr). Т. “Lesson Press”, 2021.-312 б.
220. Nagieva C. *Azerbaijanda Navai*. - Baki, 2001. -160 б.

**ШЕРХОН ҚОРАЕВ**

# **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИ**

(Алишер Навоий қарашлари асосида)

“Donismand ziyosi” нашриёти -2021

Мухаррир  
Бадий муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Саҳифаловчи

Ваҳоб Раҳмонов  
Дилмурод Мулла-Ахунов  
Ойсанам Исмоилова  
Гулчеҳра Аҳмедова

Нашриёт лицензияси АА № 0049 18.03.2020.  
Босишга 2021 йилнинг 19 декабрда рухсат этилди  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.  
Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи 15,81  
Нашр ҳисоб табоғи 15,81. Адади 100.

«Donismand ziyosi» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй